

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИ
ОМОНИМЛАРИНИНГ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

УНИВЕРСИТЕТЛАР ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ
СТУДЕНТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1984

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор А. ҒУЛОМОВ,
филология фанлари кандидати Т. АЛИҚУЛОВ.

Филология фанлари доктори, профессор И. ҚУЧҚОРТОВЕВ
жамоатчилик асосида таҳрир қилган.

Ҳозирги ўзбек тилидаги омонлексемалар акс эттирилган бу луғатда 497 омонфода остига бирлашувчи 1160 дан ортиқ лексема тасвирланди. Дастлаб омонлексемаларга тарихий-этимологик изоҳ берилиб, кейин маъноси таърифланди, русча эквиваленти кўрсатилгач, шу омонимдан ясалган лексемалар саналди, сўнгра бу омоним қатнашадиган бирикма, гап берилиб, охирида текстли мисол келтирилди.

Луғатга омофонлар, омографлар илова қилинди.

Луғат филология факультети студентларига, тил ва адабиёт ўқитувчиларига мўлжалланган. Бу луғат илмий ва бадий ижод билан, публицистика билан шуғулланувчи зиёдилар учун ҳам фойдали қўлланма бўлади.

Шартли белги ва қисқартмалар	4
Кириш	5
I. Луғатга омонлексемаларнинг танланиши	—
II. Луғат мақоласининг тузилиши	13

ЛУҒАТ

А—16	Қ—72	Х—148
Б—24	Л—85	Ч—149
В—44	М—87	Ш—158
Г—44	Н—89	Э—162
Д—48	О—91	Ю—166
Е—57	П—100	Я—168
Ё—60	Р—105	Ў—169
Ж—64	С—108	Қ—176
З—66	Т—123	Ғ—194
И—67	У—143	Ҳ—195
Й—71	Ф—146	

Иловалар	198
Омофонлар	—
Омографлар	202
Урғу ўрнига кўра фарқланувчи лексемалар	207

Шартли белги ва қисқартмалар қуйидагиларни билдиради.

- < — белгининг учли томонидаги лексема акси томонидаги лексема асосида юзага келганини:
 авра [< тожикча *абра...*] каби;
- ~ — вариант ҳолатида эканини:
 дам VI 2 (~ дим II) каби;
- [] — 1) омонифодадаги факультатив қисм эканини:
 киш[т] каби;
 2) асоснинг фонетик кўриниши эканини:
 у [ул] каби;
- .. — мисол текстида сўз ташланганини;
- сўзлаш.* — сўзлашув нутқида мансуб лексема (семема) эканини;
- фольк.* — халқ оғзаки ижоди асарларидагина учрайдиган лексема (семема) эканини.

I. Луғатга омонимларнинг танланиши

1. Омонимия, худди синонимияда ва антонимияда бўлганидек, минимум икки тил бирлиги орасида юзага келади. Бундай муносабатларни белгилашда тил бирликларининг ҳар икки томони — ифода плани ҳам, мазмун плани ҳам — ҳисобга олинади. Синонимияда ва антонимияда тил бирликларининг мазмун плани асосга олинса, омонимияда, аксинча, ифода плани етакчи ҳисобланади.

Омонимия ҳақида гап бошлаш учун тил бирликлари ифода планига кўра бир хил, тенг бўлиши керак. Ифода плани деб икки ҳодиса назарда тутилади: талаффуз, айтилиш (товуш ифодаси) ва ёзилиш (ҳарфий ифода). Адабий тилда тил бирликларини ўзаро омоним дейиш учун улар бир хил талаффуз қилинадиган ва ёзиладиган фонемалар тузуми билан ифодаланиши керак.

2. Омонимлар, аввало, бир тил доирасида белгиланади: бошқа тилга мансуб, ҳали ўзбек тилига ўзлашмаган лексема билан ўзбек тилидаги лексемани ўзаро омоним деб бўлмайди.

Иккинчидан, омонимия бир тил тараққиётининг муайян босқичи доирасида белгиланади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайдиган (эски ўзбек тилига мансуб) лексема билан ҳозирги ўзбек тилидаги лексемани ўзаро омоним дейиш ўринли эмас. Лекин ҳозирги ўзбек тилида ёзилган асарлар текстида эски ўзбек тилига мансуб лексемалар анчагина учрайди, шуни ҳисобга олиб, ҳозирги ўзбек тилидаги лексеманинг омоними бўлган баъзи историзм лексемалар луғатга киритилди.

Учинчидан, омонимия адабий нутққа ва сўзлашув нутқида нисбатан алоҳида-алоҳида белгиланиши керак. Шунга кўра луғатда асосан ҳозирги ўзбек адабий ти-

лига мансуб лексемалар тасвирланди, сўзлашув нутқи-га хос лексемалар чекланган миқдорда киритилди.

3. Бошқа лингвистик ҳодисаларда бўлганидек, омонимияни ҳам тил босқичида ва нутқ босқичида алоҳида-алоҳида баҳолаш керак. Тил босқичида омонимия тил бирликлари орасида (лексемалар орасида, морфемалар орасида, фразеологик бирликлар орасида) мавжуд бўлади, нутқ босқичида эса нутқ бирликлари орасида (сўзформалар орасида, бирикмалар орасида) юз беради.

Лексемалар орасида воқе бўладиган омонимияни омолексемия деб, бундай лексемаларни омолексемалар деб юритамиз. Сўзформалар орасида воқе бўладиган омонимияни омосўзформия деб, бундай сўзформаларни эса омосўзформалар деб юритамиз.

Лексема ёзувда сўзформадан охирига дефис қўйиб фарқланади. Масалан, ўзбекча **тер** омонифодаси остига иккита сўзформа бирлашади: **тер I** — «тери ости безлари ишлаб чиқарадиган рангсиз суюқлик» от лексемасининг бирлик, бош келишикдаги формаси, **тер II** — «битталаб йиғиб ол» феъл лексемасининг аниқ даража, бўлишли, буйруқ майлининг II шахс бирлигидаги формаси. Демак, **тер I** билан **тер II** ўзаро омосўзформалар.

Ҳар икки омосўзформа таркибидан нутқда қўшиладиган грамматик характеристикаларни олиб ташласак, **тер-I** ва **тер-II** омолексемаларига эга бўламиз. Бу омолексемалар нутқда фақат айрим сўзформаларида шаклан тенг келиб қолади: **тер I** — **тер II**, **теринг I** — **теринг II**, **терингиз I** — **терингиз II**, **терларинг I** — **терларинг II**. Бошқа сўзформаларида эса фарқланиб туради: **тер-I** от лексема сифатида грамматик сон, эгалик, келишик формаларини ва баъзи бошқа формаларни олади (камида 72 сўзформа шаклида бўла олади), **тер-II** эса феъл лексема сифатида даража, бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон, шахс-сон формаларини ва баъзи бошқа формаларни олади (1500 дан ортиқ сўзформа шаклида бўла олади). Бу лексемаларнинг сўзформалари орасида шаклан бир хиллик юқорида саналганлар билан чекланади. Демак, бу омолексемалар омоформаларга тенг (омоформа омолексемалар).

Агар омолексемалар бир туркумга мансуб бўлса, улар барча муқобил сўзформаларида шаклан тенг келади, демак, омоним бўлади. Масалан, **боғ-I** («бирор нар-

санинг тўдалаб боғланган ҳолати») ва **боғ-II** («ток, ме-вали дарахт кўп экилган ер участкаси») от лексемалар сифатида барча муқобил сўзформаларида тенг келади: **боғлар I** — **боғлар II**, **боғим I** — **боғим II**, **боғини I** — **боғини II** ва бошқалар. Бундай омолексемаларни омоним омолексемалар деб юритамиз.

Луғат омолексемалар асосида тузилди, шунга кўра, омоним омолексемалар ҳам, омоформа омолексемалар ҳам қамраб олинди.

4. Луғат мақоласининг вокабуласи сифатида келтирилган омонифодани асли лексемага тенг деб қараб, **тер -**, **боғ -** каби шаклда (дефис билан) ёзиш назарий жиҳатдан тўғри. Асли омонифодага бирлашувчи омолексемаларни ҳам дефис билан ёзиш керак. Лекин бундай йўл тутиш лексикография традициясига хилоф келиб қолади.

Луғатлар асли лексема асосида тузилади-ю, лекин вокабула сифатида лексема эмас, балки шу лексеманинг нутқда учрайдиган бир шакли — товуш ифодаси жиҳатидан лексемага тенг ҳолатдаги сўзформаси — танланади. Масалан, луғатга **боғ-** от лексемаси **боғ** сўзформаси (лексема + бирлик + бош келишик) шаклида киритилади.

Феъл лексемаларни луғатга киритишда бу принцип бузилади: **кеч -** феъл лексемаси **кеч** сўзформаси (лексема + аниқ даража + бўлишли + II шахс бирлиги) шаклида эмас, балки **кечмоқ** сўзформаси (лексема + аниқ даража + бўлишли + ҳаракат номи) шаклида киритилади.

Омолексемалар асосида тузилган луғатда от ва феъл лексемаларни бир хил шаклда бериш зарурияти туғилади: булар луғатга, масалан, **боғ-**, **кеч-** каби лексема ҳолатида ёки **боғ**, **кеч** каби талаффузи жиҳатидан энг содда сўзформа ҳолатида киритилиши керак. Назарий жиҳатдан тўғриси — лексема ҳолатида киритиш. Лекин лексикография традицияси билан ҳисоблашишни лозим деб билиб, омолексемаларни луғатга талаффузи энг содда сўзформаси шаклида киритдик.

Омолексемаларни луғатга бундай шаклда киритиш билан, биринчидан, лексемаларни (аниқроғи — сўзформаларни) луғатга киритиш шакли унификация қилинади, иккинчидан, тилимиздаги омолексемалар луғатда тўлиқроқ қамраб олинади.

5. Товуш тузуми жиҳатидан лексемага тенг келадиган сўзформа билан лексемага грамматик маъно ифодаловчи аффикс қўшиб тузиладиган сўзформа орасидаги омонимия лугатда ўз аксини топмади: нутқ босқичида пайдо бўладиган бундай шаклий тенг келиш тил босқичида йўқолади. Масалан, **олма** (**олма** - лексемаси + бирлик + бош келишик) сўзформаси билан **олма** (**ол** - лексемаси + аниқ даража + бўлишсиз + II шахс бирлиги) сўзформаси асосида шаклан тенг келмайдиган лексемалар ётади, шунга кўра бундай ҳодисалар омолексемалар лугатига, ўз-ўзидан киритилмади.

Юқоридаги принципга амал қилиб, ясама лексема билан туб лексемага грамматик маъно ифодаловчи аффикс қўшилганда воқе бўладиган шаклий тенг келиш ҳам қамраб олинмади. Масалан, **терим** сўзформаси **тер**-**фёъл** лексемасига **-им** лексема ясовчисини қўшиб ҳосил қилинган лексеманинг бирлик, бош келишик формасига тенг. Нутқда **тер** - от лексемасининг **терим** сўзформаси (**тер**- лексемаси + бирлик + I шахс бирлик эгалик аффикси + бош келишик) тузилганда, булар орасида шаклан тенг келиш содир бўлади. Лекин нутқ босқичидаги бундай шаклан тенг келиш тил босқичида йўқолади. **Тер** - I от лексемаси билан **тер** - II фёъл лексемаси — ўзаро омолексемалар; асли лексема ясовчи **-им** билан эгалик аффикси **-им** ҳам ўзаро омоморфемалар. Лекин бу аффикслардан биринчиси — дериватив, лексеманинг таркибига киради, иккинчиси — форматив, лексеманинг таркибига кирмайди. Лексемалар шаклан тенг бўлмагач (**терим** -, **тер** -), булар омолексемалар лугатига киритилмади.

6. Омолексемалар асли ҳар хил (фарқли) фонемалар таркибига (талаффузга) эга бўлиб, тил тараққиётининг кейинги босқичида товуш ўзгаришига учраб, бир хил талаффуз қилинадиган бўлиб қолади. Бундай товуш ўзгариши юз берганини аниқса омолексемалар асли ҳар хил системага (оилага) мансуб тилларники бўлса, осонгина англаб олиш мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида ўзбекча **бўй**- I («узунлик ўлчами») лексемасига тожикча **бўй**- II («ис, ҳид») лексемаси, ўзбекча **сана**- II (<сон + а) лексемасига арабча **сана**- I («алоҳида таъкидланадиган дата») лексемаси, арабча **карам**- I («раҳмдиллик») лексемасига тожикча **карам**- II («барглари

ўрам бўлиб ўсадиган сабзавот») лексемаси, арабча **алиф**- I (араб алфавитидаги биринчи ҳарфнинг номи) лексемасига рус тилидан ўзлашган юнонча **алиф**- II («қуйдирилган зиғир мойи») лексемаси омолексема ҳолатида ва бошқалар. Турли системага (оилага) мансуб тилларнинг лексемаси бўлгани сабабли бундай омолексемалар ўз-ўзидан асли фарқли талаффуз қилинган, ўзбек тили манбаида талаффуздаги фарқ йўқолиб, омолексемалар юзага келган.

7. Омолексемалар бир тилники бўлганида ҳам, асли талаффузи (товуш таркиби) фарқли бўлиб, тил тараққиётининг кейинги босқичида бир хил талаффуз қилинадиган бўлиб қолади. Масалан, **ис**- I («бўй, ёқимли ҳид») билан **ис**- II («тутун») ҳозирги ўзбек адабий тилида бир хил талаффуз қилинади (омолексемалар), аслида эса **ис**- I таркибидаги унли чўзиқ ва юмшоқ, **ис**- II таркибидаги унли эса қисқа ва қаттиқ талаффуз қилинган (бундай фарқли талаффуз баъзи ўзбек шеваларида ҳозир ҳам сақланиб келади).

Мана бу мисолда бошқача товуш ўзгариши содир бўлган: ҳозир **жар**- I («сел ўйиб кетган узун чуқур ер») ва **жар**- II («фармонни ёки бирор ҳодисани баланд овоз билан эълон қилиш») каби бир хил талаффуз қилинадиган лексемалардан биринчиси асли **йор**-каби, иккинчиси **чор**-каби талаффуз қилинган ва бошқалар.

8. Омолексемалар бошқа-бошқа туркумга мансуб экани — ишончли критериялардан бири. Бунда икки ҳолатни фарқлаш керак: омолексемалар бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган ёки ўсиб чиққан бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда омолексемалар икки бошқа-бошқа лексеманинг талаффуз жиҳатидан тенг келиб қолиши натижасида, иккинчи ҳолатда эса бир лексеманинг маъно тараққиёти натижасида юзага келади. Масалан, **енг**- I («кийимнинг қўлни қоплаб турувчи қисми») от лексемаси билан **енг**- II («ғолиб кел, устун кел») фёъл лексемаси, **кул**- I («бирор нарсанинг ёниши натижасида ҳосил бўладиган қорамтир минерал модда») от лексемаси билан **кул**- II («завқ-шавқни, хурсандликни билдирадиган товушлар чиқар») фёъл лексемаси биринчи ҳолатни акс эттиради.

Мана бу омолексемалардан бири иккинчисидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан: **юқ**- I («оз миқдорда

ёпишиб, ифлос қил») билан **юқ- II** («бирор нарсага ёпишиб қолган қолдиқ») ўзаро, **кенгаш- I** («маслаҳатлаш») билан **кенгаш- II** («маслаҳатлашиш йиғини») ўзаро, **юқ- I** («ён кўлами нисбатан кичик») билан **юқ- II** («хамирни юқга ёйиб, қиздирилган қозонда ҳар икки томонини ағдариб пишириб, сўнг ичига қиймали пиёздоғ солиб, тўрт бурчак шаклида тахлаб тайёрланадиган овқат») ўзаро ва бошқалар.

9. Бири иккинчисидан ўсиб чиққан омолексемалар айна туркумга мансуб бўлса, булар полисемем лексемадан семалар асосида фарқлаб олинади: омолексемалардан ҳар бири одатда бошқа-бошқа семалар таркибига эга бўлади. Масалан, **ой- I** («ернинг табиий йўлдоши») лексемаси билан **ой- II** («ўрта ҳисобда 30 кунлик вақт») лексемасининг семалар таркиби бир-биридан тамоман фарқ қилади (айни вақтда «30 кунлик вақт» қадимдан **ой- I** англатган планета билан белгилангани ҳам маълум). Шунингдек, **ўқ- I** («камонга солиб отиладиган найза») билан **ўқ- II** («икки учига ғилдирак ўрнатиладиган текис қаттиқ предмет»), **қўр- I** («устини кул босиб турган чўғ») билан **қўр- II** («ота-бободан ўтиб келаётган бойлик, мол-мулк запаси») лексемаларининг семалар таркибида ҳам шундай ҳолатни кўрамиз ва бошқалар.

10. Полисемем лексеманинг семалари бир туркумга мансуб бўлиши лозим: асос ва ҳосила семалар айна бир туркумга хос бўлса, бундай семантик тараққиёт натижасида кўпинча полисемемия вужудга келади. Масалан, **бош-** лексемасининг «организмнинг бўйиндан юқори (олд) қисми», «мия», «ақл-идрок» каби семалари от туркумига мансуб бўлиб, ўзаро полисемемия ҳосил этиб туради, демак, бир лексемага бирлашади. Булардан ташқари, **бош-** лексемасининг «энг олдинги, биринчи», «раҳбарлик қилувчи», «асосий, муҳим» каби семалари ҳам борки, бу лексик маънолар сифат туркумига мансуб. Белгини англатиши жиҳатидан бундай семалар ҳам ўзаро полисемемия ҳосил этади, демак, бир лексемага бирлашади. От семаларни бирлаштирувчи **бош-** билан сифат семаларни бирлаштирувчи **бош-** биргаликда битта лексема деб қаралиши керакми ёки иккита лексема деб қаралиши керакми? Лексикография практикасида бу тип ҳодисалар полисемемия сифатида тасвирлаб келинади.

Бошқа-бошқа туркумга хос семаларни англатувчи бундай лексемаларда, масалан, белгини англатувчи семема предметни англатувчи семема асосида ва аксинча тараққиёт натижасида юзага келади, бири иккинчисидан ўсиб чиқишига кўра полисемемияга ўхшайди. Лекин категориал (туркумлик) семасига кўра фарқланиб туриши бундай семаларни бир лексемага бирлаштириш нотўғри эканини кўрсатади. Асли маъно тараққиёти доим полисемемияга олиб келавермай, балки ўрни билан бир лексема асосида бошқа бир лексеманинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Кейинги тип тараққиёт натижасида омонимия воқе бўлади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларга суяниб, ҳозиргача бир лексемага мансуб деб келинган предмет ва белги англатувчи семаларни бошқа-бошқа лексема деб, демак, омолексемалар деб қарадик. Луғатга ана шу тип мисоллардан ҳам киритилди.

11. Шунингдек, лозимки, отнинг сифатлашуви, сифатнинг отлашуви каби синтактик ҳодиса натижасида эмас, балки от асосида сифатнинг, сифат асосида отнинг юзага келиши (семантик-грамматик ҳодиса) натижасидагина омолексемалар пайдо бўлади. Масалан, *Я х и ш и г а ёндаш, ёмондан қоч* гапида **яхши-**, **ёмон-** сифат лексемалари отлашган, лекин отга кўчган эмас. От лексема бажарадиган вазифада сифат лексема келгани сабабли, синтактик вазифага боғлиқ ҳолда, сифат лексемага нутқда предметлик семаси қўшилади, отлашиш юз беради. Предметлик семаси бундай сифат лексеманинг доимий семантик компоненти бўлмайди.

Бир туркум семемаси асосида бошқа бир туркум семемаси юзага келиши учун туркумлик семаси («предмет», «белги», «ҳаракат» кабилар) бу семаларнинг семалар таркибига тил босқичида бирқитилган бўлиши керак. Акс ҳолда бир туркум лексемасининг бошқа бир туркум лексемаси каби (ўрнида) ишлатилиши ҳодисаси юз беради, бунда янги семема ҳам, янги лексема ҳам юзага келмайди.

Бир туркум семемаси асосида бошқа бир туркум семемаси юзага келганда, категориал (туркумлик) семасидан ташқари, семаларнинг лексик семалари составида ҳам жиддий ўзгаришлар воқе бўлади. Масалан, **иссиқ- I** сифат лексемаси асосида **иссиқ- II** от лексемаси

юзага келган. Бунда: 1) «белги» категориал семаси «предмет» категориал семасига алмашган, 2) сифат лексема лексик семалари составидаги «норма (ўлчов)», «ортиқ» семалари ташланган, 3) «ҳарорат» семаси яна ҳам абстрактлашиш томон тараққий қилган, ана шу абстракт сема от лексеманинг семантик мундарижасини ташкил этиб қолган. Демак, сифат лексема (семема) семалар составидаги «ҳарорат» предмет семаси актуаллашиб, қолган семаларнинг сўниши йўли билан от лексема (семема) юзага келган.

Луғатда ана шу йўл билан юзага келган омолексемалар ҳам қисман акс эттирилди.

12. Мустақил феъл лексема (лексик birlik) билан шунинг тараққиёти натижасида юзага келган кўмакчи феъл (грамматик birlik) орасидаги муносабатни полисемия деб қараш асли тўғри бўлмайди. Масалан, боқ-мустақил феъли боқ-кўмакчи феълидан, аввало, мазмун плани жиҳатидан кескин фарқ қилади, иккинчидан, сўзформа таркибидаги ўрни ва функциясига кўра ҳам ажралиб туради. Мустақил феъл билан кўмакчи феъл ўзаро омоним деб қаралиб, булар ҳам луғатга киририлди.

13. Ўзбек тили манбаида юзага келиб қолган идеал-**I**, идеал-**II** каби омолексемалар ҳам мавжуд. Рус тилидаги сифат лексемани ўзига хос усул билан ўзлаштириш жараёнида, русча сифатнинг окончаниеси ва сифат ясовчи аффиксини ташлаш билан бирга, ундан олдинги юмшатиш белгисини ҳам ёзмасликка қарор қилдик, натижада бундай сифат лексема от лексемага шаклан тенг келиб қолди: идеаль + н + ый → идеаль → идеал каби. Луғатда бу тип омолексемалар ҳам ўз аксини топди.

14. Омолексемаларга энг яқин турувчи ҳодиса — омофонлар. Омолексемаларда шаклан тенг келиш ҳам талаффузда, ҳам ёзишда кўринса, омофонлар ёзишда фарқланади-ю, талаффузда тенг келиб қолади. Демак, тил birlikлари ифода планининг бир томони — талаффузи — тенг келиб қолса, омофонлар юзага келади. Тил асли товуш тили бўлгани сабабли, ҳарфий ифода эмас, балки талаффуз ҳал этувчи фактор деб қаралади ва шу асосда омофонлар ҳам кўпинча омолексемалар қаторига қўшилади. Бу луғатга адабий нутққа хос омофонлар илова сифатида киритилди.

15. Кўпинча адабий нутқнинг ёзма кўриниши билан иш юритилади. Шу сабабли омографларни ҳам назардан соқит қилиш мумкин эмас. Омографларда тил birlikлари ифода планининг бошқа томони — ёзилиш — тенг келиб қолади. Ўзбек тилида омографлар асосан айрим товушларга мустақил ҳарф олмай, бу товушларни кўрсатиш вазифасини алфавитдаги бошқа ҳарфларга юклаш натижасида, демак, сунъий равишда юзага келди. Масалан, бундай омографлар о ҳарфига икки фонемани кўрсатиш вазифасини юклаш туфайли пайдо бўлди: кон-**I** («ер ости birlikлари қазиб олинадиган жой ва иншоотлар») — кон-**II** («ютуққача давом этадиган, бир қур ўйин»), ток-**I** («узум ўсимлиги») — ток-**II** («электр зарядларининг ҳаракати») каби. Омографлар луғатда илова сифатида берилди.

16. Фонемалар таркибига кўра бир хил, лекин урғу ўрнига кўра фарқли лексемалар ҳам анчагина: атлас («товланувчи силлиқ ипак матонинг махсус усул билан тўқилган тури») — атлас (маълум мақсад асосида тузилган карталар тўплами), агротехник («агротехника бўйича мутахассис») — агротехник («агротехникага оид, агротехникага асосланган») каби. Бундай лексемаларда урғу ўрнининг ҳар хиллиги талаффузда фарқ келтириб чиқаради, шу асосда бундай лексемалар омографлар қаторига киритилади. Асли урғу ўрнининг ҳар хиллиги туфайли ёзишда урғу белгисини қўйиш зарурияти туғилади, демак, фарқ ёзишда ҳам кўринади. Шунинг ҳисобга олиб, бундай ҳодисаларни омографлар қаторига киритмадик. Луғатда бу тип ҳодисалар «урғусига кўра фарқланиб турувчи лексемалар» номи билан айрим илова сифатида берилди.

II. Луғат мақоласининг тузилиши

1. Луғат мақоласи омонифода билан бошланади. Омонифода талаффузи ва ёзилиши бир хил бир неча лексема борлигини кўрсатади. Омонифода сатр бошидан катта қор ҳарфлар билан терилди.

Луғатда берилган 497 омонифоданинг 372 таси икки омолексемали, 93 таси уч омолексемали, 21 таси тўрт омолексемали, 7 таси беш омолексемали ва 4 таси олти

омолексемали бўлиб, 1160 дан ортиқ лексемани бирлаштиради.

2. Омоифода остига бирлашувчи ҳар бир омолексема абзацдан қора ҳарфлар билан терилди ва рим рақамлари қўйиб фарқланди. Агар омолексема бошқача шаклда ҳам ишлатилса, ёнида шундай шакли келтирилди.

3. Омолексемаларни олдин-кейин жойлашда қуйидагича йўл тутилди:

1) Асли бир лексеманинг тараққиёти натижасида пайдо бўлган, бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлса, улар ана шу тараққий этиш изчиллиги асосида жойланди; ҳосила омолексема ёнида квадрат қавслар ичида < белгиси билан асос омолексема келтирилди.

2) Бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган, асли ўзаро боғлиқ бўлмаган лексемалар бўлса, буларни жойлашда туркумларни санашдаги традицион тартибга амал қилинди: аввал от лексема, кейин сифат лексема, сўнгра феъл лексема ва бошқалар жойланди.

4. Омолексемаларга аввал тарихий-этимологик изоҳ берилди (бундай изоҳлар квадрат қавслар ичида келтирилди):

1) Ўзбекча лексемаларда имкони борича қуйидагилар таъкидланди:

а) асли фонемалар (товушлар) таркибида фарқ бўлганлиги,

б) ясама бўлса, қайси лексемадан (семемадан) қайси аффикс билан ясалгани, омолексемаларнинг яшаш асоси ва ясовчига ҳар хил ажралиши,

в) асл маъноси, асл асоси ва бошқалар.

2) Ўзлаштирама лексемаларда имкони борича қуйидагилар таъкидланди:

а) асли қайси тил лексемаси эканлиги,

б) ўша тилдаги товуш тузуми, график шакли,

в) асл маъноси ва бошқалар.

5. Тарихий-этимологик изоҳдан кейин омолексеманинг қайси туркумга мансублиги, ўрни билан нутқий-стилистик белгиси таъкидланди.

6. Сўнгра омолексеманинг лексик маъноси таърифланди ёки тасвирланди, ўрни билан синоними келтирилди; квадрат қавсларда русча эквиваленти кўрсатилди.

7. Омолексемаларни фарқлаб олишга ёрдамлашувчи белги сифатида улар қатнашуви билан ҳосил қилинган

лексемалар келтирилди, бунда аввал содда, кейин қўшма, сўнгра жуфт, такрор лексемалар саналди.

8. Шундан кейин омолексеманинг бошқа лексемалар билан боғланиш имкониятини ва бунда қайси грамматик формада бўлишини акс эттирувчи бирикмалар, баъзан гаплар берилди.

9. Ниҳоят, омолексемаларнинг нутқда ишлатилишини намойиш қилувчи текст парчалари келтирилди, бундай текст парчалари асосан оригинал ўзбек бадий адабиёти асарларидан олинди.

10. Луғатда полисемем лексемаларнинг барча лексик маънолари эмас, балки омолексемаларни фарқлашда керакли лексик маъноларигина келтирилди.

Полисемем омолексемаларнинг лексик маънолари, аввало, бири иккинчисидан ўсиб чиққан омолексемалар мақолаларида берилди. Бундан ташқари, омолексемалар бир лексеманинг бошқа-бошқа семемасидан яшаш натижасида юзага келган бўлса, бундай лексемаларда ҳам уларнинг зарур лексик маънолари келтирилди.

Полисемем лексемаларнинг лексик маънолари араб рақами билан ажратилди, иккинчи ва кейинги лексик маънолар изоҳи абзацдан бошланди; бунда нутқий-стилистик белгидан бошлаб барча изоҳлар ҳар бир лексик маънода мустақил кўрсатилди.

А

- а I** *ундов*. Сўроқ, таажжуб маъносини ифодалайди. *Нима дединг, а? Ростданми, а?* □ *Ҳа, янги ҳокимият ҳам шундай дейди, билиб қўй, а лаббай!* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- а II** [русча] *зидлов боғловчиси; сўзлаш*. «*Хўш, ватданг қанча?*»— «*Қирқ центнердан*».— «*А қизлар-чи?*»— *Юз!*» Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.
- а III** [унлидан кейин **я**] *юклама*. Таажжуб, тахмин, сўроқ каби маъноларни ифодалайди. *У жуда ҳам қув экан-а! Усти юпун экан, шамоллаб қолмаса майли-я!* □ «*Вуй, муздай совуқ-а,— қиз салгина ўйланиб сўзида давом қилди.— Ажойиб сой, қиш-да иссиқ, ёзда совуқ сув оқади. Сабаби нима-а?*» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

АБСОЛЮТ

- абсолют I** [латинча *absolutus*—«муस्ताқил, мутлақ»] *от; философия термини*. Борлиқнинг доимий, ўзгармас илк асоси (руҳ, ғоя)— идеалистик философияда; худо—илоҳиётда. *Гегель абсолютга қарши! Дialeктик материализмнинг куртаги ана шунда*. В. И. Ленин, Гегелнинг «Философия тарихига доир лекциялар» китобининг конспекти.
- абсолют II** [*русча абсолютный*] *сифат*. Шак-шубҳадан холи; тамомила, бутунлай. *Абсолют ҳақиқат. Абсолют миқдор. Абсолют нуль. Абсолют кўпчилик. Абсолют чемпион. Абсолют сокинлик. Абсолют монархия. Абсолют ўсиш. Абсолют баландлик.* □ *Жойнинг океан юзидан бўлган баландлиги абсолют баландлик деб аталади. «География» дарслигидан.*

АВРА

- авра I** [*русча авра*—«кийимнинг, материалнинг уст, юза томони»] *от*. Кўрпа-тушакнинг, тўннинг юза томони [верх (одежды, одеяла)]. *Авралик* (аврага ишлатиладиган), *авра-астар*,

астар-авра. □ *Қатта кўрпанинг аврасига неча метр дуюхоба кетади?*

- авра II** *фезл*. Бош-кўзини айлантириб, ўз фикрини қабул қилдирмоқ; алдаб-сулдаб йўлга солмоқ, бўйсундирмоқ, [завораживать, заговаривать зубы]. *Ҳалиги қаллоб жиянингизни авраб, ўтмас молини пуллаб кетибди.* □ *Баққол бу сўзларни эшитмагандай аврайверди: «Мен сизнинг фойдангизни ўйлайман».* Ойбек, Қутлуғ қон.

АВРАЛ

- аврал I** [асли англисча *over*—«тепага»+ *all*—«ҳамма»] *от; денгизчилик термини*. Кеманинг барча шахсий состави қатнашган ҳолда бажариладиган умумий иш. *Қемада аврал эълон қилмоқ.*
- аврал II** [*русча авральный*] *сифат*. Аврал йўли билан бажариладиган. *Авраал ишлар.*

АГЕНТ

- агент I** [латинча *agens, agentis*—«ҳаракат қилувчи, таъсир этувчи»] *от*. 1. Бирор муассаса ёки киши топшириғи (ваколати) билан иш олиб боровчи шахс, вакил [уполномоченный]. *Агентлик (Аэрофлот агентлиги).* □ *Таъминот агенти. Страхование агенти.*
2. Бирор давлат разведкасининг махфий ходими, шпион, диверсант. *Агентура (агентура маълумотлари).* □ *Фашист разведкасининг агенти. ЦРУ агентлари.*
- агент II** [латинча *agens, agentis*—«таъсир этувчи»] *от; химия термини*. Бирор воқеа-ҳодисани рўёбга келтирувчи сабаб. *Атмосфера агентлари. Химик агент. Бирор химик реакцияда агент(лик) ролини бажармоқ.*

АГРЕГАТ

- агрегат I** [латинча *aggregatus*—«бирлаштирилган, йиғилган»] *от; қишлоқ хўжалиги техникаси термини*. Бир умумий ишни бажариш учун бирлаштирилган бир неча машина комплекс ҳолда. *Ўрим агрегати. Ер текислаш агрегати.*
- агрегат II** [*русча агрегатный*] *сифат*. *Агрегативнинг агрегат ҳолати. Агрегативнинг агрегат ҳолати.*

АДАШ

адаш I [*< от + дош*] *от.* Исми бошқа бир кишининг исми билан бир хил киши [тёзка]. *Биз иккимиз адашмиз. Ҳа, адаш, саломатмисан?*

адаш II *фезл.* Тўғри йўлдан чиқиб, бошқа йўлга юрмоқ [заблудиться]. *Урмонда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Биз қишлоққа адашиб келиб қолдик. □ Адашган кимсабек, Фурқат, қан борғум билолмасман. Фурқат.*

АЙНИ

айни I [*< арабча عين — «худди ўзи»*] *сифат.* Худди шу, худди [то(т) же, именно]. *Айнан, айният. □ Айни вақтида келмоқ. Айни саволни бермоқ. □ Ашула ниҳоясига етди. Лекин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди. Ойбек, Қутлуг қон. Имтиҳон айни қизиган кунлар эди. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.*

айни II *фезл.* Ўзгариб, ижобий сифатини йўқотмоқ (ўнгмоқ, бузилмоқ) [терять положительные свойства (лнить, портиться, разлагаться...)]. *Ранги айниди. Айниган сирка. Фикридан айниди. □ Айниган эски гимнастёркаси ҳам сувга чайқалгандай жиққа ҳўл. Ойбек, Олтин водийдан шабадалар. «Йўқ,— деди онаси,— чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан, ким билади, ҳали қачон келишадди». Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

АЙРИ

айри I [*< айир + и — сифат ясовчи аффикс*] *сифат.* Иккига ажралган [развилистый, раздвоенный]. *Айри туёқ. Айри соқол (қиши). Айри ўрқачли туя. Айри шох.*

айри II [*< айри I*] *от.* Паншаха [вилы]. Учи икки бутуқли тиргак [подпорка, развилка]. *Хирмонга ёйилган пахтани айри билан ағдармоқ. Серҳосил шохларга айри қўйиб чиқмоқ. □ Баъзи ғўзалар айри билан тираб қўйилган. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

АКТИВ

актив I [латинча *activus — «ҳаракатчан, фаол»*] *от, киши оти; ижтимоий-сиёсий термин.* Бирор коллективнинг илғор, етакчи, фаол қисми. *Активист, активистка. □ Актив йиғилишини ўтказмоқ. Партактивада сўзга чиқмоқ. Маҳалла активла-*

ри. □ Мана бугун эрталаб соат ўнда район партия активининг йиғилиши бошланади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

актив II [латинча *activus — «ҳаракатланувчи»*] *от, нарса, оти; бухгалтерия термини.* Ташкилот балавсининг пул, товар каби материал бойликлари, бошқалардан ундирилаётган қарз тўловларини ўз ичига олувчи қисми. *Ташкилот активига ёзиб қўймоқ.*

актив III [*< русча активный*] *сифат.* Серҳаракат, серғайрат, фаол. *Революцион ҳаракатнинг актив қатнашчиси. Музокарада актив иштирок этмоқ. Босмачиларга қарши актив курашмоқ. □ ...Алексей Иванович Михайлов Ленин партиясига кирди. Партиянинг энг актив ва чиниққан кишиларидан бири бўлди. Парда Турсун, Ўқитувчи.*

АЛАМ

алам I [арабча *الم*] *от.* Азоб, изтироб, оғриқ [страдание, мука]. *Аламли, аламангиз, аламдийда, аламзада, алам-ситам, алам қилмоқ. □ Аламини китобдан олмоқ. Исонинг аламини Мусодан олмоқ. □ Мулла Тўраҳон жон талвасасида пешанасини тахтага шундай уриб олдики, аламига сира чидолмади. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

алам II [арабча *عالم — «байроқ»*] *от; эскирган.* Авлиё, сиғиниш лозим киши кўмилган ерга туғ сифатида боғланадиган латта (одагда рангли бўлади). *Эр Ҳуббига бориб, астойдил сиғиниб, шайхларга тўн кийгизди, кекса чинорларга алам боғлади, бўлмади. Саид Аҳмад, Ҳукм.*

АЛБАТТА

албатта I [арабча *البته*] — «узил-кесил, қатъий»] *равш* (ҳол вазифасида келади). Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, сўзсиз, ҳеч иккиланмай, қатъий [обязательно, безусловно, непременно]. *Оширилган мажбуриятни ҳам албатта бажарамиз. Зиёфатега албатта боринг. □ У албатта отасига муносиб бўлмоғи керак. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

албатта II [*< албатта I*] *модал сўз* (кириш сўз вазифасида келади). Ҳаракат-ҳолатнинг юз бериши ишончли эканини билдиради [конечно, разумеется]. *Сизга, албатта, бу масалалар ечиб бўлмайдиган жумбоқ бўлиб туйилган. □ Албатта, шахсан мен камтаринлик тарафдориман. Халқ қизларимизнинг ана шу фазилатини севади. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

АЛИФ

алиф I от. Араб алфавитидаги биринчи ҳарфнинг номи. *Ичини ёрсанг, алиф ҳам чиқмайди. Алифни калтак дея олмаслик.* □ *Мен-ку бундай масалада алифни таёқ дейлмайман, аммо инженерларга ишонаман.* Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

алиф II [*< русча олифа < юнонча alifa — «мой»*] от. Куйдирилган зиғир, наша мойи (мойли бўёқлар тайёрлашда ишлатилади). *Бу бўёққа кўп алиф қўшиб бўлмайди.*

АЛОМАТ

аломат I [арабча **علامة**—«белги»] от. Белги, кўрсаткич [знак при-мета]. *Тенглик аломати. Қўшув аломати. Жиддийлик аломатлари. Чарчоқ аломати. Изтироб аломати. Хурсандлик аломатлари. Заифлик аломати. Кексалик аломатлари.* □ *Суратда дадасининг юзидаги аломатлар яққол сезилиб турарди. Салгина чўзиқроқ юзидаги суяк-лари бўртиб чиққан,.. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

аломат II [*< аломат I*] сифат. Одатдагидан ўзгача, тушуниб бўлмайдиган [чудный, странный]. *Аломат ишлар бўляпти. Аломат йиғит экан. Аломат-у қиёмат.* □ *Тавба, аломат одам-да.* Мирзакалон Исмоиллий, Фаргона тонг отгунча.

АНТИФАШИСТ

антифашист I [юнонча anti—«қарши»+фашист] от; *ижтимоий-сиёсий термин.* Фашизмга қарши киши, фашизмга қарши кураш қатнашчиси. *Немис антифашистлари.*

антифашист II [*< русча антифашистский*] сифат. Фашизмга қарши курашувчи. *Ешларнинг антифашист комитети.*

АРАЛАШ

аралаш I [*< ора+ла — феъл ясовчи аффикс+ш — даража ясовчи аффикс*] феъл. Бир-бирига қўшилиб, қоришиқ ҳолат ҳосил қилмоқ, қотишмоқ [*смешиваться, вмешиваться*]. *Аралашма (алебастр билан қум аралашмаси).* □ *Сифатсиз бензин аралашибди. Ишига аралашмоқ.* □ *Ярим кечага борганда икки томон аралашиб кетди.* Абдулла Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бу оилада нима сир ўтса, барчаси менга аён. Тўй, аза — барчасига аралашман.* Ойбек, Қутлуғ қон.

аралаш II [*< аралаш I*] сифат. Турли нарсалардан, одамлардан таркиб топган, қоришиқ [смешанный, разнородный]. *Аралашига.* □

Ишга аралаш гапирмоқ. Тупроқ аралаш ўғит. Қурмак аралаш гуруч. □ *«Қим экан?»—уйқу аралаш сўради полвон.* Жуманиёз Шарипов, Хоразм. *Еш-у қари, эркак-аёл аралаш бўлиб олти даврага бўлинди.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

АРИ

ари I [асли биринчи унлиси чўзиқ] от. Парда қанотли чақадиган ҳашарот [оса]. *Сариқ ари. Тукли ари. Қовоқ ари.* □ *Лекин Азизда ўтирган еридан туришга ҳам мажол қолмаган, умуман, ҳозирги аҳволини, ари уясидай ғўнғиллаб турган бошидаги чигал фикрларни, қизнинг жавобидан кейин боғланган тилини — ҳозирги мужжал ҳолатини англаб етишга қодир эмас эди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ари II [асли унлилари қисқа] феъл. Йўқолмоқ, тугамоқ, кетмоқ [исчезать]. *Фалокат ариди. Эшигидан одам аримайди. Ҳаводан булут аримади.* □ *Дилдор... Бобосидан доим хабар олиб турадиган меҳрибон набира, кўзидан меҳр, юзидан ханда аримайдиган, очиқ кўнгул қақажон... Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

АРК

арк I [тожикча < италянча arco—«ёйсимон равоқ»] от; *эски.* Хон ёки амирнинг шаҳар ичидаги саройи (бундай сарой пештоқидаги равоқлар одатда ёйсимон шаклда қурилган) [дворец]. *Арк ичи кимхоб ва зар чакмон кийган, кумуш камар боғлаган ва катта салла ўраганлар билан тўлди.* Жуманиёз Шарипов, Хоразм.

арк II: *арки намакоб*—ўта даражада шўр [асли арк—«суғориш канали», шунга кўра арки намакоб асли «намакоб ариғи»].

АСАР

асар I [арабча **آثار**—«из»] от; *эскирган.* Из, таъсир [след, воздействии]. *Қасалликдан ҳеч қандай асар қолмади. Насиҳатлари сенга асар қилмади.* □ *Камтаринлик ва ишчанлик унинг асосий хислатидек бўлиб қолди. У соддагина кийинадиган бўлди. Фақат уйга келганда бу камтаринликдан асар ҳам қолмасди-ю, ҳамма оғирлик яна итоаткор Зебининг бошига тушарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

асар II [**< асар I**] *от. Эстетик, ақлий ижод маҳсули [произведение]. Санъат асари. Музыка асари. Бадиий асар. Илмий асар. Танланган асарлар.*

АСОРАТ

асорат I [арабча **أسر** — «асирга олмоқ»] *от. Тутқунлик, қуллик, эркинлик ҳолати (шу ўзакли сўзлар: асир, асира, асирлик) [неволя, кабала]. Асоратга солмоқ. Асоратга тушмоқ. Асоратдан қутулмоқ. Капитализм асоратида. Хурофот асоратида. Мустамлакачилик асорати. Қуллик асорати. Асрий асорат. □ Қуллик, асорат занжири узиб, Эркинликка чиққан мен чин эрк қизи. Ғайратий.*

асорат II [арабча **آثار** — «узатмоқ, ўтказмоқ, оширмоқ, қолдирмоқ»] **آثار** — «из, нишона, қолдиқ»] *от. Бўлиб ўтганнинг қолдиғи, излари (шу ўзакли сўзлар: асар — асар ҳам қолмади, осор — осори атиқа, таъсир, таассурот) [след, печать, последствие]. Қасалликнинг асорати. Ўтмиш асорати. □ Узоқ оғир йўл ва жадал юришининг асорати бўлса керак, отларнинг сағриси совундай кўпириб турибди. Суннатилла Анорбоев, Оқсой.*

АСР

аср I [арабча **عاصر**, кўплиги **عاصر** — «юз йиллик», «давр»] *от. Аср [век]. Асрдош, асрий. □ XX асрнинг охири. Тош асри. Урта асрлар. Асрлар бўйи. Асрлар оша. Олтин асримиш. □ Шу билан бирга, бизнинг қизларимиз асрлар бўйи камтаринлик ва уятчанлик руҳида тарбия қилинган. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

аср II [арабча **حصر** — «оқшом»] *от; диний; эскирган. Тушдан (пешиндан) кейинги, қуёш ботишидан олдинги пайт; шу пайтда ўқиладиган намоз, намозидигар (асли арабча салот ал-асрун бирикмаси таркибидаги салот — «намоз» сўзи тушиши натижасида унинг маъноси аср сўзига юкланган; «пайт» → «пайт+намоз»). Асрга (аср пайтига) етиб келинг. Асрни (аср намозини) шу ерда ўқиймиз. □ Базвоз дўконини катта ўғлига қолдириб, ҳар кун аср намозини уйига келиб ўқир эди. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.*

Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эрталоқ ҳукумат аскар билан халқ орасида уруш бошланди. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.

АТАЛА

атала I *фезл. Суюқ массани чўмич билан тўлграмоқ, қориштирмоқ [размешивать]. Чучварани ҳозир сузаман, сиз қатиқни аталаб туринг.*

атала II [**< атала I**] *от. Унни ёғда қовуриб, сув билан қайнатиб тайёрланадиган суюқ енгил ҳазм овқат [мучная похлёбка]. Атала-умоч (ундан тайёрланган ҳар хил суюқ овқат), атала махсум (лапашанг, ландавур). □ Атала ичдингми?! □ «Ҳа, мана шундай айёрлар билан учиб кўр-чи,— деди Тўрахонов заҳарханда билан Холматга тикилиб.— Атала!.. Ҳамма имкониятлардан фойдаландингми? Одамларни зўр бериб ишлат». Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

АФҒОН

афғон I [тожикча **фиғон** сўзининг кўплиги — «оҳ-воҳ, нола»] *от; эскирган. Қайғу-алам азиятининг ноласи [стенания, стон, вопли]. Афғон чекмоқ. □ Кўкка чиқар ёрим деб афғонларим, Айрилиққа тушгандир ёронларим. «Равшан».*

афғон II *от; миллат номи. Афғон миллатига мансуб киши. Афғон тили. Афғон санъати. Афғон қиличи. Афғон шамоли.*

АЧЧИҚ

аччиқ I [асли **ачи** — «аччиқ, тахир, нордон ҳолатга келмоқ» + **қ** — сифат ясовчи аффикс] *сифат. 1. Қалампирга ўхшаб таъсир қиладиган, шириннинг акси [горький]. Аччиқтош, аччиқтомир, аччиқ-чучук, аччиқ-тизиқ. □ Аччиқ нарса. Аччиқ дори. Овқат аччиқ бўлиб қолибди. □ Аччиқ нарсалар егим келади. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.*

2. Меъёрдан ортиқ солиб дамланган, қуюқ [крепкий, густой]. *Аччиқ чой. □ Ўзимизнинг бир юз йигирма бешинчи ҳам ёмон эмас — ёғлиқ паловдан кейин қурумсоқлик қилинмай аччиққина дамланса, авзойи баданга мойдай сингади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

3. Жисмонан кучли таъсир қиладиган [крепкий, едкий]. *Аччиқ совуқ. Аччиқ шамол (изгири). Аччиқ тутун*

(ҳид). □ Далаларда кеч кузнинг аччиқ шамоли эса бош-лади. Саид Аҳмад, Қадрдон далалар.

4. Руҳан кучли таъсир қиладиган [горький, язвительный]. Аччиқ сўз. Аччиқ танбеҳ. Аччиқ кулги. Аччиқ ҳақиқат. Аччиқ сабоқ. □ Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши. Мақол.

аччиқ II [асли ачи — «жаҳлланмоқ» + қ — от ясовчи аффикс] от. Жаҳл, қаҳр, ғазаб [злость, гнев]. Аччиқланмоқ, аччиқ-алам, аччиқ-тирсик. □ Аччиғи тез. Аччиғи чиқди. Аччиғи келди. Аччиғидан тушди. Аччиқ устида. □ «Нега аччиғинг чиқади, Пўлат?» — деди Баҳор мулойимлик билан. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

АЯ

ая I [< эга] от; сўзлаш. Фарзандни дунёга келтирган аёл, она [мама]. Аяжон. □ Аям ишдан чарчаб келдилар. □ «Қалай, онанг бақувватми?» — «Аям, шукур, соғ-саломат». Ойбек, Қутлуғ қон.

ая II феъл. Авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ [беречь]. Аяган кўзга чўп тушар. Мақол. □ Акрамхон ўрта мактабни тамом қилгач, отаси уни Тошкент университетига юборди ва у ерда ўқиши, истиқомат қилиши учун пул аямади. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

БАЛО

бало I [арабча **بلاء** — «офат, фалокат, кулфат, бахтсизлик»] от. Офат [бедствие]. Сув балоси. Ўт балоси. Бошга битган бало. Балойи нафс. Балойи азим. Радди бало. Бало-қазодан омон бўлмоқ. Бошга бало бўлмоқ. Бало ҳам урмайди. Балобага учрагур. Балобага гирифторм бўлгур. □ Айтинг-чи, севингиз учун курашдингизми? Чанг солган балолардан мени қутқариш учун ўзингизни ўтга, сувга отдингизми? Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бало II [сўзлашув нутқида — балоғ, асли арабча **بلغ** — «балоғатга етмоқ» сўзидан] предикатив сўз (одатда кесим, баъзангина сифатловчи бўлиб келади), салбий. Уддабурун, устомон. У одам бало || бало одам. □ Жўрттага кўрингансан, ёш бўлсанг ҳам, балосан. Ойбек, Қутлуғ қон.

БАНД

банд I [тожикча *бастан* — «боғламоқ, банд қилмоқ» феълнинг ҳозирги замон асоси] сифат. Бўш эмас, нима биландир эгалланган [занятой]. Банд қилмоқ. □ Қўлим банд. Ер сабзавот экинлари билан банд. Телефон банд. Жуда банд одам. □ Ҳалма ўз иши билан машғул, ҳар ким ўз ўйи билан банд. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

банд II [тожикча *бастан* — «боғламоқ, бирлаштирмоқ» феълнинг ҳозирги замон асоси] от. I. Тутқич [ручка, дужка]. Челақнинг банди. Чойнақнинг банди.

2. Чўп [плодоножка, черенок]. Гулнинг банди. Япроқ банди. Гилосни банди билан теришади. □ Кечаси турган шамол банди бўшаб қолган баргларни шохларидан узиб, сувсиз қуруқ ариқларни хазонга тўлдириб қўйган. Шариф Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

3. Шеърнинг қофия ва мазмун жиҳатдан яхлитланиб турувчи қисми [строфа]. У қўшиқнинг охирини билмагани учун бўлса керак, шу бандни ҳадеб такрор қиларди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

БАРГАК

баргак I [тожикча *барг+ак* — «япроқча»] от. I. Толнинг эрта кўк-ламда барг ёзиб, попуқлар чиқарган сурх новдаси. Ахир баҳор келганда қари толлар ҳам баргак ёзади. Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

2. Шундай тол новдаларидан сидириб олинган пўстлоқдан иборат сочпопук. Эрта баҳор, болалар томда қарқарақ учирадиган, қизлар сочларига баргак тақадаган вақт. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

баргак II [< баргак I] от. Иккига ёриб, данаги олиб қуритилган ўрик [куряга]. Бу йил ҳосил мўл бўлиб, туршак қуритиб олдик, баргак ҳам солдик. □ Стол усти оқ-сариқ майиз, қандак ўрик, баргакларга тўлиб кетди. Мумтоз Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

баргак III [< баргак I] от; эскирган. Аёлларнинг юпқа пластинка шаклида олтин ёки кумушдан ясалган, пешанага тақиладиган безак буюми. Бойвачча қизлар бўйинларига зебигардон, бўйин туморлар ва тилла баргакларини тақиб олганлар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлар.

БАС

бас I [тожикча] *предикатив сўз* (кесим бўлиб келади). Етар, кифоя; шундай экан, демак [достаточно, хватит]. *Бас қилмоқ*. □ *Бас, етар! Ужарлик ҳам эви билан-да!* □ *Бас!* *Бу сўзни тилингизга олманг!* *Бу сўз муқаддас!* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бас II [итальянча basso] *от*. Эркакларда энг паст (йўғон) товуш; шундай товуш эгаси бўлган ашулаци; шундай товуш чиқарадиган музика асбоби. *Хоримизга янги бас қабул қилинди. Оркестримизда бас етишмайди.*

бас III: [< арабча بحث — «тортишув, масала талашув, баҳс»] *от*. *Бас боғлашмоқ* — «ўзи ҳақ эканини даъво қилмоқ, ҳақ эканини исботлашга интилмоқ». *Бас келмоқ* — «тенг, баробар қелмоқ». □ *Ребров ажойиб жангчи, айниқса найзабозликда ҳеч ким унга бас келолмайди.* Мумтоз Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

БАҚА

бақа I *от*. Қурбақа (ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвон) [лягушка]. *Бақасалла* (қўзиқориннинг еб бўлмайдиган бир тури). *Бақатўй* (ботқоқда ўсадиган бир ўсимлик номи). *Бақақуриллоқ* (жой номи). □ *Бақаларнинг қуриллаши. Бақа кўз* (кўзи косасидан бўртиб чиқиб турадиган кўзли). □ *Фосих афанди чўчиб, оёғининг тагига қаради, ҳақиқатан ҳам кериб турган оёқларининг орасида бақа сакраб борар эди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

бақа II *от*. Тегирмон тоши ўқининг устки учи, шу учни ушлаб турадиган тахталар (бир-бирига кўндаланг михланади) [крестовина мельничной оси]. *Тегирмонга янги бақа ясадим.*

БАҚАЛОҚ

бақалоқ I [асли бақа — «эни бўйига тенглашиб қолган» + лоқ — кичрайтиш ифодаловчи аффикс] *сифат*. Паст бўйли ҳамда семиз [круглый (низкорослый и толстый)]. *Бақалоқ одам*. □ *Қайрағочнинг қалин, бақалоқ шохлари ташлаб турган соя ҳам... нафаслари бўғилиб турган аъёнлар жонига ором беролмай қолди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

бақалоқ II [< бақалоқ I] *от*. Ҳайвон оёғининг тўпиқ билан туёқ орасидаги қисми [бабка]. *Қўйнинг бақалоғи*. □ *Бек Равшаннинг отга солган давири Тушади Жийроннинг бақалоғига.* «Равшан».

БАҲР

бахр I [арабча بحر] *от*; *эскирган*. Денгиз, дарё [море]. *Ариғларки, ул баҳрдин айрилуру...* Алишер Навоий, Маҳбулбулқулуб.

бахр II [арабча بحر — «вази, ўлчов»] *от*; *адабиётшунослик термини*. Аруз вазнининг 19 туридан ҳар бири. *Бу ғазал аруз вазнининг қайси баҳрида ёзилган?*

бахр III, бахра: [тожикча] *от*. Улуш, наф, манфаат [польза, выгода]. *Баҳраманд*. □ *Баҳра олмоқ. Баҳра топмоқ. Баҳридан кечмоқ. Баҳридан ўтмоқ.* □ *Келин оломон ичида адашиб қолса, худо кўрсатмасин, Валихон жаноблари юзта мандақа Рисолатнинг баҳридан ўтиб юборади-ку.* Ш. Тошма-тов, Эрк қуши.

бахр IV: [тожикча] *от*. Қизиқиш, ҳавас, ҳузур-ҳаловат [интерес, увлечение]. *Баҳри дил* — «кўнгилнинг ҳаваси, қизиқиши». *Баҳри дилини очмоқ* — *бахри дили очилди, Баҳри очилди.* □ *Бу гуллар Баҳмалдагига ўхшамаса ҳамки, кишининг баҳри дилини очади.* Айниқса ландиш деб аталган чечак менга ёқиб қолди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

БЕЗ

без I *от*. 1. Қалин ёғ ичида учрайдиган кулранг тўқима. *Ёғ тўғраганда безлари олиб ташланади.* □ *Эшоннинг гимназияда ўқувчи ўғли, бурни отасининг бурнига ўхшаш қирра, кўзлари онасининг кўзларига ўхшаш бездай ўғли Ҳабибулла ҳам келди.* Парда Турсун, Ўқитувчи.

2. Киши ёки ҳайвон яшаши учун зарур моддалар ишлаб чиқарувчи орган [железа]. *Қалқонсимон безлар.* *Лимфа безлари.* *Ички секреция безлари.* *Тил ости безлари.* *Сўлак безлари.*

без II [< без I 1] *сифат*. Ҳеч нарса таъсир қилмайдиган [толстокожий]. *Безраймоқ, безбет.* □ *Без бўлиб тураверасанми?! □ «Оёқсиз бўлганиндан кейин ярим одамсан-да. Бағри тошлар бўлса без бўлиб ўтирибдилар. Мен кимга керак, кимга?» — деди Ботиров онасига.* Баҳром Раҳмонов, Олтин одамлар.

без III *февл*. Безор бўлмоқ, кўргиси келмай қолмоқ [чувствовать отвращение]. *Доридан бездим.* □ *«Золим подшодан бездик, ўлақолсин у!» — деб қичқирди хотинлар.* Ойбек, Қутлуг қон.

БЕК

бек I *от; эски.* Феодал тузумида бирор административ районнинг ҳокими. *Бекларбеги, бекойим.* □ *Хонлар, беклар даври ўтиб кетди.* □ *Ўйида ўзи хон, ўзи бек эди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

бек II [**<берк>** сифат, *Епиқ [закрыт(ый)]. Бекик, бекинмоқ (беркиммоқ), бекитмоқ (беркитмоқ), бекинмачоқ.* □ *Эшик бек (берк).*

БЕЛ

бел I [асли «ўрта» маъносини англатган] *от. I.* Гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса орасидаги энг хипча қисми [талля]. *Беллашмоқ, белбоғ.* □ *Хипча бел. Бел олишмоқ. Бел боғламоқ. Белингда белбоғинг борми?! □ Азиз баланд бўйли, қадди-басти келишган, йирик, чиройли кўзлари помирликларнинг кўзларидай тиниқ, кўкимтир, хипча бел Нафисани эслади-ю, юраги орзиқиб кетди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Баданда қориннинг акси томон [бир оз ичкарига кирган бўлади] [поясница]. *Беллик.* □ *Белини кўтаролмай қолмоқ. Бели оғрияпти.* □ *Ерни белингиз қайишиб чопганингизда, жонингиз ачир эди.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

3. Урталиқ, оралиқ [середина]. *Тоғнинг бели. Гапнинг белига тепмоқ.* □ *Ҳақиқат баҳсда тугилади. Бироқ таваккалчилик шинниг белига тепиб қўйиши мумкин.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бел II *от.* Куракнинг кичик тури (темирдан ясаиб, тепиб ер кавланади; баъзи ерларда *тепки* дейилади, *белкурак* деб ҳам юритилади) [заступ, лопата]. *Белча.* □ *Кетмондан кўра бел билан ер ағдарши осон ва тўғри: чопган ерни босмайди киши.*

БЕЛА

бела I [бел I—«йўрғак» <гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса орасидаги энг хипча қисми>+а—фезъл ясовчи аффикс] *фезъл.* Бешикка қўл-оёғини боғлаб ётқизмоқ [укладывать в узбекскую колыбель]. *Беланчак.* □ *Неварангизни бешикка беланг, бўлмаса бола ҳам қийналади, ўзингиз ҳам қийналиб кетасиз.*

бела II [**<була>** *фезъл.* Юқадиган нарсани кўп миқдорда тегизмоқ, чапламоқ, бирор нарса билан булғамоқ [запачкать, выпачкать в чѐм-то]. *Тупроққа беламоқ. Унга беламоқ. Қонга*

беламоқ. □ *Энди эшикдан бир қадам жилсанг, пичоқни тўрт жойингга ураман-у, танингни қонга беламайман.* Парда Турсун, Уқитувчи.

БЕР

бер I *фезъл.* Қўлига тутқизмоқ, ихтиёрига топширмоқ, таъмин қилмоқ [давать, предоставлять]. *Жувон ўглини ариққа энгаштириб, юз-қўлларини ювиб, артди. Кейин туғунини ечиб, бир бурда нон олиб берди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бер II [**<бер I>** *кўмакчи фезъл.* Мустақил фезъл англатган лексик маънога: 1. «бирор учун бажарганлик» грамматик маъносини қўшади. *«Тағин чайналади-я бу бола!»—Раҳим бобо жеркиб берди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. «давомлилик, такрорийлик» грамматик маъносини қўшади. *Холмурод бу одамлар орасида .. учраган одамлардан сўраб-суриштириб йўл бошлаб бораётган отасини кўздан йўқотмай бора берди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

БЕТЛА

бетла I [**бет**—«юз»+ла] *фезъл.* Юзма-юз учраша олмоқ, тик қарашга журъат қилмоқ, ботинмоқ (одатда бўлишсиз шаклда ишлатилади) [осмелиться, сметь]. *Юраги бетламайди—ҳадиксираш, зада бўлиш натижасида жазм қила олмаслик.* *Ўйга боришга ҳам юрак бетламай қолди.* Ойдин, Қўнгли тўлдими, яхши йигит?

бетла II [**бет**—«саҳифа»+ла] *фезъл.* Қўлзма саҳифаларига сира рақами қўйиб чиқмоқ [пронумеровать страницы рукописи]. *Редактор қўлзмани қайта бетлаб чиқади. Машилкада бетлаганда сира рақамини саҳифанинг биринчи қатори ўртасига ёзиш керак.*

БЕШ

беш I *сон.* Тўрт билан олти орасидаги бутун миқдорнинг номи, ўннинг ярми [пять]. *Бешлик, бешбел, бешкокил, бешкураш, бешкўтарар, бешотар, бешқарсак.* □ *Беш дона (килограмм, тонна). Беш киши (қишлоқ, колхоз, шаҳар). Беш карра (марта) кўп. Беш марта келмоқ.* □ *Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

Бий

30

беш II: [тожикча] *равиш; сўзлаш*. Ортиқ даражада, жуда [в высшей степени]. *Бешбаттар (сўзлаш)*— «ўтакетган даражада». *Бешбаттар ёмон*. □ *Бу шаҳарда биздан ҳам бешбаттар камбағаллар борга ўхшайди*. Парда Турсун, Уқитувчи.

БИЙ

бий I [**бек**] *от; эскирган*. Уруғ-қабила бошлиғи. *Сенга етқай аканг сўзи, Сарғаймасин гулдай юзи, Излаганим бийнинг қизи, Жоним сингелим, хуш қол энди*. «Алпомиш».

бий II *от; зоология термини*. Заҳарли ўргумчак [тарантул].

БИРЛИК

бирлик I [*бир*—«иккидан кичик бутун сон», «якка»+*лик*—от ясовчи аффикс] *от*. 1. Унгача бўлган бутун сон [единицы]. *Аввал бирликларни, кейин ўнликларни қўшамиз*.

2. Грамматик кўпликнинг акси [единственное число]. *Мақта бага сўзи—бирлик, жўналиш келишиги формасида*.

бирлик II [*бир*—«ҳамжиҳат»+*лик*—от ясовчи аффикс] *от*. Бирлашиш, иттифоқ, ҳамжиҳатлик [единение, сплоченность]. *Куч—бирликда*. *Яшасин ишчилар билан деҳқонлар бирлиги!* □ *Ойимхон билан уни самимият, очиқлик, ният-тилак бирлиги маҳкам боғлар эди*. Парда Турсун, Уқитувчи.

бирлик III [русча *единица* терминининг калькаси] *от*. 1. Бир турдаги миқдорларни ўзаро баҳолаш учун қабул қилинган ўлчов. *Узунлик бирликлари*. *Оғирлик бирликлари*. □ *..бизда миллий даромад бирлигини ҳосил қилиш учун ҳали ҳам дунёдаги энг яхши кўрсаткичларга нисбатан кўпроқ хом ашё ва энергия сарфланмоқда*. «Совет Ўзбекистони»дан.

2. Тил қурилишига, нутққа хос асосий ҳодисалар. *Тил бирликлари*. *Нутқ бирликлари*. *Фонетик бирликлар*. *Синтактик бирликлар*. *Семантик бирликлар*.

БИТ

бит I [асли унлиси чўзик] *от*. Киши ёки ҳайвон танасида қонини сўриб яшовчи қанотсиз майда паразит [вошь]. *Битламоқ, битлиқи, биткўз, очамбити*. □ *Усимлик бити (шира, куя): тамаки бити, пахта бити*. □ *Взводдаги энг хушчақчақ йигит Шевченко .. карамга тушган ўсимлик битидек ўрмалаб келаётган фашистларни қирарди*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

бит II [**бут**] *февл*. 1. Тугамоқ, тамом бўлмоқ [кончатся, заканчиваться]. *Ишим битди, эшагим лойдан ўтди*. Матал. *Кун битган одам*. □ *«Бобо,— деди ниҳоят Азиз соқол учини ямлаб ўтирган чолга тавозеланиб,— ..ишим битди, эртага қишлоққа жўнайман»*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Қуриш, яшаш ниҳоясига етди; қурилаётган, ясалаётган нарса тайёр ҳолга келди [быть завершённым]. *Иморат битди, Портрет битди*. □ *Ердам бермадингиз, касалхона қурилиши мuddатида битмай қолди, мана энди беморларни район марказига юборишга мажбур бўлялмиз*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бит III *февл*. 1. Униб, мўл ҳосил бермоқ [уродиться]. *Туруп яхши битибди*. □ *Мана бу юқорига кўтарилган дарёдан Мирзачўл сув ичади, экин битади*. Ойдин, Ширин келди.

2. Тузалиб кетмоқ (яра-чақага нисбатан) [заживать, зарастать]. *Яра тезда битиб кетди*. □ *Ҳар ким келса, бундан шод бўлиб кетар*. *Сил бўлса, ўпкасин яраси битар*. Эргаш шоир

бит IV [**бити**] *февл; эскирган*. Ёзмоқ [написать]. *Битик, битим*. □ *Пешанасига битган биттагина фарзанди бор*. □ *Домлам қуръон ўқийди, беморларга даво деб лаганчаларга, косапиёлаларга дуолар битади* .. Ойбек, Болалик.

БИЧ

бич I [асли «кесмоқ», «қирқмоқ» маъносини англаган] *февл*. Бирор материални ундан кийим-кечак тикиш мақсадида маълум катталик ва шаклда кесмоқ [кроить]. *Бичиқ, бичим*. □ *Кўйлак бичмоқ*. *Лозим бичмоқ*. *Тўн бичмоқ*. *Шим бичмоқ*. □ *Чол дўконхонада ўтириб, иш бичиб беради, Унсин ичкари уйда тикади*. Ойбек, Қутлуғ қон.

бич II [асли «кесмоқ», «қирқмоқ» маъносини англаган] *февл*. Ахта қилмоқ, жинсий (одатда эркаклик) безларини кесиб ташламоқ [кастрировать, холостить]. *Қўчқорни бичиб қўйса, яхши семиради*.

БОД

бод I [тожикча «шамол»] *от; эскирган*. Шамол, ел [ветер]. *Арзимни айтай боди сабога, Еткур саломим гулгун қабога*. Ҳамза Ҳакимзода.

бод II [тожикча — «шиш»] от. Мушакларнинг зирқираб оғриш касаллиги [ревматизм]. *Оёғимда бодим бор.* □ *Бод — ёмон дард, ҳеч тарқай демайди; Мирзачўлдан эсдалик бўлиб қолди, баччағар!.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

БОЙ

бой I сифат. 1. Бадавлат, давлатманд [богатый]. *Боймоқ, бойлик.* □ *Бой колхоз. Бой хонадон.* □ *Шунда .. ҳамманинг бир уруғдан тарқалганлигини исботлайдиган бой амакиси Саримсоқ оқсоқолнинг олдига уч марта ёрдам сўраб борди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

2. Мўл-кўл; ҳар хил ва кўп [богатый]. *Бой коллекция. Бой кўразма. Мамлакатимиз ер ости қазилмаларга бой.* □ *Пўлат кун бўйи юриб, қурилишни кўрди. Қонцертни кўрди. Энди у бой хотиралардан чарчаб, тўшакка ташланди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

бой II [**бой I**] от. Бадавлат одам [богач]. *Бойвачча, бойвучча, бойўғли.* □ *Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин. Мақол. Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Мақол. □ Қачондан буён сен извошда сайр қиладиган бўлиб қолдинг? Авлодларингда извош минган бой ўтмаган-ку... Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

бой III: от. *Бой бермоқ* — «ютқазмоқ»; «бефойда ўтказмоқ». *Қўлдан бой бермоқ. Бир минут вақтни ҳам бой бермаслик.* □ *Аҳмаджон Азизнинг .. Дилдор билан учрашган ёки учрашмаганини билолмай қийналади, аммо сир бой бермайди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

БОР

бор I предикатив сўз (кесим бўлиб келади). Мавжуд [имеется, существует, наличие]. *Борлиқ, борича, бари, барибир, бор-ўғи.* □ *Сув бор жойда ҳаёт бор. Ручканг борми? □ Айвон олдида шинамгина гулзор ҳам бор.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бор II [тожикча] нумератив; китобий, кўтаринки. Марта, карра, дафъа [раз]. *Якбора.* □ *Бир неча бор таклиф юбордим.* □ *Қиз йигитнинг кўзларига тикилиб, неча-неча бор ана шу саволни берди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

бор III феъл. 1. Маълум мақсад билан бирор ерга йўналмоқ [идти]. *Ишга бормоқ. Мактабга бормоқ. Меҳмонга бормоқ.* □ *Ажабо, нега энди Азиз Дилдорнинг шаҳардаги уйига бориш ўрнига, далага келди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Давом этиб турмоқ [идти]. *Сухбат иккинчи сменани қандай ташкил қилиш устида бормоқда.* □ *Сен мактабга қадам қўйган йилингда Ғарбда Ватан учун борар эди жанг.* Эгам Раҳим.

бор IV кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога «давомли йўналиш» грамматик маъносини қўшади. *Мен газеталарни доимо ўқиб бораман.* □ *Холмурод бу одамлар орасида .. учраган одамлардан сўраб-суриштириб йўл бошлаб бораётган отасини кўздан йўқотмай бора берди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

БОСИМ

босим I [бос+им — от ясовчи аффикс] от. Бирор сатҳга, сувоқликка, газга босиш кучи [давление]. *Атмосфера босими. Қон босими. Водопроводда сув босими кўтарилибди.* □ *«Тўғри, — Дилдор тасдиқлади. — Умар ака аввал кунни ёғиб қолдилар. Юраклари бежо, қон босимлари ошиб кетган, уқоқ қилляпмиз».* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

босим II [бос+им — от ясовчи аффикс] равиш. Кетма-кет уст-устига узлуксиз [подряд, непрерывно]. *Уч кун босим ёғир ёғди. Бир ҳафта босим паҳса урдик.* □ *Комиссия ўн кун босим ишлаб, мактаб, поликлиника, касалхона, уй-жой қурилишларида анчагина жиддий нуқсонларни топди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

БОСИРИҚ

босириқ I [бос+(т)ир+иқ — от ясовчи аффикс] от. Босинқираш ҳолати, уйқуда алғоқ-далғоқ тушлар кўриб қийналиш [кошмар]. *Урушда кечирганлари қора босириқдай баъзан хотирдан ўтажак.* Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

босириқ II [бос+(т)ир+иқ — от ясовчи аффикс] от. Иссиқ, совуқдан, пашшадан сақлаш учун от устига ёпиладиган кигиз ёпиқ [попона].

БОСМА

босма I [бос+ма] от. Баландга юк кўтариш учун хизмат қиладиган посонги шаклидаги қурилма [рычаг]. *Лойни томга босма билан кўтариб бердик.*

босма II [бос+ма] сифат. Босмахонада тайёрланган; нашрга оид [печатный]. *Босма асарлар. Босма лист. Босма ҳарф.*

□ *Босма сўз миллионларча газетхонларнинг ижодий фикрини оширсин. «Қизил Ўзбекистон»дан. Бир босма лист 16 бетдан иборат бўлади.*

БОШ

бош I от. 1. Организмнинг бўйиндан юқори (олд) қисми, калла [голова]. *Бошвоқ, бошпана.* □ *Бош иргитмоқ. Бошини олмақ. Отнинг бошини бўш қўймоқ. Бошини суқмоқ. Бошини эзмоқ.* □ *«Таажжуб...»— Раҳим бобо соқолини тутамлаб, бош чайқаб қўйди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

2. Мия [мозг]. *Боши оғрияпти.* □ *Аҳмаджоннинг кулиб юборишига оз қолди. Лекин боши зирқираб оғриб, пешанаси тиришди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

3. Ақл-идрок, фикрлаш қобилияти [мыслительный орган, ум, разум]. *Бошини айлантирмоқ. Бошини қотирмоқ. Бошини йўқотмоқ.* □ *«Сенга у нималарни уқтирди?»— «Шундай, ҳол-аҳвол сўради.— «Роса бошингни қотирди-ку!» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

4. Раҳбар, бошлиқ [руководитель, предводитель]. *Жўрабоши, ишбоши, мингбоши (эски), юзбоши (эски), элликбоши (эски).*

5. Дона (ҳайвон, пиёз кабиларни санашда ишлатиладиган нумератив) [голов, головка]. *20 бош ҳўкиз. 500 бош қўй. 300 бош сигир. Икки бош пиёз билан бир бош саримсоқ пиёз.*

6. Бир бандга бирлашувчи бир қанча шингил [князь]. *Нишонага икки бош узум қилди.* □ *Еки анави узумларни кўринг: даройи, чарос, каттақўрғонларнинг ҳар боши ярим пуд келади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

7. Энг юқори қисм, уч, чўққи [вершина, кончик, макушка]. *Теракнинг боши. Тоғнинг боши.*

8. Бошланиш нуқтаси [начало]. *Бошламоқ I.* □ *Кўчанинг боши. Ариқнинг боши. Асарнинг боши. Боши ўтган сонда. Бошдан оёқ. Боши-кетти.* □ *Аҳмаджон Азизни бошдан оёқ зимдан кузатди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри. Ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман. Парда Турсун, Уқитувчи.*

9. *Этикдўзлик термини. Оёқ кийимининг тагликка бирлаштирилувчи қисми, бошлиқ [головка, союзник]. Бошламоқ II, бошлиқ I.* □ *Этика янги бош солмоқ.*

Бош II [< бош I] сифат. 1. Энг олдинги, биринчи [первый, первоначальный]. *Бош бола. Бош келин. Бош бармоқ.*

Бош келишик.

2. Раҳбарлик қилувчи, бошчилик қилувчи [главный]. *Бошлиқ II, бошчи.* □ *Бош врач. Бош агроном. Бош чўпон. Бош инженер.* □ *Бизнинг ўзаро текшириш бригадамизда, мандан ташқари, бош агроном, тўртинчи бўлим бошқарувчиси, бригадирлардан Турғунали, бош механик ва қурилиш бўйича муовиним бўлди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

3. Асосий, муҳим [основной]. *Бош масала. Бош корпус. Бош тўғон.* □ *Хайри ўқитувчилар хонасида кечқурун чиқиши лозим бўлган деворий газетага бош мақола ёзар эди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

4. Катта [прописной]. *Бош ҳарф.*

БОШЛА

бошла I [бош I 8+ла]+феъл. Бирор иш-ҳаракатни ижро этишга киришмоқ [начинать]. *Илмий совет кенгаши соат учда бошланади. Ашулани мен бошлайман, кейин сиз жўр бўласиз.* □ *Гуландом чойдан бир ҳўплаб, яна ўз ҳикоясини бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

бошла II [бош I 9+ла] феъл; *этикдўзлик термини.* Янги бошлиқ солмоқ, бошлиғини янгисига алмаштирмоқ [поставить новые союзники]. *Этигимни бошлаб берсангиз, бошлиғи уришиб қолди.* □ *Отаси бошлатиб берган чориғидан қор суви ўтиб, оёқлари сув ичида билчиллайди. Парда Турсун, Уқитувчи.*

бошла III [< бошла I] кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога «киришиш», «илк босқич» грамматик маъносини қўшади. *Кела бошламоқ. Уқий бошламоқ.* □ *Эрталабданоқ кун қизий бошлайди-да, чошгоҳга борганда қуёшдан олов ёмғири ёғилади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

БОШЛИҚ

бошлиқ I [бош I 9+лик] от; *косибчилик термини.* Оёқ кийимининг тагликка бирлаштирилувчи қисми [головка, союзник]. *Этигимга янги бошлиқ солиб берсангиз.*

бошлиқ II [бош II 2+лик] от. Бош бўлувчи, раҳбар, ишбоши [глава, руководитель, начальник]. *Идора бошлиғи. Цех бошлиғи. Звено бошлиғи. Бошлиқ ҳали командировкадан қайтгани йўқ.* □ *Уни бригадага бошлиқ қилиб тайинладилар. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

БОҚ

боқ I *Феъл.* 1. Назар солмоқ, қарамоқ [смотреть]. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ. Мақол. □ Баҳор! У ҳамма вақтдагидек қувноқ, ғунча лабларида, ширмой юзларида, чарос кўзларида табассум билан оламга боқади. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Узоқ вақт озиқ-овқат бериб парвариш қилмоқ [кормить, откармливать]. Бола боқмоқ. Қўй боқмоқ. Ғўшт билан боқмоқ. □ Мен ёшлиқдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим. Ҳар кимнинг юмушини қилиб ўсдим. Ойбек, Қутлуг қон.

боқ II [*< боқ I*] *кўмакчи феъл.* Мустақил феъл англатган лексик маънога «ҳаракатнинг синаш, текшириш мақсадида бажарилиши» грамматик маъносини қўшади. *Еб боқмоқ. Ўқиб боқмоқ. Сакраб боқмоқ.* □ Ҳозирча менга одам керак эмас, аллақайда биров одам керак дегандек бўлиб эди. Суриштириб боқайчи. Парда Турсун, Ўқитувчи.

БОҒ

боғ I *от.* Бирор нарсанинг тўдалаб боғланган ҳолати [сноп, вязанка, пучок]. Боғламоқ, боғлам. □ Бир боғ беда. Боғи катта-катта экан. Бир боғ пиёз (укроп, кашнич, редиска...). □ Шу пайт каттагина бир боғ пичанни велосипедига ортиб олган бола йўлдан ғизиллаб ўта бошлади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

боғ II [тожикча] *от.* Узум (ток), мевали дарахт кўп экилган ер участкаси [сад]. Боғбон, боғдор, боғистон, боғча (болалар боғчаси), боғ-роғ, боғ-бўстон. □ Узумини е, боғини суриштирма. Боққа боқсанг, боғ бўлади, боғмон-даҳсар ёр бўлади. Мақол. □ Новларнинг челақларига тўлган сув баландликдаги ариқчага қуйилади-да, бобосини соғиниб келган набирачадай боғ ичига чопади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

БОҒЛИҚ

боғлиқ I [боғ I+лиқ — от ясовчи аффикс] *от.* Ўрилган ўсимликни боғ-боғ қилиб боғлашда, ток новдаларини ишкомга, сўрига кўтариб боғлашда ишлатиладиган пўстлоқ, каноп ип. *Боғлиқ тайёр бўлса, мен ўриб кетавераман, сиз боғлаб кетаверасиз. Боғлиқдан узатиб юборинг, бир йўла шу новдани ҳам боғлаб туша қолай.*

боғлиқ II [*< боғла+қ*] *сифат.* Боғланган [привязанный]. *Ит боғлиқ. Бу қизнинг боши боғлиқ. Яхши ишга доим белим боғлиқ.* □ Бизга бетончилар сув билан ҳаводай зарур. Ишимизнинг ўзаги — бетон. Бетонсиз қўлимиз боғлиқ. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

БУЛДУРУҚ

булдуруқ I *от.* Қора қоринли қушча, қорабовур [чернобрюхий рябок]. Бола хаёлимни олиб қочарди Явшон тоғларидан учган булдуруқ. Миртемир.

булдуруқ II *от.* 1. Қор тугмачалари (зарралари, учқунлари) [снежная крупа]. *Булдуруқ ёғди.* □ Тушдан кейин осмон юзини сарғиш туман қоплаб, майда булдуруқ ёға бошлади. Мирмуҳсин, Чиниқш.

2. Қиров [иней, изморозь]. *Бир вақт юрагимни севгига маскан Эган қора сочга қўнмиш булдуруқ.* Саида Зунунова.

БУРУН

бурун I *от.* Ҳидлаш органи [нос]. *Бурундор, бурунаки.* □ *Бурун катаклари. Бурун тортмоқ. Қирғий бурун. Қирра бурун. Оғиз-бурун ўпишмоқ.* □ *Кўчадаги «тез ёрдам» машинаси... бурунга кўзойнак қўндирган, худди шундай оқ халатли новчагина касалхона врач, бемор опани уларга топшираётган Дилдор билан Оля деразадан шундоққина кўришиб турди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

бурун II [*< бур+ун*] *от; география термини.* Денгизга туртиб чиққан қуруқлик (бурчак ҳосил этиб туради) [мысь]. *Челюскин буруни.* □ *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, ғарби Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралган бурун.* Абдулла Қодирӣ, Ўтган кунлар.

бурун III *равши.* Илгари, аввал [раньше]. *Бурунги.* □ *Бурун шундай эди, ҳозир ўрганиб кетган.* □ *Унинг юзлари шу қадар сўлиб қолган эдики, бундан бир нечагина йил бурун ўз чиройи билан ҳаммани ҳайратда қолдирганига ҳам ишониб бўлмасди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

БУРЧ

бурч I [асли бур — «қайир, бура»+ч — от ясовчи аффикс] *от.* Бирор нарсанинг икки томони бирлашадиган жой, муюлиш [угол, уголок]. *Бурчак (бурч+ак).* □ *Уйнинг у бурчидан бу*

бурчи га бориб келмоқ. □ Аҳмаджон хотинига ишонади. Ишонади-ю... барибир, кўнглининг бир бурчи да шубҳа, рашк илони ғамирлайди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

бурч II [асли сўғдча] от: кўтаринки, Уташ лозим бўлган вазифа [долг, обязательство]. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчи дур. Мен ўз оталик бурчимни адо этдим. □ Демак, қалби савз, табиати энгил экан... Модомики шундай экан, у турмушда, оилада ўз бурчинини бажариши ҳам амри маҳол эди.. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

БУТ

бут I [пур] от. Чов, чот [пах]. Бутига тепма! □ Ит индамайди, аммо шу он думига қўнган бир пашшани чайнамоқчи бўлиб думини қайта-қайта ғижиниб тишлайди, кейин бутини кўтариб қашнади. Ойбек, Болалик.

бут II [асли сўғдча; будда худосини акс эттирувчи ҳайкалча] от. Христиан динида чўқиниш симболи [крест]. Бутпараст, бутхона. □ Отряднинг ўликларини тўплаб, қайинзордаги қабристонни ёғоч бутлар билан тўлдириб кетишдан бошқа иложи йўқ эди. Иброҳим Раҳим, Чин муҳаббат.

бут III предикатив сўз (кесим бўлиб келади). Тўқис-тугал муҳайё [цел(ый)]. Буткул, бутламоқ, бутун. □ Ҳамма нарса бут. Эгни-бошинг бут. □ Сенга нима етмаяпти? Шахсан мен сени ишга мажбур қилмайман. Энинг бут, қорнинг тўқ! Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

БҮЮР

бююр I [< бўюр — «ён»; асли унлилари юмшоқ] от; фольк. Биқин (отга нисбатан) [бок]. Буюри буюрига ёпишган (жуда озғин). □ Шу кун.. жонивор Ғиркўк сузилиб, буюри буюрига қапишиб... Ширвонга кириб борди. «Равшан».

бююр II [асли унлилари қаттиқ] феъл. Буйруқ бермоқ, амр қилмоқ, бирор ишни бажаришни қатъий талаб қилмоқ [приказать]. Буйруқ (бююр+уқ), бююртма. □ Болани ишга буюр, кетидан ўзинг югур. Мақол. Буюринг, хизматингизга ҳозирман. □ Капитан Аҳмаджонга ҳар қандай қилиб бўлса ҳам немис пулемётини бартараф қилишни буюрди. Абдулла Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

БҮЗ

бўз I [асли арабча بوز — «мато, ип мато»; шундан баззоз — «мато билан савдо қилувчи»] от. Оқ-сарғиш рангли дағал ип газлама. Бўзчи. □ Бўз қоп. Бўз тўқиб чиқармоқ. □ Шу мақсадга етиш учун қоп кўтарган, йиртиқ-ямоқ бўз чопонли отасининг орқасидан шошиб-пишиб одимлар эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

бўз II от. Чалов (ўт) [ковыль волосистый]. Бу ерларда бўз ҳам ўсмайди.

бўз III сифат. 1. Экин экилмай ётган, чалов, шувоқ каби ёввойи ўтларгина ўсадиган [целинный]. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш. □ Ойқиз шу баҳорда ўзлаштирилаётган қўриқ ва бўз ерларга яқинлашди. Шароф Рашидов, Бўрондан кучли.

2. Ҳали синовдан ўтмаган, тажрибасиз, ғўр [неопытный, зелёный]. Бўз бола. Бўз йигит. □ Йўлчи қачон келар экан? Келганда ҳам, нима қилади, бўз бола, камбағал. Ойбек, Қутлуғ қон.

бўз IV сифат. Кулранг [сероватый, свый]. Бўзармоқ. □ Бўз от. Бўз тупроқ. Ранги бўз бўлиб кетди. □ Бўз отлик, оқ камзул, оқ шапка кийган биров ён кўчадан йиғинга бостириб кирди. Парда Турсун, Уқитувчи.

БҮЗЧИ

бўзчи I [бўз I+чи] от: эскирган. Бўз тўқувчи косиб. Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига. Мақол. Бўзчининг моқисидай. □ У энг шимариб ишлаш ўрнига, қурилиш билан район ўртасида бўзчининг моқисидай бориб-келарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

бўзчи II [бўз III I+чи] от; ўсимлик номи. Зубтуруш, баргизуб [породожник большой].

БҮЙ

бўй I от. Узунлик ўлчами [рост, длина, высота]. Бўйдор I, бўйчан, бўйўсар (без), бўйсира (эскирган). □ Бўйи бир қарич, соқоли икки қарич. Топишмоқ. Бўйи баланд йигит. Бўйи паст бино. Бўйига эмас, энига қараб ўсмоқ. Теракнинг бўйи 10 метр келади. Бўй чўзмоқ. □ Ахир ййинқароқ қизча билан шўх ййигитчанинг дўстлиги бошқа, бўйи етган қиз билан ўспирин ййигитнинг дўстлиги бошқа эмасми? Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

Бўйдор

40

бўй II [тожикча] от. Ҳид, ис [запах]. *Бўйдор II, бадбўй, хушбўй.* □ *Қарғалар учса, қарайлик Андижоннинг йўлига, Иси келса, маст бўлайлик ҳандалакнинг бўйига.* Қўшиқдан. *У бинафшалардан беозоргина бўй олди: димоғига, дилига, вужуди-га у шу пайтгача туймаган ором, тубсиз нашъа, завқ-сафо югурди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

БУЙДОР

бўйдор I [бўй I+дор] сифат. Бўйи одатдагидан ортиқ [высокий, рослый]. *Бўйдор киши. Бўйдор терак.* □ *Шийпонда Турғуналининг хотини — энди йигирмага кирган ёшгина, бўйдор, қорача жувон Еқутой дастурхон ёзиб, чой дамлаб турган экан.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

бўйдор II [бўй II+дор] сифат. Ҳиди одатдагидан ортиқ [пахучий]. *Жайдари атиреулар президент гулларга нисбатан бўйдор бўлади.*

БУКА

бўка I от [асли бош маъноси — «бақувват, кучли»]. Антилопанинг бир тури [сайгак].

бўка II [*бўкалак; бўка* — «қўрқинчли ҳашарот, махлуқ» + *лак* — кичирайтиш ифодаловчи аффикс. Асли бу сўзнинг ўзаги *бў* бўлиб, ҳозир ҳам болаларни қўрқитишда ишлатиладиган *бўжи* сўзи шу ўзакдан ясалган] от. Сўна [овод]. *Бўкаламоқ* (қўй *бўкалади*). □ *Қўй бўкаси. Қўйга бўка тушибди.* □ [Сигир] *мен етиб боргунимча ўт чимдиб туради, етиб борганимдан кейин менга бир қараб қўяди-да, худди сағрисига бўка тушгандай, яна ўйноқлаб қочади.* Гафур Фулом, Шум бола.

БЎЛ

бўл I [асли унлиси юмшоқ ва чўзиқ] феъл. 1. Қисмларга ажратмоқ [делить, разделять]. *Бўлак, бўлим, бўлма, бўлат, бўлувчи.* □ *Олмани иккига бўлмоқ. Мол-мулкни уч ака-укага бўлиб бермоқ.* □ *Ҳатто ёши саксонни қоралаган кексалар ҳам йўлларни чақирим-чақирим бўлишиб олиб, ўз чекларига тушган масофанинг у бошидан бу бошига тинимсиз юргани-юрган.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Узилиш ҳосил қилмоқ, орага бошқа нарсани киритмоқ [прерывать]. *Гапни бўлмоқ. Фикрни бўлмоқ. Хаёлни*

бўлмоқ. Қўнғилни бўлмоқ. □ *Раҳим бобонинг хаёли бўлинди, Азийнинг сўзларидан хушёр тортди-да.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

бўл II [асли унлиси қаттиқ] феъл. 1. Мавжудликни, борликни англатади [быть]. *Мен соат еттида уйда бўламан. Москвада бўлганингизда бизникига кириб ўтинг.* □ *Шу жиккаккина чол бундан эллик беш йил аввал .. камбағал деҳқонларнинг биринчи ширкатини тузган, ундан кейин «Қизил деҳқон» номли биринчи колхозга раис бўлган.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Рўй бермоқ, юз бермоқ [присходиться, совершаться, случиться]. *Бу воқеа қачон бўлди? Нима бўлди-ю, у хат ёзмай қўйди.* □ *Овқат устида Хадича хола қишлоқда бўлиб ўтган ҳамма катта-кичик ҳодисалар тўғрисида гапириб берди.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

3. Тугатмоқ, тамомламоқ [кончать, заканчивать]. *Қани, бўл, кетамиз. Бўлди қилинг. Бўлдингизми? □ Ҳой, мунча ивирсидиларинг! Бўла қолсаларингчи.* Абдулла Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4. Ҳосил бермоқ, битмоқ [плодоносить, давать урожай]. *Бўла.* □ *Бу ерга анжир эк, лагандай бўлмаса, калламни ол.* Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

бўл III [*бўл II*] *кўмакчи* феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога турли грамматик маънолар қўшади ёки замон ясалишида қатнашади: 1. Давомли, бирин-кетин бажариладиган ҳаракатни англатадиган феъл билан ишлатилганида «охирга етиб тугалланиш» маъносини ифодалайди. *Уқиб бўлмоқ. Ёзиб бўлмоқ. Тарқаб бўлмоқ.* □ *Вақт пешиндан ўтиб, кун оға бошлаган бўлишига қарамай, ҳаво ҳамон иссиқ; суҳбатдошлар рўмолчалари билан еллинишади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Бирваракай бажариладиган ҳаракатни англатувчи феъл билан ишлатилганида «оний тугаллик», «бошқа бир ҳаракат бошлангунча тезда тугалланиб қолиш» маъносини ифодалайди. *Чироқ ўчиб бўлди. Укам кетиб бўлди.* □ *Автобус деярли бўи, шаҳар томошаларига борувчилар аввалии автобусларда кетиб бўлишган.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

3. «Ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигидаги объектив имконият, мумкинлик»ни ифодалайди (бунда кўмакчи феъл ҳозирги-келаси замон формасида бўлади; бу кўмакчи шу маъноси билан, **-б** равишдошидан ташқари, **-са** шарт фор-

масидаги феъл билан ҳам ишлатилади). Бу талабни қондириб бўлади (қондирса бўлади). Бу гапни унга айтиб бўлади (айтса бўлади). □ Сабзининг тўғрамчасини олдим, ўчоққа ўт ёқсак бўлаверади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

4. Шарт майлиннинг ўтган замон формасини ясайди (бунда мустақил феъл -ган сифатдоши формасида бўлади). Уқи-гаң бўлса. Гапирган бўлса. □ Бирор камчилик ўтган бўлса, маъзур кўрасиз. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

5. Қўшма феъл ясалишида қатнашади. Жам бўлмоқ. Пайдо бўлмоқ. □ «Ҳа, мени биринчи марта кўриб туриб-сизми?»—Азиз Аҳмаджонга кўз қирини ташлаб, жуда сокин гапирди.—Бошимда шох, елкамда қанот пайдо бўлибди-ми?» Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

БҮЛА

бўла I [бўла II 4+a — сифат ясовчи аффикс; бўл ўзагининг унлиси асли қаттиқ; бўлиқ ҳам шу ўзакдан ясалган] сифат. Доналари йирик, тўқ мағизли [крупный, налитый, ядрёный]. Бўлали (бўлали бола). □ Баҳорги бўғдой жуда бўла бўлади.

бўла II [асли унлилари юмшоқ, аммо қисқа] от. Туғишган опасингилнинг болалари (бири иккинчисига нисбатан). «Ким келди?»—«Бўланг ўртоғи билан келибди». □ У бўласининг бугун жуда ҳам тумшайиб олганига ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, паршонлигини тарқатиш учун турли саволлар берар .. эди. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

БҮЛАК

бўлак I [бўла I 1+ак — от ясовчи аффикс] от. 1. Бўлиш натижасида юзага келган қисм, парча [кусок, пачка]. Бўлакча I. □ Икки бўлак қанд. Уч бўлак ҳолва. Бир бўлак совун. Ун бўлак чой. □ Иккала ўртоқ биттадан балиқ бўлагини олдиларига олиб, закуска қилдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

2. Грамматика термини. Бирор синтактик вазифани бажариб келган сўз(лар) [член (предложения или словосочетания)]. Гапнинг бўлаги. Бирикманинг бўлаги. Гапни бўлакларга ажратиш. □ Бош бўлаклар гапнинг асосини ташкил қилади. А. Ғ. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили.

бўлак II [*бўлак I*] сифат; сўзлаш. Бошқа, ўзга [другой, отдельный; кроме]. Бўлакча II, бўлакламоқ, бўлак қилмоқ. □ Бундан бўлак чора қолмади. Айтадиган бўлак гапим йўқ. Бу — бўлак гап. Уларнинг рўзғори бўлак. □ Баҳорда у ўроғини серямоқ тўнининг елкасига солиб, бўлак юртларга иш қидириб кетар, шу кўйи қишга яқин, тирикчиликни бир нав тебратиб турарлик нарса топиб, қайтиб келар эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

БҮЛАКЧА

бўлакча I [бўлак I +ча — кичрайтиш маъносини ифодаловчи аффикс] от. Кичкина бўлак, бўлакнинг парчаси [кусочек]. Новот бўлакчалари. □ Бир неча ҳафтами, ойми сен яшаган ана шу жойда алланарсанг қолгандай бўлади. Аллақаринг жиз этиб кетади! Шунда қалбининг кичик бир бўлакчасини қолдиргандай ҳис қиласан. Раҳмат Файзий, Чўлга баҳор келди.

бўлакча II [бўлак II +ча — чоғиштириш маъносини ифодаловчи аффикс] сифат. Олдингидан, кутилгандан фарқли; бошқача, ўзгача [инойт]. Бўлакча муносабат. Бўлакча нуқтаи назар. □ Хато қилибман, сен олов экансан, бўлакча йигит экансан. Ойбек, Қутлуғ қон.

БҮШ

бўш I сифат. 1. Ичига ҳеч нарса солилмаган [пустой, порожний]. Бўшлиқ, бўш-бўш. □ Бўш қоп. Бўш челақ. □ Зебо ўзидан нарироққа итариб қўйган бўш стаканини хаёл билан яна олдига тортди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2. Банд қилинмаган [свободный, незанятый]. Бўш ер. Бўш ўрин. Бўш вақт. Қўлим бўш. Бўшман. □ Чорбоғ унча катта эмас. Лекин бир парча ҳам бўш ер кўринмайди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. Ҳужайра тўқималари зич жойлашмаган, юмшоқ [неплотный]. Дарахтнинг бўшини қурт ейди. Мақол.

бўш II сифат. 1. Таранг тортилмаган, солқи [отвесной, слабо подтянутый]. Арқонни бўш тортиб боғламоқ. Юганни бўш қўймоқ. Айилни бўш боғламоқ.

2. Етарли асосланмаган [необоснованный]. Бўш сўзлар. □ Энди унинг хаёлида ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3. Етарли даражада талабчан бўлмаган, ён босувчан [нетребовательный, нестрогий]. *Бўштов, бўш-баёв.* □ *Бўш раҳбар. Бўш эр. Бўш келмоқ. Бўш қарамоқ.* □ «*Бўш-сиз, лақмасиз!*» — *оғзини кўпиртирди Мастура.* Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

БУША

бўша I [*бўш I+a*] *фезл.* Бўш ҳолатга келмоқ, ичини эгаллаб турган нарсадан холи бўлмоқ [опорожниться]. *Қоп бўшади. Челақ бўшади.* □ *Нонуштадан кейин шунча одам кўз очиб юмгунча .. ғойиб бўлиб кетди: бутун лагерь кеча кечасидек бўшаб қолди.* Абдулла Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

бўша II [*бўш II+a*] *фезл.* Солқимоқ, таранг тортилган ҳолатини йўқотмоқ [расслабнуть]. *Узатма қайиш бўшаб қолибди. Отнинг айили бўшабди.*

БЎҒОЗ

бўғоз I [асли қадимги ўзаги *бўғ* — «тўсмоқ», «қисмоқ»] *от.* Икки сув ҳавзасини туташтириб турувчи тор сув йўли [пролив]. *Гибралтар бўғози. Керчь бўғози.* □ *Душманни изма-из қувиб бораётган қўшинларимиз билан Абдуллаевнинг взводи ҳам Керчь бўғозига етиб борди.* Адҳам Раҳмат, Қаҳрамон сапёр.

бўғоз II [асли қадимги ўзаги *бўғ* — «туғмоқ»] *сифат.* Иккиқат (қисирнинг акси; одатда ҳайвонларга нисбатан ишлатилади) [стельная]. *Бўғоз бўлмоқ.* □ *Бўғоз сизир. Бўғоз совлиқ.*

ВЕРТИКАЛ

вертикал I [латинча *verticalis* — «тепа қисмдаги»] *от;* *астрономия термини.* Осмон гардишида горизонтга тик равишда зенит нуқтасидан ўтган ҳар бир катта айлана. *Ер шарининг қутбидан ўтган вертикалга меридиан дейилади.*

вертикал II [*<* русча *вертикальный*] *сифат; геометрия термини.* Тик йўналишга эга, горизонтал текислик (юза) билан тўғри бурчак ҳосил этувчи. *Вертикал чизиқ. Вертикал ҳолат.*

ГАЗ

газ I [асли «сатҳни ўлчаш учун ишлатиладиган тугунли ип» маъносини англатган] *от; эскирган.* Метрдан кичикроқ (тахминан 91,5 см. га тенг) узунлик ўлчови. *Газмол, газла(моқ) I.* □

Буклама газ. Беш газ арқон. □ *Ҳашарчилар кетмон, белкуррак, теша, газ, арра ва бошқа асбоб-ускуналарни мактаб омборчисига топшириб, уй-уйларига тарқалдилар.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

газ II [французча *gaz*; XVII асрда голланд олими Ван-Гельмонт томонидан тақдим этилган, тахминан юнонча *хаос* сўзи асосида юзага келган сунъий сўз] *от.* 1. Зарралари бир-бири билан зич боғланмаган, тарқалувчан, турган жойини бир текисда тўлдириб турадиган жуда енгил модда, жисм. *Газли.* □ *Заҳарли газ. Бўғувчи газ. Газсувлар* [русча *газводы* сўзининг калькаси; асли тўғриси; *газли сувлар*). *Гази чиқиб кетибди.* □ *Кечаги боржом оғзи очиқ қолибди, гази чиққандан кейин бир пулга қиммат.* Абдулла Қаҳҳор, Санъаткор.

2. Газсимон ёнилғиларнинг умумлаштирувчи номи. *Исиқтиш системасини кўмирдан газга ўтказиш. Газ баллони. Баллонли газ. Табиий газ.* □ *У газ плитанинг иссиқхонасида — газ тандирда сомса, патир ёпишни ўрганиб олган.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

газ III [французча *gaze*] *от.* Жуда юпқа, докапаранг (шаффоф) ипак мато. *Газ рўмол. Газ шарф.*

ГАЗАК

газак I [тожикча] *от.* Яранинг сув йиғиб, йиринг бойлаб, шиш ҳосил қилиши [воспаление]. *Газак олмоқ. Газак ўт* (ромашка). *Қўлингни совуқ сувга урма, яранг газак олади.*

газак II [тожикча] *от; сўзлаш.* Зиёфат бошланишида, май ичишда тортиладиган, иштаҳа очишга хизмат қиладиган енгил-елпи овқат [закуска]. *Берган овқатинг бу кишига газак ҳам бўлмайди.*

ГАЗЛА

газла I [*газ I+ла*] *фезл;* *эскирган.* Газ билан ўлчамоқ. *Газлама.* □ *Сиз газлайверинг, пулни бу киши санаб олади.*

газла II [*газ II+ла*] *фезл.* Бирор суюқликни газ билан тўйинтирмоқ. *Минерал сувнинг бу партияси яхши газланибди.*

ГАММА

гамма I [юнонча *гамма* — ўрта аср музыкасида «соль» товушини билдирувчи белги] *от.* 1. *Музикашunosлик термини.* Парда тизмасида товушларнинг кўтарилувчи ва пасаяувчи қатори. *Мажор гаммаси. Роялда гамма чалмоқ.*

2. *Рассомлик термини*. Рангларнинг бирин-кетинг алмашинуви, жойлашуви. *Бўёқлар гаммаси*. *Жозибали (илиқ) гамма*.

гамма II [юнон алфавитидаги учинчи ҳарфнинг номи] *сифат*. Учинчи хил. *Гамма нурлар* (Қиёсланг: *Альфа нурлар, бета нурлар*). *Гамма нурланиш*.

ГАП

Гап I [тожикча] *от*. 1. Талаффуз қилинган (ёки ёзилган) сўзлар, нутқ [разговор]. *Гандон, гапирмоқ, гап-сўз, гап-сўз бўлмоқ*. □ *Гап согмоқ, Гапни чўзмоқ, Гапга тушмоқ, Бир-икки оғиз гапим бор, Гап десанг — қоп-қоп, иш десанг — Самарқанддан топ, Мақол*. □ *Иброҳимов устод хурсанд бўганини кўриб, ғўза тўғрисидаги гапини бошлади, Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор*.

2. Фикр-мулоҳаза [слова, суждения]. *Гаплашмоқ*. □ *Гапнинг очиги, Тўғри гап, Қуруқ гап, Гап ковламоқ, Гап битта*. □ *Чол бир оз ўйга толгандан кейин, йўқотган гапининг учини топиб олди шекилли, кўзлари тийраклашди, қошлари чимирилди, Ҳамид Фулом, Бинафша атри*.

3. Иш, вазифа, масала [дело, вопрос]. *Қатта гап, Нима гап бўлди? Тагида бир гап бор, Бу ҳеч гап эмас*. □ *Бирроқ, Нигор опанинг ўйлашича, гап мол-дунёда эмас, Инсон бахтини меҳнатидан, илмидан, ҳаракатидан топади, Ҳамид Фулом, Бинафша атри*.

4. *Грамматика термини*. Фикр ифодалашга хизмат қилувчи синтактик бирлик [предложение]. *Содда гап, Қўшма гап, Бош гап, Эргаш гап, Қўчирма гап, Гап бўлаклари*. □ *Гап нутқнинг бир бўлаги бўлиб, у тугалланган (нисбий тугалланган) бир фикрни ифодалайди, А. Ф. Фуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис*.

гап II [тожикча *гап I* асосида ўзбек тилида юзага келган] *от*. Улфатлар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар орасида галмагал ўтказиб туриладиган зиёфат, гурунғ кечаси. *Гап-гаштак, гапхона*. □ *Гап бермоқ, Гап емоқ, Келаси гал гап сизникида бўлади*. □ *Чол билан икки йигит ҳаёти ниҳоят яқин улфатларнинг гап-гаштагига ўхшаб қолди, Ҳамид Фулом, Бинафша атри*.

ГЕНЕРАЛ

генерал I [латинча *generalis* — «умумий, бош бўлувчи»] *от*. Армияда олий командирлик унвонларидан бири. *Генералитет, Генерал-*

майор, Генерал-лейтенант, Генерал-полковник, Армия генерали, Генерал-губернатор, Генералнинг буйруғи, генерал II [*<* русча *генеральный* *>*] *сифат*. Умумий, ҳар тарафлама чуқур, асосий, муҳим. *Тошкентни реконструкция қилишининг генерал плани, Тошкент шаҳрининг генерал картаси*.

ГРАФИК

график I [юнонча *graphikos* — «чизма»] *от; нарса оти*. 1. Турли процессларнинг миқдорий ўзгаришини чизиқлар ёрдамида кўрсатувчи диаграмма. *Атмосфера босими ўзгаришини кўрсатувчи график*.

2. Баждариллиш вақти ва ҳажми аввалдан аниқ белгиланган иш плани. *График бўйича ишламоқ, Графикдан чиқиб кетмоқ, Қурилиш объектларини топшириш графиги, Ҳафталик иш графиги*. □ *Энди ишимиз жадал суръатлар билан кетиши керак, Техника оз, Графикдан чиқиб кетиш хавфи туғилаяпти, Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин*.

график II [юнонча *graphikē* — «чизмакашлик санъати»] *от; киши оти*. Графика (мойли бўёқ ишлатмай расм чизиш) бўйича мутахассис. *Графикни ишга таклиф қилмоқ, У — график-портретист*.

ГРАФИКА

графика I [юнонча *graphikē* — «чизмакашлик санъати»] *от*. Рассомликнинг мойли бўёқ ишлатмай расм чизиш тури. *Графика — рассомлик санъатининг энг оммавий турларидан бири, Бу рассом ижодида графика ҳам муносиб ўрин эгаллайди*.

графика II [юнонча *graphō* — «ёзаман»] *от*. Ҳарфий график воситалар системаси; тилшуносликнинг ҳарфий график воситалар билан товушлар системаси орасидаги муносабатларни ўрганивчи, белгилловчи бўлими. *Рус тили графикаси, Ўзбек тили графикаси, Араб графикаси, Латин графикаси, Графикаларни унификация қилиш масаласи*. □ *Рус графикаси асосидаги ўзбек алфавитида 33 ҳарф ва иккита махсус белги бор, «Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм»*.

ГУЛБАНД

гулбанд I [*<* гулнинг банди *>*] *от; ботаника термини*. Поянинг бево-сита гул униб чиққан, гулли тутиб турган қисми [цветоножка]. *Баъзи гулларнинг гулбанди жуда қисқа бўлади*.

гулбанд II [< гул(ли) банд] от; пичоқчилик термини. Пичоқнинг тиғи билан сопини мустақкам бирлаштирувчи қўйма (қалай ёки баббий); юзи силлиқланиб, нақшлар ёки қимматбаҳо тошлар билан безатилади. Қимматбаҳо пичоқнинг гулбанди кумушдан ясалади. □ Пичоқ унча катта эмас эди. Гулбандидан учигача бир қарич келарди. Садриддин Айний, Эсдаликлар.

ГҮЁ

гўё I: [тожикча — «гапирувчи»]. Булбули гўё. □ Ҳе-ҳе, отагинангиз жонларингиздан-эй!.. Сизлар ҳозир бамисоли булбули гўёсиз. Қўнгиларингизда ишқ, ҳавас олов олган пайт.. Парда Турсун, Уқитувчи.

гўё II [тожикча] чоғштирув боғловчиси. Худди, каби [якобы, будто бы, словно]. Гўёки. □ Най садосининг майин тўлқинлари тип-тиниқ ҳавода ёйиларкан, гўё ҳамма ёқ жонланган каби туйилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ДАВЛАТ

давлат I [арабча دولة] от. Мамлакатнинг мавжуд тузумини муҳофаза қилувчи сиёсий ташкилот, шундай ташкилотга эга мамлакат [государство, держава]. Давлат арбоби. Давлат тузуми. Давлат плани. Совет давлати. Немис давлати. Буюк давлатлар. □ Давлат — қандайдир мавҳум тушунча эмас, балки давлат — сиз билан биз демокдир. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

давлат II [давлат — «ҳокимият» — давлат — «бойлик»] от. Бойлик, мол-мулк, дунё [богатство, добро (имущество)]. Давлатли, давлатманд. □ Давлати ошиб-тошиб ётибди. □ Нафиса энди озод. У фарзанди билан соғ-омон юрган экан, она учун энг катта давлат — шу. Ҳамид Ғулум, Бинафша атри.

ДАЙДИ

дайди I феъл. Бир жойда қўним топмай, дарбадар кезиб, кўчиб юрмоқ [слоняться, бродяжничать]. Дунёдан умидимиз бор. Биз дайдимайдиған кунлар ҳам келар, хўжайин! Парда Турсун, Уқитувчи.

дайди II [< дайди I] сифат. Бирор жойда қўним топмайдиган, дарбадар, қўнимсиз [бродящий, шальной]. Дайди одам.

Дайди ит. Дайди шамол. Дайди ўқ. □ Қир ювиб ўтирган онам орқамдан қичқиради: «Яна қаерга, дайди?» Ойбек, Болалик.

ДАМ

дам I [тожикча] от. I. Ҳаво [воздух]. Камеранинг (тўпнинг) дами чиқиб кетибди. □ Илгари говмиш сигирнинг елинидек солиниб турадиган бағбақаси сўлган, дами чиққан пуфакдай шалвираган. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

2. Ичга тортиладиган ва чиқариладиган ҳаво, нафас [дыхание]. Дамингизни ростланг, кейин гапириб берасиз. □ Терсак дамнини ичига олиб, тишини тишига қўйиб .. тикилиб қолди. «Равшан».

3. Товуш, нутқ [звук, слово]. Дамингни чиқарма. Дами ичида қолди. □ Хўжайин эшигида юрганида биров билан гаплаша олмай, дами ичида эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

4. Эскирган. Қасални ўқиганда айтиладиган «куф-суф», касалликни ҳайдовчи нафас. Дам солмоқ. Дами ўткир эшон. □ Отамга ўхшаган эшон бўламан. Қўй бермаган қишлоқига дам солмайман. Парда Турсун, Уқитувчи.

5. Тиним, истироҳат [отдых]. Хўкиз ҳам чарчади, пича дам бериш керак. Дам олиш уйи. □ «Сиз бемалол дам олинг, ойижон!» — деб тайинлади. Ҳамид Ғулум, Бинафша атри.

дам II [< дам I I] от; темирчилик термини. Учоқдаги оловга ҳаво пуфлаб берувчи асбоб [мех]. Дамгар (дамни босиб, оловга ҳаво пуркатиб турувчи киши). □ Дамни бос, олов анча сўниб қолибди. □ Аёл қаддини ростлаб ўтирган узоқ йўталди. Ҳар йўталганда озғин кўкраги темирчининг дамидай бир кўтарилиб тушар, юмук кўзларидан ёш оқарди. Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

дам III [< дам I 2] от. Лаҳза, нафас; бир марта нафас олнш ва чиқаришга кетадиган вақт [мгновение, момент, пора]. Дамбадам. □ Бир дамда. Уша дамлар. Шу дамгача. □ ..Холмуроднинг кўзларини мудроқ босди. Бўйни тизлари устига эгилди, аммо дам ўтмай чўчиб бошини кўтарди. Парда Турсун, Уқитувчи.

дам IV (дам ..., дам ...) [< дам III] боғловчи. Гоҳ [то]. Дам қор ёғади, дам дўл. Дам кулади, дам йиғлайди. □ Бувинисо унинг дам оғзига, дам қўлига тикилиб, нима дегани-

ни тушунолмай турганида йўл четиди кетаётган бир шаҳарлик қичқирди. Парда Турсун, Уқитувчи.

дам V от. 1. Тиф, ўткир жой, юз [лезвие, острие]. Қиличнинг дами. Пичоқнинг дами. □ [Отабек] ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинга солиб боқди. Абдулла Қодирий, Утган кунлар.

2. Ўткирлик [острота, крепость]. Ейилган қази-қартанинг дамини кўк чой кесади. □ Қуёш олов сочларини йиғиштириб, Қорасув соҳилидаги азим толлар орқасига яширинди, иссиқнинг дами қирқилди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

дам VI предикатив сўз (кесим бўлиб келади). 1. Ҳаво йиғилиб, юришмай қолган. Ичим дам (дим) бўлиб кетаяпти.

2. [дим II]. Сернам ва иссиқ (ҳаво ҳақида) [душно]. Дамламоқ, дамгир, дамиқмоқ. □ Дам емоқ. Дам едирмоқ. Бугун ҳаво эрталабдан дам. Хонанинг ичи жуда дам бўлиб кетибди. □ Қиём чоғи эди. Қуёш дамини ғир-ғир эсган шамол кесар эди. Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

ДАМЛА

дамла I [дам VI 2+ла] феъл. Палов тайёрлашда, гуруч сувни тортгач, қозон устини иссиқ ва буг чиқиб кетмайдиган қилиб дамгир билан ёпмоқ. Азиз Дилдорни бошлаб кирганда онаси Нигор опа ошни дамлаб қўйиб, ошхонадаги стол ёнида шакароб тўғраб ўтирар эди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

дамла II [< дамла II феъл. Шақиллаб қайнаб турган сувни қуруқ чой солинган чойнакка қуймоқ [заваривать]. Дамлам (бир дамлам чой). □ Чой дамламоқ. Кофе дамламоқ. Исирининг уруғини дамлаб ичмоқ. □ Ўзимизнинг бир юз йигирма бешинчи ҳам ёмон эмас — ёғлиқ паловдан кейин қуруқсоқлик қилинмай аччиққина дамланса, қизига пўлатга сув қуйгандай, аъзойи баданга мойдай сингади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ДАРОМАД ҚИЛ

даромад қил I [тожикча даромад — «фойда», «келим»] феъл. Фойда олмоқ [получить доход]. Колхоз ҳар йили узумчиликдан катта даромад қилади.

даромад қил II [тожикча даромад — «муқаддима»] феъл. Фикр-истагини ноаниқ тарзда бир оз маълум қилмоқ [намекать, дать знать]. Сен аввал секин даромад қилсанг, яхши бўлар эди. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

ДАСТА

даста I [тожикча] от. 1. Соп [рукоятка, черенок (для рукоятки)]. Дастала(моқ) I, дастали (дастаси бор), дасталик (даста сифатида ишлатишга ярайдиган ёғоч). □ Кетмоннинг дастаси. Белкуракнинг дастаси. Тешага даста солмоқ. □ У ҳамшиша қўларини орқасига қилиб, дастасига суяк қадалган қамчинини ўйнарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Тутқич [ручка]. Арранинг дастаси. Челахнинг дастаси. Қошиқдоннинг дастаси. Сумканинг дастаси. □ [Гулнор] бир қўли билан деразанинг дастасини ушлади. Ойбек, Қутлуг қон.

даста II [тожикча] от. Тутам, боғлам, тўда [пучок, связка, стопка]. Дастала(моқ) II, гулдаста. □ Бир даста калит. Бир даста китоб (қоғоз, папка). Нур дастаси. Даста-даста гуллар. □ Толдан бир даста истак қирқиб келган Аҳмаджон Раҳим бобо қолдириб кетган шохларни тараб боғлашга киришди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ДАСТАЛА

дастала I [даста I 1+ла] феъл. Кетмон, теша, болта кабиларга соп (даста) солмоқ [придѣлывать ручку, рукоятку]. Сиз пойтегани дасталаб қўйинг.

дастала II [даста II+ла] феъл. Даста-даста қилмоқ [собирать в пучки, в букет]. Гул дасталамоқ. Пулни юз сўм-юз сўм қилиб дасталамоқ. Мен дасталаб қўйсам, сиз қўшиб юборибсиз. □ У яхши очилган йирик-йирик бинафшалардан беш-олтитасини саралаб узди ва дасталаб, Азизга узатди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ДАФ

даф I [арабча دف — даф(ф), сўзлашув нутқида — дап] от. Ного-рага ўхшаш чолғу асбоби [бубен]. Даф (дап) чалмоқ. □ Даф чалиниб, базм бошланди. Мирмуҳсин, Ойна.

даф II: [арабча دفع — «узоқлатиш»; илгари ўзбек имлосида апостроф билан даф' шаклида ёзилар эди, тожик тилида дафъ шаклида ёзилади; сўзлашув нутқида — дап]. Даф қилмоқ, даф бўлмоқ. □ Қўплашиб бу бало-қазони ҳам даф қилдик. □ Мана у [Отабек] шу мудҳиш, бошга тушмоғи аниқ турган ҳалокатнинг дафи учун Марғилондан ошиғич чиқиб жўнаган эди. Абдулла Қодирий, Утган кунлар.

ДАҲА

даҳа I [< тожикча *деҳа* — «қишлоқ»] *от; эскирган.* Административ район. *Мирзакаримбойни Тошкентнинг тўрт даҳаси билади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

даҳа II [< тожикча *дахӣ* — «декада, ўнталик»] *от.* Ўн кунга тенг муддат, ривожланиш фазаси (ипак қуртига нисбатан) [возраст]. *Кичик даҳа* (ипак қуртининг биринчи, иккинчи, учинчи уйқуси). *Катта даҳа* (ипак қуртининг тўртинчи, бешинчи уйқуси). □ *Қуртлар сўнги даҳага кирди.*

ДЕВОН

девон I [арабча *ديوان*, кўплиги — *دواوين* — «тўплам, мажмуа»] *от.* Қофиясининг алифбо тартиби асосида тузилган шеърлар тўплами. *Навоий девони. Фузулий девони.* □ *Мен мактабда Ҳофиз девонидан сабоқ ўқирдим.* Садриддин Айний, Эсдаликлар.

девон I [арабча *ديوان*, кўплиги — *ديوانات* — «юмшоқ сўри»] *от; эскирган.* Диван (Бу сўз шу шаклида рус тилидан янгидан ўзлашган) [софа]. *Девонда ёнбошлаб ётган Аббосхон Саидийнинг ҳурматига қимирлаб қўйди.* Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

девон III [< *девон II*] *от; эски.* Хон (амир) саройи қошидаги маҳкама, шу маҳкама аҳли [канцелярия]. *Девонбеги.* □ *Девонда ҳеч ким йўқ.* □ [Маждиддин] *Абусаид Мирзо даврида девонда ишловчи майда вазирлардан эди.* Ойбек, Навоий.

ДИМ

дим I [< *дам I 3*] *от.* Сукут, индамаслик, товуш чиқармаслик [молчок, молчание]. *Дим ўйнамоқ. Дим бўлиб олмоқ.* □ *Дим! Оғзингизни паришон қилмай сабр қилиб турсангиз, шу ҳафта ичида бўлади-қолади.* Ҳамза Ҳакимзода, Майсаранинг иши.

дим II [*дам VI 2*] *предикатив сўз* (кесим бўлиб келади). *Сернам ва иссиқ (ҳаво ҳақида) [душно]. Димламоқ, димиқмоқ.* □ *Бугун ҳаво эрталабдан дим (дам). Хонанинг ичи жуда дим (дам) бўлиб кетибди.* □ *Ҳозир ҳаво дим, тераклар қотиб қолгандай турарди, япроқлар қилт этмасди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

дим III *равиш; фольк.* Мутлақо, бутунлай, асло [совершенно, совсем]. *Дим уларга қарай кўрма, чирогим.* «Равшан».

ДИФФЕРЕНЦИАЛ

дифференциал I [латинча *differentio* — «фарқ, тафовут, айирма»] *от.*

1. *Математика термини.* Ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик, ихтиёрый ортмаси. *Функция дифференциали.*

2. *Техника термини.* Автомобиль орқа гилдиракларига турли тезлик билан айланиш имконини берадиган механизм. *Автомобиль дифференциали.*

дифференциал II [< русча *дифференциальный*] *сифат.* 1. Дифференциалга доир. *Дифференциал геометрия. Дифференциал тенглама.*

2. Фарқли, нотенг. *Дифференциал рента. Дифференциал тариф.* □ *Дифференциал рента ишлаб чиқаришнинг индивидуал қиймати билан ишлаб чиқаришнинг юқори қиймати ўртасидаги тафовутдан иборатдир.* В. И. Ленин, Биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси.

ДОВ

дов I [тожикча] *от.* Қиморда катта тикиш [ставка (в азартной игре)]. *Дов кетмоқ* (Қиёсланг: *катта кетмоқ*).

дов II: [< *дов I*] *сифат.* Қўрқмас, журъатли, дадил [решительный, смелый]. *Дов юрак.* □ *Эй қаҳрамон, дов юрак, жасур улуг халқ, Қудратингдан йўқ бўлди хўрлик, асорат.* Ғайратий.

дов III: [< *дов II*] *от.* Дадиллик, журъат [решимость, смелость]. *Юрагим дов бермади.* □ [Ҳожия] *анчагача юраги дов бермай юрди-да, Қумрининг қистови билан охири бугун журъат қилди.* Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

дов IV *от.* Талаб, даъво [иск, претензия]. *Довла(ш)моқ.* □ *Унга ҳеч қандай довим йўқ. Менга нима довинг бор?* □ «*Юравер, йигитлар, юравер! Майдонга рўй-рост чиқиб, ҳақимизни дов қиламиз!*» Ойбек, Қутлуғ қон.

дов V: *сифат.* Бўйчан, катта [рослый, большой]. *Дов йигит бўлиб қолибсан.* □ [Йўлчи] *серсоқол, дов аскар билан олишиб, икки мушт билан уни гаранглатди-да, чаптастлик билан қиличини суғуриб олди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

дов VI: *дов-дарахт* (ўсимлик); *дов-дастгоҳ* (тўқувчилик асбоб-ускуналари). *Ҳамроқул наридан-бери дов-дастгоҳини йиғиштириб жўнади.* Абдулла Қаҳҳор, Томошабоғ.

ДОВУЛ

довул I от. Кучли бўрон [буря, сильная вьюга]. *Довул турди. Довулда қолмоқ. Довул кўпчилиги иморатларнинг томини учириб кетди.*

довул II [*тожикча давл* < арабча *طبل*, кўплиги — *طبول* — ноғорага ўхшаб зарб билан товуш чиқариладиган асбоб, шу асбобнинг товуши] от; эскирган. Қоровулликда, овда, ҳарбий сафарда ишлатиладиган, зарб билан товуш чиқариладиган асбоб. *Довулчи* (довул чалувчи шахс). □ *Довул ҳар вақт миришабнинг ўзи ёки унинг ўринбосари шаҳарни айланиб юрганда чалинади.* Садриддин Айний, Дохунда.

ДОИРА

доира I [арабча *دائرة* — «айлана»] от. I. *Математика термини.*

Марказидан бир хил узоқликдаги нуқталарни бирлаштирувчи думалоқ чизиқ [круг, окружность]. Доирасимон. □ Доира чизмоқ. Ярим доира. Доирасини ҳисоблаб чиқмоқ. □ Чоллар чойхонанинг бурчагига — хонтахта устига қўйилган телевизор қаршида ярим доира шаклида чордона қуриб олишиб, муз устидаги қаттиқ жанглари томоша қилишади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Бирор айланма чек, майдоннинг ичкарисин [черта]. Шаҳар доирасида. Район доирасида. □ Юрьев оператив картага қараб: «Тек ўтирганимиз-у йўқ, аммо ҳаракат доирамиз тор»,— деди. Иброҳим Раҳим, Чин муҳаббат.

3. Чегара, рамка. Таъсир доираси. □ Камина адаб доирасидан заррача чиқмаган бўлса керак. Ойбек, Навоий.

4. Бирор жиҳатдан ўзаро боғланишда бўлган кишилар гуруҳи [круг]. Хабардор доиралар. Ҳарбий доиралар. □ Гуландом бундай турмушга нафрат қилар, бу ифлос доирадан, фаҳш уясидан қутулишни истар .. эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

Доира II [*доира* I] от. Думалоқ гардишга таранг қилиб чарм қоплаб тайёрланган чолғу асбоби, чилдирма [бубен]. Доирачи. □ Доира чалмоқ. Доира чертмоқ. □ Болохонанинг тоқчасида доира, танбур, дутор ва рубоб каби мусиқий асбоблар бор эди. Садриддин Айний, Эсдалиқлар.

ДОЛ

дол I от. Болаларнинг ўйинида ганга (қуббага) биринчи бўлиб уриш ҳуқуқини берадиган ҳолат, соққанинг ганга яқинроқ эканлиги. *Доллашмоқ.* □ «Ким дол?» — «Мен дол».

дол II [арабча *دل* ҳарфи] от; эски. Араб алфавитидаги саккизинчи ҳарфнинг номи. *Бу сўз дол билан эмас, зол билан ёзилади. Қаддим дол бўлди* (букчайиб қолди). □ *Отамнинг бели шу бойнинг хонадонида дол бўлди.* Ҳамза Ҳакимзода, Бой ила хизматчи.

Дол III *равиш; эскирган; сўзлаш.* Худди, нақ, тўппа-тўғри [точь-в-точь]. Нишоннинг дол ўртасига тегизмоқ. Дол вақтида келмоқ. □ *Олмакўзнинг дол белига минайин, Чиқиб, саҳроларда сайр қилайин.* «Орзугул».

ДОМ

дом I [тожикча] от; кўтаринки. Тузоқ, қопқон [ловушка, западня]. *Менга дом қўйиб нима қиласан. Ишқ домига тушмоқ.* □ *Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим.* Одил Еқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим.

дом II: дом-дарак (дом-дарак йўқ). Дом-дараксиз (дом-дараксиз кетмоқ). «..Қизим билан набирамнинг дом-дараксиз йўқолиши умрим тугаганидан далолат беради...» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ДОНГ

донг I [донг I] от. Маълум-машҳурлик, шон-шуҳрат [известность, слава]. Донгдор. □ Донг чиқармоқ. Донг таратмоқ. Донгги Доғистонга етмоқ. Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донгги чиқмас. Мақол. □ *Бу илғор хўжалик пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириш билан донг чиқарган.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

донг II: [донг II:] *равиш* (кучайтирувчи сўз). Кучли даражада. Донг қотиб ухламоқ. □ *Йўл азоби хийла толиқтирган экан, донг қотиб ухлаб ётса, ўғли кириб уйғотибди.* Ҳаким Назир, Ўтлар туташганда.

ДОҒ

доғ I [тожикча] *сифат.* Қайнаш даражасида қиздирилган, иситилган [накалённый, кипячённый]. Доғламоқ (доғланган ёғ). □ *Доғ сув. Доғ қилмоқ* (ёғни). *Доғ бўлди* (ёғ). □ *Минг*

марта айтаманки, чой ҳамма вақт доғ бўлиб турсин деб. Мумтоз Муҳамедов, Юрак сўзлари.

доғ II [**< доғ I**] от. Куйдирувчи оғриқ, алам [боль]. *Ҳижрон доғи. Фарзанд доғи. Доғда қолмоқ. Юракка доғ солмоқ.* □ *Хўжайинлар бу алам доғини тезда юракларидан чиқариша олмади. Йўқ бўлган мол тўғрисида эрта-кеч «уҳ» тортиб чиқишардилар. Парда Турсун, Уқитувчи.*

доғ III [**< доғ I**; асли — «қиздирилган тамға босишдан ҳосил бўладиган из»] от. Бирор нарса текканидан қолган из, қолдиқ [пятно]. *Доғли, доғ-дур* («ҳар хил доғларга эга»). □ *Ошхона кўримсизгина бўлиб, ичидаги кир, қора-қура доғлар тушиб кетган узундан-узун столлардан ҳамшиша ёғ аралаш соевун ҳиди келиб турарди, Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин. Албатта, сен енгилтак болаларга қўшилиб, қизларнинг шаънига доғ туширадиган ишга йўл қўймаслигинга қаттиқ ишонаман. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

ДУД

дуд I [тожикча! от; эскирган. Тутун [дым]. *Дудбурон* (тожикча: дудбаро)— мўри. □ *Мамажоннинг димоғига қорачироқ дуди гун этиб урилди. Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.*

дуд II [дуд-дуд; унлиси чўзиқ] тақлидий сўз. Машина сигнали товушини билдиради. *Қўшимизнинг машинаси келганини дуд деб сигнал берганидан биламиз.*

ДУК

дук I от; эскирган. Урчуқ, йиғ [веретено]. *Дуксимон, дукчи.* □ *Ҳар қизнинг олдида ип ўралган семиз дуклар қаланиб ётибди. Ойбек, Навоий.*

дук II: тақлидий сўз. Кичик нарсанинг зарб билан урилишидан чиқадиган товушни билдиради. *Дук-дук, дукур-дукур, дукилламоқ, дукурламоқ, дук этмоқ.* □ [Латиф] челақдан иккинчи шишани олиб, тагига бир урди-да, Султоннинг олдида «дук» этказиб қўйди. Одил Ёқубов, Ларза.

ДУНЕ

дунё I [арабча دُنْيَا — «олам»] от. 1. Олам, коинот [вселенная]. *Дунёқараш.* □ *Дунёнинг пайдо бўлиши.*

2. Ер юзи, жаҳон [мир]. *Дунёвий.* □ *Дунёга машҳур. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!* □ *Юринг, мулла Аҳмаджон, «ойнаи жаҳон»ни қўйлик, дунёда нима гаплар бор экан. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

3. *Диний.* Ҳаётнинг икки кўринишидан бири. *Икки дунёда ҳам. Дунёга келмоқ. Дунёдан кетмоқ.* □ *«Худо сабр-тоқатли бандасини у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам ёрлақайди».* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

дунё II [**< дунё I**] от. Бойлик, мол-мулк, давлат [богатство]. *Дунёпараст, мол-дунё.* □ *Дунё йиғмоқ. Дунё орттирмақ.* □ *Бироқ, Нигор опанинг йўлашича, гап мол-дунёда эмас. Инсон бахтини меҳнатидан, илмидан, ҳаракатидан топади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

ДУЛ

дўл I от. Зўлдирча шаклида ёғадиган муз [град]. *Кеча ёққан дўл экинларнинг талай қисмини уриб кетди.* □ *Унинг бетига дўл аралаш ёмғир уриб берди. Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

дўл II от. Тегирмонда дов солинадиган конуссимон тахта идиш. *Тегирмон дўли. Дўл яримлаб қолибди.* □ *Саҳар пайтларида.. икки дўлни янги буғдойлар билан тўлғазгач, бир оёқ кўз илинтириб олиш учун Эгамберди ака ухлашга ётади. Абдулла Қодирӣ, Обид кетмон.*

ДУСТ

дўст I [тожикча] от. Дўстлик алоқаси билан боғланган киши [друг]. *Қалин дўст. Дўст ачиғиб гапиради, душман — кулдириб. Мақол.* □ *Баҳор Пўлатнинг ёнида, Пўлатдек мард дўсти ёнида бораётганидан ўзида йўқ мағрурланарди-ю, аммо Пўлатнинг қўллари қалтираб, лаблари титраётганини сира сезмасди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

дўст II [**< дўст I**; унлиси чўзиқ ҳам талаффуз қилинади] *ундов.* Завқ олаётганини билдириш учун айтиладиган сўз (рақсдан, ашуладан). *«Роҳат»ни эшитиб, Тантубойвачча: «Эзиб юбордингиз, жонидан!»— деб қичқирди ва бангилар каби бир «дўст!» тортиди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

ЕЛ

ел I от. Кучсиз шамол, шабада [ветер(ок)]. *Елкан, елпимоқ.* □ *Елдай учиб бормоқ. Елдай келиб, селдай олиб кетмоқ.* □ *Шунча шикоятларимиз елга учди. Ойбек, Навоий.*

ел II от. Шамоллаш натижасида юзага келадиган касаллик, яллиғланиш [водяной рак, нома]. *Еликмоқ* (ел касалига дучор бўл-

моқ). □ *Афтингни ел есин* (аёллар қарғиши). *Оғзига ел тушибди.*

ел III феъл. Майда қадам билан жуда тез (йўрғалашдан тез, чопишдан секин) ҳаракатланмоқ [мчатся]. *Елиб-югурмоқ.* □ *Е л с а н г — етарсан, чопсанг — чарчарсан.* Матал. □ *Кейин, кўзларини очганда, автобус кенг, чароғон кўчадан елиб борар, одам тўла гавжум йўлкалар, хиёбонлар, магазинларнинг ёрқин ойналари лип-лип ўтар эди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ЕМ

ем I [*е*—«истеъмол қил»+*м*—от ясовчи аффикс] *от.* Ҳайвонларга бериладиган озуқа дон [корм, зерновой корм]. *Ем бўлмоқ* (йиртқич ҳайвонларга *ем бўлмоқ*), *ем-хашак.* □ *Ем тўрва.* *Ем бермоқ.* *Тўп еми.* □ *Ем еган отлар бақувват оёқларини кериб ташлаб, қўш косилкани эркин судрай кетдилар.* Суннатилла Анорбоев, Оқсой.

ем II [*е*—«чайна»+*м*—от ясовчи аффикс] *от.* Темираткига ўхшаш касаллик. *Отнинг оёғи ем бўлибди.*

ЕНГ

енг I от. Қиймининг қўлни қоплаб турувчи қисми [рукав]. *Енгли, енгсиз, енглик, енгча.* □ *Азиз ошни гулдор сопол лаганга сузиб келди. Учовлон чордона қуриб олиб, енгни шимардилар.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

енг II феъл. Ғолиб келмоқ, зўр чиқмоқ, устун келмоқ [побеждать, одолевать, побороть]. *Сени иш енгмасин, сен ишни енг.* Мақол. *Барча қийинчиликларни енгиб.* □ «*Сиз енгибсизда?*»—*Аҳмаджон заҳарханда қилди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ЕТТИ

етти I сон. Олти билан саккиз орасидаги бутун соннинг номи [семь]. *Етти киши. Етти кун. Етти литр (метр).* □ *Тўқсонбой гиламфуруш десалар, етти ёшдан етмиш ёшгача танир эди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

етти II [*<* *етти кунлик* *>* *от.* Киши вафотининг тўртинчи кунни ўтказиладиган маросим. *Кеча одатга мувофиқ нари-бери етти қилинди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

Е

ё I [арабча] *ундов.* Эй (мурожаат қилишда ишлатилади) [о]. *Ё Али! Ё пирим!* (ўтирган ўрнидан кескин турганда, кескин юк кўтарганда гўё мадад тилаб айтилади). □ *Жанжални пулга сотиб оладиган шунақа одамлар ҳам бўлар экан, ё товба!* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ё II [тожикча] *айирув боғловчиси.* Ёки [или]. *Салгина уйқуга кетдими, кўз олдида ё қонга беланган Серёжани, ё фронтда юрган Халил отани .. кўрарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ё III: [арабча] араб алфавитидаги охирги ҳарфнинг номи (ع). *Қаддини ё қилмоқ* (эгиб, букмоқ).

ЕЗ

ёз I от. Баҳор билан куз орасидаги фасл [лето]. *Ёзги, ёзламоқ, ёзлик, ёзин-қийин.* □ *Ез ёпинчоғингни қўйма, қишда ўзинг биласан.* Мақол. □ *Булар йил-ўн икки ой очиладилар. Ёз жазирамасида фонтан намида, қиш қаҳратонида иссиқ бордонларим тагида жон сақлайдилар.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ёз II феъл. 1. Ҳарф-белгилар билан текст тузмоқ, битмоқ [писать]. *Ёзма, ёзув, ёзувчи.* □ *Ҳарфларни йирик-йирик қилиб ёзмоқ. Доскага ёзилганларни дафтарга кўчирмоқ.* □ *Аҳмаджон бундай муносабатни қизнинг розилиги деб ўзича хулоса чиқарди-да, қишлоғига хат ёзиб, دادаси билан тоғасини Тошкентга чақирди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Яратмоқ, ижод қилмоқ [сочинять, писать]. *Шеър ёзмоқ. Роман ёзмоқ. Илмий мақола ёзмоқ.* □ [Абдушукур] *шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қармай, .. вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

ёз III [ёй II] *феъл.* 1. Уроғлиқ, тахлоғлиқ нарсани очиб солмоқ, тўшамоқ [разосглать, стелить]. *Ёзиқ I.* □ *Дастурхон ёзмоқ. Кўрпача ёзмоқ. Гилам ёзмоқ.* □ *Азиз айвон пешига дастурхон ёзди ва гўшт-ёғ тўғрашга киришди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Очмоқ, кермоқ [раскрыть]. *Қулоқ ёзмоқ. Қанот ёзмоқ.* □ *..гапларини раҳми келгандай бўлиб эшитди-ю, икки қўлини ёзиб жавоб берди: «Нима қилардик, жоним! Улар кекса одамлар».* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ёз IV феъл. Гуноҳ, айбли, ноҳақ иш қилиб қўймоқ [провиниться, прогрешиться]. *Ёзиқ II, ёзгурмоқ.* □ *Мен сенга нима ёзди м?!*

Ўз V *кўмакчи феъл*. Мустақил феъл англатган лексик маънога «ҳаракатнинг юз беришига ёки тугалланишига озгина қолганлик» грамматик маъносини қўшади. *Йиқила ёзди*. □ *Автобусда Шаҳристондан Яншиергача узоқ йўл босиб келган, қарга боришини, бегона жойларда нималар бўлишини ўйлай-ўйлай боши шишган, қисматининг аччиқлигига йиғлай-йиғлай кўзлари қуриган Нафиса .. бир бегона аёл ўз онасидай меҳрибонлик қилаётганидан ўзини йўқотиб қўя ёзди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЎЗИҚ

Ўзик I [Ўз III + иқ — сифат ясовчи аффикс] *сифат*. Ёйиқ, солинган ҳолатда [разостланный]. *Дастурхон ёздиқ*.

Ўзик II [Ўз IV + иқ — от ясовчи аффикс] *от*; эскирган. Гуноҳ, айб, ноҳақлик [вина, грех]. *Ажалингнинг етиши қилган ёзигингдан эмас, бек акангнинг қонсираши!* Абдулла Қодирӣ, Утган кунлар.

ЎЙ

Ўй I *от*. Найза отиш қуроли, камон [лук, дуга]. *Уқёй (ўқ — стрела, ёй — дуга)*. □ *Ҳакимбек ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортди*. «Алпомиш».

Ўй II [Ўз III] *феъл*. Очиқ ҳолатга келтирмоқ [расстелить]. *Ёйиқ, ёйма, яйлов (< ёйлов), яйдов, яйдоқ*. □ *Уроз чопонини ечиб, ерга ёйди*. Ойбек, Қутлуғ қон. *У ёстиқдан бош кўтариб, қулочини кенг ёйиб қаттиқ кершиди-да, сапчиб туриб, даҳлизга чиқди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЎН

Ўн I *от*. Предметнинг чап ёки ўнг томони [бок]. *Ёндош, ёндашмоқ, ёнбош, ёнбағир, ёнма-ён*. □ *Ён томон, Ён қўшини, Уйқудан чап ёни билан турмоқ. Столни шкаф ёнига қўймоқ. Ёни мда* (ўзим билан, чўнтагимда) *50 сўм бор*. □ *Йўлдан чорбоққа кираверишда — узун солинган икки уй ва бир айвон, буларнинг ёнида — дарвозахона*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

Ўн II *феъл*. Ут олмақ [гореть]. *Ёнилғи, ёнғин*. □ *Ут билан ўйнаган ёнар*. Мақол. □ *Нега Азиз бу қадар шод: юзи кулади, кўзлари ёнади?* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЕП

Еп I [< ёб — «дарё»] *от*; *сўзлаш*. Суғорниш канали. *Сирчали ёпи бўйлаб бир қанча биналар солиниши керак эди*. Жуманиёз Шарипов, Хоразм.

Еп II *феъл*. 1. Бекитмоқ, беркламоқ, кесакига зичламоқ [закрыть]. *Епиқ I, ёпин, ёпинчоқ*. □ *Эшикни ёпмоқ. Деразани ёпмоқ*. □ *Уни Нормат аканнинг ўзи ҳайдаб келган бўлса керак, кабинадан тушиб, эшикни ёпди-да, Азиз уйи томонга юрди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Устини бекитмоқ [накрывать, укрывать]. *Епиқ II*. □ *Қозонни ёпмоқ. Кўрпа ёпмоқ. Айбини ёпмоқ*. □ *Гулнор ..кўрпани тортиб, кўкрагини ёпди ва Йўлчига тикилди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

3. Тугаганини эълон қилмоқ [закрывать]. *Епиқ I*. □ *Мажлисни ёпмоқ. Тўй кечасини ёпмоқ*. □ *Абдусамад қори самоварини ёпиб, менга жавоб берди*. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

4. Икки элементли белгининг кейинги қисмини ёзмақ [закрывать]. *Қавсни ёпмоқ. Қўштирноқни ёпмоқ*. □ *Кўчирма гап автор гапидан олдин келса, кўчирма гапдан кейин қўштирноқ ёпилади*. М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили.

Еп III [< ёп II I] *феъл*. Тандир, ер ўчоқ деворларига ёпиштириб пиширмоқ [печь]. *Нон ёпмоқ. Патир ёпмоқ. Лоцира ёпмоқ. Сомса ёпмоқ*. □ *У боғ ва полизга қарарди, ҳовлини, супуриб, уйларни йиғиштирарди, нон ёпиб, сигир соғарди*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЕПИҚ

Епиқ I [ёп I I + иқ — сифат ясовчи аффикс] *сифат*. Епилган ҳолатда, бекик, берк [закрытый]. *Эшиқ, деразалар ёпиқ*. *Епиқ қозон ёпиқлигича қолди*. □ *Майдонни ўраб олган икки-уч қаватли ғиштин иморатларнинг таги — биринчи қаватлари — ойнабанд магазинлар ёпиқ*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

Епиқ II [ёп II 2 + иқ — от ясовчи аффикс] *от*. От устига ёпиладиган мато, жул [попона]. *Отнинг ёпиғи эскириб қолди*. □ *Сайслар .. отлар устидаги ёпиқларни ва тўқимларни олиб, ҳалиги тол дарахти остига ёзганлар*. Садриддин Айний, Эс-далиқлар.

ёр I [тожикча; асли унлиси чўзиқ] *от.* Маҳбуба, маъшуқа [возлюбленная]. *Ер-дўст, ёр-биродарлар, ёр-ёр.* □ *Ерни ёр дерму киши, ёрнинг вафоси бўлмаса.* Қўшиқдан. *Ота-онаси уйлантиришга ҳар қанча уринсалар ҳам, унинг кўнглига яқин ёр топа олмаганини ҳисобга олмай, ҳамон «тақдир бўлмаган»дан, «пешана шўрлиги»дан нолиб келадилар.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ёр II *фезл.* Қисмларга ажратмоқ [колоть, рубить]. *Ериқ, ёрма, ёрти, ёрғи.* □ *Ўтин ёрмоқ. Пуфак (шар) ёрилди.* Юрагини ёрмоқ. *Тўғри тил тош ёради, эгри тил бош ёради.* Мақол. □ *Бошимиз устидан миналар қичқириб ўтиб, ёрилади-да, парчалари арча ва қайин дарaxтининг танасига қадалади.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЕТ

ёт I *сифат.* Бегона [чужой, посторонний]. *Етсирамоқ, ётлик.* □ *Етунсур. Ет киши. Ет нарса. Етти ёт-бегона.* □ *Дарахтга чиқиш унга ёт ҳунар эмас.* Парда Турсун, Уқитувчи.

ёт II *фезл.* 1. Бирор сатҳни горизонтал ҳолатда эгаллаб турмоқ [лежать]. *Етагон, ётиқ.* □ *Диванда ётмоқ. Етиб китоб ўқимоқ. Китоблар ерда ётибди.* □ *Бир жангчи менга қасам ичиб дедики, гўё у ерга ётиб, осмонга қараса, ўтларнинг ўсиш шарпасини, булутларнинг сузиш шарпасини ҳам эшитар эмиш.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Ечиниб, кўрпа-тўшакка ясланиб, уйқуга кетмоқ [ложиться спать]. *Етоқ.* □ *Эрта ётиб, эрта туришга одатланиш керак.* □ *У бригададаги ишига шўнғиб кетди. Уйга кам келадиган, кўпинча бригада шийпониди ётиб қоладиган бўлиб қолди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

3. Қамоқ муддатини ўтамоқ [быть в заключении, сидеть в заключении]. *Қани у севиқли ака, қаерда, қайси зиндонда ётади?! Ойбек, Қутлуғ қон.*

4. *сўзлаш.* Тўхтамоқ [остановиться, не работать]. *Самовар ётган, бир чол чойнак-пиёла артар, ҳовуз бўйидаги супада кимдир хуррак отиб ухлар эди.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ёт III [*ёт II*] *кўмакчи фезл.* Мустақил фезл англатган лексик маънога «маълум ҳолатда давомли бўлиш» грамматик маъносини қўшади. *Мевалар чириб ётибди.* *Оёқ кийимлари магазинда қалашиб ётибди.* □ *Шу йўлдан ярим қақирим-*

ча юрилса, қирғоқларида азим толлар тарвақайлаб ўсиб ётган Қорасувга чиқилади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЕШ

ёш I *от.* Умрнинг йилма-йил ҳисоби [возраст]. *Ешдош, яшамоқ, яшар.* □ *У мендан икки ёш катта. Ешингиз нечада? Ешини яшаб, ошини ошаган.* □ *Раҳим бобо — саксон ёшга кирган, кул ранг соқоли кўксини қоплаган, кичик жуссали, кўзлари ёшига яраша анча хиралашган ва тез-тез ёшланиб турадиган, хаёли парижонроқ бир чол.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ёш II [*ёш I*] *сифат.* Умрнинг вақт (йил, ой, кун) ҳисоби нисбатан оз [молодой]. *Ешармоқ, ёшлай, ёшлик, ёш-яланг.* □ *Еш қиз. Еш келин. Еш ленинчилар. У мендан анча ёш. Мендан ёшроқ кўринасиз.* □ *Мақтаб — иш—армия—иш—ўқиш... Азиз тенги кўпчилик ёшларнинг таржимаи ҳоли юзаки қараганда шундай кўринади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри. *Қиз ёш, камтарин ва гўзал эди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ёш III *от.* Йиғлаганда, ҳаяжонланганда, шамоллаганда кўздан чиқадиган суюқлик [слеза]. *Бир томчи ёш. Чин кўнглдан йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқар.* Мақол. □ *Зеби қайнатага бир сўз айтмай, кўзлари тўла ёш, ўз хонасига ўқдай отилиб кириб кетди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЕҚ

ёқ I *от.* Тараф, томон [сторона]. *Бу ёқда. Ҳамма ёқдан. Бирор ёққа. Кўчанинг икки ёғида дарахтлар яшнаб турибди.* □ *...айвон олдида, гулзор бўйида у ёқдан бу ёққа бетоқат юрар экан, қўлини пахса қилиб тушунтира бошладди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ёқ II *фезл.* Ўт олдирмоқ, ёндирмоқ [зажигать]. *Ёқилғи.* □ *Учоққа олов ёқмоқ. Духовкани ёқмоқ. Печкани ёқмоқ. Лампани (шамни) ёқмоқ.* □ *Сабзининг тўғрамасини олдим, ўчоққа ўт ёқсак бўлаверади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ёқ III *фезл.* Хуш келмоқ, маъқул бўлмоқ [нравиться]. *Ёқимли, ёқимтой.* □ *Сенинг таклифинг унга ёқди. Менинг гапим ёқмади, шекилли.* □ *Бу гуллар Бахмалдагига ўхшамаса ҳамки, кишининг баҳри дилини очади. Айниқса ландиш деб аталган чечак менга жуда ёқиб қолди. Унинг хушбўй ҳиди ҳам, ўзи ҳам жуда мулоим, ёқимли.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ёқ IV [унлидан кейин; ундошдан кейин — оқ] *кучайтирув юкламаси*. Ҳозирги имлога кўра ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади [уже, как только]. *Ўтган йили ёқ*. *Биринчи сўзларини эшитганимда ёқ*. □ *Ўқиб давомида ёқ колхоз устахонасига қатнаб, тракторни, комбайнни пухта ўрганиб олди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЕҚУТ

ёқут I от. Қизил тусда товланувчи қимматбаҳо минерал тош [рубин]. *Еқут кўзли узук*.

ёқут II [*якут*] халқ номи; шу халққа мансуб киши. *Еқут тили*. *Еқут адабиёти*. *Кейин билсам, ҳамроҳим ёқут экан*.

ЁҒ

ёғ I от. Ҳайвон организмнинг мой тўқималари, ўсимликлардан олинадиган шундай маҳсулот [жир, масло]. *Ёғламоқ*, *ёғли(к)*, *ёғчи (эскирган)*, *ёғлоғи*, *ёғсимон*, *гўшт-ёғ*. □ *Мол ёғи*. *Думба ёғи*. *Зиғир ёғ*. *Пахта ёғи*. *Ёғ заводи*. *Сариёғ* (<сариқ ёғ). *Илоннинг ёғини ялаган*. *Ёғи чиқадими?! □ «Бугун масаллиғ биздан!»— деди у гўшт-ёғ, сабзи-пиёзларни халтадан чиқарар экан*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри. *Ҳа-ҳу деунча ош тугаб, силқиб тўпланган ёғига ташланган нон бурдалари ҳам талашиб ейилди-да, дастурхон йиғиштирилди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ёғ II *фезл*. Атмосферадан ерга томчи, зарра ҳолатида узлуксиз тушмоқ (ёғин-сочинга нисбатан) [идти, падать]. *Ёғин*, *ёғалоқ*. □ *Кечқурун ёмғир ёғди*. *Баъзи ерларга дўл ёғибди*. *Қолган ишга қор ёғар*. *Қовоғидан қор ёғди*. □ *Ноябрь охирларида кўкда булутлар кўпайди, кун совиди, ёмғир ёғиб, чанглар босилди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри. *Эрталабданоқ кун қизий бошлайди-да, чошгоҳга борганда қуёшдан олов ёмғири ёғилади*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЖАБР

жабр I: [арабча *جبر* — «мажбур қилиш», «зўрлик ўтказиш»] от. *Зулм*, *сиқув*, *эзиш* [угнетение, притеснение, гнёт]. *Жабрламоқ*, *жабр-зулм*, *жабр-жафо*, *жабр қилмоқ*. □ *Жабр кўрмоқ*. *Жабрини тортмоқ*. □ *Полиция маҳкамаси олдидан ўтар экан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабрини, даҳ-*

шатини халқ ҳар куни, ҳар соат, ҳар минут тотиб турар эди. *Ойбек*, *Қутлуғ қон*.

жабр II [арабча *جبر* — «тўлдириш»] от; *эскирган*. *Асли Хоразмийнинг «Китоб ал-жабр ва ал-муқобала» асари номидан олинган; алгебра ал-жабр сўзининг латинча талаффузи асосда юзага келган*. *Биз ўқиган вақтларда алгебра дарси жабр деб юритилар эди*.

ЖАЗ

жаз I от. Оз миқдордаги тўғрамча гўшт. *Бугунги овқатга етарли жазим бор*.

жаз II: *тақлидий сўз*. *Куйдирганда, қизиб турган нарсага совуқ нарсани тегизганда чиқадиган товушни билдиради*. *Жазиламоқ*, *жаз-жуз*. □ *Қизиган темир баданга жаз этиб ёпишди*. □ *«Менимча,— Қоратой темирни сувга «жаз» босиб гапирди,— Мирзакаримбой .. сенга ён босар»*. *Ойбек*, *Қутлуғ қон*.

ЖАР

жар I [*йор*]от. Сел ўйиб кетган узун чуқур ер [овраг]. *Жарлик*, *жар-жур*. □ *Жар ёқасига бориб қолмоқ*. □ *Баъзи йиғитлар шундай дақиқаларда — жар ёқасида туриб ишлатиладиган сўнги чорани Аҳмаджон ҳам ишлатиб: «Елғон! Тухмат!»— деб бақирди-да, ўрнидан туриб, хонада бетоқат юра бошлади*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

жар II [*чор*; *чорла* *фезли* шу ўзакдан ясалган] от; *эскирган*. *Фармонни ёки бирор ҳодисани баланд овоз билан эълон қилиш* [громкое оглашение]. *Жарчи*. □ *Жар солмоқ*. *Жар чақирмоқ*. □ *Худди у қишлоқдагиларга «Фронтга бораман» деб жар солиб юрган эди-ю, энди улар: «Ҳа, шоввоз, фронтга кетмадингми?»— деб сўраётгандай туюларди*. *Шаароф Рашидов*, *Қудратли тўлқин*.

ЖИН

жин I [арабча *جن* — жинн — «жинлар»] от; *диний*. *Ажина* [бес, злой дух]. *Жинни*. □ *Жин урсин сени* (қарғиш). *Сени жин урдими?* □ *Энди бу ерда илгаригидай бойўғли сайрамайди*. *Ҳеч кимнинг кўзига жин ҳам кўринмайди*. *Парда Турсун*, *Ўқитувчи*.

жин II [*< жин II сифат. 1. Тор, қинғир-қийшиқ, овлоқ. Жин кўча. Халқ Астрободнинг кичик йўлларида, «жин кўча»ларидан оқиб... далага ёйилган. Ойбек, Навоий.*

2. Энг кучсиз нур берадиган (пилтани ёққа ботириб ёқиладиган). *Жин чироқ. □ Уйдаги нарсаларни бир-биридан ғира-шира айиришга имкон берувчи «жин чироқ» ҳам энди кўринмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

ЖҲР

жўр I от. Тўрғайлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *Кўм-кўк осмонда жўрлар баланд парвоз қилиб, тинимсиз марсия ўқийдилар. Парда Турсун, Уқитувчи.*

жўр II: сифат. *Ҳамоҳанг, уйғун; қўшилувчи. Жўр бўлмоқ («ашулачига қўшилиб айтмоқ»). □ Қизлар чилдирмага жўр бўлиб Ҳамза Ҳакимзода ёзган қўшиқни айтиб келишарди. Парда Турсун, Уқитувчи.*

ЖҲРА

жўра I [тожикча — «ўртоқ»] от. Гап-гаштак қатнашчиси, улфат. *Жўралар ёш жиҳатдан тенг бўлмаса, гап қизимайди. □ Латифхон сизга уйланганда кўёв жўра бўлган биз эдикда. Ҳамид Ғулум, Бинафша атри.*

жўра II [тожикча — «жуфт»] от. Косиблар бир хил, тенг қилиб тўқийдиган икки бўлак (5 метр келадиган) мато. *Бир (икки, уч) жўра атлас. □ Сенга бир жўра беқасам олиб келдим. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.*

ЗАНГ

занг I [тожикча] от. Темир сатҳининг ҳаво билан оксидланиши натижасида ҳосил бўладиган (емирилиш) моддаси [ржавчина]. *Зангламоқ. □ Кетмон ёмғирда қолган экан, дарров занг босибди. □ Эрталаб у ҳамиша бадантарбия билан шуғулланарди. Гимнастика қилар, занг босиб қолган тошни чарчагунича кўтарар, кейин белигача совуқ сувга ювинарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

занг II от. Ток новдасининг йўғон, қаттиқ қисми. *Раҳим бобо ишком ичига кириб, эрталаб хомтоқ қила бошлаган ерига келди ва белбоғига осиглиқ гулқайчини олиб, тарвақайлаган ёввойи зангларни қирқа бошлади. Ҳамид Ғулум, Бинафша атри.*

занг III [тожикча] от; эскирган. *Жаранг овози чиқарадиган темир буюм. Овқатга занг урмоқ. □ Хонадаги девор соати олти марта занг уриб жаранглади. Ҳамид Ғулум, Бинафша атри.*

ЗАРАНГ

заранг I [тожикча — танаси ўта даражада қаттиқ дарахт, клённинг бир тури] от; эскирган. *Қаттиқ дарахт ёғочи [клён]. Заранг коса. Заранг товоқ.*

заранг II [*< заранг I*] сифат. *Жуда қотиб кетган [чрезмерно твёрдый]. Заранг ер. Заранг бўлиб кетмоқ. □ Улкан экскаваторлар одам қадами тегмай ётган ёввойи заранг ерлар тўшини тилка қилмоқда. Ҳаким Назир, Утлар туташганда.*

ЗИЛ

зил I сифат (асли от). *Жуда оғир [сверхтяжёлый]. Зилдай, зилзамбил. □ Чамадонинг мунча зил бўлмаса. □ Азининг «ёрдўстлар билан ҳайрлашиши» Аҳмаджоннинг елкасини зилзамбил юкдай босди: у ўтирган ерида эзилиб ўтириб қолди. Ҳамид Ғулум, Бинафша атри.*

зил II [туркча zil] от. Иккита металл паллақдан иборат музика асбоби (бир-бирига уриб чалинади) [тарелки]. *У оркестрда зил чалади.*

зил III [*< арабча زيل — «камситилганлик, номусланиш»*] от. *Зил кетмоқ («ҳижолатли камситиш ҳиссини бошидан кечирмоқ»). Майор ичидан зил кетиб, чурқ этишга ҳам мадори қолмади. Мумтоз Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

ИДЕАЛ

идеал I [французча ideal *< юнонча idea — «тушунча, тасаввур»*] от. *Юксак камолот тимсоли, олижаноб мақсад ва орзу. Идеализм — коммунистик жамият қуриш. □ Қамишкапада янги мактаб қуриш фикри Холмуродни қамраб олди. Унинг назарида бу масала қийин ва лекин бажарилиши лозим бўлган идеал бўлиб қолди. Парда Турсун, Уқитувчи.*

идеал II [*< русча идеальный*] сифат. *Тасаввур қилиш мумкин бўлган даражада сифатли, бениқсон. Идеал газ. Идеал суюқлик. Идеал фикр. Идеал шароит.*

ИН

- ин I** [*< хи:н*] *от.* Қуш, ҳашарот, ҳайвонларнинг яшаш, бола очниш учун қурган жойи, уя [гнездо, нора]. *Қалдирғоч и ни. Ари и ни. Тулки и ни.* □ *Полиция маҳкамасининг мирзаси Тожи-хон Турсунхўжа ўғли .. келиши билан одамлар и-и-нига кириб кетар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.
- ин II** *февл.; эскирган.* Юқоридан пахта тушмоқ, қўнмоқ [спускаться, садиться]. *Ясная Полянада ҳамма нарса оппоқ: далалар ҳам, қумуш қиров и нган ўрмонлар ҳам, қўш қаватли дар-возанинг қуббали устунлари ҳам, қўрадаги ҳовузлар, уйлар ҳам.* Асқад Мухтор, Чинор.

ИНТЕГРАЛ

- интеграл I** [*< латинча integer — «бутун»*] *от;* *математика термини.* Чексиз кичик сонлар йиғиндиси. *Интегрални топиш.*
- интеграл II** [*< русча интегральный*] *сифат.* Интегралга онд. *Интеграл ҳисоб. Интеграл тенглама.*

ИНТЕРНАЦИОНАЛ

- интернационал I** [французча internationale *< латинча inter — «ора» + patio — «миллат»*] *от.* 1. Халқаро сиёсий иттифоқ, бирлашма. *Биринчи интернационал. Коммунистик интернационал.*
2. *Интернационал* (халқаро пролетар гимнининг номи; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг гимни). *Халқаро учрашувда Интернационал садолари тез-тез янграб турди.* □ *«Интернационал» Элмуроднинг .. энг севикли ашуласи эди.* Парда Турсун, Уқитувчи.
- интернационал II** [*< русча интернациональный*] *сифат.* Миллатлараро, халқаро. *Интернационал алоқалар. Интернационал бурч. Интернационал ҳамкорлик.*

ИС

- ис I** [асли унлиси чўзиқ ва юмшоқ] *от.* Бўй, ҳид [приятный запах, благоухание]. *Искамоқ.* □ *Жайдари атирғулнинг иси ўткир бўлади.* Атирнинг иси кетиб қолибди. □ *«Азонда машина бўлади, кетасан!» — Аъзам ферма қўлини паҳса қилиб: — Бу гапнинг иси қишлоққа чиқмасин! Уқдингми?» — деди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- ис II** [асли унлиси қисқа ва қаттиқ] *от.* 1. *Эскирган.* Тутун [дым]. *Ис чиқармоқ.* □ *Уғлимнинг қўлини ҳалоллатсам, сўйиб, жин-*

дак ис чиқарарман деб, умид билан боқиб юрган бир улов-ғим бор эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

2. *Тошқўмир ёнганда ажралиб чиқадиган заҳарли газ [угар]. Укамга ис тегибди. Қўмирнинг иси чиқибди.*
- ис III** *от.* Тутун ёки чангдан шип ва деворда ҳосил бўладиган ўргимчак инига ўхшаш ипир-ипир толалар [паутина]. *Бир ой бўлмасдан кабинетининг бурчақларида ис пайдо бўлибди.* □ [Хизматкорхонанинг] *деворлари, шиплари ўргимчак инлари, ипир-ипир қора ислар билан қопланган.* Ойбек, Қутлуғ қон.

ИССИҚ

- иссиқ I** [иси+қ — сифат ясовчи аффикс] *сифат.* 1. Ҳарорати нормадан (нисбатан) ортиқ, ҳароратини сақлаган, ҳароратни сақловчи [горячий, жаркий, тёплый]. *Иссиқламоқ, иссиқлик.* □ *Иссиқ кун. Иссиқ нон. Иссиқ кийим. Қўлларинг мунча иссиқ?* □ *Булар йил-ўн икки ой очиладилар. Ез жазирамасида фонтан намида, қиш қаҳратонида иссиқ бордонларим тагида жон сақлайдилар.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
2. *Ёқимли, илиқ [приятный]. Иссиқ муомала. Истараси иссиқ.* □ *Шофер .. иссиқ қина хайрлашиб чиқиб кетди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
3. *Таниш [знакомый]. Кўзига иссиқ кўринмоқ.* □ *Латифхоннинг пўстини эмасми бу, кўзимга иссиқ кўринапти?* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- иссиқ II** [*< иссиқ I*] *от.* Ҳарорат [температура]. *Қасалнинг иссиғи баланд. Саратоннинг иссиғида шилаш оғирлашади.* □ *Раҳим бобо ёстиққа суюлганча эринибгина елпинар экан, Аҳмаджоннинг иссиқдан бурққан қорамағиз кўркам юзига, тўсдай тим қора сочиға, қуюқ пайваста қошларига .. зимдан тикилиб сўради.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ИСТАК

- истак I** [иста — «хоҳла» + к — от ясовчи аффикс] *от.* Хоҳиш [желание]. *Истагим — ўқши, билим олиш.* □ *Унга Самарқанддан хабар қилишибди: бундан икки ярм соат аввал машинада йўлга чиққан мосвалик икки ёзувчи Яншиерда тунаш, истагини билдирибдилар.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- истак II** [тожикча ист — «тўхташ» + ак — кичрайтиш оти ясовчи аффикс] *от.* Ишқом, сўри бағазларига ток новдаларини боғлаш

учун ишлатиладиган тол чивиклари. *Хов мулла Аҳмаджон! Толдан и стак қирқиб келинг, токни боғлаймиз! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

ИЧ

ич I от. 1. Ичкаридаги жой [внутренность]. *Ичкари, ички, ичра (эскирган), ичкуёв.* □ *Хонанинг ичи. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ.* □ *Аммо ҳаво қуруқ бўлганидан нафас олиш энгил, чунончи, оловни ютасиз-у, бироқ у ичингизни куйдирмайди, қиздиради, чанқатади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Ора [средн]. *Дарахтлар ичида оқ қайиндан чиройлиги бўлмаса керак деб қўйдим...* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ич II феъл. Суюқликни ичга ютмоқ, тановул қилмоқ [пить]. *Ичгулик (ичишга яроқли, етарли), ичимлик, ичкилик.* □ *Бир коса хўрда ичмоқ. Минерал сув ичмоқ. Бир ариқдан сув ичмоқ.* □ *Ҳа-ҳу дегунча ош тугаб, силқиб тўпланган ёғига ташланган нон бурдалари ҳам талашиб ейилди-да, дастурхон йиғиштирилди. Кейин чой ичилди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ИШ

иш I от. 1. Меҳнат [труд]. *Ишчан, ишбай, ишбоп, ишқмас, ишбилармон.* □ *Илмий иш. Амалий иш. Ишга яроқли.* □ *«Ҳа, иши ўтди.— Аҳмаджон алақандай ўнғайсиз бир аҳволда тасдиқлади.— Диссертацияни ёқлади, фан кандидати бўлди».* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Қорхона, муассаса, ташкилотдаги меҳнат фаолияти [работа]. *Ишламоқ, ишчи, ишсиз.* □ *Иш кун. Иш ҳақи. Ишга соат еттида кетмоқ. Ишга қабул қилмоқ. Ишдан бўшатмоқ.* □ *..қурилиш бўйича муовин эса, директордан дакки ейишдан қўрқиб, ишга жиддийроқ бел боғлади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. Бирор жанжал, жиноят; шундай масала бўйича тўпланган ҳужжатлар мажмуаси [дело]. *Иш тергов органларига ҳавола қилинди.* □ *Қаримнинг устидан яна янги иш очилди. Шунда унинг адвокати ..* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

иш II [*иш I*] от; *тикувчилик термини.* Оёқ кийими ёки уст кийими тикишга етарли материал. *Иш бичмоқ. Иш тикмоқ. Бу теридан тўртта иш тушади.* □ *..чол дўқонхонада ўтириб,*

иш бичиб беради, Унсин ичкари уйда тикади. Ойбек, Қутлуғ қон.

иш III [*иши I*] ундов. Эшакни тўхтатиш хитоби. *Дангаса салқинга қочгай, иш десанг, Тўхтамоқ одат, эшакка «иш ш» десанг.* Ҳабибий.

ЙИГИРМА

йигирма I сон. Иккинчи ўнликнинг номи [двадцать]. *Йигирма киши. Йигирма сўм. Йигирма литр (килограмм).* □ *У кўринишда уятчан, йигирма яшар йигитча эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

йигирма II [*йигирма кунлик*] от. Қиши вафотининг ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи кунни ўтказиладиган маросим [поминий «двадцать дней»]. *Йўлдош мотамсари. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатм қуръон деб анча чиқимдор бўлганга ўхшайди.* Суннатилла Анорбоев, Меҳр.

ЙИЛҚИЧИ

йилқичи I [*йилқи + чи* — от ясовчи аффикс] от. Йилқига қаровчи, йилқичилик билан шуғулланувчи киши [коневод]. *Йилқичилик.*

йилқичи II [*йилқичи I*] от. Лойхўрақлар оиласига мансуб қушлардан бирининг номи (саҳро, чўлларда яшаб, ҳашарот ва майда кемирувчилар билан овқатланади) [овдотка]. *Аҳён-аҳёнда йилқичи қушининг «ғақ-қу» деган товуши эшитилади.* Фарҳод Мусажонов, Колхоздан келган қиз.

ЙУСИН

йўсин I от. Тартиб, тахлит [порядок, манера]. *Иш шу йўсинда кетаверса, бир кун шармандаси чиқади. Менга сиз буйруқ йўсинида гапирманг.* □ *Унинг кўзлари бир йўсинда кулиб турса, яна бир йўсинда асабийлашганини, ҳатто қаҳр-газабини кўрсатарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

йўсин II от. Зах ерда, тош, дарахт устида пайдо бўладиган илдизсиз майда ўсимлик [мох]. *Емгирдан кейин баъзи дарахт танасида йўсин пайдо бўлибди. Тош устини йўсин қоплабди.*

ЙУТАЛ

Йўтал I *фезл.* Нафас аппарати касалланганлиги натижасида ҳаво оқимини куч билан бўлиб-бўлиб чиқармоқ [кашлять]. *Кечаси билан йўталиб чиқди.* □ *Шу пайт Пўлат бир-икки йўталган эди, онаси унга аччиғи келиб, танбеҳ берди: «Ана, кўрдингми, яна йўталаяпсан!»* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

Йўтал II [*< йўтал II от.* Нафас аппаратининг касалланганлиги натижасида ҳаво оқимининг куч билан бўлиниб-бўлиниб чиқиши [кашель]. *Кўкйўтал.* □ *Қуруқ йўтал.* *Йўтали тутди.* □ *«Йўтали м босилди, ойи»,— деди Пўлат Хайрини юпатиб ва шу заҳотиёқ кетма-кет қаттиқ йўталди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЙУҚ

Йўқ I *мустақил сўз* (лексик birlik). Борнинг акси, номавжуд [нет]. *Боласи йўқ. Пули йўқ. Йўқдан бор қилмоқ.* □ *Сўраганинг айби йўқ. Хуллас, қишлоққа қайтасиз, пахта экасиз, шундоқми?* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

Йўқ II [*< йўқ II инкор формасини ясовчи (грамматик birlik).* -ган билан ясалган сифатдош таркибида ўз ифодалаган маъноси ва вазифаси жиҳатидан эмас, -ма формаларига тенг келади [не]. *Уқиганим йўқ (= ўқиган эмасман, ўқимаганман).* □ *Бу— чигал гап. Мен ҳам ҳали тагига етганимча йўқ.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

КАДЕТ

кадет I [французча cadet] *от.* Чор Россиясида *кадетский корпус* деб аталган ҳарбий ўрта мактаб ўқувчиси (тарбияланувчиси).

кадет II [конституцион демократ сўзларининг биринчи ҳарфлари номига (*ка+де*) аналогия йўли билан т товушини қўшиб ҳосил қилинган] *от.* Чор Россиясида *конституцион-демократик партия* деб номланган контрреволюцион буржуа монархистик партиясининг аъзоси. *Кадетлар Россиясида империалистик буржуазиянинг асосий партиясига сифатида 1917 йилдан бошлаб контрреволюцион ҳаракатга бошчилик қилган.* В. И. Ленин, Биздаги тугатувчилар.

КАДР

кадр I [французча cadre] *от.* Киноплёнка ёки фотоплёнкадаги айрим сурат (лавҳа). *Фильмдаги баъзи кадрлар.* *Муваффақиятсиз чиққан кадр.* □ *Кунлар кино лентасининг кадрлари сингари бир-бирдан фарқсиз, аммо ҳаётда янгидан-янги манзаралар вужудга келтириб ўтар эди.* Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

кадр II [французча cadres] *от.* Бирор ташкилот ёки муассасанинг узоқ муддат ишлаб келаётган тажрибали ходими, умуман барча ходимлари. *Кадрлар билан ишлаш.* *Кадрларни етиштириш.* *Кадрларни ишга жойлаш.* *Кадрлар бўлими.* □ *Область партия ташкилоти .. колхозларни малакали, уддабуро ташкилотчи кадрлар билан мустақкамлашга жиддий эътибор берди.* Б. Раҳимов, Янги ғалабалар сари.

КАКРА

какра I *сифат.* Тахир, аччиқ [терпкий]. *Оғзим какра.*

какра II [*< какра I от;* ботаника термини. Ғалла экинлари орасида ўсадиган тахир, талха ўсимлик, қорамуғ [горчак]. *Гуручининг какраси бор экан, териб олиб ташланг.* □ *Ариқнинг нариги ёнида какра, супурги, шўра., яна аллақандай ёввойи ўтлар ғовлаб ётар .. эди.* Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

КАМАР

камар I [тожикча — «белбоғ»] *от.* Қайиш, кўндан ишланган белбоғ [пояс, кушак]. *Камарбанд, камарбаста.* □ *Шимимнинг камари қани? Ҳозир камар боғлаш модада эмас.* □ *Мингбоши кимхоб тўнининг чап барини қайириб, бошмалдоғини кумуш камарига ўтказди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

камар II [тожикча — «ён бағир, нишаблик»] *от.* Дарё, тоғларда сув ўйиб кетган чуқур жой [промоина]. *Бултур сув кўпайиб, шу камар пайдо бўлди.* □ *Сувонжон тол тагидаги камарга ишўнғиб кириб кетарди-да, анчадан кейин қўлида балиқ билан чиқиб келарди.* Суннатилла Аворбоев, Оқсой.

КАПИТАЛ

капитал I [французча capital < латинча capitalis — «асосий»] *от.* *экономика термини.* Капиталистик жамиятда ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш асосида қўшимча қиймат олишга хизмат

қиладиган қийматлар мажмуаси. *Саноат капитали. Финанс капитали. Капитал ҳукмрон бўлган мамлакатлар.*

капитал II [*< русча капиталный*] сифат. Қатта, салмоқли, кўп куч ва маблағ талаб қиладиган. *Капитал асар. Капитал ремонт. Капитал қурилиш.*

КАРАМ

карам I [арабча *كرم* I от; эскирган. Раҳмдиллик, меҳр-шафқат, яхшилик [милость]. *Карам қилмоқ, карам айламоқ.* □ *Соҳиби карам* (эскирган). *Карамингизни мендан аяманг.* □ *Тангрининг карамига сиғиниб, уларни Астробод томони-га жўнатдим. Худойим лутф қилса, бирон иш қилиб келарлар.* Садриддин Айний, Қуллар.

карам II [тожикча] от. Барглари ўрам бўлиб ўсадиган сабзавот [капуста]. *Бир бош карам. Карам шўрва. Эртаги карам. Тузланган карам. Карам капалаги. Карам қурти.* □ *Взводдаги энг хушчақчақ йигит Шевченко ғазабидан ўтдай ёниб, гоҳ танкка қарши отадиган қуролни ишга солар, гоҳ автоматини сайратиб, карамга тушган ўсимлик битидек ўрмалаб келаётган фашистларни қирарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

КАСАЛ

касал I [арабча *كس* — «ялқов, танбал бўлмоқ»] сифат. Носоғлом, хаста, бетоб [больной, нездоровый]. *Касаллик.* □ *Юраги касал. Касал одам. Касал жигар билан.* □ *Бир дўкон айвонидаги темир бочкалар ёнида соч ва соқоли ўсган барзанги сифат бир эркак ётибди. У касал эди.* Парда Турсун. Уқитувчи.

касал II [*< касал I* от. 1. Хасталик [болезнь]. *Касалланмоқ, касалманд.* □ *Оғир касалга чалинмоқ. Касали оғир. Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади.* Мақол. □ *Сен ўйлаб гапираяпсанми? Сен ўз касалингни енгунча, бошқаларга юқтирасан!* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Хаста киши, бетоб киши [больной (человек)]. *Касалхона.* □ *Дилдор эрталаб район марказидаги поликлиникада беморларни қабул қилди, кейин касалхонада ўзига қарашли уч палатада ётган касалларни кўрди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

КАСР

каср I [арабча *كسر* — «синиқ, парча»] от; *математика термини.* Миқдор бирлигининг қисми [дробь]. *Оддий каср. Унлик каср. Тўғри каср. Нотўғри каср. Қаср сом.*

каср II [*< каср I*] от. Шикасталик, нуқсонлилик [изъян, недостаток]. *Касри тегди. Касри урди.* □ *Ахир, шундай бўлса, бутун қурилишга, шу қаторда бизга ҳам касри уради-ку.* *Менимча, ёрдам беришимиз керак.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

КЕЗ

кез I от. Муддат, палла, дам [пора, время]. *Кезак.* □ *Шу кезде. Уша кезларда.* □ *У кези келганда кулишга интиларди-ю, аммо бу кулида самимийлик кўринмасди, катта кўзларида жиддийлик сезилиб турарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

кез II феъл. Пиёда айланиб юрмоқ [бродить, ходить и осматривать]. *Кўчама-кўча кезмоқ. Шаҳарни кезиб чиқмоқ. Тоғ ён бағирларида кезмоқ.* □ *Шукуржон қишлоқда бир кун турди, пахтазорларни кезди, онаси билан бувисининг қабрини зиёрат қилди.* Одил Ёқубов, Ота изидан.

КЕЛ

кел I феъл. 1. Узоқдаги жойдан яқиндаги жойга ҳаракатланиб етмоқ [приходить]. *Уйга келмоқ. Беморнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади.* Мақол. □ *Ёрмат қоронғида йиқилиб, сурилиб элликбошининг уйига келди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2. Бирор ҳолатда бўлмоқ [быть, приходиться, оказаться]. *Кенг келмоқ. Тор келмоқ. Катта келмоқ. Қичик келмоқ. Чоғ келмоқ. Мос келмоқ. Лойиқ келмоқ.*

3. Бирор оғирликка эга бўлмоқ [весить]. *Еки анави узумларни кўринг: даройи, чарос, каттақўрғонларнинг ҳар боши ярим пуд келади! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

кел II [*< кел I*] *кўмакчи феъл.* Мустақил феъл англатган лексик маънога «ҳаракатнинг яқинлашиш йўналишида ва давомли воқе бўлиши» грамматик маъносини қўшади. *Асқар ота уни йўл бўйи сансираб келганидан қаттиқ хижолат бўлди.* Абдулла Қаҳҳор, Хотинлар.

КЕНГАШ

кенгаш I феъл. Маслаҳатлашмоқ [совещаться]. *Кенгашма*. □ *Уйдагилар билан кенгашмоқ*. □ *.. район сув хўжалик бўлими, қўшни совхоз раҳбарлари ва яна қанча одамларни топши, улар билан кенгашшиш, баъзан эса талашиб-тортишиш керак бўлади*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кенгаш II [< кенгаш I] от. Маслаҳатлашиш йиғини [совещание]. *Кенгашли, кенгашчи*. □ *Ҳафта охирига кенгаш чақирмоқ*. □ *Кеча Илмий кенгаш мажлисидан кейиноқ Оққўрғонга борибди, қўш қатор чигит эккан колхозларнинг ғўзаларини кўздан кечирибди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

КЕТ

кет I от. Орқа, охир [зад, конец]. *Кетма-кет, олди-кети*. □ *Меҳмонларнинг кети узилмайди, Пулнинг кетидан қувмоқ*. □ *Азиз йўлқадан тез юриб, кўчага чиқиб кетди. Эшик очиқ қолди. Дилдор унинг кетидан чиқмади, эшикни ҳам ёлмади*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кет II феъл. 1. Яқиндаги жойдан узоқдаги жойга томон ҳаракатланмоқ [уходить, уехать]. *Уйга кетмоқ*. □ *Ҳақ гапирдингиз, бобо, балки чўлга кетарман...* Ҳамид Фулом. Бинафша атри.

2. Сарфланмоқ [быть израсходованным]. *Тўйга қанча пулингиз кетди?* □ *Куч кўп кетади, лекин экинлар ичида бундан сердаромади йўқ*. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

3. Йўқолмоқ [сходить, стираться]. *Ер доғи тезда кетмайди. Ювсанг, ранги кетади*. □ *Ҳасрат тугагандан сўна Отабекнинг юзидаги бояги жиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди*. Абдулла Қодирӣ, Утган кунлар.

4. Сифмоқ [вмещаться]. *Бу самоварга қирқ литр сув кетади*.

кет III [< кет II] *кўмакчи* феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога «қутилмаганда тез бошланиш ва маълум муддат интенсив давом этиш» грамматик маъносини қўшади. *Мункиб кетмоқ. Қўрқиб кетмоқ. Жўнаб кетмоқ. Ҳовлиқиб кетмоқ. Қойиб кетмоқ*. □ *Унинг хаёли парижонлигини сўзлаётган бир ҳиоясини унутиб қўйиб, бошқасига ўтиб кетишидан.. пайқаб олиш мумкин*. Ҳамид Фулом, Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

КЕЧ

кеч I от. Кечки пайт, кечқурун [вечер]. *Кечки, кечқурун, эрта-ю кеч*. □ *Кеч кирди. Кечга яқин*. □ *Аммо Дилдор тамоман бошқа олам. Бобосига меҳрибон.. ўта меҳнатқаш, эрта-ю кеч тиниб-тинчимайдиган қиз*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кеч II [< кеч I] *равиш*. Белгиланган вақтдан анча кейин [поздно]. *Нега кеч келдингиз? Ҳечдан кўра кеч*. Мақол. □ *Азиз армиядан кеч кузда қайтиб келди*. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кеч III феъл. 1. Бирин-кетин ўтмоқ [происходить, проходить]. *Узинг ҳам бошингдан кечган барча оғир-енгил ишлар тўғрисида ҳеч кимга айтганинг йўқ-да*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Суюқлик, масса бўйлаб ҳаракатланиб ўтмоқ [переходить вброд, переправляться]. *Кечик* (переправа), *кечув*. □ *Сувдан кечмоқ. Дарёдан кечмоқ. Тизадан қор кечмоқ. Лой кечмоқ. Кўлмакдан кечмоқ*. □ *Улар катта йўлдан қор кечиб борар, лекин қайққа бораётганларини ўзлари билмасдилар*. Парда Турсун, Уқитувчи.

3. Баҳридан ўтмоқ, даъво қилмасликка аҳд қилмоқ [отказаться, прощатъ]. *Қарзидан кечмоқ. Гуноҳидан кечмоқ. Жонидан кечмоқ. Бир қошиқ қонидан кечмоқ* (эски). *Жондан кечмагунча, жонона қайда, тоққа чиқмагунча, дўлона қайда*. Мақол. □ *Хон-монимдан кечаман, .. аммо бу ишни очмасдан қўймайман*. Абдулла Қаҳҳор, Бек.

КЕЧА

кеча I [кеч III 1+a — от ясовчи аффикс] от. 1. Сутканинг 'кечқурундан тонггача бўлган қисми [ночь]. *Кечалаб, кечаси*. □ *Ойдин кеча. Қоронғи кеча. Қоқ ярим кеча. Кечани кеча, кундузни кундуз демай*. □ *Разведкачиларимиз ва портлатувчиларимиз узоқ кечани мизғимай ўтказадилар*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Бирор мақсад билан ўтказиладиган йиғин (одатда кечқурун бошланади) [вечер]. *Байрам кечаси. Тантанали кеча. Юбилей кечаси*. □ *Мақтабни битириб чиқаётган йигит ва қизлар тантанали кечага ҳаммадан илгари келган эдилар*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

кеча II [< кеча I] *равиш*. Бугундан олдинги кун [вчера]. *Кечаги*. □ *Кеча бугундан совуқроқ эди*. □ *Аҳмаджон кўрпачага ўр-*

нашиброқ ўтириб олиб, кеча институтда Азиз кандидатлик диссертацияси ёқлаган вақтда қизиб кетган баҳсни эслаб кетди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

КЕЧИК

кечик I [кеч III 2+ик — от ясовчи аффикс] от. Сувдан кўприксыз, кешиб ўтиладиган саёз жой [брод]. *Сойнинг қуйи томонидаги кечик анча қулай. Биров сув тополмайди ичгани, биров кечик тополмайди кечгани. Мақол.*

кечик II [кеч II+ик — феъл ясовчи аффикс] феъл. Белгиланган вақтдан кейинга қолмоқ, айтилган вақтда етиб келмаслик [опаздывать]. *Ишга кечикмадингизми? □ У Азизни шу ерда кутишга, агар у кечиккудай бўлса, бирорта йўловчи машинани тўхтатиб, шаҳарга тушишга, Дилдорнинг уйига боришга қарор берди..* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

КИИ

кий I [полякча kij] от. Бильярд соққаларини уриб ўйнайдиган, учингичкалашиб борадиган узун таёқ. *Бу кий енгил экан, соққаларни зарб билан уриб бўлмаяпти.*

кий II феъл. Аъзоларни кийим билан қопламоқ, ёпмоқ [одеть.] *Кийим. □ Нима кийса, жуда ярашади. □ Кўкраги гулдор узун кўйлақлар кийиб, нозик қўлларига пиёла ушлаган қизлар туркман куйига ўйнадилар. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

КИНДИК

киндик I от. Қориндаги болани она танаси билан бирлаштирувчи, болани озиқа моддалари билан таъминловчи, чақалоқ туғилганда кесиладиган ичак; шунинг ўрни (чуқурча) [пуп, пупок]. *Киндиги кесилган жой. □ Киши қаригандан кейин киндик қони тўкилган жойини қўмсаб қоларкан. Баҳром Раҳмонов, Олтин одамлар.*

киндик II [> киндик I] от. Дор арқонларини тутиб турувчи ходларнинг кесишган жойи. *Дорбоз киндикка келгунча юрагимни ҳовучлаб ўтирдим.*

КИР

кир I сифат. Нопок, ифлосланган, кирланган [грязный]. *Кирланмоқ, кир бўлмоқ, кир қилмоқ. □ Кир кўйлақ. Қўлим кир. □ Ошхона кўримсизгина бўлиб, ичидаги кир, қора-қура доғ-*

лар тушиб кетган узундан-узун столлардан ҳамиша ёғ аралаш совун ҳиди келиб туради. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

кир II [< кир I] от. Нопоклик, ифлослик [грязь]. *Кирини кетказмоқ. Тирноқ остидан кир изламоқ. Қўнгида кири йўқ. □ «Пул нима — қўлнинг кири. Минг сўм эмиш ... Ун минг сўмга кучим етади!»* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кир III [< кир III] от. Ифлосланган ёки ювилган кийим-кечак [бельё (чистое или грязное)]. *Кирпеч, кирхона, кир-чир. □ Кир чайқамоқ. Кир ювмоқ. Кир дазмолламоқ. Кир тахламоқ. Кир токча (эскирган). □ Овқатларини ўзлари пиширишди, кир-чир, дазмолларига ўзлари қарашди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри. ..шиклари очиқ шкаф олдида турган кампир санитарка ювиб дазмоллаган кирларни тахлаш билан банд эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

кир IV феъл. 1. Ташқи томондан ич томонга ҳаракатланиб ўтмоқ, дохил бўлмоқ [входить]. *Кириш, кириш. □ Ҳовлига кирмоқ. Уйга кирмоқ. Қўлига тикан кирди. □ ..Қибрай қишлоғи гузаридан чапга бурилиб, янги асфальтланган торғани йўлга кирилади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

2. Бошланмоқ [наступать, начинаться]. *Қиш кирди. Кеч кирди. Уйқуға кирди. □ Кечикиб кирган қиш энди кун сайин совуғини кучайтира бошлаган эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

3. Етмоқ [достигать]. *Қирққа кирди. □ Раҳим бобо — саксон ёшга кирган, ..кўзлари ёшига яраша анча хиралашган ва тез-тез ёшланиб турадиган, хаёли паришонроқ бир чол. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

КИШ[Т]

киш[т] I ундов. Товуқларни ҳайдаш хитоби. *Кишт-киштламоқ. □ Ҳа, товуқ бўлмай ўлгурлар, кишт!*

киш[т] II [< кишт I] ундов. Шахмат ўйинида таҳдид эълон қилиш [шах]. *Аввал кишт беринг, пиёдани кейин сурасиз.*

КОЛЛЕКТИВ

коллектив I [латинча collectivus — «жамланган»] от. Бирор манфаат, фаолият умумийлиги асосида бирлашган кишилар гурупаси. *..коллектив фикри билан ҳисоблашмасдан уни бошлиқликка тайинлаганлар биргина кўпчиликкагина эмас,*

ўша йигитнинг ўзига ҳам катта зарар етказдилар. «Совет Ўзбекистони»дан.

коллектив II [*русча коллективный*] сифат. Коллективчилик принципларига асосланган. *Коллектив хўжалик. Коллектив меҳнат.* □ Республикада ҳар йили коллектив шартномалар бўйича қарийб ўн мингта таклиф тушади. «Совет Ўзбекистони»дан.

КУИ

куй I от. Чолғу асбобида ижро этиладиган тарона, наво [мелодия, мотив]. *Куйламоқ, куйчи (эскирган).* □ *Классик куй. Халқ куйи. Куй басталамоқ.* □ *Кўкраги гулдор узун кўйлақлар кийиб, нозик қўлларига пиёла ушлаган қизлар туркман куйига ўйнадилар.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

куй II феъл. Ут олмоқ, олов таъсирида кўмир ҳолатига ўтмоқ [гореть, подгорать, пригореть]. *Куйинди, куйдирги.* □ *Кўрпанинг бир чеккаси куйибди. Куйиб кул бўлмоқ. Уйинг куйгур.* □ *Улар орасидан қўшнинг улкан баркаши ўрнига куйган тўлин ойни эслатувчи қизғиш кун дўнғалаги кўринадди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

КУЛ

кул I от. Бирор нарсанинг ёниши натижасида ҳосил бўладиган қорамтир минерал кукун [зола, пепел]. *Кулдон, кулранг.* □ *Печканинг кулини олмоқ. Кулини кўкка совурмоқ. Пул бўлди — кул бўлди.* □ *У ошхона зиши олдида турган кул челақни олишга буюрди, Парда Турсун, Ҳўқитувчи.*

кул II феъл. Завқ-шавқини, хурсандлигини билдирувчи товушлар чиқармоқ [смеяться]. *Кулги, кулагон, кулдирғич.* □ *Мийғида кулиб қўймоқ. Кўп кулган йиғлайди. Кулавериб ичаги узилди.* □ *Нега Азиз бу қадар шод: юзи кулади, кўзлари ёнади?* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

КУН

кун I от. Ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи планета, қуёш, офтоб [солнце]. *Кунгай, кунчиқар, кунботар, кунгабоқар.* □ *Кун чиқди. Кун ботди. Кунга тесқари. Ой чиқса ҳам, шунга чиқсин, кун чиқса ҳам, шунга чиқсин.* Матал. □ *Вақт пешиндан ўтиб, кун оға бошлаган бўлишига қарамай, ҳаво*

ҳамон иссиқ; суҳбатдошлар рўмолчалари билан елпинишади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

кун II [*кун I*] от. 1. Сутканинг эрталабдан кечқурунгача бўлган қисми [день]. *Кунда, кундуз, бугун, тун-у кун.* □ *Кун узунлиги. Кун бўйи. Матбуот кунини.* □ *Шундай жазирама кунларда кўнғил далани қўмсайди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Кун чиққандан яна кун чиққунгача бўлган вақт [сутка]. *Кун ора. Кун сайин. Ҳар кунини. Тунов кун. Утган кунини. Беш кун ишлаб, икки кун дам олмоқ.* □ *Азиз эртаси кун қишлоқ гузарига — мактабга борди, Нафисани кўрди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. Умр, яшаш муддати [жизнь]. *Кун кечирмоқ. Кунини битди. Ишликнинг иши битар, ишисизнинг кунини ўтар. Мақол.* □ *Бир вақт келиб, дадамнинг кунини битса, Гулморнинг чурвақалари бош кўтаради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

КУНДА

кунда I [тожикча *кунд* — «тўтмоқ» + а ясовчиси] от. 1. Тўнка, тўнғак [пень]. *Кундаков.* □ *Дарахтни кесганда, кундани калта қолдирган маъқул. Кунда ковламоқ.* □ *Исматҳожини қора мовут чакмоннинг бир барини қайириб, яқиндагина кесилган бир терак кундасига келиб ўтирди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

2. Қассоблар гўшт чопадиган ғўла [плаха (мясника)]. *Болта тушгунча, кунда дам олар. Мақол.* □ *Қассоблик қилмоқчи бўлган одам аввало бир қўлини кундага қўяди-ю, болта билан чопади. Агар чопилмаса, қассоблик қилди.* Парда Турсун, Ҳўқитувчи.

кунда II [*кунда I* от; эскирган. Банди қочиб кетмаслиги учун оёғига кийдириладиган ёғоч кишан [колодки]. Оёғига кунда солмоқ. □ Хатирчилик бандининг «Бизни озод қилдилар» деган сўзига ҳалигача ишонмай турган бандилар ҳам, кишан ва кундаларининг очила бошлаганини кўриб, қувонмоқда эдилар. Садриддин Айний, Қуллар.

кунда III [*кун + да*] равиш. Ҳар кунини [ежедневно, каждодневно]. *Кундалик (кундалик дафтар).* □ *Кўза кунда синмади, кунда синади.* Мақол. □ *Боринг, Урмонжон акамга ростини айтинг., шундай бўлган эди, билмабман денг. Кунда кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхшироқ.* Абдулла Қаҳор, Қўшчинор.

КУРАШ

кураш I феъл. 1. Кураш тушмоқ [бороться]. *Бугун оғир вазнли полвонлар курашади.*

2. Кураш олиб бормоқ [вести борьбу]. *Пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашайлик.* □ *Мана энди яна совхозга, бригадамга бораман, ҳосил учун курашаман.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кураш II [*кураш I*] от. 1. Куч синашниш спорт мусобақаси [борьба]. *Кураш тушмоқ. Классик кураш. Французча кураш.* □ *Курашда елкаси ерга тегмаган полвон бўлса-ю, хотин олишга кучи етмаса!* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Бир-бирини енгиш, йўқ қилишга қаратилган актив ҳаракат [борьба]. *Синфий кураш.* □ *Оз ўтмай «босмачиларга қарши курашдаги зўр хизматлари»га ўзи ҳам қаттиқ ишонди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

КУЯ

куя I [*куй* — «ён» + а — от ясовчи аффикс] от. 1. Ўчоқда, қозон тагида ҳосил бўладиган қурум, қоракуя [сажа]. *Қозонни қоғоз билан ушланг, қўлингиз куя бўлади.* □ *Қўлимга тушганда, юзига куя суриб, эшакка тескари миндирар эдим-у, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қозининг ҳузурига олиб борар эдим.* Парда Турсун, Ўқитувчи.

2. Экинга тушадиган қора гардга ўхшаш касаллик, моғор [головня]. *Маккажўхориға куя тушибди.*

куя II [*куя I*] от. Юнгли (жунли) газлама, буюмларни қирқиб кетадиган зараркунанда ҳашарот [моль]. *Куядори (нафталин).* □ *Гиламга куя тушибди. Жун рўмонни куя ебди.* □ *Йисит... Муҳаммад Жамолнинг куя еган эски қоракўл папахини қозиқдан олиб, бинг устидан бошига бостириб кийди.* Ойбек, Нур қидириб.

КЎК

кўк I сифат. 1. Ҳаво рангли, мовий, зангори [синий, голубой]. *Кўк қалам. Кўк кўз.* □ *У.. ҳовузнинг жимир-жимир тебранаётган кўм-кўк сатҳига, сув юзида титраб турган танҳо нов-вот ранг нилуфар гул япроқларига бир неча дақиқа қараб турди-да..* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Яшил, ўт рангли [зелёный]. *Кўкаламзор, кўкармоқ, кўкламоқ I, кўкат.* □ *Кўк ўт. Кўк пиёз. Кўк чой. Кўм-кўк майсазор.* □ *Раҳим бобо пиёладаги яхна кўк чойни маза қилиб симирди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кўк II [*кўк I I*] от. Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турувчи ҳаво қатлами, осмон, фалак, само [небо]. *Кўкда юлдузлар чарақлайди. Кўк юзини булут тутди. Кулини кўкка со-вурмоқ. Ер-у кўкка шонмаслик. Боши кўкка етди.* □ *У фонтан ўртасида оппоқ бўйнини кўкка чўзган, узун тумшугидан сув сочаётган ғозга.. бир неча дақиқа қараб турди-да..* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

кўк III [*кўк I 2*] от. Қашнич, укроп, петрушка, барра пиёз каби ўсимлик; овқатга ишлатиладиган кўкат [зелень]. *Кўкчи, ош-кўк.* □ *Бир парча ерга кўк экиб қўйсангиз. Ҳозир бозордан қишин-ёзин кўк аримайди.* □ *Кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди.* Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

кўк IV [асли «асос», «негиз» маъносига сўз] от. Йирик-йирик қилиб тикилган чок [намётка]. *Кўкламоқ II.* □ *Сиз кўк солиб беринг, мен устидан машина юргизаман.*

КЎКЛА

кўкла I [*кўк I 2+ла*] феъл. Униб чиқмоқ, барг чиқармоқ, кўкармоқ [прорастиать]. *Пиёз сепган эдим, кўклуб қолибди.*

кўкла II [*кўк IV+ла*] феъл. Йирик-йирик чок солиб, омонат тикиб қўймоқ [намётывать, прошивать крупными стёжками]. *Энди этагини кўклуб бўлдим.* □ *Иш жўнашиб кетди. Хашпаш дегунча кафанни ҳам кўкладик.* Фафур Фулом, Шум бола.

КЎР

кўр I [тожикча *кўр* — «сўқир»; унлиси асли қаттиқ] сифат. Кўриш органи ишламайдиган, кўриш қобилиятидан маҳрум [слепой]. *Кўрлик, кўр-кўрона, кўрнамак, кўрсичқон, кўршапалак.* □ *Кўр одам. Кўзинг кўрми? Қўшининг кўр бўлса, кўзингни қис.* Мақол.

кўр II феъл. 1. Назари тушмоқ [видеть]. *Кўрик, кўргилик, кўрманна.* □ *Раҳим бобонинг ўн бир боласи, олтмиш етти набираси, қирқ икки абираси борлигини Аҳмаджон эшитган бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси жам бўлганини кўришга орзуманд эди — ўшанда кўрди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Ҳисобламоқ, деб ўйламоқ [считаты]. *Лойиқ кўрмоқ. Лозим кўрмоқ. Тенг кўрмоқ. Афзал кўрмоқ.* □ *Бирор камчилик ўтган бўлса, маъзур кўрасиз.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. (Шундай бўлишига) сабабчи деб билмоқ [предполагать]. *Сендан кўради. Ўзидан кўрсин.*

кўр III [*кўр II*] *кўмакчи феъл.* Мустақил феъл англатган лексик маънога «синаш-билиш» грамматик маъносини қўшади. *Еб кўрмоқ. Сўраб кўрмоқ. Чайнай кўрма.* □ *Менинг учун ҳам сен шахсан менинг сўзларимнинг маъзини чақиб кўр.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

КУРА

кўра I [тожикча; асли—«писта кўмир тайёрладиган ўчоқ»] *от.* Кабоб пиширишда чўғ солинадиган чўзиқ темир манқал [жаровня (для шашлыка)]. *Хонадонларга мўлжаллаб чоғроқ кўралар ҳам ишлаб чиқарилади.*

кўра II [тожикча—«қумғон»] *от; эскирган.* Ваза. *Чинни кўра* (фарфорная ваза). [Зумрад] *деворларнинг нақшини томоша қилди, кўралар ва ипак гиламларни бир-бир кўздан кечириб, ажабланди.* Ойбек, Улуғ йўл.

кўра III [*кўр II I+a*—равишдош ясовчиси] *кўмакчи.* Биноан, қараганда [согласно, в соответствии]. *Сиз айтган гапларга кўра у бутунлай ноҳақ бўлиб чиқади.* □ *Шундагина у Баҳорнинг ҳар бир сўзи, фикрини ҳаммадан кўра кўпроқ қадрлашини чуқурроқ ҳис этди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

КУЧ

кўч I *феъл.* 1. Бир манзилдан бошқасига ўтмоқ [перекочевать]. *Кўчки, кўчма, кўчат.* □ *Янги квартирага кўчмоқ. Боққа кўчмоқ. Утни ковласанг, ўчади, қўшинини ковласанг, кўчади.* Мақол. □ *Бу ердан ҳеч қачон кўчмайман, сен ҳам кўчмайсан.* Шароф Рашидов, Бўрондан кучли.

2. Бир нарсани тўхтатиб, бошқасини бошламоқ [переходить]. *Суҳбат янги темага кўчди.* □ *Гап айланиб, бригада-лар ишига кўчди.* Назир Сафаров, Хадича Ахророва.

3. Епишган ҳолатидан ажралмоқ [откленться]. *Конвертнинг маркаси кўчиб қолибди. Деворнинг сувоғи кўчди. Челақнинг сири кўчиб кетибди.* □ *Унинг [мачитнинг] баланд ва сири кўчиб кетган эски устунлик ай-*

вонида бужмайиб уч-тўртта намозхон ўтирибди. Парда Турсун, Уқитувчи.

кўч II [*кўч I*] *от.* Бир манзилдан иккинчи манзилга олиб бориладиган уй анжомлари [домашние имущества]. *Кўч-курор.* □ *Эртага тўй деган кунни, яъни мени бир бегонага молдай сотиб юборишаётган кунни кечаси кўчингизни кўтариб, гоийб бўлдингиз-кетдингиз!* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ЛАҚҚА

лаққа I *от.* Чучук сувларда яшайдиган тангчасиз, мўйловли йиртқич балиқ [сом]. *Эрталабдан ташланган қармоқларга тўрттагина бир қаричлик лаққа илинди.* Ҳамид Ғулом, Машъал.

лаққа II: *равиш.* Осонгина. *Лаққа тушмоқ*—осонгина ишониб кўя қолмоқ, ўз ихтиёрини бериб қўймоқ [простоволоситься]. *Йўқ, рости билан ҳам аҳмоқман! Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим?* Одил Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам—дилим.

ЛИБЕРАЛ

либерал I [латинча liberalis—«озодликка тааллуқли»] *от.* Либерализм тарафдори; либерал партиянинг аъзоси. *Овоз бериш натижаси либераллар кутганича бўлиб чиқди.*

либерал II [*русча либеральный*] *сифат.* Либераллик хусусияти бор, либералларга хос. *Либерал буржуазия. Либерал партия.*

ЛОЗИМ

лозим I [арабча *لزوم*—«зарурий, мажбурий, керакли»] *предикатив сўз.* Албатта зарур, албатта керак [необходим, обязательен]. *Бу масалада шуни айтиш лозимки, мен вакиллик қилаётган иккита колхозда, айниқса сизларнинг колхозингизда аҳвол чатоқ!* Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

лозим II [*лозим I* *от.* Шарқ аёллари киядиган узун иштон. Айниқса Зулукхоннинг тўпигига тушиб турган қизил жиякли сариқ атлас лозим Ферузанинг гашига тегди. Ҳамид Ғулом, Феруза.

ЛОЙҚА

лойқа I [асли *лой+қа*] *феъл.* Лой аралашиб, бўтана бўлмоқ [мутнеть]. *Сув лойқаб кетди.*

лойқа II [*< лойқа I >* сифат. Лой аралашган [мутный, илестый]. Ариқда лойқа сув оқаяпти. □ У кўприк ўртасига келиб, панжарага суялди-да, каналга, лиммо-лим тўлиб оқаётган лойқа сувга .. тикилди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

лойқа III [*< лойқа II >* от. Сувга аралашган лойнинг чўкмаси, бўтана [мут; иль]. Лойқаланмоқ. □ Челак тагига анчагина лойқа чўкибди.

ЛУҚМА

луқма I [арабча *لقمة* — «оғизга олинган овқат»] от. Тишлам, қултум (овқат). Луқмаи ҳалол. □ Элмурод қаёққа қарамасин, овқатни кўрар, ҳиди димоғига урар, лекин улардан ўзига қачон бир луқма тегишини билмасди. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.

луқма II [*< луқма I >* от. Кимнингдир нутқи давомида бошқа киши томонидан қистирилган жумла (сўз, гап) [реплика]. Луқма ташламоқ. □ Тўрахонов область партия комитети секретарининг луқмасига жавоб беришни мақтаншидан бошлади. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

МАРТАБА

мартаба I [арабча *مرتبة* — «даража, ҳолат, мавқе»] от. Юқори ижтимоий мавқе, амал [сан, чин, общественное положение]. Мартабангиз яна ҳам улуг бўлсин. □ Келажакда у ўғлининг катта мартабага эришмоғини умид қиларди ва шунинг учун ҳам янги шароитда Акрамхоннинг отаси майда савдогар эмас, «босмачиларга қарши курашган» деб ёзилгани фойдали бўларди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

мартаба II [*< тожикча маротиба >* арабча *مراتب* — «карралар»] нумератив сўз; эскирган (ҳозиргиси — марта). Карра, бор [раз]. Суоқ дорини бир кунда уч мартаба ичасиз. □ Ойимхон .. биринчи мартаба Тошкентга борди ва республика марказидан Қамшикапага айтиб тугатиб бўлмас хотиралар билан қайтди. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.

МИЖОЗ

мижоз I [*< мизож; тожик тилида ҳам шундай икки кўринишли, асли арабча مزاج* — «табиат, феъл-атвор, руҳият»] от. Инсон табиатининг хусусияти, инсоннинг ташқи дунё таассуротла-

рини сингдириш, улардан таъсирланиш ва уларга жавоб бериш хусусияти [нрав, темперамент, натура]. Иссиқ мижоз (одам). Совуқ мижоз (одам). Бундай гапларни унинг мижози кўтармайди. Мижозим мижозига тўғри келиб қолди. □ Кенжа бу антиқа мижоз одамни ўзига яқин кўриб қолди. Ҳаким Назир, Маёқ сири.

мижоз II *< арабча مزج* — «боғланмоқ, муомалада бўлмоқ»] от. Донмий равишда бир кишидан сотиб олувчи шахс [постоянный покупатель]. Сутни олдин мижозларга бераман. Сутингиз яхши бўлса, мижоз бўла миз. □ У ҳар кун эрталаб қаймоқ олиб келадиган мижоз эди. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.

МИЛ

мил I [арабча *میل* — «қалам, сурма»] от. Учн интичаланиб борадиган темир таёқча (стрелка). Соатнинг мили. Компаснинг мили.

мил II [англизча *mile* < латинча *milium* — мингта икки қадамлик] от. Денгизда 1852 метрга, қуруқликда 7420 метрга тенг масофа [миля (шунга кўра ўзбекчада асли миль ёзиш тўғри бўлар эди)]. Гибралтар бўғозининг энг тор жойи 7,5 мил (14 км) келади.

МИЛК

милк I [тожикча — «қобик, парда»] от. Тиш, тирноқ, киприк илдизини қоплаб турувчи эт, мушак тўқима [десна, валик ногтя, край глазных век]. Негадир кейинги вақтларда милким қонайдиган бўлиб қолди. □ Низомиддин юзини тескари ўгириб, дастрўмол олиб, кўз милкларини артди. Саид Аҳмад, Ҳўқим.

милк II *< милк I >* от. Матонинг титилиб кетмайдиган қилиб тўқилган чети, қирғоғи [кромка]. Милкидан икки сантиметр ташлаб тикинг. Милкини кўр, бўзини ол, онасини кўр, қизини ол. Мақол.

МИНГБОШИ

мингбоши I от. Пилла қурти пилла ўраш даврида дастак қилиб қўйиладиган ўт, печакгул [вьюнок].

мингбоши II [ҳозирги имлода — минг боши] от; эски. Революциядан илгари маҳаллий ҳокимият органларида юзбошидан юқо-

ри поғонада турувчи амалдор [тысячник, волостной (правитель)]. *Ҳа, шошманг, дарвоқе, мингбоши додоқоғ ёрдам бермасмиканлар? Ҳамза Ҳакимзода, Бой ила хизматчи.*

МИНЕРАЛ

минерал I [французча *mineral* < латинча *minera* — «кон, руда»] *от.* Ер қобиги таркибда учрайдиган табиий химик элемент ёки шуларнинг бирикмаси. *Бу минерал табиий ҳолда учрамаган.*

минерал II [< русча *минеральный*] *сифат.* Таркибда минерал бор, минералдан таркиб топган. *Минерал сувлар. Минерал ўғит. Минерал тузлар.* □ *Пахта, бугдой, сули ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун ишлатиладиган минерал ўғитлар сафини икки баробар камайтириш, .. хоссалари олдиндан маълум бўлган полимерларни синтез қилиш муаммоларини ҳал этишга бағишланган бу илмий ишлар ҳозирдаёқ амалга ошириляпти.* «Совет Ўзбекистони»дан.

МОДДА

модда I [арабча *مادة* — «жисм, материя»] *от.* Жисмларни ташкил қилувчи нарса [вещество]. *Портловчи моддалар. Заҳарловчи моддалар. Органик моддалар. Тўйимли моддалар.*

модда II [< модда I] *от.* Текстнинг нумерланган ҳар бир мустақил қисми [пункт, параграф]. *1979 йил савдо шартномасининг барча моддалари тўлиқ бажарилди.* □ [Жонфигон] *жиноят қонунлари мажмуасининг алланечанчи моддаси тўғрисида гапирди.* Абдулла Қаҳҳор, Жонфигон.

МУМИЁ

мумиё I [тожикча] *от.* Халқ медицинасида синган суякларни даволаш учун ишлатиладиган мумсимон органик модда.

мумиё II [< мумиё I] *от.* Порошок (кукун) ҳолатидаги қизғиш-жигар ранг минерал бўёқ.

мумиё III [< мумиё I] *от.* Чириб кетишдан сақлаб қолиш мақсадида бальзам, мумиё билан махсус ишлов берилган жасад.

МУСАЛЛАС

мусаллас I [арабча *مثلث* — «уч қисмли»] *от; адабиётшунослик термини.* Бандлари уч мисрадан тузилган шеър [терница]. *Мусаллас маснавий ва рубоийга нисбатан оз тарқалган.*

мусаллас II [< *мусаллас I*] *от.* Узумдан тайёрланган хонаки вино (уч хил компонентдан тайёрлангани кўзда тутилган бўлса керак). *Оқ мусаллас. Қизил мусаллас.* □ «*Бултурғи мусаллас!*— деди у кўзани стол устига қўяр экан.— *Нормат, манави пиёлаларга тўлдириб қуй-чи!*» Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

МУШАК

мушак I [тожикча] *от.* Одам ёки ҳайвон танасидаги қисқариш хусусиятига эга тўқималар [мышца, мускул]. *Елка мушаги. Юрак мушаги.* □ *Улар кун бўйи ишлаб чарчаган мушак ўштларига дам бериб, тўйиб-тўйиб ҳаво шимирган ҳолда боришаркан, кечки майин шабада тер босган юзларини сийпалаб, ором берарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

мушак II [< мушак I] *от.* Енганида турли ранг билан ёруғлик сочиб жилоланадиган буюм [ракета (цветная)]. *Мушакбозлик (фейерверк).* □ *Маданият ва истироҳат боғида мушак отиляпти.* □ *Салют ҳам бошланди. Ранго-ранг мушак Ҳисор водийсини қилди чароғон.* Аширмат.

мушак III [< мушак I] *сифат.* Бўйи қисқа, учи тўмтоқ. *Мушак сабзи.*

НА

на I [< нима] *сўроқ олмоши; эскирган [что]. На қилай бу жонники, йўлингда қурбон бўлмаса.* Собир Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

на II [на..., на...] *айирув боғловчиси [ни..., ни...].* *Акангдан на хат бор, на хабар.* □ *Унсин .. ягона дўсти, ҳаётда ягона умиди бўлган акасини қучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб ёта берди. На кампирнинг, на Қоратойнинг юпатишлари кор қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

НАФАС

нафас I [арабча *نفس*] *от.* Ичга олиб, чиқариладиган ҳаво, тин, дам [дыхание]. *Ҳамнафас.* □ *Нафас йўли. Нафас олмоқ.* □ *Шу пайтда Тўрахонов унга яқинлашди-ю, ниманидир стол устига қўйди. Пўлат нафасини ичига ютиб, диққат билан кузатди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

нафас II [*< нафас I*] *от.* Жуда қисқа вақт, лаҳза, он [минг, мгновение]. *Бир нафас. Нафас ұтмай.* □ *Булутли, хомуш оқшом зулмати нафас сайин қуюқлашиб, баҳайбат қоп-қора қанотларини уфқлар устига тез ёйиб келмоқда.* Парда Тур-сун, Ғқитувчи.

НЕФРИТ

нефрит I [юнонча nephritis—«буйрак»] *от; медицина термини.* Буйрак яллиғланиши касаллиги.

нефрит II [юнонча nephros—«буйрак»] *от; минералогия термини.* Ним яшил ранг минерал; наққошлиқда ишлатиладиган ним яшил тош.

НОЗИК

нозик I [тожикча] *сифат.* Нафис, латиф, бежирим, юпқа, синувчан [нежный, тонкий, изящный, хрупкий]. *Нозик мато. Нозик табассум.* □ *У куйнинг сеҳрига берилиб, интизор кўзларини нозик юмди, бошини қуйи солди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

нозик II [*< нозик I*] *от.* Қаштачиликда ишлатиладиган ранг-баранг майда, нафис мунчоқ [бисер]. *Чойхоначи .. ипак тўри ранг-баранг нозиклар, пистонлар билан безалган тўрқовоқларни.. чакалакка осган эди.* Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

НОР

нор I [*< тожикча нар—«эркак»*] *от.* Бир ўркачли эркак туя [дромадер]. *Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди.* Мақол.

нор II [тожикча анор] *от; эскирган [гранат]. Гулнор[а].* □ *Наманганнинг анори бор, нори бор.* Ҳар кимнинг кўнглида севган ёри бор. Қўшиқдан.

нор III [*< нор II*] *от.* Анор (олов) тусли хол [родинка красная (гранатовая)]. *Нортожи, Норбиби, Норпоиша.* □ *Укамнинг ўнг қўлида нори бор.*

НОТА

нота I [латинча nota—«белги, аломат»] *от; музикашунослик термини.* 1. Музиқал товушни кўрсатувчи шартли график белги. *Баланд нота. «До» нотаси.*

2. Ноталар ёзилган варақлар. *Нотага қараб чалмоқ. Ноталарини ўзи билан олиб юрмоқ.* □ *«Композитор қайси чолғучи қачон чалишини кўрсатиб берган, мана нота-си»,— деди дирижёр Салоҳовга.* Саид Аҳмад, Музикали воқеа.

нота II [латинча nota—«мулоҳаза, нуқтаи назар, изоҳ»] *от; дипломатия термини.* Бир давлатнинг иккинчи давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаатномаси. *Нота юбормоқ. Норозилик нотаси.*

ОБЪЕКТИВ

объектив I [латинча objectivus—«предметга тааллуқли»] *от; оптика термини.* Оптик асбобнинг нарсаларни катта ёки кичик қилиб кўрсатадиган линзаси. *Фотоаппарат объективи. Микроскоп объективи.*

объектив II [*< русча объективный*] *сифат.* 1. *Фалсафа термини.* Ондан ташқарида ва унга тобе бўлмаган ҳолатда мавжуд бўлган. *Объектив реаллик. Тараққиётнинг объектив қонунияти.* □ *Меҳнатни индустриал асосга кўчириш, қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш, улар ўртасидаги тафовутни йўқотиш жараёни содир бўлмоқда.* Бундай объектив шароит кишиларнинг касби, психологияси, характери, турмушига таъсир этмай қолмайди. Н. Ҳошимова, Деҳқон фаровонлигини ўйлаб.

2. *Холис, беғараз. Объектив баҳо. Объектив фикр. Объектив муносабат.*

ОЕҚ

оёқ I *от.* Жонли организмнинг юришга, тик туришга хизмат қиладиган органи [нога]. *Оёқли, оёқсиз, қўл-оёқ, оёқ-қўл.* □ *Оёқ босмоқ. Оёққа турмоқ. Оёғи огрияпти.* □ *Абдулла Саидович кабинадан тушиб, .. увушган оёқларини бир оёзиб олди ва райком биноси томон илдам юриб кетди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

оёқ II *от; эскирган.* Коса, қадаҳ [чаша]. *Идиш-оёқ.* □ *Новча йигит сузган бўзадан озгина татиб кўриб, биринчи оёқни Султонга узатди.* Фафур Фулом, Шум бола.

ОЗ

оз I *равш.* Кам, миқдори нисбатан кўп бўлмаган [мало, незначительно]. *Озаймоқ, озчилик, оз-моз, озмунча, бир оз.* □ *Оз сўзла, кўп ўйла.* Мақол. *Оз бўлсин-у, соз бўлсин.* Мақол. □

«Бас,— деди гулқайчисини белбоғига қистириб.— Эртага ҳам иш қолсин. Асалнинг ҳам ози ширин». Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

оз II [*< ор*] *феъл*. Орикламақ, этидан йўқотмоқ [худеть]. *Озгин*. □ *Кун ўтган сайин она бечора чўкиб, тўзиб боради: сочи оқаради, юз-манглайини ажин қоплайди, озиб, чўп-устухонга айланади*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

оз III [*< оз I*] *феъл*. Нохуш бўлмоқ, кучсизланмоқ, ҳолсизланмоқ. *Кўнглим озди*. □ *Йўл азобидан унинг бутун аъзойи бадани зирқираб оғрир, толиққанликдан, очликдан боши айланар, кўнгли озар эди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

оз IV [*< от, од*] *феъл*. Адашмоқ, тўғри йўлдан четга чиқмоқ [сбиваться]. *Йўлдан озмоқ. Ақлдан озмоқ*. □ *Ақлдан оздингми? Гуноҳ қилдим, ўз ихтиёри билан ишдан кетаверсин. Сен бўлсанг бутун участкамизни шармандаи шармсор қилмоқчисан*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОЯ

ой I *от*. Ернинг табиий йўлдоши, тунда қуёш нурини ерга акс эттириб турувчи планета [луна]. *Янги ой. Ой тугилиши. Ой ботди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди*. Мақол. *Ой чиқса ҳам, шунга чиқсин, кун чиқса ҳам, шунга чиқсин*. Матал. □ *Кўряпсизми, тулин ой ҳамма ёқни кундуздек ёриб турибди*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ой II [*< ой I*] *от* (вақт ўлчови). Урта ҳисобда 30 кунлик муддат, йилнинг ўн иккидан бир қисми [месяц (года)]. *Ун ой ишлаб, икки ой дам олмоқ. Уқшилар июнь ойида тугайди*. □ *Булар Раҳим бобо чорбоғида уч ойдан ортиқроқ истиқомат қилишиди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ОЯЛИК

ойлик I [*< ой II + лик* ясовчиси] *сифат*. Ой мобайнида давом этадиган, ой мобайнида яшаган [месячный]. *Ойлик план. Бир ойлик командировка (отпуска). Тўққиз ойлик чақалоқ*. □ *.. икки ойлик иш қолди*. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ойлик II [*< ойлик маош*] *от*. Бир ой ишлагани учун бериладиган ҳақ, маош [зарплата]. *Мен бўлсам икковимиз учун — ўзим учун ҳам, сен учун ҳам ишлайвераман. Ойлигим бўлса ошламизга етар деб ўйлайман*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОЛ

ол I *феъл*. 1. Қўли билан тутмоқ, ўз ихтиёрига ўтказмоқ, ўзиники қилмоқ [брать, взять]. *Оласи, олағон, олғир, олди-берди, олди-қочди*. □ *Пиёла узатсам, олмади. Қўлига китоб олса, уйқуси келади*. □ *Анҳор бўйларидаги бу соя-салқин оромгоҳлар шаҳар аҳолисининг ҳаммасини бўлмаса ҳам, ақалли ярмини ўз бағрига олади*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Харид қилмоқ, сотиб олмоқ [покупать]. *Олди-сотди*. □ *Қўйни қанчага олдингиз? Бозордан сабзи-пиёз олдик*. □ *Булардан бири — чорбоғ эгаси Раҳим бобо, иккинчиси — чолнинг уйларида бирини ижарага олиб турган Аҳмаджон*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ол II [*< ол I*] *кўмакчи феъл*. Мустақил феъл англатган лексик маънога: 1. «нутқ қаратилган шахс манфаатини кўзлаш» грамматик маъносини қўшади. *Уқиб олмоқ. Йиғиб олмоқ*. □ *Чол бир оз ўйга толгандан кейин, йўқотган гапининг учини топиб олди шекилли, кўзлари тийраклашди, қошлари чимирилди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. «қодирлик» грамматик маъносини қўшади. *Уқий олмоқ. Бора олмоқ. Бажара олмоқ*. □ *Унинг хаёли паршонлигини сўзлаётган бир ҳикоясини унутиб қўйиб, бошқасига ўтиб кетишидан .. пайқаб олиш мумкин*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ОЛМОС

олмос I *от*. Товланувчан қаттиқ қимматбаҳо минерал тош (ишлов берилгани брильянт деб юритилади) [алмаз; бу сўз рус тилига туркий тиллардан ўзлашган]. *Олмос кўзли узук*. □ *Фақат баҳор ва ёзнинг кўркам тонгларини эмас, қишнинг қировли сурма ранг саҳарларини ҳам, кузнинг олмос ранг тиниқ наҳорларини ҳам далада кутиб олади*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

олмос II *от*; *ботаника термини*. Заҳарли, сариқ гулли ёввойи ўт (айиқтовоннинг бир тури) [лютик Северцева].

ОМБОР

омбор I [*< анбор*; тожикча *анбоштан* — «йиғмоқ, тўлдирмоқ»] *от*. Турли нарсалар маълум тартибда сақланадиган хона, бино [склад, кладовая]. *Омборхона, омборчи*. □ *Ҳовлининг оёқ то-*

монига чоғроқ о м б о р қура миз. □ У колхоздан теккан ғал-
лаларни о м б о р г а ташир экан, менга тўрт қоп буғдойни
кўрсатиб: «Мана бу тўрт қопи сенинг меҳнатингга келган..»—
деди. Ғафур Ғулом, Тирилган мурда.

омбор II [**< омбор I**] от. Девор тагидан ўтадиган сув йўли. *О м б о р г а хашак тиқилиб қолибди.* □ *Ўзи ҳам ўттиз икки ғў-
лахга ўт қўйган одам-да, о м б о р д а н ўтса, думи ҳўллан-
май чиқади.* Рафиқ Турсунов, Ким ўзарга.

ОРИГИНАЛ

оригинал I [латинча *originalis*—«дастлабки, илк»] от. Асл нусха.
*Бу картинанинг оригинали Третьяков галереясида сақла-
нади. Оригинални копиядан фарқлаш.* □ [Ҳофиз] асар-
ларининг оригинали билан танишишга ҳам имкон бе-
риш ниятида китоб форс ва ўзбек тилларида нашрга тайёр-
ланди. Шонслом Шомуҳамедов, Ҳофиз.

оригинал II [**< русча оригинальный**] сифат. 1. Кўчирмай, ўзлаш-
тирмай, мустақил ижод қилинган. *Оригинал илмий асар.*
Оригинал фикр.

2. Белги-хусусияти билан бошқалардан ажралиб турув-
чи. *Оригинал санъаткор. Оригинал кийиниш.*

ОРТ

орт I [асли унлиси чўзиқ] от. Орқа томон [зад]. *Ортқи.* □ *Бузоқни*
араванинг ортига боғламоқ. □ *Машиналар ортидан*
бурқсиб кўтариладиган чангдан қочиб қутулиб бўлмасди.
Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

орт II феъл. Бирор транспорт воситаси устига тартиб билан жой-
ламоқ [грузить, погружать]. *Рўзғор буюмларини машинага*
ортмоқ. □ *Шу пайт каттагина бир боғ пичанни велосипе-
дига ортиб олган бола йўлдан физиллаб ўта бошлади.*
Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

орт III феъл. 1. Миқдори яна ҳам кўпаймоқ [увеличиваться]. *Тош-
кент аҳолисининг сони йилдан йилга ортиб бормоқда.*
□ *Аммо шаҳар кенгайиб, sanoат зўрайиб, халқ кўпайиб, саб-
завотга, мевага эҳтиёж ортди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша
атри.

2. Талаб қилинганидан кўп бўлмоқ [быть излишним,
быть в излишке]. *Ортиқ.* □ *Бир лаган ош тўрт кишидан ор-
тиб қолди-я.* □ *Болаларни бўлса ўзинг туғасан, ўшалар-
нинг ҳам ташвиши етиб ортади.* Шароф Рашидов, Қуд-
ратли тўлқин.

от I от. Миниладиган, аравага қўшиладиган уй ҳайвони, йилқи
лошадь]. *Отланмоқ, отлиқ, отбоқар, отхона, отчопар, отқу-
лоқ, от-арава.* □ *Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг*
қамчи. Мақол. □ *Ҳамма— ёш-у қари, эркак-у аёл, ёш бола-
ларгача ясанган, отда, аравада, пиёда келишарди.* Шароф
Рашидов, Қудратли тўлқин.

от II [асли унлиси чўзиқ] от. 1. Исм, ном [имя, наименование]. *Ата-
моқ.* □ *От қўймоқ. Отинг нима? Қишлоқ қизлари, жу-
вонлари эса уни ардоқлаб, ўтқазгани жой тополмай қолади-
лар; ёшроқлари «Дилдор опа», тенгдошлари «Дилдоржон»*
деб, отини севиб айтиб, оғиздан қўймайдилар. Ҳамид Ғу-
лом, Бинафша атри.

2. *Грамматика термини.* Предметлик маъносини англа-
тувчи сўзлар туркуми [имя существительное]. *Отлари*
маъно жиҳатдан турлича классификация қилиш мумкин. «Ҳо-
зирги ўзбек адабий тили», 1980.

от III феъл. 1. Итқитмоқ, ташламоқ [кидать]. *Отим (бир отим*
носвой). □ *Кимдир тош отди, шекилли.* □ *Қани, ўзингиз*
*айтинг-чи, бобо, Азизнинг иши беш бўлса, дўпписини қайи-
риб, осмонга отмайдими!* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. *Ўқ узмақ, ўқ билан ўлдирмоқ [стрелять, растрелять].*
Отишма. □ *Оттиб ташлашга ҳужм қилмоқ. Оғир тўплар-*
дан отмоқ. □ *У гоҳ автоматдан, гоҳ танкка қарши оти-*
ладиган қуролдан отарди, фашист йиртқиқлари усти-
дан доимо ўқ ёғдирарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОТА

ота I от. Фарзанд кўрган эркак киши [отец]. «*Тушунсангиз-чи, ҳур-
матли ўртоқ Содиқова, ўша икки боланинг ҳам отаси*
фронтда..» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ота II [**< о:да**] от; эскирган. Сув ўртасидаги қуруқлик, орол [ост-
ров].

ОТЛИҚ

отлиқ I [от I+лиқ ясовчиси] от. От минган, сувори [конник, всад-
ник]. *Кўчадан бир отлиқ ўтди.* □ *Бундай пайтларда аввал*
қишлоқ болалари гур этиб кўчага отлар, отлиқларни
томоша қилгани чиқишар эди. Шароф Рашидов, Қудратли
тўлқин.

отлиқ II [асли от II I+лиқ ясовчиси—«исмли»] киши атоқли оти
билан ишлатилиб, суйиш, эркалаш маъносини ифодалайди-
ган сўз. *Мухтор отлиқ шу вақтгача келмади.*

ОТСИЗ

- отсиз I [от I+сиз — сифат ясовчи аффикс] сифат. Йилқисиз [без лошади]. Қатнайдиған ерим узоқ, отсиз жуда қийналаман.
- отсиз II [от II+сиз — сифат ясовчи аффикс] от. Чаёнинг эвфемистик номи [скорпион]. Эски пахсани бузганда, эҳтиёт бўлинг, отсиз чақиб олмасин.

ОЧ

- оч I [асли унлиси чўзиқ] сифат. Овқат ейиш заруриятини ҳис қилган, кўпдан бери тўйиб овқат емаган [голодный]. Очқамоқ, очикмоқ, очлик, очкўз, очофат, оч-яланғоч, оч-наҳор, очдан-оч. □ Оч мисан, тўқмисан? Оч қоринга сассиқ саримсоқ. Матал. Кунда еган оч бўлур, ойда еган тўқ бўлур. Мақол. □ Бўрон оч чиябўрилар галасидай увиллайди, уввос солади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- оч II [< оч I] сифат. Нормал ҳолатга бир оз етишмаган, одатдагидан бир оз очикроқ [светло-]. Оч кўк. Оч сариқ. □ Нормат ака ..ҳисобсиз оқ, новвот ранг, оч қизил, тўқ қизил гуллар билан қопланган поёнсиз пахтазорни кузатар экан.. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- оч III феъл. Очиқ ҳолатга келтирмоқ [открывать]. Очиқ, очқич. □ Деразани очмоқ. Эшикни очмоқ. Уранинг оғзини очмоқ. Қитобни очмоқ. □ У ўғли ҳақида, уни уйлантириш орзуси ва келинликка Нафисани танлагани ҳақида оғиз очганда, қизнинг онаси Меҳри опа бажон-у дил розилик билдирди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ОЧИҚ

- очиқ I [оч III+иқ — сифат ясовчи аффикс] сифат. Ҳеч нарса билан бекитилмаган, яширилмаган [открытый]. Очиқчасига, очиғи, очиқ-ойдин. □ «Сув сепинг, сув сепсангиз, туради!»— деди эшон ва кутмай-нетмай ўзи сопол обдастан қўлига сув қўйди-да, боланинг бети, бўйни ва очиқ баданига муздек сув томизди. Парда Турсун, Уқитувчи.
- очиқ II [оч I+иқ — феъл ясовчи аффикс] феъл. Овқат ейиш заруриятини ҳис қилмоқ, очқамоқ [проголодаться]. Йўлдан очикиб келган кишининг димоғига қилинаётган овқат ҳиди кирганда, тезроқ пиша қолса эди деб безовта бўлади. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

ОШ

- ош I [тожикча] от. 1. Иссиқ овқат, таом [горячая пища]. Оштахта, ошхона, ошқовоқ, ош-сув. □ Ош хамир. Хамир ош. Маслаҳат ош и. □ Муяссар .. ойисининг угра ошини ичиб бўлиши билан ўзи қизларни пахтазорга бошлади. Одил Еқубов, Эр бошига иш тушса.
2. Палов. Ошамоқ, ошпаз, ошхўр. □ Ошингни дамладингми? □ Раҳим бобо саксон ёшга кириши шарафига ўтган ҳафта маҳаллага ош берди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- ош II [< ош I] от. Тери ийлайдиган (ошлайдиган) модда [дубильный экстракт]. Ошламоқ. □ Бу тери кўп ош талаб қилмайди.
- ош III феъл. 1. Баланд нарсанинг устидан у томонига ўтмоқ [переваливать, перелезть]. Девордан ошмоқ. Тўғондан ошмоқ. Довондан ошмоқ. Қирдан ошмоқ. Тоғдан ошмоқ. □ Феруздан кейин сойлар бўйдан кўтарилиб, довом ошилади ва тоғнинг нариги бағрига — Уратепанинг Шаҳристонига тушилади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
2. Ортмоқ, кўпаймоқ [возрастать, превышать, увеличиваться]. Иш ҳақи ошди. Уқувчиларнинг сони ошди. Келганимга бир ҳафтадан ошди. □ ..ҳамма вақт нимжон ва касалманддек юрарди. Нега шундайлигига ўзи ҳам тушунолмасди, туриб-туриб хуноби ошарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОША

- оша I [ош I 2+a — феъл ясовчи аффикс] феъл. 1. Эскирган. Емоқ [есть]. Ошини ошаб, ёшини яшаган. □ Қизил чиллакини иштаҳа билан ошаб, сўзни давом эттирди Фазлидин. Ойбек, Қутлуғ қон.
2. Паловни бирор кишининг панжасидан оғзига олмоқ. Ошаламоқ, ошам (бир ошам ош). □ Табаррук қўлингиз билан битта ошатингиз! Абдулла Қодирий, Утган кунлар.
- оша II [ош III 1+a — равишдош ясовчиси] кўмакчи. Маълум вақтни ўтказиб; маълум манзил орқали [через]. Кун оша, ҳафта оша келаверасанми? □ Чақалоқлар оч ва яланғоч, Ер ва сув деб ўтди деҳқонлар, Йиллар оша, асрлар оша Ҳукм сурди шундай замонлар. Эгам Раҳим. Қишлоқдан чиқ-

қач, йўл куйган калладай тап-тақир қирлар оша ўнг қўлдаги тоғ тизмалари билан ёнма-ён кетди. Одиал Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ОШИҚ

ошиқ I [ош III 1+иқ — от ясовчи аффикс] от. Ҳайвоннинг орқа оёғида сон билан болдирни туташтириб турувчи сўнгахча (болалар ўйинида ишлатилади). *Ошиқ-мошиқ*. □ *Ошиқ ўйнамоқ*. *Ошиғи олчи*. □ *Сел, сел билан ... Келиб ўтиб кетса борми, Рустам олдида ҳам ошиғи олчи бўларди, ўша Пўлат олдида ҳам қўли баланд келарди*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ошиқ II [ош III 2+иқ — сифат ясовчи аффикс] сифат. Ортиқ, керагидан кўп [свыше, больше]. *Ошиқча*. □ *Ошиғи билан*. *Қонцертга юздан ошиқ одам келди*. □ «*Феруздан-а? — Аҳмаджон таажжубланиб елкасини қисди. — Ораси юз километрдан ошиқроқ-ку?*» Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ошиқ III феъл. Шошилмоқ [спешить]. *Ошиғич*. □ *Нега мунча ошиқасан?* □ *.. шунинг учун ҳам бутун куч-қувватини, тажрибасини, маҳоратини сафарбар этиб, ўзи учун ана шу порлоқ келажакни яқинлаштиришга, обрў-иззат ва амалга ошиқарди*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОҚ

оқ I сифат. 1. Қоранинг акси деб тушуниладиган ранг [белый]. *Оқармоқ, оқламоқ, оқлиқ, оқлар, оқсил, оқчил, оқсичқон, оқуруғ, оқчечак, оқчўп, оққуйруқ*. □ *Оқ қоғоз. Оқ қанд. Оқ уй*. □ *Аҳмаджон бригадаси айниқса пешқадам: гектаридан қирқ центнердан ошириб «оқ олтин» топширади*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Бегуноҳ [невинный]. *Оқман деб туриб олди*. □ *Текширқимиз: оқни оққа, қорани қорага ажратамиз*. Саид Аҳмад, Ҳукм.

оқ II [< оқ I] от. 1. Оқ рангли жисм [белок]. *Кўзнинг оқи. Тухумнинг оқи*.

2. Кўзга тушадиган касаллик [бельмо]. *Бечоранинг жиндек айби бор экан: юзи чўтир, ўнг кўзида нўхатдаккина оқи бор экан*. Парда Турсун, Ҳуктувчи.

оқ III феъл. Қуйи, нишаб, ташқи томонга узлуксиз ҳаракатланмоқ (сувга, суюқликка нисбатан) [течь, протекать]. *Оқма, оқова*. □ *Ариқда сув оқмаяпти. Ярадан қон оқиши тўх-*

тади. □ *Ҳозир тоғда қорлар айни эриётган, анҳор лиммо-лим оқаётган фасл*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

оқ IV: [арабча **ع** — «саркаш, ўжар, итоат қилмайдиган»; одатда ўғилга нисбатан айтилади] сифат. *Оқ қилмоқ* [проклинать], *оқпадар* [проклятый, отвергнутый отцом]. □ *Ғиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб ўқиб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади*. Саид Аҳмад, Ҳукм.

оқ V юклама. Иккинчи ҳаракатнинг биринчи ҳаракатга тезда улашиб кетишини ифодалайди. *Келиб оқ ишга тушиб кетди*. □ *Кеча Илмий кенгаш мажлисидан кейин оқ Оққўрғонга борибди..* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ОҚИН

оқин I [< тожикча *оқунд*] от. Халқ шоири, шоир-импровизатор (қозоқ, қирғиз каби халқларда). *Жамбул — қозоқ халқининг энг сеvimли оқинларидан бири*.

оқин II [оқ III+ин — сифат ясовчи аффикс] сифат. Оқиб турадиган [проточный]. *Оқин сув ҳавони тозалаб туради*. □ *Ешлар тош йўлдан жадал одимлашган ҳолда мудирнинг сўзларини жон-дил билан тинглар, унинг маънодор сўз оқинини бузмаслик учун чурқ этмасдан борар эдилар*. Парда Турсун, Ҳуктувчи.

ОҒ

оғ I феъл. Тик ҳолатдан бир томонлама пастга қараб ҳаракатланмоқ, қийшаймоқ [накрениться, наклониться]. *Оғма, оғмачи*. □ *Ходанинг ўртасидан ушланг, бўлмаса оғиб кетади*. *Кема тўлқин зарби билан бир томонга оғиб кетди*. □ *Вақт пешиндан ўтиб, кун оға бошлаган бўлишига қарамай, ҳаво ҳамон иссиқ; суҳбатдошлар рўмолчалари билан елпинишади*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

оғ II [< оғ I] от. Иштоннинг, шимнинг бут оралиғига тўғри келадиган қисми [мотня]. *Оғига мана бу лахтадан чиқаринг*.

ОҒИЗ

оғиз I от. Икки лаб оралиғи, икки жағ оралиғидаги бўшлиқ [рот]. *Оғзаки*. □ *Оғзинг қани деса, қулогини кўрсатади*. *Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади*. □ «*Ҳа-ҳа! — Бобо қизиқиб сўради: — Нима маслаҳат экан?*» — «*Билмадим...*

Келганларида ўз оғизларидан зшитасиз...» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

оғиз II от. Янги туққан сигирнинг биринчи кунларда берган сутидан тайёрланадиган, қўни-қўшнига маълум қилиш мақсадида тарқатиладиган оқлик; палла. *Хола, аям сизга оғиз бериб юбордилар. Эртага оғиз соламиз.* □ *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сигирнинг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.* Ҳамид Фулом, Машғал.

ПАЯ

пай I от. Кооператив, уюшма, ширкатнинг умумий маблағига ҳар бир аъзо қўшадиган ҳисса [рус тилидаги *пай* асли туркий]. *Кириш пайи. Пай пули. Пай қўшмоқ.*

пай II [тожикча] от. Этни суякка ёпиштирувчи чандирсимон тарамтарам тўқима [сухожилие]. *Оёқ пайлари. Пайини қирқмоқ. Берган гўштингиз нуқул пай-ку!* □ *.. оёқларининг аллақайси пайлари зирқираб оғриб турса ҳам, дарахтлар орасидан елиб бораётган Тамара билан баравар югурарди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

пай III [тожикча] от. Оёқ изи, орқа, кет. *Пайига тушмоқ. Бир ҳафтадан бери шу ишнинг пайидаман.* □ *Холдор ишга кириш пайида уч-тўрт жойга учради.* Иброҳим Раҳим, Зангори кема капитани.

пай IV: [*тожикча пой < поидан — «муқим турмоқ»*]. *Пай урмоқ* (узоқ турадиган қилиб тахламоқ). *Қовунни пай урмоқ. Пичанни пай урмоқ.*

ПАЛАК

палак I [тожикча] от. Полиэ ўсимлигининг танаси [плеть]. *Шакарпалак* (қовун нави). □ *Бу йил қовуннинг палагига шира тушиб кетди.* □ *Палак отиб ўсаётган бодринг ва помидор ниҳолларини қунт билан парварши қила бошладилар, қўёшга интилиб ўсаётган пиёзларга сув очдилар.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

палак II [асли арабча *سلسل* — «осмон»] от. Сатҳни энлайдиган доира шакли туширилиб, сидирғасига ипак билан (асосан қизил ипак билан) тикилиб, деворга осиладиган безак буюми. *Палак кўрна* (кичик палак). □ *Уйнинг тўрт деворига палак ва сўзаналар тутилган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ПАЛАТА

палата I [латинча *palatium* — «сарой»] от. Қонун чиқарувчи давлат органининг таркибий қисми. *СССР Олий Советининг иккита палатаси бор: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети.*

палата II [*латинча palatium* — «сарой»] от. Шифохонада касаллар ётадиган ҳар бир хона. *Дилдор эрталаб район марказидаги поликлиникада беморларни қабул қилди, кейин касалхонада ўзига қарашли уч палатада ётган касалларни кўрди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ПАЛЛА

палла I [тожикча «босқич»] от. Муайян давр, вақт [период, пора]. *Ез палласи. Қиш палласида. Шу паллада. Ешлик палласи.* □ *Чирчиқ соҳилларида кун ботиш палласи шундай бошланади.* Ҳамид Фулом, Машғал.

палла II [тожикча «бўлак»] от. Тарознинг тош ва тортиладиган нарса қўйиладиган ликопи (тарелкаси) [чашка весов]. *У тарозининг икки палласини ҳам баб-баравар кўздан кечириб, шундан кейингина тош қўядиган тактиканинг тарафдор эди.* Иброҳим Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАНД

панд I: [тожикча «насиҳат»] от. *Панд-насиҳат* [наставление]. *«Хўш, тақсир, нима дейди? .. бир оз панд-насиҳат қилиб қўйдингизми?» — деди Мадамин.* Парда Турсун, Ўқитувчи.

панд II: [*тожикча фанд — «алдаш»*] от. *Панд бермоқ* (алдамоқ). *Панд емоқ* (алданмоқ). *Миянени ишлат, ҳийла билан душманга панд бер.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

ПАР

пар I [тожикча] от. Парранда танасини қоплаб турадиган юмшоқ ва нафис пат, тивит, момиқ [пух]. *Пар ёстиқ. Пар тўшак.* □ *Ёнма-ён қўйилган тахта каравотлар устига гулдор чойшаб ёзиб, оппоқ пар ёстиқлар тахлаб қўйишлибди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

пар II [русча] от. Буг, намнинг иссиқ таъсирида буғланиши билан ҳосил бўладиган газ. *Симоб парлари. Ердан пар қўтарилаётди.*

пар III [*русча пара < немисча Рааг < латинча раг — «тенг, бир хил»*] сифат. 1. Бир жуфтни ҳосил қилувчи икки буюм, шун-

Партия

102

дай буюмининг ҳар бири. *Бир пар этик. Этикнинг пари.* □ *Кечқурун .. пар олти извош кўчанинг бошида тўхтаб, ундан терговчи тушиди.* Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

2. Бир-бирига тенг, муносиб. *Иккиси жуда пар тушган. Мен сизга пар эмасман.* □ *Қизим бор эди якка, исми Қамар, Оз эрди ҳусн бобида унга пар.* Собир Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

ПАРТИЯ

партия I [латинча *part, partis*—«гуруҳ, бўлим»] *от.* Бирор синфнинг снѐсий ташкилотга уюшган илғор қисми. *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси. Партия аъзоси. Партия билети. Район партия комитети. Партия ташкилотининг секретари. Партия бюроси. Партия конференцияси. Партия топшириғи.* □ *Январнинг бошларида область партия комитетидан вакил келиб, қишлоқ совети раиси Самандаровнинг уйига тушиди.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

партия II [латинча «гуруҳ, бўлим»] *от.* 1. Бир йўла жўнатилган ёки қабул қилиб олинган товарлар. *Станокларнинг янги партияси етиб келди.*

2. Тугал ўйин. *Учинчи партия ҳам дуранг натижа билан тугади.*

ПАРЧА

парча I [*<*тожикча *порча*] *от.* Бутундан ажратилган бўлак, қисм [кусочек, осколок]. *Парчаланмоқ, парча-парча бўлмоқ.* □ *Бир парча нон. Бир парча ер. Поэмадан парча ўқимоқ. Фиш парчаси.* □ *Лекин Азиз тўрга ўтаётганда Дилдор огоҳлангирди: «Астарақ... Оёгингиз таги бинафшазор. Шу бир парча ерда менинг бинафшаларим бор. Буларни мен ўзим парвариш қиламан».* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

парча II [тожикча] *от.* Олтин, кумуш иплар қўшиб тўқилган шоҳи мато, зарбоф(т). *Қаторга тиркадик лўк билан норча, Устига юккладик қирмизи парча.* «Алпомиш».

ПАССИВ

пассив I [латинча *passivus*—«ҳаракат-фаолиятсиз»] *от;* *бухгалтерия термини.* Корхонанинг барча қарз ва мажбуриятлари. *Корхонанинг пассиви. Банкнинг актив ва пассиви.*

пассив II [*<* русча *пассивный*] *сифат.* 1. Лоқайд, бефарқ, интилишсиз. *Пассив фаолият. Пассив томошабин. Пассив агитация.*

2. *Тилшунослик термини.* Мажҳул даражадаги феъл билан тузилган. *Пассив конструкция.* □ *Пассив конструкцияда бажарувчини аниқлаш биринчи ўринда турмайди, шунга кўра жонли тилда пассив конструкция одатда субъект ифодаланмайдиган ҳолларда қўлланади.* А. Ғ. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис.

ПАШМАК

пашмак I [тожикча] *от.* Ун, ёғ, қанддан тола-тола қилиб пишириб тайёрланган ширинлик. *Пашмак ҳолва. Илгари пашмакни оғзингизга солсангиз, эриб кетарди.* □ *Баққоллар кичкина-кичкина дўкончаларида ярим кечага қадар савдо қиладилар. Пашмак, турли-туман .. ҳолвалар, писта-бодом, новвотлар, парвардалар, отнон, хўроқандлар сероб.* Ойбек, Болалик.

пашмак II *от.* Шўралар оиласига мансуб, танаси қалин тола ва тангачалар билан қопланган бир йиллик ўсимлик [солянка калевая].

ПАҚИР

пақир I [*<* бақир—«мис»] *от.* Челак (асли мисдан ясалган), сатил [ведро]. *Уч пақир сув.* □ *Афанди бир кун кечаси қудуқдан сув олгани пақир солган эди, сувда ойнинг аксини кўрди.* «Афанди латифалари»дан.

пақир II [*<* бақир—«мис»] *от;* эскирган. Қиймати икки тийинга тенг чақа пул (асли мисдан ясалган). *Олиб келган меваларинг бир пақирга арзимади.* □ *Сўзимга ишон, бошқа бир пақир ҳам пулим йўқ.* И. Икром, Адолат.

ПИХ

пих I *от.* Эркак парранда оёғидаги учли мугуз (ҳужум қилиш қуроли бўлиб хизмат қилади) [шпоры (у птица)]. *Пихини ёрган. Пихи қайрилган.* □ *Бунинг устига ҳаром-харишдан ҳазар қиламайдиган, пихини ёрган туллакка ўхшайди.* Асқад Мухтор, Тугнлиш.

пих II *от.* Моғор, пўпанак [плесень]. *Нон пих боғлабди.*

ПИШИ

пиши I *феъл.* 1. Пишиқ ҳолга келмоқ, етилмоқ [доходить до степени готовности]. *Ер пишиди. Лой пишимабди. Иш ҳали яхши пишимабди.* □ *Йўлнинг ўнгида олти минг, сў-*

лида олти минг гектар қумоқ олтин ер пишиб ётибди: на шўри бор, на ботқоғи... Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Чиниқмоқ [натренироваться]. Жисмоний меҳнат қилсанг, этинг пишиди. Бундай ишларни кўравериб, унинг кўзи пишиган. □ Шахдам қадам босиб минбарга чиқшидан, гап оҳангидан бунақа даврага кўп тушиб, хийла пишиган, сертажриба кўринади. Ҳаким Назир, Маёқ сари.

пиши II феъл. Ботириб, намлаб олмоқ [окунать]. Сувга пишиб олсанг, юмшаб туради. □ Табиат чиндан ҳам бевақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга пишилган паррандадек жабрлаган эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

ПОРА

пора I [тожикча; биринчи унлиси асли чўзиқ] от. Парча, бўлак, бурда [кусок, часть]. Садпора айламоқ. Пора-пора қилмоқ. □ Кўлингдан келса, минг пора қилиб ташламайсанми?! □ Фақат ўқтин-ўқтин уруш совуқ нафасини пуркаган кунларда шўх кулгилар фарёд билан алмашиб, даштни зир титратади-ю, бу кичик бахтни ҳам кўп кўриб, юракларни минг пора қилиб кетади. Одил Еқубов, Эр бошига иш тушса.

пора II [тожикча; туркчада рага—«пул»] от. Ўз манфаатига хизмат қилдириш мақсадида ғайри қонуний йўл билан бериладиган пул ёки буюм, ришват [взятка]. Пора бермоқ. Пора олмоқ. □ Отам билан онам: «Тоza шарманда бўлдик. Беш-олти йилга кестириб юборса, сени қандай қилиб қутқариб оламиз. Порага мол-дунёмиз бўлмаса...»— дейишди. Парда Турсун, Уқитувчи.

ПОТЕНЦИАЛ

потенциал I [латинча potentia—«имконият»] от. 1. Физика термини. Мақоннинг маълум нуқтасида муаллақ жисмга хос энергия запасини характерловчи ўлчам. Тортиш кучининг потенциали.

2. Ижтимоий термин. Яширин куч-қудрат, имкониятлар. Саноат потенциали. Экономик потенциал. Ҳарбий потенциал. □ Факультет коллективи XI беш йиллик учун мўлжалланган илмий ишлаб чиқариш потенциални яқин келажакда юксак самара берадиган истиқболли йўналишларга қаратмоқда. К. Аҳмедов, Қ. Аҳмеров, Илмий ишлар самарадор бўлсин.

потенциал II [< русча потенциальный] сифат. Яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган. Потенциал энергия. Потенциал имкониятлар. Потенциал рақиб. □ У [Мусо Хоразмий] ўз ижодида .. янги ижтимоий-иқтисодий формациянинг туғилиш жараёнида илмий ихтироларга эҳтиёж кучайган бир даврнинг ақлий интилишлари, илмий қудрати, потенциал кучи, йўналиши ва характерини ифодалади. М. Хайруллаев, Фан ва маданиятимиз фахри.

ПРОСПЕКТ

проспект I [латинча prospectum—«кўриниш, кўздан кечириш»] от. Катта узунликка эга кенг ва тўғри кўча. Максим Горький проспекти.

проспект II [латинча prospectum—«кўриниш, кўздан кечириш»] от. Езилиши, босиб чиқарилиши планлаштирилган асарнинг мақсади, вазифаси, тузилиши ҳақидаги қисқача баён. Дарсликнинг проспекти тайёр. Кўп томлик нашрининг проспекти муҳокама қилинди.

ПУЛ

пул I [тожикча] от. 1. Оқча [деньги]. Пулламоқ, пулли [платный]. □ Пул йиғмоқ. Пул-буюм лотереяси. □ Жанжални пулга сотиб оладиган шунақа одамлар ҳам бўлар экан, ё товба! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Эскирган. Ярим тийин [грош, полкопейки]. Бир пул (ярим тийинлик чақа). Икки пул (бир тийинлик чақа). Тўққиз пул (уч тийинлик чақа). Бу нарсалар бир пулга арзимади. Бутун ҳаракатлари бир пул бўлди. □ Йиқитган болаларга икки пулдан соврин бериб, томоша қилиб ётган икки бойнинг бири шу Ниёзмат ҳожи бўлиб, ҳаждан янги келган йиллари эди. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

пул II: [тожикча—«кўприк»] от. Тахтапул (жой номи). Пули сирот (диний).

РАСМ

расм I [арабча رسم—«чизма»] от. Бирор предметнинг қоғозга (ёки бошқа бирор нарсага) туширилган акси, шакли, сурат [рисунок]. Расмчи, расмом. □ Расм солмоқ. Расмини олмоқ. □ Ишлаган расмларидан битта-ярымтаси гоҳо де-

ворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади. Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар.

расм II [арабча رسم — «одат»] от. Урф-одат, таомил [обычай]. Расмий, расмона, расм-русум. □ Унинг онаси жамоанинг қадимги расмига мувофиқ камбағал қариялардан бир наҳасини чақириб, олдиларига бир лаган ош қўйди. Парда Тур-сун, Ҳўитувчи.

РАСТА

раста I [тожикча] от; эскирган. Бир-бирига улашиб кетган ва бир хил мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори [торговый ряд]. Растама-раста. □ Чит растаси. Кулолчилик растаси. □ Аҳмад Ҳусайн раста оралаб, дўконларнинг бири олдида тўхтади. Ойбек, Нур қидириб.

раста II: [< тожикча растан — «қутулмоқ»] от. Балоғатга етиш [половая зрелость]. Раста бўлмоқ (балоғат ёшига етмоқ). □ Уф-линг раста бўлиб, овози дўр-дўр бўлиб қолибди.

РЕАКТИВ

реактив I [латинча ге — «қарши, қайта» + activus — «ҳаракат-фаолият»] от; химия термини. Бирикмада маълум химик реакцияни вужудга келтирувчи ва шу орқали бирикмада изланаётган модданинг бор-йўқлигини аниқлаб берувчи модда. Бу ҳол уларга илмий ишларини бажаришда зарур бўлган замонавий янги асбоб-ускуналар, препаратлар ва реактивлардан унумли фойдаланиш имконини бермоқда. Қ. Аҳмедов ва Қ. Аҳмеров, Илмий ишлар самарадор бўлсин.

реактив II [< русча реактивный] сифат. 1. Реактив вазифасини ўтовчи. Реактив модда.

2. Қайтиш кучи таъсири билан пайдо бўлувчи; шундай кучдан фойдаланувчи. Реактив ҳаракат. Реактив двигателъ. Реактив самолёт.

РЕАКЦИЯ

реакция I [латинча ге — «қарши, қайта» + actio — «ҳаракат-фаолият»] от. 1. Моддалар орасидаги ўзаро химик таъсир. Химик реакция. Қўшилиш реакцияси. Бу моддалар реакцияга киришмайди.

2. Организмнинг ташқи ва ички таъсирга жавоби. Организмнинг совуққа (температуранинг ўзгаришига) реакцияси. Организмнинг янги препаратга реакцияси.

реакция II [латинча ге — «қарши» + actio — «ҳаракат-фаолият»] от; ижтимоий термин. Улиб бораётган синфларнинг ижтимоий тараққиётга сиёсий ва иқтисодий қаршилиги; революция натижасида енгилган эксплуататор синфларнинг сиёсий ҳокимликни қайтариб олишга, умри тугаган эски тузумни тиклашга қаратилган кураши. Реакция кучларига қарши кураш. Россияда 1905 йил революциясидан кейинги қаттиқ реакция йиллари.

РОМ

ром I [тожикча] от. Фол, бирор белги-аломатларга суяниб олдиндан айтиб бериш [гадание]. Ромчи I (предсказатель). □ Ром очмоқ. Ром кўрмоқ. □ Намозхон йилдан йилга камайиб, мачит ўз-ўзидан ёпилиб қолгандан кейин, маҳсум ўликлар «хизмат»ига ўтди ва баъзан битта-яримтага ром очиш билан тириклар «хизмат»ини ҳам қилиб юрар эди. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ром II: [тожикча] сифат. Муте, тобе [усмирённый, покорённый]. Ром бўлмоқ, ром қилмоқ. □ . хўш, у ҳолда Аҳмадjon қайси ноёб фазилатлари билан Дилдорни ром қила олади? Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ром III [< русча рама; сўзлашув нутқида бу сўздаги унли ўзбекча талаффуз қилинади; адабий тилда рама ишлатилади] от. Дераза табақалари кесаки билан биргаликда. Ромсоз, ромчи II. □ Кенггина тўртбурчак хона икки томонига ўрнатилган баланд итальян ромлардан ёп-ёруғ .. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

РОМЧИ

ромчи I [ром I+чи] от; эскирган. Ром очувчи, ром кўрувчи, фолбин [гадалка]. Баъзи қолақ кишилар ҳали ҳам ромчининг сўзларига чиппа-чин ишонади. Ромчининг ромидан ўзининг хом хаёлинг яхши. Мақол.

ромчи II [ром III+чи] от. Рама ясовчи (уста), ромсоз. Мен ромчи устаман, шкаф ясаш қўлимдан келмайди.

РОНДО

рондо I [французча rondeau — «думалоқ, япасқи»] от; адабиётшунослик термини. Ҳар бир бандида айни бир мисра маълум тартибда такрорланадиган шеър тури. Рондо қадимги француз шеърлятида кўп учрайди.

рондо II [французча *rondeau*—«думалоқ, япасқи»] *от. I. Типография термини, Энига кенг, япасқи шрифт. Айрим абзацлар, сўзлар рондо билан терилади.*

2. Учи тўмтоқ перо. *Рондо билан ёзилган таблица.*

РУХ

рух I [тожикча] *от; эскирган. Бет, юз [лицо]. Рухсора. □ Гул рух. Рух очмоқ.*

рух II [тожикча] *от. Тўра (шахмат донасининг номи) [ладья]. Рухини юрмоқ. Рухни филга алмаштирмоқ.*

РУҲ

руҳ I [арабча *روح*] *от. I. Кайфият [настроение]. Рухланмоқ. □ Унинг руҳи баланд. Баланд руҳ билан. Рухини кўтармоқ. Рухини туширмоқ. □ Дарҳақиқат, кишининг қиёфаси ва сўзлариға қараб унинг руҳини билиш бошқа. Парда Турсун, Ҳқитувчи.*

2. Психик ҳолат [состояние (душевное)]. *Рухан, руҳий. □ Рухим энгил тортди. □ .. айниқса хиёбоннинг икки томонида сув отиб ётган майда фонтанлар киши руҳини аллайди, асабларини тинчитади, ором бағишлайди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

3. Диний. Арвоҳ, жон [душа]. *Рухоний. □ Рухиға баҳшида қилмоқ. □ Улганимдан кейин руҳимға бир калима қуръон ўқиса, бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя! Абдулла Қодирӣ, Утган кунлар.*

руҳ II [асли арабча] *от. Юмшоқ, эгилувчан, оқ-кўкиш тусли металл [цинк]. Рухламоқ (оценковать). □ Рух порошоги. Рух самовар. Рух югуртирмоқ. □ Опа жажжигина руҳ электр самоварни қўйиб юборди-да, ёзув столи тортмасидан печенье терилган ликоб олди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

САВДО

савдо I [тожикча] *от. Олди-сотди [торг, торговля]. Савдогар, савдолашмоқ, савдо қилмоқ, савдо-сотик. □ Кўтара савдо. Чакана савдо. Савдо министрлиги. □ Қизиқ гапларни гапирасан. Ахир соқолим газлама савдоси билан оқарди. Мен дадил бўлмай, ким дадил бўлсин яна. Ойбек, Қутлуғ қон.*

савдо II [арабча *سودا*] *от. I. Эҳтирос, изтироб [страсть]. Савдойи. □ Ишқ савдоси. □ Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин. Мени ҳам этмаса мажнун дебон Разнонинг савдоси. Абдулла Қодирӣ, Меҳробдан чаён.*

2. Ташвиш [заботы]. *Бошимизга оғир савдо солиб қўйдингиз, амир. Уйғун ва Иззат Султон, Навоӣ.*

САЗО

сазо I [тожикча] *от. Утинч [умоление]. Сазоси ўлмасин. Сазосини ўлдирма. □ Қурбон ота унинг суҳбатини хушламасам ҳам, одамнинг юзи иссиқ, ҳамсафар бўлиш тўғрисидаги сазосини ўлдирмади. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.*

сазо II [тожикча] *от. Кўпчилик олдидаги танбеҳ, адаб [публичное порицание]. Сазо бермоқ. □ Сизнинг колхозингизни деб Мууроовадан мен сазо эшитдим. Иброҳим Раҳим, Ихлос.*

САЛЛА

салла I *от; эски. Мусулмонларда бошга ўраб юриладиган оқ ёки сарғиш тусли узун юпқа (докага ўхшаш) мато [чалма]. Саллал, саллагул (пион). □ Қурбақа салласи (қўзиқорин). Салла ўрамоқ. □ Ҳар қачонғидай энига энгилгина яланг қават кул ранг яктак кийган, белбоғини салла қилиб ўраган кекса темирчи .. Пўлатга қараб кулиб гапирди.. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

салла II [*салла I*] *от. Ҳрама (тухумга қориб тайёрланган юпқа хамирни узун-узун кесиб, ўраб туриб ёққа қовуриб пишириладиган овқат). Бу гал салла қилмадим, қуштилининг ўзини пишириб қўя қолдим.*

САМО

само I [*сарабча سماء* —«баланд, юқори»] *от. Осмон, фалак [небо]. Самовий. □ Ҳар вақтдағидан кўркамоқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби. Ойбек, Қутлуғ қон.*

само II [*сарабча سماع; سمع* —«тингламоқ, эшитмоқ»] *от; диний; эскирган. Зикр-у само (худонинг номини такрорлаб, тана аъзоларини турлича ҳаракатлангириб жазавага тушиш). □ Мачитларда жар, зикр-само., оҳ-воҳ.. Ҳеч қўяверинг! Назир Сафаров, Шарқ тонги.*

САНА

- сана I** [арабча *سنة* — «йил»] от. Бирор воқеа содир бўлган, алоҳида таъкидланадиган йил, ой, кун [дата (торжественная)]. *Абу Али ибн Сино туғилганининг 1000 йиллиги муҳим сана сифатида жаҳон миқёсида нишонланади. Газетадан. Мен абжад ҳисобини билганим учун у ердаги тарих моддасини ҳисоблаб кўрдим. Ҳақиқатан, ундан ўша йилнинг санаси бўлган ҳижрий 1303 чиқарди. Садриддин Айний, Эсдалиқлар.*
- сана II** [сон — «миқдор» + а — феъл ясовчи аффикс] *феъл. Доналаб (группалаб) ҳисобламоқ [считать]. Санама (тикиш усули), саноқ. □ Икки марта санадим. Санамай саккиз дема. □ Шунда бутун жамоанинг етти пуштиги бармоғи билан санаб, ҳамманинг бир урурдан тарқалганлигини исботлайдиган бой амакиси Саримсоқ оқсоқолнинг олдиға уч марта ёрдам сўраб борди. Парда Турсун, Ҳқитувчи.*

САНДАЛ

- сандал I** [*сандалий* — «қўрдон, манқалдон»] от. Подда махсус чуқурча ясаб, унга чўғ солиб, тўғри тўрт бурчакли курси қўйиб, устига кўрпа ёпилган исиниш қурилмаси. *Сандал кўрпа. Сандал курси. Сандалга чўғ солмоқ. Сандалга ўтир, исиниб оласан. □ Бу ердаги сандал атрофига шоҳи ва атлас кўрпачалар тўшалган, катта-катта парқу ёстиқлар қўйилган. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.*
- сандал II** [юнонча *sandalion*] от. Юзи йўқ, тагликнинг ўзидан иборат, бармоқларга тасмалар билан илинадиган оёқ кийими. *Ҳовлида ёз кунни сандал кийиб юраман.*

САНҚИ

- санқи I** *феъл. Бекордан-бекор, бетайин сандироқлаб юрмоқ [шляться, слоняться]. «..Ишонасизми, тунги билан кўчаларда санқидим», — деди Аҳмаджон Латофатга. С. Қароматов, Ҳижрон.*
- санқи II** [*санқи I*] сифат. Бекордан-бекор, бетайин сандироқлаб юрадиган [повеса, бродяга]. *Э, санқи бўлмай ўлсин Шотурсун ҳам! Ушанинг дастидан ҳеч тинчлик йўқ менга! Ф. Мусаҷонов, Сабоқ.*

САРИҚ

- сариқ I** сифат. Малла, олтин рангли [желтый]. *Сариқ гул. Сариқ илон. Сариқ қалам. Сариқ чой. Оч сариқ. □ «Сиз шу ерда андак ўтириб туринг, опа!» — деди ҳалиги қирра бурун сариқ одам ва ўзи тезда ўрнидан туриб, қаёққадири зипиллаб кетди. Парда Турсун, Ҳқитувчи.*
- сариқ II** [*сариқ I*] от. Сариқ рангли жисм [желток]. *Тухумнинг сариғи. □ Тухум пачақланган эди. Унинг сариғи оққа аралашиб, чаккамдан сизиб, юзимга оқмоқда эди. Фафур Фулом, Шум бола.*
- сариқ III** [*сариқ I*] от. Жигар хасталаниши билан организмга сариқ ранг тараладиган касаллик [желтуха]. *Сариқ бўлмоқ. □ Бу палатада сариқ билан оғриган касаллар ётади.*

САФАР

- сафар I** [арабча *سفر* — «саёҳат»] от. Узоқ жойга йўлланиш [поездка]. *Сафарбар. □ Узоқ сафарга чиқмоқ. Сафарингиз бехатар бўлсин. Мунча сафарингиз тез қариди? □ «Бобо, — деди ниҳоят Азиз соқол учини ямлаб ўтирган чолга тавозеланиб, — менинг сафарим қариди, ишим битди, эртага қишлоққа жўнайман». Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*
- сафар II** [*сафар I*] от. Гал, келиш вақти [раз]. *Ҳар сафар. Бу сафар. Келгуси сафар. □ Ҳар қачонгидек, бу сафар ҳам она-бола нонушта қилиб бўлгач, мактабга бирга отлашиди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*
- сафар III** [арабча *صفر*] от. Ой солномаси ҳисоби бўйича иккинчи ойнинг номи. *Билмайман, мучалим тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилибманми? Ҳамза Ҳакимзода, Майсарининг иши.*

СЕП

- сеп I** от. Узатилаётган қизга ота-онаси берадиган бисот, мол [приданое]. *Сепли, сепсиз. □ Сеп ёймоқ. Қелинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. Мақол. □ Сабабини сўрасак, кеннонимиз бундан беш кун аввал сепларини йиғиб, кетиб қолган эканлар, шидан бўшатишни сўраб почтадан ариза юборибдилар. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*
- сеп II** *феъл. Суюқ, майда нарсани бир текисда сочмоқ [брызгать, кропить, равномерно сыпать]. Сепма, сепкил. □ Кўчага сув*

сеп моқ. Юзига атир сеп моқ. Чучварага мури сеп моқ. Бодринга туз сеп моқ. Товуққа доғ сеп моқ. □ Шундай бўлгандан кейин, Тўрахоновнинг сўзларини айтиб бўлдимми? Бу — ўтга керосин сепиш билан барабар эмасми? Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

СИЗ

- сиз I** кишилик олмоши; II шахс кўпликни ёки бирликнинг ҳурматини ифодалайди [вы]. Сизламоқ. □ Гарчи уруш бизни туғилиб ўсган қишлоқларимиздан ажратган бўлса ҳам, кўнглимиз сизларда, қадрдон уйларимизга бориш орзуси билан яшаймиз, жанг қиламиз. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- сиз II** феъл. Бирор жисм орқали миллираб, томчилаб ўтмоқ [со-читься]. Сизот. □ Асад қори энди бўзарди, зах ердан сизиб чиққан сув сингари, ичидаги ғашлик юзига чиқди. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

СИЛА

- сила I** феъл. Устидан кафт юргизмоқ, сийпамоқ [гладить]. Силама (лиммо-лим тўла). □ Кампир Мирзаевни ўнди, ярадор оёғини силади. Абдулла Қаҳҳор, Кўк конверт.
- сила II** [**сила I**] равиш. Идишнинг оғзи билан барабар тўлдириб [наполненный до краёв]. Сила қилиб тўлдирмоқ. Ошга сила уч пилла гурунч солдим.

СИМ

- сим I**: [тожикча; унлиси асли чўзиқ] от; эскирган. Кумуш [серебро]. Сим-у зар (кумуш билан олтин). □ Хазинанинг сим-у зарга эҳтиёжи не даражада? Ойбек, Навоий.
- сим II** [**сим I**; ўзбек тилига ўзлашгач, унли товуш қисқа айтиладиган бўлган] от. Металлдан тайёрланадиган нисимон буюм [проволоко]. Мис сим. Сим каравот. Сим элак. Сим тўсиқ. Сим тортмоқ. □ .. Аҳмаджоннинг унга муҳаббати ҳам шу чироқдай хираланиб қолганини ва, балки, сими узилиб, ўчганини тахмин қилди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

СИНФ

- синф I** [арабча **صنف** — «хил, тур, туркум, гуруҳ»] от. Ишлаб чиқариш воситаларига муносабатининг ва бошқа манфаатлари-

нинг бир хиллиги асосида тарихан ташкил топган ижтимоий гуруҳ [класс (социальный)]. Синфий, синфсиз. □ Ишчилар синфи. Буржуазия синфи. Қуллар синфи. Қулдорлар синфи. Деҳқонлар синфи. Антагонистик синфлар. □ «Қулоқлар гуноҳсизми? Партия қулоқларни синф сифатида тугатиш учун буйруқ берган!» — деди жаҳл билан, Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

- синф II** [**синф I**] от. 1. Уқув йили давомида бир хил программа бўйича таълим оладиган ўқувчилар гуруҳи [класс (учеников)]. Синфдош. □ Биринчи синф ўқувчиси. Синф раҳбари. Синфдан синфга кўчиш. Синфда қолдирмоқ. □ Пастки синф қизлари қизил ва кўк қоғозлардан гуллар ясаб, .. саҳна ён-вериларига узун-узун маржон қилиб тортдилар. Парда Турсун, Уқитувчи.

2. Мактаб ўқувчилари таълим оладиган хона [помещение]. Синф тахтаси. Синфни озода тутмоқ. Синфдан ташқари ишлар. Ҳозир ўқитувчи синфда. □ Энди анча одамшаванда бўлиб қолди. Синфда ҳам, бошқа вақтда ҳам кўзига ёмон кўринган болаларни аввалгидай жеркимас эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

СИР

- сир I** от. Металл буюмлар сиртига оксидланмаслиги учун, сопол идишларни силлиқлаш учун суркаладиган шишасимон масса [эмаль, глазурь]. Сирламоқ, сирли I. □ Кўчанинг нариги муолишида бу ерда энг баланд ва энг қалин деворлик иморат — мачит кўринади. Унинг баланд ва сирли кўчиб кетган эски устунлик айвонида бужмайиб уч-тўрт намозхон ўтирибди. Парда Турсун, Уқитувчи.

- сир II** [арабча **سر** — сирр] от. Бошқаларга маълум бўлмаган, англаб етилмаган нарса [тайна, секрет]. Сирдош, сирлашмоқ, сирли II, сир-асрор. □ Сирини олдирмоқ. Сирини фош қилмоқ. Сир сақламоқ. Сир бой бермоқ. Болалик уйда сир ётмас. Мақол. Бу менга сир эмас. □ .. чолнинг энг севимли, энг яқин, ўқтин-ўқтин келиб турадиган набираси — врач қиз Дилдор билан дурустгина танишиб олган, ораларида баъзи бир сирлар ҳам бўлиб ўтган эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

- сир III** [русча **сыр**] от. Пишлоқнинг бир тури. Голланд сирри. Юмшоқ сир [плавленный сыр]. □ Аёл сумкасида сир би-

лан колбаса олиб, меҳмон қилди. А. Мираҳмедов, Қуддан чечаклар.

сир IV феъл. 1. Тортиб боғламоқ [привязывать накоротке]. *Уста.. чорсисини белига сириб боғлаб, минбарга чиқди. Саид Аҳмад, Ҳодивой.*

2. Овқат бермай, узоқ вақт оч сақламоқ [морить голодом]. *«Овқат-повқатинг борми, опкелсанг-чи, ўлдирдинг-ку сириб»,—деди Икромжон Жаннат холага. Саид Аҳмад, Уфқ.*

СИРА

сир I от. Тартиб, кетма-кетлик, бирин-кетинлик [порядок, последовательность]. *Сира сон. Ҳамма иш ўз сираси билан бўлгани яхши. □ У болаларни орқама-орқа тўрт сирадан қаторлаштириб, ҳар хил машқлар қилдирди. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.*

сир II сифат. Очиқ, аниқ, тўғри. *Гапнинг сирасини айтганда. □ Майли, шунчаки сирасини айтдим, мен бутунлай бошқа иш билан келувдим. Шароф Рашидов, Бўрондан кучли.*

сир III равиш. Ҳеч, асло [совсем, совершенно, вовсе]. *Сира тушунмаслик. Сира келмаслик. Сира ўхшамаслик. □ Баҳор Пўлатнинг ёнида, Пўлатдек мард дўсти ёнида бораётганидан ўзида йўқ мағрурланарди-ю, аммо Пўлатнинг қўллари қалтираб, лаблари титраётганини сира сезмасди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

СИРКА

сирка I от. Бит тухуми [гнида]. *Сиркала(моқ) I. □ Қалин соч узоқ ювилмаса, сирка босиши мумкин.*

сирка II [тожикча; асли—«нордон»] **от.** Узум шарбати ачитқисидан ҳосил бўладиган нордон тамли суоқлик [уксус(винный)]. *Сиркала(моқ) II, сиркали, сиркойи (нордон узум нави). □ Пиёзни сирка билан ўлдирмоқ. Сиркаси сув кўтармайди. Бу йил узумдан мусаллас солган эдим, сиркага айланиб қолди.*

СИРҚАЛА

сирқала I [сирка I+ла] **феъл.** Битнинг тухуми пайдо бўлишига йўл қўймоқ. *Бошингни кўп вақт ювмабсан, сочинг сирқалаб қолибди.*

сирқала II [сирка II+ла] **феъл.** Сирка билан ишлов бермоқ [мариновать]. *Кабобга ажратилган гўштни тўғраб, зира, тиёз билан ўлдириб, сирқалаб қўйинг.*

СИРЛИ

сирли I [сир I+ли] **сифат.** Сир (эмаль, глазурь) берилган, сир билан қопланган [эмалированный, покрытый эмалью]. *Сирли челақ. Сирли чойнақ. Сирли костреюлька. □ Қўлига сирли сопол коса тутган бир қизча қадамларини авайлаб босиб келди-да, косани Ойимхонга топширди. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.*

сирли II [сир II+ли] **сифат.** Сирли бор, англаб бўлмайдиган [таинственный] *Сирли бир воқеа. Сирли нигоҳ. Сирли равишда. □ Алимхон бирдан товушини сирли равишда на сайтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

СОВУҚ

совуқ I [сови+қ] **сифат.** Ҳарорати нормадан (нисбатан) оз [холодный]. *Совуққонлик билан. □ Ҳаво совуқ. Уй совуқ. Совуқ сув билан ювинмоқ. Қиш бу йил совуқ келди. □ Ажойиб сой, қишда иссиқ, ёзда совуқ сув оқади. Сабаби нима-а? Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

совуқ II [<совуқ I] **от.** Атмосферанинг паст температурали ҳолати, аёз [холод, мороз]. *Эргалабки совуқ. Совуқ емоқ (қотмоқ). Совуқ урди. На иссиққа кўнасан, на совуққа. □ Қоронғига бурканаётган тор кўчадан тез югуриб кетди. Оёғи қор ва музни, кўйлақчан тани совуқни сезмасди. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.*

СОЗ

соз I [тожикча] **от.** Музика асбоби [музыкальный инструмент]. *Созанда, соз-у наво. □ Соз чертмоқ. □ «Дўстлар, Мирзачўлдан сизга бу санъат, Ёшиқнинг яшинаган ниҳолларидан!.. Сўзимиз, созимиз этар ҳикоят Боғлари, сувлари, шамолларидан!» Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

соз II [<соз I] **от.** Созланган ҳолат, гармония [настрой]. *Созламоқ. □ Созини тўғриламоқ. Сози бузилибди.*

соз III [<соз II] **сифат.** Яхши, жуда яхши [хорошо, прекрасно]. *Жуда соз! Соз иш бўлди-да. □ «Келсалар, бош устига,*

ганишамиз, суҳбатлашамиз.— Бобо қувончини яшира олмай қўшиб қўйди.— *Жуда соз! Бағримиз тагин ҳам тўлади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

СОЛ

сол I от. Дарёдан кечиш, дарёда сузиш учун ходаларни боғлаб тайёрланадиган буюм [плот]. *Сапёрлар тезда сол ясади.* □ *Кемачилар узун ёғочларни .. сол билан оқизиб, Гамакўприк ёнида қирғоққа чиқарардилар.* Жуманиёз Шарипов, Хоразм.

сол II феъл. 1. Ниманидир бирор нарсанинг ичига жойламоқ, қўймоқ [класть во внутрь]. *Қопга картошка солмоқ. Оша гурунч солмоқ. Қозонга сув солмоқ.* □ .. *тележкаларнинг четанидан тўкилиб қолган мисқол-мисқол «оқ олтин»ни териб оладилар, чангини пуфлаб, кўзларига суртадилар, йўл ёқаларига қўйилган махсус қутиларга соладилар.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Тўшамоқ [стлать, постелить]. *Кўрпача солмоқ. Урин солмоқ.* □ *Алиохун ҳам кўрпаси, ҳам чопони бўлган бир жулдурни жийда бутоқлари орасидан олиб, пичан устига солди ва оёқларини кенг ёйиб, қўлини ёстиқ қилиб чўзилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

сол III кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога:

1. «тўла бажарилиш» грамматик маъносини қўшади (-б равишдоши формасидаги мустақил феъл билан ишлатилади). *Ичидаги дардини айтиб солди.* □ *Низомжон индамади. Юрагида тўлиб-тошган гапларни узил-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб яна далага қараб кетди.* Саид Аҳмад, Уфқ.

2. «тезда бошқа ҳаракатни бажаришга ўтиш» грамматик маъносини қўшади (-а равишдоши формасидаги мустақил феъл билан ишлатилади, ўзи эса -б равишдоши формасида бўлади). *Кела солиб ўзини сувга ташлади.* □ *Бола тура солиб уйига қочди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

СОЛИҚ

солиқ I [сол II+иқ — от ясовчи аффикс] от. Давлат томонидан аҳоли даромадидан олинадиган йиғим [налог]. *Солиқ олмоқ. Солиқ варақаси. Даромад солиғи.* □ *Унинг ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари*

фуқаронинг терисини шилса, .. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.

солиқ II [сол II+иқ — сифат ясовчи аффикс] предикатив сўз. Тушган (ҳолатда) [опущенный, свисающий]. *Қовоғи солиқ.* □ *Қовоғи солиқ эшон бир нималар деб ўзича ёнғирлаб касал ётган Тўрахўжабойдан хабар олгани кетди.* Парда Турсун, Ўқитувчи.

СОН

сон I от. Миқдор, адад, оз-кўплик [количество, число]. *Сонсиз, сонсаноқсиз.* □ *Яқинда биз немислардан озод қилинган бир қишлоққа кириб, вайрон бўлган, сонсаноқсиз китоблар сочилиб ётган кутубхонага дуч келдик.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

сон II от. Оёқнинг тиззадан юқори этли, йўғонлашган қисми [бедро, ляжка]. *Сон суяги. Сон гўшти.* □ *Нормат ака совхозлардаги ёшлар ўзини «райком бобо» деб аташларини биринчи марта эшитгани учун бу ном нашъа қилиб, панишаха қўлларини йўғон сонларига ура-ура маза қилиб кулди-да: «Райком бобонг»нинг қорни оч, қизим!— деди завқланиб.— Чайновинг борми?»* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

СОП

соп I от. Даста [ручка, рукоятка, черенок]. *Сопламоқ, сопли.* □ *Болтанинг сопи. Кетмоннинг сопи. Тешанинг сопи. Сопини ўзидан чиқармоқ. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. □ *Бўронбек қамчининг сопи билан Ибодулланинг кўкрагидан итариб, Ойшабонунинг уйига кирди.* Ҳамид Ғулом, Машғал.

соп II: Охиригача тамом. *Соп бўлмоқ, соп қилмоқ.* □ *«Ҳа, бир алами бордир-да..»—«Е нос соп бўлдимикин? Хумори туган бўлса керак».* Парда Турсун, Ўқитувчи.

СОЧ

соч I от. Бошда ўсадиган тук толалари [волосы]. *Сочиқ I, сочбоғ, сочпопук.* □ *Майда ўрилган соч. Жингалак соч. Соч олмоқ. Соч қўймоқ. Тепа сочи тикка бўлди.* □ *Раҳим бобо .. Аҳмаджоннинг иссиқдан бўрққан қорамағиз кўркам юзига, тўсдай тим қора қалиң сочига .. зимдан тикилиб сўради.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

соч II [тожикча *сож*] от. Майна, чуғурчуқ [дрозд, розовый скворец]. *Шу кунларда соч кўпайибди.*

соч III *фезл.* Қисмларга бўлиб ташламоқ [сыпать, рассыпать]. *Сочма, сочиқ II.* □ *Йўлкага қум сочмоқ. Бошидан гул сочмоқ.* □ *У фонтан ўртасида оппоқ бўйини кўкка чўзган, узун тумшугидан сув сочаётган ғозга .. бир неча дақиқа қараб турди-да..* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

СОЧИҚ

сочиқ I [*соч I+иқ*]. от. Юз-қўл, идиш-товоқ артиш учун ишлатиладиган мато [полотенце]. *Сочиқни узатиб юборинг.* □ *Нормат ака енгилгина шиппакни кийиб, даҳлиздаги умивальникда кўлини ювди-да, Азиз узатган оппоқ сочиққа шошмасдангина артинар экан, сўради: «Онанг қаерда?»* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

сочиқ III [*соч II+иқ*] от. Тўйда тўй сабабчиси устидан сочиладиган ширинлик, танга-чақа. *Қанизаклар сочиқ сочиш учун келини кутар эдилар. Ойбек, Навоий.*

СОҒ

соғ I: от; эскирган. Унг томон [правая сторона]. *Соғ-у сўл. Хабаринг йўқ сенинг соғ-у сўлингдан.* «Равшан».

соғ II сифат. Соғлом, саломат [здоровый]. *Соғаймоқ, соғлик, соғсаломат.* □ *Соғ бўлинг. Кўр кўйганини соғ топмас. Мақол.* □ *«Машқлари пастроқ кўринади, мулла Аҳмаджон?— Раҳим бобо кўзини ишдан олмай сўради.— Тан-жонлари соғми?»* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

соғ III *фезл.* Елиндан сиқиб (сўриб) чиқармоқ [дойть]. *Соғим (соғимни оширмоқ), соғин I (соғин сигир), соғувчи (сут соғувчи).* □ *Сигирингизни бир кунда уч марта соғинг.* □ *У боғ ва полизга қарарди, ҳовлини супуриб, уйларни йиғштирарди, нон ёпиб, сигир соғарди, кир ювиб, таппи қиларди, ўтин ёриб, овқат пиширарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

СОҒИН

соғин I [*соғ III+ин* — сифат ясовчи аффикс] сифат. Сут берадиган, соғилиб турган [дойная]. *Соғин сигир.* □ *Қайнараси .. бир кун у тўйга, бир кун бу тўйга кетади. Кап-катга рўзгор, со-*

ғин сигир, бир неча кўй келинга қолади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

соғин II [асли *соғ* — «йиғла» + *ин* — даража ясовчи аффикс] *фезл.* Соғинч ҳисси сезмоқ, кўришни кучли даражада истамоқ [то-сковать]. *Соғинч.* □ *Сизни ва отамни жуда соғиндим. Агарда оғир оёқ бўлмасам эди, қиш бўлишига қарамасдан, Марғилон жўнар эдим.* Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.

СТАВКА

ставка I [русча *ставить* сўзидан] от; молия термини. Маошнинг белгиланган миқдори, солиқнинг белгиланган нормалари. *Тариф ставкалари. Даромад солиғининг ставкалари.* □ *Маврикия молия министри В. Рингаду Вашингтоннинг банк учёт ставкасини анча ошириш тўғрисидаги қарорига тўхталиб, шундай деди.. «Совет Ўзбекистонидан.*

ставка II [русча *ставить* сўзидан] от; ҳарбий термин. Ҳарбий бошлиқ ва унинг штаби жойлашган ер; қўмондонлик органи. *Олий Бош Қўмондон ставкаси. Стратегия масалаларини Ставка ҳал қилади.*

СУД

суд I [русча] от. 1. Граждандларнинг даъволарини ҳал этиш ва жиноий ишларни кўриб, ҳукм чиқариш билан шуғулланадиган давлат органи. *Халқ суди. Шаҳар суди. Олий суд. Суд эксперти.* □ *Ўртоқлар, олиб боринглар буларни, адолат судига топширинглар! Тегишли жазосини кўрсин. Ҳамза Ҳакимзода, Тухматчилар жазоси.*

2. Шу органнинг йиғилиши, кенгаши. *Суд қилмоқ, судланмоқ, судлашмоқ.* □ *Намунали суд. Очиқ суд. Ёпиқ суд.* □ *Қаримдан боласи учун бир йиллик нафақа талаб қилган бу ариза Қаримнинг иши нзасидан тергов тугаб, суд бўлган, Қарим уч йил муддат билан шартли қамоққа ва ўнминг сўмга яқин растратани ундириб олишга ҳукм қилинган кунининг эртасига ўша суднинг ўзига келиб тушди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

суд II: [тожикча] от. Фойда [выгода, прибыль]. *Судхўр (эскн).* □ *Энди суд қилмасдир ғам-у ҳасратинг, Билгин, йўлдош бўлди доғ-у кулфатинг.* «Эрали билан Шерали».

СУЗ

суз I *фезл.* Суюқликни сузғичдан ўтказмоқ, филтрламоқ [цедить, процеживать]. *Сузғич I* □ *Мусаллас тайёр бўлмабди, уни яна бир марта сузиш керак.* □ *Инсоф юзасидан айтганда, паш-*

Сузгич

120

ша ярамас махлуқ, .. покиза қилиб сузиб қўйилган кўкнордан қаноти чиқади. Абдулла Қаҳҳор, Башорат.

суз II феъл. Овқатни идишга солмоқ [раскладывать на блюда]. Шўрвани сузиб қўймоқ. □ Азиз ошни гулдор сопол лаганга сузиб келди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

суз III феъл. Ноз-карашма ифодаловчи ҳолатга келтирмоқ (кўзни) [шурить (кокетливо)]. Кўзини сузмоқ. □ Сенга кўз сузганини ўз кўзим билан кўрдим-ку. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

суз IV феъл. Сувда ҳаракатланмоқ [плавать]. Сузгич □ Дарёдан сузиб ўтмоқ. Қайиқда сузмоқ. Сувда сузиш бўйича мусобақа ўтказмоқ. □ Бир жангчи менга қасам ичиб дедими, гўё у ерга ётиб, осмонга қараса, ўтларнинг ўсиш шарпасини, булутларнинг сузиш шарпасини ҳам эшитар эмиш. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

суз V феъл. Шохи билан ҳужум қилмоқ [бодать]. Сузонғич. □ Ҳа, асов сигирнинг феълини билмасанг, олдига йўлатмайди — сузади, тепади, сут бермайди. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

СУЗГИЧ

сузгич I [суз I+гич] от. Суюқлик таркибидаги қаттиқ, қуйқа нарсаларни тутиб қолиш учун хизмат қиладиган буюм [фильтр, цеделка]. Сутни сузгичдан ўтказмоқ.

сузгич II [суд IV+гич] от. 1. Балиқнинг сувда сузиб юришини таъминловчи органи, қаноти [плавник]. Бу балиқнинг сузгичи бошқача бўлади.

2. Қармоқнинг сувда чўкмай юришини таъминловчи пўкак [поплавок]. Бу ерда сув чуқур, қармоқнинг сузгичини юқори кўтариш мумкин.

сузгич III [суз IV+гич] от. Усти силлиқ, сувда жуда тез сузадиган қўнғизсимон ҳашарот [клоп-гладыш]. Сув ниҳоятда соф; офтоб нурида живир-живир товланувчи майда шағал юзида кичкина балиқлар сайр қилади, гир-гир сузгичлар айланади. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

СУМАЛАК

сумалак I [асли сума — «ундирилган дон» + лак — кичрайтиш-эркалаш ифодаладиган аффикс] от. Ундирилган буғдойни туйиб, махсус усул билан узоқ пишириб тайёрладиган ҳолвайтар-

симон овқат (ҳар йили эрта баҳорда кўп хонадон хотинлари биргаликда тайёрлайди). Сумалакка қўшилмасими? □ Ҳар баҳор келса, келур бир неча олдov сумалак, Яна эл ичра солиб гулгула, ков-ков сумалак. Ҳабибий.

сумалак II от. Ириб тушаётган қорнинг бўғот, тарновларда конуссимон шаклда музлаган ҳолати. Томларда, бўғотларда осилиб турган сумалаклар офтобда йилтиларди-ю, чак этмасди. Раҳмат Файзий, Ҳазрати инсон.

СУР

сур I от. Қоракўлнинг энг яхши нави [смушка высшего сорта]. Бу йил сур кўп тайёрланди. □ Кўр Шерматнинг кийими жўнроқ бўлса ҳам, янги сур телпакни чап кўзига бостириб кийган, соғ кўзи артилган тилла узукдай ялтилайди. Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

сур II [< сур I] сифат. Оч кулранг, кўкимтир [светло-серый]. Сур от. Сур қуён. □ Эғнида сур ранг коломенко кўйлак, белида қайиш камар. Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

сур III сифат. Қуритилган, суви қочган [вяленый]. Сур гўшт. □ Қозоқ қизи тутган қимиз қалбидек соф, Эсдан чиқмас сур қазининг тўғрамчаси. Собир Абдулла.

сур IV [< сур III] сифат. Бети қаттиқ, ҳайдаса ҳам кетмайдиган [нахальный]. Сурлик, сурбет. □ Сур йигит. Бунчалик сур эканини билмас эдим. □ Нигорининг кўз олдига Ёқутойимнинг тухумдай тигиз гавдаси-ю, пардоз-андоз қилган сур башараси келди. Суннатилла Анорбоев, Оқсой.

сур V феъл. Силжитмоқ [сдвинуть]. Сургамоқ, сургуи, сурги, сурма. □ Стулингизни бир оз чапга суриг. □ Столни девор томонига суриб қўйди. Ҳ. Шамс, Душман. Азиз диссертациясида илгари сурган фикрлар айтишигагина осон. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

сур VI [< сурт] феъл. Бирор мойли суюқ нарса билан қохламоқ, ишқамоқ [смазать]. Суркамоқ, сурги, сурма. □ Подшипникка ёғ сурмоқ.

СУҚ

суқ I сифат. Қаноат қилмайдиган, кўз олайтирадиган, очкўз [нена-сытный, завистливый]. Суқлик, суқланмоқ, суқтой. □ Суқ кўз. Суқ билан қарамоқ. Суқи кирди. Суқи тушиди. Кунда еган суқ, ойда еган тўқ. Мақол. □ Урмонларни ке-

зиб юрамиз, ҳордиқ чиқариш учун тўхтаб, дарахтлар тагига ўтираммиз, автоматни ерга қўйиб, тўрт атрофга суқ билан термиламиз. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

суқ II феъл. Бирор нарсанинг ичига киритмоқ [втыкать, сунуть]. Пичоқни этикнинг қўнжигига суқмоқ. Оёғини сувга суқмоқ. Чўнтакка қўл суқмоқ. Гапни айтеин уққанга, жонни жонга суққанга. Мақол. □ Бобоқул ота .. баб-баравар кесилган, учлари йўнилган учта чиллакни танлади-да, ўрик тупининг уч ёғига ораларини сал-сал қочириб суқди. Ҳа-ким Назир, Сўнмас чақмоқлар.

СУҒУР

суғур I от. Ер остига ин қуриб, қишда уйқуга ётувчи, ўсимлик билан овқатланувчи, ўзи олмахонга ўхшаш кемирувчи ҳайвон [сурок]. Суғур сайхон ерларда яшайди.

суғур II феъл. Мустаҳкам жойланган, тикилган узун нарсани тортиб чиқармоқ [выдергивать, вытаскивать]. Мих суғурмоқ. Тиш суғурмоқ. Қилични қинидан суғурмоқ. □ Сигир қозиқни суғуриб, .. Матчон тўраинг пахтазорига кириб, ёўзаларни ямлапти. Жуманиёз Шарипов, Хоразм.

СУЗАН

сўзан I [тожикча — «игна»] от. Этикдўзликда, ямоқчиликда ишла-тиладиган игна [сапожная игла]. Чол унга сўзан, бигиз ту-тишни кўрсатди. Ойбек, Қутлуғ қон.

сўзан II [**сўзан I**] от. Тиканакли дарахт турларидан бири — қум-лоқ ерларда ўсадиган бута ўсимлик [песчаная акация].

СУК

сўк I от. Оқланган тарик [пшено]. Сўк оши. Сўк талқон. Сўк ошига сурнай. □ Тери тагин сакрабди, олдига йўлаб бўлмайд-ди, озиқ-овқат-чи, қайда! Мош, гурунч тугул, сўк ҳам олол-мадим. Ойбек, Қутлуғ қон.

сўк II феъл. Тикилган чок ипларини узмоқ [распороть]. Сўкик. □ Сўккан чокинган ипларни олиб ташламабсан. □ [Отабек] тикилган ипларни сўкди ва мактубни очиб, оч кўзини ш-га қўйди. Абдулла Қодирий, Утган кунлар.

сўк III феъл. Ҳақорат қилмоқ, койнмоқ [ругать, бранить]. Урган-нинг — ун оши, сўкканинг — сўк оши. Матал. □ Само-свал шофери қаттиқ сўкканиб, машинани кескин буриб, четга олишга мажбур бўлди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

СЎМ

сўм I: сифат; сўзлаш. 1. Гавдали, салобатли [солидный, представи-тельный]. Сўм йигит.

2. Яхлит [цельный]. Сўм гўшт.

сўм II [**сўм I 1**] от. Катта чипқон [фурункул]. Сўм чиқибди.

сўм III [**сўм I 2**; асли — «бир кесик металл»] от. 100 тийинга тенг пул бирлиги [рубль]. Ҳар ойда беш сўмдан взнос тўла-моқ. □ Посёлкага борганимда: «Қарим минг сўм пулни олиб қочиб кетди», — дейишди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

СЎНА

сўна I от. Ҳайвонларнинг териси остига тухум қўядиган қўш қа-нотли ҳашарот, бўка [овод, слепень]. [Зағчақўз эшон] бирдан сўна чаққан отдай типирчилаб, ўзини орқага ташлади. Парда Турсун, Уқитувчи.

сўна II от; фольк. Сувда яшовчи қушлар, ёввойи ўрдак. Гала-гала сўхсур, сўна, ғоз учиб келур. Миртемир.

СЎР

сўр I феъл. Оғиз ичига тортмоқ (суюқлик ёки юмшоқ нарсани) [сосать]. Анорнинг сувини сўрмоқ. Неча йилдан бери қо-нимни сўриб келар эди. □ Тепага кўтарилган қўёш ўт-ли тили билан ер бағридаги барча намни сўриб оларди. Шароф Рашидов, Бўрондан кучли.

сўр II [**сўра**] феъл; эскирган. Сўроқламоқ [спрашивать]. Ранг кўр, ҳол сўр. Мақол. □ Арзи ҳолингни бугун сўргани султон келаду. Ҳамза Ҳакимзода.

ТАБАҚА

табақа I [арабча **طبقة** — «қатлам»] от. Ижтимоий тоифа [сосло-вие, прослойка]. Аҳолининг турли табақалари. Октябрь революциясидан илгариги имтиёзли табақалар. □ Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул дак-кисини еб келган. Абдулла Қодирий, Утган кунлар.

табақа II [**арабча طبق** — «ёпмоқ, қопламоқ»] от. Дарвоза, эшик, деразанинг ёпилиб-очиладиган қисми [створка]. Машина раис кўрасининг бир табақаси қия очиқ катта қизил дарво-заси олдига келиб тўхтаганда, Дилдор ундан туша туриб шофегга буюрди.. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТАЛОҚ

талоқ I от. Қоражигар [селезёнка]. *Ҳасип талоқсиз қилинмайди.* □ «Қўйинг, опажон, узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши!»—«Қани ўша ўпка ўлгур? Упка тугул, талоқ ҳам йўқ-ку, дугонажон!» Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

талоқ II [арабча طلاق] от; эскирган. Эрнинг хотинидан ажралиши, никоҳни бузиши (шариат бўйича) [развод (по шариату)]. *Талоқ қилмоқ.* □ *Талоқ хат. Уч талоқ.* □ «Шундай қилиб, мендан талоқ талаб қиляпсанми?»—«Талаб қила олармидим, сўраялман. Акрамжон ака!» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТАН

тан I [тожикча] от. Тана, гавда, бадан [тело, туловище, корпус]. *Тан жазоси. Бир жон, бир тан бўлиб. Тан-жони соғ.* □ «Машқлари пастроқ кўринади, мулла Аҳмаджон?—Раҳим бобо кўзини шидан олмай сўради.—Тан-жонлари соғми?» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тан II [*<тан I>*] от (савдогарлар, судхўрлар нутқида ишлатилади). Фойда топиш учун оборотга ажратилган, қарзга берилган бирламчи пул суммаси. □ *Муҳаммадражаб саккиз минг сўмни ойига ўн уч процент фойда бериш шарти билан олиб, икки ойдан бери на фойдасини беради, на танини.* Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

ТАНА

тана I [тожикча] от. 1. Гавда, бадан [тело, туловище]. *Одамнинг тана тузилиши. Тана аъзолари. Танаси бошқа дард билмас.* Мақол. □ *У дала госпиталида вафот қилди. Танаси шундай жароҳатланган эдики, уни сақлаб қолишининг асло имкони бўлмади.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Дарахтнинг шох-бутоқлар ўсиб чиқадиган йўғон қисми [ствол]. *Теракнинг танаси. Урикнинг танаси.* □ *Баҳор қонгалаш музларни парчалаб, эритиб, катта оқимга бошлаб кетади, замбарак ўқи танасини чўрт узиб кетган дарахтдан янги куртак чиқаради.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

тана II [*<тана I I>*] от. Икки яшар урғочи бузоқ [тёлка по второму году]. *Қайнатам тўйга атаб тана боқиб қўйибди.*

ТАНИШ

таниш I [тани+ш—биргалик даража ясовчиси] феъл. Бир-бири-ни таниб, билиб олмоқ, ўзаро таниш бўлмоқ [знакомиться]. *Унда бегона жувон билан танишиши, суҳбатлашиши ҳаваси туғилди-да, унинг ёнига секин юриб келди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

таниш II [*<таниш I>*] сифат. Илгаридан кўрган, билган, маълум бўлган [знакомый]. *Таниш-билиш.* □ *Таниш одам. Таниш овоз. Таниш кўча.* □ «Рост, рост, ҳаддан ташқари ошиб кетаяпти»,— дейди сартарошнинг таниши. Парда Турсун, Ўқитувчи.

ТАП

тап I: [*<арабча تعب>*] от. Машаққат, қийинчилик [утруждение, затруднение]. *Тап тортмаслик* (қўрқмаслик, ҳайиқмаслик, андишага бормаслик). *Нимадан тап тортаман!.. Олса, столини олади-да.* Абдулла Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

тап II: тақлидий сўз. Бирор қаттиқ жисмнинг бошқа бир қаттиқ жисмга урилишидан чиқадиган товушни билдиради. *Тапилламоқ, таппи, тап этмоқ.* □ *Ботирали ўзини тап этиб ерга ташлади. Ўқ варанглади.* Ҳамид Фулом, Машғал.

ТАХТ

тахт I [тожикча] от. Шоҳ (хон, амир) расмий маросимларда ўтирадиган, махсус безатилган қашаматли ўрнидиқ [трон, престол]. *Тахтга ўтирмоқ. Тахтдан воз кечмоқ. Тахтдан тушмоқ.* □ *Ҳозир замон шунақа, подшолар тахт талашган-да, юз минглаб одамлар бола-чақаси билан қирилиб кетганига қарамайди.* Парда Турсун, Ўқитувчи.

тахт II [*<тахт I>*] предикатив сўз. Таппа-тайёр, шай [готов(о)]. *Тахт қилмоқ.* □ *Ҳамма нарса тахт.* □ *Менга ёзган хатларингдан бирида Ўрмонжон илмга сажда қилган одам деган эдинг, демак, колхозда сенга ҳамма шарт-шароит тахт эканига шубҳа йўқ.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ТАШЛА

ташла I феъл. Пастга томон итқитмоқ, зарб билан йўналтирмоқ [бросать, кидать]. *Жувон дастурхонга учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик ташлади.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ташла II [*< ташла I*] *кўмакчи феъл.* Мустақил феъл англатган лексик маънога «тез ва тугал бажарилганлик». грамматик маъносини қўшади. *Қуриб ташламоқ. Сидириб ташламоқ. Кесиб ташламоқ.* □ *Ҳаёт тўлқини ожизларни қир-ғоққа иргитиб ташлайди.* Саид Аҳмад, Уфқ.

ТАҚ

тақ I [*< тоқ*] *феъл.* Бир нарсани бошқа бир нарсага маҳкамламоқ [нацеплять, привешивать]. *Исирга тақмоқ. Медаль тақмоқ. Тугма тақмоқ. Чаккасига гул тақмоқ.* □ *Тўғридаги деворга Охунбобоевнинг чақмоқ телпак кийиб, кўкрагига қизил лента тақиб тушган сурати ёпиштирилган.* Саид Аҳмад, Ҳукм.

тақ II: *тақлидий сўз.* Икки қаттиқ нарсанинг бир-бирига урилишидан чиқадиган товушни билдиради. *Зокир қўлидаги қадаҳни тақ этказиб столга қўйди.* Пиримқул Қодиров, Уч ил-ди.

ТАҚА

тақа I [*тақ I < тоқ + а* — от ясовчи аффикс]. *от.* От-уловни зарарланишдан, сирғалишдан сақлаш учун туёқ остига михлаб мустаҳкамланадиган ярим доира шаклидаги металл буюм [подкова]. *Тақачи, тақаламоқ.* □ *Қишлоқ тинчлигини бузган .. от туёқларининг тарақ-туруғи, тақаларнинг тошларга урилишидан чиққан ялт-юлт чақмоқ дам ўтмай узоқлашди.* Суннатилла Анорбоев, Оқсой.

тақа II *феъл.* Жуда яқинига олиб бориб қўймоқ, тирамоқ [упирать, подвести вплотную]. *Шкафларни бир-бирига тақаб қўймоқ. Қўчатни деворга тақаб экмoқ.* □ *Нури ўз юзини йигитнинг юзига тақади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

ТЕЗЛА

тезла I [*тез + ла*] *феъл.* Жадалламоқ, ҳаракатланиш тезлигини оширмоқ [ускорять]. *Поезд яна тезлади.* □ *Қомилжон тезлаб келиб, Халиловга қўл узатди: «Келинг, Халилов ака».* Иброҳим Раҳим, Ихлос.

тезла II [*< тезла I*] *феъл.* Иморатнинг нураган қисмини асосий қисмларини бузмаган ҳолда зудлик билан ремонт қилмоқ. *«Уйнинг орқасини тезласаммикан, — дея кўнглидан ўтказди Бўтабой. — Шошмасдан яхшилаб тезласам. Уйнинг ичини қумсувоқ қилсам».* Саид Аҳмад, Ҳукм.

ТЕПКИ

тепки I [*теп + ки*] *от.* Оёқ билан берилган кучли ва кескин зарба [пиннок, удар ногой]. *Тепкиламоқ.* □ *От тепкисини от кўтаради.* Мақол. □ *Худойқул бир нафас ғингиб ётди. Тепкидан оғриган жойларини секин-аста силади.* Парда Тур-сун, Уқитувчи.

тепки II [*< тепки I*] *от.* Қулоқ, томоқ олди безларининг яллиғланиши натижасида воқе бўладиган шиш касаллиги (халқ медицинасида гўё эгизак туққан хотин тепса, тузалиб кетади деб тушунилади) [свинка]. *Укамга тепки чиқибди.* □ *Тепки кўпроқ қиш, баҳор фаслларида учрайди.* И. Фозилов, Тепки.

ТЕР

тер I *от.* Тери ости безлари ишлаб чиқарадиган рангсиз суюқлик [пот]. *Терламоқ, терли, терлик.* □ *Терга ботмоқ. Тер тўкмоқ. Тер безлари. Тер қуйилиб турарди.* □ *Баҳор қип-қизариб кетган эди. Унинг пешанасида мунчоқ-мунчоқ тер доналари ўйнади.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

тер II *феъл.* Битталаб йиғиб олмоқ [собирать]. *Терим, терма, тергамоқ.* □ *Қулупнай термоқ. Олча термоқ. Пахта термоқ.* □ *Пиёз тўғраб, кўзингиз ачишидан қўрқсангиз, помидор териб келинг, шакароб қиласиз.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ТЕРИ

тери I *от.* 1. Қиши ва ҳайвон танасининг устки қобиғи [кожа]. *Офтоб урган экан, терим шилиниб тушди.* □ *Низор опа астарига қизғиш тулки териси қопланган кўк мовут пўстинга термилиб, кўзига ёш олди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Ҳайвон терисидан тайёрланган хом ашё, чарм [кожа, шкура]. *Тери пиширмоқ. Тери учун сўйилган қўйлар.* □ *Уйда бир оз тери бор. Аммо таг чарм йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон.

тери II *от.* Юпқа ёйилган хамирни катта-катта кесиб, ёгда қовуриб тайёрланган овқат. *Бугун тушликка тери тайёрлаб қўйган экан.* □ *Ҳа, хоҳлайсизми, мен сизга тери келтириб берай.* Ойбек, Қутлуғ қон.

ТЕРМИТ

термит I [латинча *termes, termitis* — «дарахт кемирувчи»] *от*; зоология термини. Иссиқ мамлакатларда яшовчи қир чумолиси (дарахт танасини кемирувчи ғоят зарарли парда қанотли ҳашарот). *Термитларга қарши биологик ва химик кураш усуллари.* □ *Термит дегани худди битга ўхшаш жирканч ҳашаротгина эмас, даҳшатли офат экан.* Асқад Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

термит II [юнонча *θερμη* — «иссиқлик, ҳарорат»] *от*; техника термини. Алюминий кукуни билан металл оксиди аралашмаси (ёнганда жуда юқори температура ҳосил бўлади, бундан техникада фойдаланилади). *Металл эритишда термитлардан фойдаланиш.* Ҳарбий ишда термитлар муҳим ўрин тутади.

ТИЗ

тиз I *от*. Оёқнинг букилиш жойи, тизза [колено]. *Қўлини тизига урмоқ. Тиз чўкмоқ.* □ *.. Холмуроднинг кўзларини мудроқ босди. Бўйни тизлари устига эгилди, аммо дам ўтмай чўчиб бошини кўтарди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

тиз II *феъл*. Бирор нарсага шода қилиб термоқ, бирор жойга бирин-кетин қўймоқ [нанизывать]. *Тизим, тизма.* □ *Мунчоқларни ипга тизмоқ. Ипга марварид тизмоқ.* □ *Машиналар қатор тизилган..* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТИК

тик I [голландча *tijk*, англизча *tick*] *от*. Дағал ипдан тўқилган қалин мато (йўллари бўлиб, матрас қоплаш, чехол тикиш учун ишлатилади). *Магазиндан 20 метр тик сотиб олдим.* □ *Айвонда, хонтахта атрофига тўшалган йўл-йўл тик кўрпачаларда икки киши ёстиқларга ёнбошлаганча суҳбатлашиб ўтиришибди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тик II *сифат*. 1. Вертикал. *Тикламоқ.* □ *Тик чизиқ.* □ *Кечаси Ҳулкар тик тепага келганда хандалак ўғирлашга боришмоқчи эди.* Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2. Оёққа босиб, ғоз, типпа-тик [во весь рост]. *Тик турмоқ.* □ *Аҳмаджон устунга суянганча тик туриб, бир неча дақиқа томоша қилди: «туркманча рақс» ижро этилди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тик III *феъл*. 1. Эскирган. Қадамоқ [втыкать]. *Ерга чигит тикмоқ. Чўққига байроқ тикмоқ.* □ *Экспедициялар самолёт учун ўзларича қулай жой танлаб, кичкина байроқча тикиб қўйган экан.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

2. Ип, игна билан чок ҳосил қилмоқ, шу йўл билан бирор буюм ҳосил қилмоқ [шить]. *Этик тикмоқ. Кўйлак тикмоқ.* □ *.. узун тим қора сочларининг жажжи зангори бахмалдан тикилган туморчасини силкитиб тебраниши... Азиз ҳамон эсласа, юраги қалқиб, нафаси томоғига тиқилди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТИЛ

тил I *от*; анатомия термини. Таъм-маза билан органи [язык]. *Тила, тилсиз, тилчи, тилшунос, тилёғлама, тилмоқ, тилхат.* □ *Тилини тишлаб олмоқ. Тилини қиров боғламоқ.* □ *Нормат ака пиёлада совиб қолган барг ранг қуюқ кўк чойни ҳўплади-да, тилига ёпишган барени ўйчан бир аҳволда тамшаниб ўтирар экан, деди..* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тил II *феъл*. Узунасига кесиб, қисмларга ажратмоқ [резать по-саму]. *Тилик, тилим, тилка (тилка-тилка қилмоқ), тилма.* □ *Қовунни тилиб қўймоқ. Гўшти тилиб-тилиб тузламоқ. Тахта тилмоқ.* □ *Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Уни чарчатган ҳам, изғириндек дилини тилган ҳам, азоб-уқубат келтирган ҳам ана шу ўйлар эди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТИМ

тим I [тожикча] *от*. Усти ёпиқ расталар [пассаж]. *Абдуллахон солдирган қуббали тимнинг ичи ари инидек ғувиллар эди.* М. Осим, Элчилар.

тим II: *равиш (кучайтирувчи сўз)*. Ута даражада [абсолютно, совершенно]. *Тим қора. Бу пайваста қошлар, тим қора сузук кўзлар, нозик қомат эгаси: «Шаҳар қизларидан бизнинг қаеримиз ва нимамиз кам, уна-элигимизми?»— делятганга ўхшар эди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

ТИН

тин I *феъл*. 1. Тўхтамоқ [прекращаться, стихать]. *Емғир (қор, жала) тинди. Шамол (бўрон) тинди. Тўп овозлари тинди.* □ *Кеч соат тўққизларда кўп хонадонларда чироқ ўчади,*

радио тинади, чунки эрталаб бешда туриш, олтида далада юриш керак. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Тинчимоқ [отдыхать]. Тиниқ II. □ Эшак минганнинг оёғи тинмас. Мақол. □ Аммо Дилдор тамоман бошқа одам. Бобосига меҳрибон, .. ўта меҳнаткаш, эрта-ю кеч тиниб-тинчимайдиган қиз. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. Қуйқаси, лойқаси остига чўкиб, мусаффоламоқ [отстояться]. Тиниқ I. □ Қун исиб кетди. Ҳар қадамда халқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади. Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар.

тин II [*тин I 2*] от; эскирган. Нафас, дам, ҳаво. Тин олмоқ. □ Дераза ёнидаги ўриндиққа ўтирди-да, кўзларини юмди ва чуқур тин олиб хўрсинди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ТИНИҚ

тиниқ I [тин I 3+иқ — сифат ясовчи аффикс] сифат. 1. Таркибида ҳеч қандай чиқиндилар йўқ [прозрачный, отстоявшийся]. Тиниқ сув. Тиниқ мусаллас. □ Куз фасли. Дарахтлар машғалдай. Ариқлардаги сувлар шишадай тиниқ. Ойбек, Болалик.

2. Мусаффо [чистый]. Тиниқлашмоқ. □ Осмон шишадек тиниқ. □ Саратон. Осмон булутлардан буткул мусаффо — юшиб, артиб қўйилган кўзгудай тиниқ. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

тиниқ II [тин I 2+иқ — ҳаракатнинг тўлиқ амалга ошувини билдирувчи аффикс] феъл. Чарчоқни бутунлай чиқариш даражасида дам олмоқ. Ухлаб тиниқмоқ. Тиниқиб ухламоқ. □ Унинг йирик қора кўзлари Аҳмаджонни кўриб, оромдан тиниққан чиройли юзига кулги тўлди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ТИР

тир I [французча tir] от. Енгил қурооллардан отиш машқлари ўтказиладиган бино, жой. Юр, тирга кириб, ким мерганликка отишамиз.

тир II [тожикча] от; эскирган. Камон ўқи [стрела]. Тир камон. Тир мужгон. □ Ҳар қачонким кўксим қилдим нишона, Тир мужгонларинг ёдимга тушди. Муқимий.

ТИРИШ

тириш I феъл. 1. Йиғилиб, узун-узун чизиқлар ҳосил бўлмоқ [морщиться]. «Ҳақ гапни айтдингиз, Иван Андреевич!» — Абду

ла Саидовичнинг пешанаси тиришиб, тажанглиги ошганлиги билинди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Мускуллари тортишиб, эгилиб-букилмоқ [корчиться]. Бутун гайдасининг тириша бошлаганини сезди. Ойбек, Қутлуғ қон.

тириш II [*тириш I 1*] от. Териди узун-узун чизиқлар ҳосил бўлиши, ажин [морщина]. Фолбин ингичка, узун, қоп-қора ҳабашдай, кўзлари ғайланома, сирли қиёфасидаги юзи қат-қат тириш. Ойбек, Болалик.

тириш III [*тириш I 2*] феъл. Жон-жаҳди билан астойдил ҳаракат қилмоқ [стараться усердствовать]. Тиришиб ишламоқ. Тиришган тоғ ошар. Мақол. □ Тиш-тирноғим билан шуларнинг севган ўқитувчиси бўлиб қолишга тиришман. Парда Турсун, Уқитувчи.

ТИШ

тиш I [асли товушлари юмшоқ] от. Милкларга қадалган маълум тузилишли суякчалар (тишлаш органи), дандон [зубы]. Тишламоқ, тишли, тишсиз. □ Курак тиш. Озиқ тиш. Уғри тиш. Тиш доктори. Тиш чўткаси. Тиши чиқибди. Тиш суғурмоқ. □ Пўлат қизишиб кетди, чурқ этмай тишларини тишларига қўйиб, волейбол майдончасининг бир чеккасида уйилиб ётган портфеллар ичидан ўз портфелини олди-да, ўқитувчининг бақиршига ҳам қарамай, дарсдан чиқиб кетди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

тиш II [*таш*] от; сўзлаш. Ичининг акси бўлган жой, ташқари. У тишдан ялтираб кўринса ҳам, уйда ейишга овқати йўқ экан. Парда Турсун, Уқитувчи.

ТИҚ

тиқ I феъл. Бирор нарсанинг ичига киргизмоқ, суқмоқ, санчмоқ [вткать, совать]. Тиқин I, тиқин II. □ Оёғини сувга тиқмоқ. Бармоғига иена тиқиб олмоқ. Қўлини чўнтагига тиқмоқ. □ Муҳиддин ака теллагининг орқасидан қўлини тиқиб, бошини қашлади. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

тиқ II: тақлидий сўз. Қаттиқ жисмга секин зарб билан урганда чиқадиган товушни билдиради. Тиқир-тиқир. □ Тиқ этса, эшикка қарамоқ. Тиқ этган товуш йўқ. □ Ахир сиз ҳам, биз ҳам унинг қўжинисимиз-ку! Тиқ этган нарсдан хабаримиз бор. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ТИКИН

тикин I [тиқ I+ин — нарса оти ясовчи аффикс] от; эскирган. Бирор доира шаклидаги тешикни бекитишда ишлатиладиган буюм [пробка, затычка]. *Бочканинг тикини. Шампан шисасининг тикини.*

тикин II [тиқ I+ин — сифат ясовчи аффикс] сифат. Лиқ тўла, тирбанд [тесно набитый]. *Азиз Аҳмаджоннинг киноясига парво қилмади-да, қўлидаги тикин халтани айвон пешига қўйди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри. Больницага борсангиз, ўзим элиб қўяман, юраверинг. Трамвайда ҳозир одам тикин бўлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ТОБ

тоб I [тожикча] от. Куч-қувват, мадор [сила, мощь]. *Хайри ўғлининг тепасига келиб, уни уйғотаркан, рангини кўриб, пешанасини ушлади. «Сенга нима бўлди, ўғлим? Тобинг қочди-ми?» Шароф Рашидов, Қудратли тўқин.*

тоб II: от. Дақиқа, он [момент, пора]. *Шу тобда. Уша тобда. Шу тобгача. Шу тобдан.* □ *Шу тобда ҳар нарса бир-бир хаёлидан ўтди. Ойбек, Болалик.*

ТОВЛА

товла I [< тожикча тоб — «иссиқлик» + ла] феъл. Иситмоқ [греть]. *Холмурод .. музлаган қўлларини ўтга товледи. Парда Турсун, Уқитувчи.*

товла II [< тожикча тоб — «эшилган, буралган, букланган нарса» + ла] феъл. Эшмоқ, эшиб пишитмоқ [скрутить]. *Арқоғини яши товлемаган экансиз. □ Очилдов шаштидан қайтгандай мўйловини товлаб, мийиғида кулди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.*

ТОВОН

товон I [< тобон] от. Оёқ тагининг орқа қисми [пятка]. *Яланг оёқ юравериб, товоним ёрилиб кетди. □ Роҳиланинг товонига тикан санчилгандек бўлди, кўзлари чақнади, фабрикага етиб қолганда таққа тўхтади. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

товон II [тожикча] от. Эвазига бериладиган нарса [компенсация, возмещение убытка]. *Товонхона. □ Товон тўламоқ. То-*

вонига қолмоқ. Тирик товон бўлмоқ. □ Ишқилиб, янгамнинг юраги яхшими? Яна товонларига қолиб ўтирмайлик. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ТОЙ

той I от. Икки яшар от [стригун, жеребёнок]. *Тойча, тойчоқ, тойлоқ. □ Тойни той деб хўрлама, эрта-индин от бўлур. Мақол. □ Тоғда Сатим йилқичига той боқтириб қўйдим, эгар-жабдуқларини ҳам буюрдим — қўғирчоқдай ясатаман. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

той II [тожикча] от. Катта ўрам, боғлам [тюк, кипа]. *Бўриев кеча у билан кўни бўйи базада қоп, той, яшик, бочкалар орасида иверсиди. Асқад Мухтор, Тугилиш.*

той III феъл. Сирғаниб кетмоқ [поскользнуться]. *Кўча ва томлар қордан оқара бошлаган. У сирганиб, тойиб хизматкорхонага жўнади. Ойбек, Қутлуг қон.*

ТОЛ


тол I от. Барги ингичка, новдалари эгилувчан дарахт [ива]. *Толзор. □ Мажнун тол. Самбит тол. □ Шу йўлдан ярим чақиримча юрилса, қирғоқларида азим толлар тарвақайлаб ўсиб ётган Қорасувга чиқилади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

тол II феъл. Ҳолсизланмоқ, толиқмоқ [уставать, утомляться]. *Ҳормай-толмай (ишламоқ). □ Кўп ўқиб, кўзлари толди. □ Даладан толиб келган чол-кампир, болалар ором уйқуда. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

тол III: феъл. Чўймоқ, шўнғимоқ [погружаться]. *Хаёлга толмоқ (< хаёл дарёсига толмоқ). Чол бир оз ўйга толгандан кейин, ўйқотган гапининг учини толиб олди шекилли, кўзлари тийраклашди, қошлари чимирилди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

ТОМ

том I от. Имортнинг устки ёпиғи [крыша]. *Тунука том. Томдан тараша тушгандай. □ Ҳов анави — мактаби, томини ёпиб қўйибди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

том II: [арабча  — «тўлиқ, бутун»] сифат. Асл, ҳақиқий, чин [подлинный]. *Том маънода. □ У Мирзачўл ҳақида, бу ер-*

даги янги шаҳарлар, посёлкалар ҳақида кўп нарса эшитган, ўқиган бўлса ҳам, Гулистон каби том маънода шаҳри азим борлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

том III феъл. Томчи ҳолатида тушмоқ [капать]. Томчи. □ Тома-тома кўл бўлур, ҳеч томмаса, чўл бўлур. Мақол. □ Тўрахонов пакана, тўлачадан келган, серғўшт, қип-қизил юзларидан қон томарди, сочлари эса қоп-қора, силлиқ таралгани учун ҳамиша ялтираб турарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТОМОҚ

томоқ I от. Қизилўнғач билан кекирдак бошланадиган ер, бўғиз [глотка, гортань]. Томоқ оғриғи. Томоғи қуриди. □ Акмал хом семиз ҳам бир-икки марта томоқ қоқиб олган: «Шундай қилинглар, биз кутамиз»,— деди. Одил Еқубов, Эр бошига иш тушса.

томоқ II [< томоқ I] от; эскирган. Овқат, таом [пища, еда]. Томоқ емоқ. □ Уйдагиларнинг сўзларинигина эмас, ҳатто томоқ чайнашларини ҳам эшитса бўлар эди. Абдулла Қодирӣ, Утган кунлар.

ТОНГ

тонг I от. Сутканинг қуёш чиқадиган пайти, уфқ оқара бошлаган пайт [рассвет]. Тонгги, тонготар. □ Тонг отмоқда. Тонг қоронғисида. Тонг ёришди. □ Пўлат тонгга яқин қаттиқ уйқуга кетганда туш кўрди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

тонг II: от. Ҳайрат [изумление]. Тонг қолмоқ. Тонг қотмоқ. Воқеа устига келган Ширин бу ҳолни кўриб тонг қотиб қолган. Садриддин Айний, Қуллар.

ТОПҚИР

топқир I нумератив сўз; эскирган. Марта, карра [раз]. Ҳирот хўрозлари кечанинг сукутини иккинчи топқир бузганда Дарवेशали кўзларини уқалаб, ўз хонасига чиқди. Ойбек, Навоӣ.

топқир II [топ+қир] сифат. Топагон, топишга уста [находчивый, сметливый]. Топқирлик. □ Топқир одам. □ Бири — жуда сеvimли Қўнғироқли кўзичоқ, Иккинчиси — «Бек» номли, Зийрак, топқир овунчоқ. Зафар Диёр.

ТОР

тор I [тожикча] от. I. Ип, ришта [нить]. Кўнгил торлари. □ Таъна-маломатлар Дилдорнинг суюк-суюгидан ўтиб кетди-да, қалбининг энг нозик торлари таранг тортиб, узилла бошлаганини сездим. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Музика асбобида таранг тортиладиган, чертса, ҳаво тўлқини ҳосил қиладиган ип [струна]. Торли. □ Дуторнинг тори. Тамбурнинг тори. Ипак тор. □ танбур қулоғини озгина бураш таранг торни қандай узиб юборса, Аҳмаджонга ҳам ортиқча бир сўз (гарчанд у адолатни ифодаласа ҳам) малол келади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тор II [< тор I 2] от. Кўп торли (гитарага ўхшаш) чолғу асбоби. Мен тор чалишни яқиндагина ўргандим. □ Уртоқларим, кўлга олсам торимни, Беихтиёр ёдлайдирман ёримни. Абдулла Қодирӣ, Утган кунлар.

тор II сифат. Эни нисбатан кичик [узкий, тесный]. Тораймоқ, торлик. □ Тор кўча. Дўппи тор келганда. □ Қибрай қишлоғи гузаридан чапга бурилинса, янги асфальтланган торгина йўлга кирилади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТОШ

тош I от. Сувда эринмайдиган қаттиқ тоғ жисм парчаси [камень]. Тошлоқ, тоғ-тош, тошбўрон. □ Тош йўл. Тош термоқ. □ Ховос тепасида, тоғда, катта харсанг тошлар тагидан вағиллаб отилиб чиқадиган Буқабулоқ атропофларида бунақа антиқа қишлоқлар кўп. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тош II от; эскирган. Саккиз чақиримга тенг масофа. Ярим тошдан мўлроқ йўл юрилди ҳамки, бекат кўринмайди. Ҳ. Нўмон, А. Шораҳмедов, Ота.

тош III феъл. Қирғоғидан чиқиб кетмоқ [выходить из берегов, разлиться]. Ҳовлига сув тошибди. □ Тўла пиёлани бир томчи сув қандай тоширса, .. Аҳмаджонга ҳам ортиқча бир сўз (гарчанд у адолатни ифодаласа ҳам) малол келади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТОҚ

тоқ I [тожикча] от; эскирган. Дарвоза, бинонинг устки қисмида баланд қилиб ярим доира шаклида ишланган жой, гумбаз [свод, купол]. Тоқи афлок (фалак гумбаз). □ Тимга ки-

Туз

раверишдаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симобий салла ўраган саррофлар олдиларидаги баркашга тангаларни уйиб ўтирар эдилар. М. Осим, Элчилар.

тоқ II [тожикча] сифат. Якка, ножуфт [одинокий, нечётный]. Дунёдан тоқ ўтмоқ. Тоқ сон.

тоқ III: тоқати тоқ бўлмоқ, тоқатини тоқ қилмоқ. Сабр-чидами тумамоқ. «Гапирсангиз-чи»,— деди тоқати тоқ бўлган Лутфихон Тожибойга, туртиб. Саид Аҳмад, Муҳаббат.

ТУЗ

туз I [асли унлиси қаттиқ] от. Маза киритиш учун овқатга қўшиладиган шўр оқ кристалл модда [соль]. Туздон, тузламоқ, тузли, тузсиз, тузлуқ. □ Пўлат уйдан мурч, қалампир, туз ва нон олиб чиқди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

туз II [полякча туз < немисча Daus] от. Карга колодасида ҳар бир холнинг энг катта ёки бир очко қийматга эга картаси. Фиштин туз. Туз билан босмоқ.

туз III [асли унлиси юмшоқ] феъл. Маълум тартибга келтирмоқ [составить]. Тузалоқ, тузук, тузум. □ Тўплам тузмоқ. План тузмоқ. □ Шу жиккаккина чол бундан эллик беш йил аввал Қибрай жамоа шўросининг раиси бўлиб ишлаган, камбағал деҳқонларнинг биринчи ширкатини тузган. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТУЙ

туй I феъл. 1. Майдаламоқ, кукун ҳолатига келтирмоқ [толочь]. Қаранг, хотиним бечора қақиртиканақни келида туйиб, ун қипти. Назир Сафаров, Уйғониш.

2. Қобингдан ажратмоқ [обдирать шелуху]. Шоли туймоқ. Жўхори туймоқ. □ Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан туймайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

туй II феъл; оз ишлатилади. Ҳис қилмоқ, сезмоқ [чувствовать]. Туйғу, туйғун I. □ У бинафшалардан беозоргина бўй олди: димоғига, дилига, вужудига у шу пайтгача туймаган ором, тубсиз нашта, завқ-сафо югурди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТУЙГУН

туйғун I [туй II + гун] сифат. Тез сезиб ҳис этувчи [чуткий]. Аҳмаджон эса Азизни ҳамон зимдан кузатади ва унинг хотир

жамлигига, оқшом сокинлиги сеҳрига туйғун ўтиришига ҳайронлиги тобора ортади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

туйғун II [< туйғун I] от. Катта ёшли қарчиғай, қирғий [старый ястреб-самец]. Сувсиз чўлда келади Полвон Ҳасан, мард Ҳасан, Оч туйғундай чарқиллаб. «Равишан».

ТУМАН

туман I от. Ҳавода сув парларининг зич ҳолати. Тонгги туман. Туман қуюқлашди. Туман кўтарилди. □ Баҳорнинг фикри булут босган осмондай қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғади. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

туман II сон. Ун минг; кўп. Турли-туман. □ Бирники — минга, минники — туманга. Мақол. Тани соғлиқ — туман бойлик. Мақол. □ Турли-туман қушлар шохдан шохга учиб ўтдими, япроқлар шивирлашиб, ўзаро суҳбат қурдими — ҳаммаси-ҳаммаси яққол эшитилиб, юракларга ором бағишлайди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

туман III [< туман I] от; эскирган. Хонлик таркибига кирувчи административ-территориал бирлик [уезд]. Самарқанд тумани. □ Шу ўттиз қақиримлик ариқ қазилиб битганда, Наманган ва Андижон туманларидан икки минг ботмонча ер суғорилар эди. Абдулла Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТУР

тур I [асли унлиси юмшоқ] от. Хил, кўриниш; нав [вид, род]. Турдош, турламоқ, турли. □ Мебель турлари. Газлама турлари. Овқат турлари. Асар турлари. Санъат турлари. Қўшин турлари. Оёқ кийимининг янги тури. □ Бу улкан хўжалик ҳам боғ, ҳам завод бўлади: мева билан сабзавотнинг ҳамма турларини мўл-кўл ётиштиради ва буларни, йил бўйи сақлаш билан бирга, консерва ҳам қилади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тур II [французча tour — «доира, айланма ҳаракат»] от; спорт термини. Бир неча босқичли фаолиятнинг ҳар бир давраси, цикл. Халқаро хоккей учрашувларининг биринчи тури. Жаҳон шаҳмат чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари.

тур III [асли унлиси қаттиқ] феъл. 1. Ҳаракатланмай, бирор сатҳни эгалламоқ [стоять, находиться]. Уканг кўчанинг бошида турибди.

2. Оёқларига таяниб тик вазият олмоқ [встать]. Аҳмаджон бўғилиб ўрнидан туриб кетди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тур IV [*тур III*] *кўмакчи феъл*. Мустақил феъл англатган лексик маънога «бошқа ҳаракат юз бергунча маълум вақт давом этиш», «такрор-такрор» грамматик маъносини қўшади. *Уқиб турмоқ. Еза турмоқ.* □ Булардан бири — чорбоғ *эғаси Раҳим бобо, иккинчиси — чолнинг уйларида бирини ижарага олиб турган Аҳмаджон, Ҳамид Ғулом, Бинафша атри. Дала йўллари ғиз-ғиз ўтиб турган машиналардан гавжум, автобуслар серқатнов. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

ТУРП

турп I [гожикча] *от*. Ҳосили кўкишроқ бўлиб, пиширмай овқатга (паловга) қўшиб ейиладиган сабзавот [редька]. *Марғилон турпи.* □ *Кекса темирчи чучук турп билан ош ейишни севарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

турп II *от*. Меванинг сиқиб, шарбати олингандан кейин қоладиган тўпони [выжимка]. *Норматпаранг кўкнор ивиганда турпини доим томага ташлар экан.* Асқад Мухтор, Опа-сингаллар.

ТУТ

тут I *от*. Барги ипак қуртига овқат бўладиган дарахт; шу дарахтнинг меваси. *Шотут, тутзор, тутчилик.* □ *Балиқ (балх) тут. Қўқон тут. Марварид тут. Тутдай тўқилмоқ.* □ *Карталаримиз нари борса беш-олти гектар. Улар ҳам тутлар билан ўралган.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

тут II *феъл*. Ушламоқ [держать, поймать]. *Тутам, туташ I, тутқич, тутқун, тутинмоқ.* □ *Қўлидан тутмоқ. Балиқ тутмоқ. Жиноят устида тутмоқ.* □ *У пахта гулини димоғига тутганча ўйга толди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри. «*Раҳим бобонинг яхшиликлари*» деганда Азиз кўп нарсани назарда тутди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ТУТАШ

туташ I [*тут II + аш* — биргалик даража ясовчиси] *феъл*. Бир-бирига улашиб, бирлашиб кетмоқ [сопрягаться, смыкаться]. *Дарахтларнинг шоҳлари туташиб кетибди. Дарёлар туташган жой. Қошлари туташган.* □ *Бундан чиқадиган сув билан .. мактаб участкасигина эмас, унга туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин.* Ҳаким Назир, Чўл ҳавоси.

туташ II [*туташ I*] *сифат*. Бир-бирига улашиб кетган [сплошной]. *Туташ чизиқлар. Кета-кетгунча туташ ўрмон.* □ *Айвонга туташ кичик ўйга жой ҳозирланган эди, ўша ерга кириб ўтиришди.* Раҳмат Файзий, Ҳазрати инсон.

ТУШ

туш I *от*. Уйқуда кўринадиган нарсалар [сновидение]. *Туш кўрмоқ. Тушига кирмоқ. Тушида кўрмоқ. Тушимми, ўнгимми? Тушингизни сувга айтинг!* □ *Пўлат тонга яқин қаттиқ уйқуга кетганда туш кўрди. Тушида Тўрахонов ёқимсиз мўйловини қимирлатиб Пўлат томон келарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

туш II *от*. Пешин, тўпотар пайти [полдень]. *Тушга яқин. Тушдан кейин. Туш қизиғида. Туш пайтида.* □ *Дилдорнинг шаҳардаги ишлари тушгача битди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

туш III: *сифат*. Тенг [равный, одинаковый]. *Тенг-туш* (сверстники). *Қани энди у .. қаҳрамон бўлиш сирларини била қолса, енг шимариб ишга тушса! Тенг-тушларидан аввал мақсадга эришса.* Иброҳим Раҳим, Хислат.

туш IV *феъл*. 1. Юқоридан қуйи томон ҳаракатланмоқ [спускаться]. *Тоғдан тушмоқ. Ертўлага тушмоқ.* □ *Анҳор бўйидаги шийпонга соя тушди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри. *Дам олдилар, сўнг яна йўлга тушдилар.* Парда Турсун, Ҳўитувчи.

2. Тўғри келмоқ, мувофиқ келмоқ [подойти]. *Бу калит қулфга тушди.* □ *.. Раҳим бобо чорбоғининг дарагини эшитиб, Қибрайга келдилар ва биринчи суҳбатдаёқ чолга маъқул тушиб, шу ерда ўрнашиб қолдилар.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

туш V *кўмакчи феъл*. Мустақил феъл англатган лексик маънога: 1. «ҳаракатнинг ниҳоясига етганлиги, тугалланганлиги» грамматик маъносини қўшади. *Ағдарилиб тушмоқ. Узилиб тушмоқ. Йиқилиб тушмоқ. Қоқилиб тушмоқ.* □ *Нимага йиғламай, қошки кўзим оқиб тушса, ҳеч нимани кўрмасам.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

2. «Қўққисдан, кескин содир бўлганлик» грамматик маъносини қўшади. *Ҳар гал эри ҳақида гап очилса, у ёмон туш кўргандай чўчиб тушди-да, гапни чала қолдириб, ё нариги хонага, ё кўчага чиқиб кетади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. «монандлик» грамматик маъносини қўшади. *Ухшаб тушмоқ. Епишиб тушмоқ. Еқиб тушмоқ.* □ *Унинг калтагина мўйлови, қоп-қора қоши ўзига ярашиб тушган.* Ҳ. Шамс, Душман.

ТУҒ

туғ I *от; эски.* Мусулмонларда байроқ ўрнини босувчи нарса [бунчук, хоругвь]. *Туғдор.* □ *Бу ердаги .. устига туғ тикилган, гишлари ўпирилиб тушган гумбазлик мазорларда қандай авлиёлар ётганини тушунтира кетди.* Парда Турсун, Уқн-тувчи.

туғ II *фезл.* Бола кўрмоқ [рожать]. *Туғма, туғруқхона.* □ *Ўғил (қиз) туғмоқ. Эгизак туғмоқ. Сигиримиз туғди.* □ *Гарчи уруш бизни туғилиб ўсган қишлоғимиздан ажратган бўлса ҳам, кўнглимиз сизларда, қадрдон уйларимизга бориш орзуси билан яшаймиз, жанг қиламиз.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТУЙ

тўй I *фезл.* Қониқиб овқат емоқ, овқат ейиш истагини (ҳиссини) қондирмоқ [насытиться]. *Қорним тўйди. Тўйган қўзининг боласидай. Еб тўймаган ялаб тўймас.* Мақол. *Суқ тўймас, ўғри боймас.* Мақол. □ *Азиз бинафшани сўнги марта тўйиб ҳидлади-да, авайлаб чўнтагига солди ва автобусга чиқди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тўй II [*< тўй I*] *от.* 1. Никоҳлаш, суннат қилиш, бешиқ қилиш каби маросимларга бағишлаб тўкин зиёфат билан, ўйин-кулги билан ўтказиладиган йиғин [пир, свадьба]. *Тўйчи, тўйчиқ, тўйбоши, тўйпараст, тўйхат, тўйхона.* □ *Никоҳ тўйи. Ўғил тўйи. Ҳовли тўйи.* □ *Ога-онаси ҳам, қиз уятчан, итга-кор, тортинчоқ бўлгани учун, дарҳол тўй қилишга розилик бера қолдилар.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

2. Қуёв томон келинниқига юборадиган сарпо, ширинлик ва озиқ-овқатлар. *Бугун гешинда тўй келади.* □ *Мулла Абдйшукур, эртага ожизамизга тўй келади, марҳамат қилинг, дурустми? Ойбек, Қутлуғ қон.*

ТЎЛА

тўла I [*тўла+a*] *сифат.* 1. Ичини, сатҳини батамом эгаллаган [полный]. *Тўла икки стақан сув қуймоқ. Кўча тўла одам.* □ *Кейин, кўзлари очилганда, автобус кенг, чароғон кўчадан*

елиб борар, одам тўла гавжум йўлкалар, хиёбонлар, магазинларнинг ёрқин ойналари лип-лип этар эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Семиз, гўштдор [полный, тучный]. *Тўла юзли бола. Сен ундан тўлароқсан.* □ *.. ҳозирги рангпар Нафиса аввалги тоғ қизига: .. калта зангори нимчаси тўла кўрагини сириб турган аввалги Нафисага ўхшамас эди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тўла II *фезл.* Ниманингдир эвазига пул бермоқ, бирор нарсанинг қийматини пул бериб қопламоқ [платить]. *Тўлов.* □ *Қассага уч сўм тўламоқ. Қарзини тўламоқ. Штраф тўламоқ.* □ *Ҳар ким ўзи ёққан чироқнинг пулини тўлаб турса, боғ ишида бобога қарашиб юборса, бас.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ТЎП

тўп I *от.* Копток, футбол коптоғи [мяч]. *Тўпни зарб билан дарвоза-томон тепмоқ.* □ *Раиснинг яхши гапидан суюнган Славик икки қўлини чўнтақларига солиб, қизил туфлисининг учда ердаги майда тошларни тўп қилиб тепа бошлади.* Иброҳим Раҳим, Чин муҳаббат.

тўп II *от.* Снаряд отувчи узун стволли ҳарбий қурол, замбарак [пушка]. *Тўпхона.* □ *Тўп отмоқ. Тўпга тутмоқ. Тўп еми. Дала тўпи.* □ *Тонг саҳарда тепаликни тўплар ва катта калибрли пулемётлардан ўққа тутдилар.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

тўп III [*< тўпотар*]; пешин бўлганини билдириш учун соат 12 да крепостда тўп отилар эди] *от; сўзлаш.* Пешин [полдень]. *Тўп бўлди. Тўпга яқин келди.* □ *Тўпдан кейин Луқмончининг онаси етиб келди.* Асқад Мухтор, Туғилиш.

тўп IV *от.* Урам, боғлам, гуруҳ [рулон, куча, группа]. *Тўпламоқ, тўптош.* □ *Бир тўп чит. Икки тўп папкалар. Биринчи тўп ҳали қайтиб чиққани йўқ. Тўп-тўп бўлиб келмоқ.* □ *Аҳмаджон оққа бўялган настгина тахта курсига ўтирди ва деразадан кўриниб турган уч қаватли мактаб олдидаги саҳнда қувлашиб юрган тўп-тўп болаларни кузата бошлади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

тўп V: *тақлидий сўз.* Юмшоқ жисмининг ерга урилишидан чиқади-ган товушни билдиради. *Тўпилламоқ, тўп этмоқ.* □ *Боққа кирдим, олмалар Қип-қизариб пишибди; Силкитибди шамоллар, Ерга тўп-тўп тушибди.* Зафар Днёр.

Тўр

- тўр I** [асли унлиси қаттиқ] *от.* Ириқ тўқилган мато [кружево]. *Тўр рўмол. Тўр халта.* □ Қора тўр қўлқоп кийиб, юзига сочвонга ўхшаш тўр тутган шляпали хотин уни кўриши билан .. афтини буриштирди. Санд Аҳмад, Ҳукм.
- тўр II** [асли унлиси юмшоқ] *от.* Наряги, юқори томон. *Минбардан то ҳовлининг тўридаги мактаб боғига қадар скамейкалар қўйилди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

Тўс

- тўс I** *от; эскирган.* Қайин дарахтининг пўстлоғи (ёғоч эгарни безашда ишлатилади). *Раҳим бобо .. Аҳмаджоннинг иссиқдан бўрққан қорамағиз кўркама юзига, тўсдай тим қора сочига .. зимдан тикилиб сўради.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- тўс II** *февл.* Орага бирор нарса қўймоқ, осмоқ, қурмоқ [загородить]. *Йўлни тўсмоқ. Юзини тўсмоқ. Ошхона олдини тўсмоқ.* □ Баҳор қўлларини кўтариб, кичкина нам кафтлари билан *ғир-ғир* шабадани тўсди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- тўс III** *февл.* Гўдакни ҳожат чиқартирмоқ. *Болангни тўсдингми?*

Тўқ

- тўқ I** *сифат.* Очлик ҳис қилмайдиган, овқатланиб олган [сытый]. *Тўқ тутадиган овқат. Қорни тўқ. Очмисан, тўқмисан?* □ *Сенга нима етмаяпти? Шахсан мен сени ишга мажбур қилмайман. Эгинг бут, қорнинг тўқ!* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- тўқ II:** *тақлидий сўз.* Бирор нарсанинг урилишидан чиқадиган паст, кучсиз товушни билдиради. *Қози уларнинг кўкариб кетган юзларига бир зумгина хўмрайиб тургач, қўлидаги ҳасса билан олдиндаги столни тўқ этказиб урди-ю, «Йўқол!» деб қичқирди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

Тўқол

- тўқол I** [асли — «шоҳсиз, шоҳи калта»] *сифат.* Қалта, узунлиги етарли бўлмаган [короткий]. *Тўқол сочли қиз. Тўқол ёлли от.*

тўқол II [*тўқол I*] *от; эски.* Кичик (иккинчи) хотин [младшая жена]. *Қани, чиндан ҳам хотинларингизнинг ўзлари озодликка чиқишни истамаётганмикан. Айниқса отасининг қарзи эвазига олган тўқолингиз.* Суннатилла Анорбоев, Мехр.

Тўқсон

- тўқсон I** *сон.* Тўққизинчи ўнликнинг номи [девятьсот]. *Тўқсон йил. Тўқсон ёш. Тўқсон тонна. Тўқсон сўм.* □ *Тўққиз сўм оламан деб, тўқсон гап эшитдим.* Ойбек, Қутлур қон.
- тўқсон II** [*тўқсон кунлик*] *от.* 90 кунлик қиш фасли. *Тўқсон кирди. Тўқсон чиқди.* □ «*Боғинга уннамадингми?*» — «*Ҳали вақт бор, тоқларни очсам, совуқ олиб қўядими деб қўрқаялман. Тўқсоннинг изғирини ўтсин деб турибман.*» Ҳ. Шамс, Душман.

У

- у I** [*ул*] *қўрсатиш олмоши, сифат каби ишлатилади* [от]. *У киши. У кўча. У томон. У масала.* □ *.. айвон олдида, гулзор бўйида у ёқдан бу ёққа бетоқат юрар экан, қўлини паҳса қилиб тушунтира бошлади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- у II, ун** [*у I*] **III** *шахс бирлик кишилик олмоши; от каби ишлатилади* [он]. *У келди. Унинг билан. Уни кўрмадим. Унга айтинг.* □ *Аммо ҳаво қуруқ бўлганидан нафас олиш енгил. Чунончи, оловни ютасиз-у, бироқ у ичингизни куйдирмайди, қиздиради, чанқатади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- у III** *юклама.* Таъкид, ажабланиш каби маъноларни ифодалайди [ведь, оказывается]. *«Ахир бу — булоқ-ку, ёзда исиб улгурмайди, қишда эса совиб улгурмайди.» — «Осон гап экан-у, — деди Баҳор афсусланган оҳангда.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

УЗЕЛ

- узел I** [русча] *от.* Нималарнингдир туташган, кесишган, жамланган пункти (жойи). *Алоқа узели. Почта-телеграф узели. Радиоэшиттириш узели. Темир йўл узели. Мудофат узели.*
- узел II** [русча] *от; денгизчилик термини.* Кема бир соатда босиб ўтадиган масофа (денгиз миляси) асосида белгиланадиган тезлик ўлчови (1,87 километрга тўғри келади). *Бу пароход соатига 20 узел тезлик билан юради.*

- уй I** [*< ўй; асли унлиси юмшоқ*] *от. Киши яшайдиган бино [дом]. Уйланмоқ, уйсиз, уйма-уй, уй-жой.* □ Шаҳарликлар обод уйларини .. ташлаб, тоққа яқин, сувга яқин чекка-чекка чорбоғларга .. кўчиб кетадилар. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- уй II** *фезл. Устма-уст қўйиб бир ерга тўпламоқ. Хазонни бир ерга уйиб қўймоқ. Жўхори пояларини томга уйиб қўймоқ.* □ Пўлат қизишиб кетди, чурқ этмай тишларини тишларига қўйиб, волейбол майдончасининг бир чеккасида уйиб ётган портфеллар ичидан ўз портфелини олди-да, ўқитувчининг бақиршишига ҳам қарамай, дарсдан чиқиб кетди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

УЛОҚ

- улоқ I** *от. Эчки, уй ҳайвони [козёл]. Меҳмонларга улоқ сўйдик.* □ Ҳозир юзлаб майин жузли қўзи ва улоққа эгамиз. Суннатилла Анорбоев, Оқсой.
- улоқ II** [*ула* — «бир-бирига бирлаштир» + *қ* — сифат ясовчи аффикс] *сифат. Уланган [соединённый]. Улоқ арқон. Улоқ енг.*
- улоқ III** [*< улоқ II*] *от. Ямоқ [заплата]. Яна ўша улоғи йиртилибди.*
- улоқ IV** *фезл. Узоқлашиб кетмоқ [удалиться]. Қаёқларга улоқиб кетдинг? □ Индай тизилиб, мунчоқлари узилиб, бир хили қочди улоқиб. «Равшан».*

УН

- ун I** [*асли унлиси қаттиқ*] *от. Донни тегирмонда тортиб ҳосил қилинадиган кукун ҳолатидаги маҳсулот [мука]. Бугдой уни. Арпа уни. Синька ун. Ун эламоқ.* □ Бахмалнинг бугдойи — бугдойларнинг бугдойидир. Дони дўланадек катта-катта, сутга чайгандек оппоқ, пўсти ҳам шунча юпқаки, ун қилсангиз, кепаги кўринмайди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- ун II** [*асли унлиси юмшоқ ва чўзиқ*] *от; эскирган. Овоз [голос]. Унамоқ, ундамоқ, ундош, унли.* □ Анчадан сўнг итларнинг уни ўчди. Суннатилла Анорбоев, Оқсой.
- ун III** [*< ул*] *олмош. III шахс бирлик кишилиқ олмошининг баъзи аффикслар қўшиладиган асоси [он]. Ундан, унга, унда, унча, ундай.* □ .. чигитларни қўш қатор экиш натижасида кўчатни

ҳар гектарда ҳозирги юз минг ўрнига икки юз мингга етказиш ва, балки, ундан ҳам ошириш мумкин. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

- ун IV** *фезл. Ўсиб, юзага чиқмоқ [прорастать]. Унум.* □ Орадан кўп вақт ўтмади, янги нав уруғ униб чиқди. Назир Сафаров, Дон.

УСТУН

- устун I** [*< тожикча сутун*] *от. Иморатда тик ўрнагиладиган таянч ёғоч [столб, брус]. Дарвозахонада устундаги михга илинган чўткани олиб, дўпписини, шимини чўткалади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- устун II** [*уст+ун; унлиси асли юмшоқ*] *сифат. Юқори, баланд [превосходный, берущий верх]. Устун бўлмоқ.* □ Устун келмоқ. Устун турмоқ. □ .. унинг хасислиги кўрқоқлигидан устун турарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

УЧ

- уч I** [*асли унлиси чўзиқ*] *от. Бирор нарсанинг бошланиш ёки тугаш қисми [кончик]. Учли, учламоқ, учма-уч.* □ Арқоннинг учи. Рўмоннинг учи. Қаламнинг учи. Тилнинг учи. Дарахнинг учи. □ «Ҳа-ҳа! — Раҳим бобо соқол учини ямлаб хиҳилади — Омад келганда катта-катта эшиклар лангиллаб очилаверади. Ҳи-ҳи...» Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- уч II** [*асли унлиси юмшоқ*] *сон. Икки билан тўрт орасидаги бутун сон [три]. Учлик, учбурчак.* □ Уч киши. Уч килограмм (километр). Уч сўмлик. □ Чолнинг бир ўғли билан келини, уч набираси чет элларда муҳим қурилишларда ишлар эканлар. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- уч III** *фезл. 1. Ҳаво бўйлаб ҳаракатланмоқ [летать]. Учқур, учувчи.* □ Қуш учса, қаноти куюди. □ Қўрғоннинг тик қаралса, дўпти учадиган баҳайбат деворлари ҳамон сақланиб қолган. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
2. Бирор қирраси чўрт узилиб тушмоқ [отколоться]. Пиёланинг лаби учибди. Чойнакнинг бурни учибди. □ Битта тоқчадаги чети учган .. уч-тўртта пиёла ва бир қора қумғонни .. кўрсатиб ўтирмаса, бу уйда бошқа жонли зот ҳам кўринмас эди. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.
3. Беихтиёр берилмоқ, лақилламоқ. Дилдор унинг сўзларига учган, менга берган ваъдасидан қайтган. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

УЧУҚ

учуқ I [*учу* — *учунмоқ* феълнинг қадимги ўзати + *қ* — от ясовчи аффикс] *от*. Учунганда, шамоллаганда чиқадиган пуфакчасимон чиқиқлар [сыпъ, волдыри, пузырьки на губах]. *Учуқ тошмагунча, шамоллаш аримайди*. □ «Доим шундай қиласиз, янгилик деса, лабингизга *учуқ* чиқаверад», — деб отани хижолат қилибди. А. Муҳиддин, Кўнгиллар.

учуқ II [*уч III 2+уқ* — сифат ясовчи аффикс] *сифат*. Бирор қирраси чўрт узилиб кетган қисмли. *Лаби учуқ пиёла. Бурни учуқ чойнак.*

УЮШ

уюш I [асли *уй* — «эргашмоқ» маъносидаги феъл асоси + *уш* — биргалик даража ясовчиси] *феъл*. Ҳамжиҳат бўлиб бирлашмоқ [объединиться, организоваться]. *Уюшиқ, уюшма, уюшқоқ*. □ *Отряд бўлиб уюшмоқ*. □ *Дастлаб колхозга, аёлларни далага чиқармаслик шарти билан, йегирма тўрт хўжалик уюшди*. Саид Аҳмад, Ҳукм.

уюш II [асли *уйи* — ҳозирги ўзбек тилида *иви* шаклида ишлатиладиган феълнинг қадимги асоси + *ш* — ҳаракатнинг кучсиз даражада амалга ошувини ифодаловчи аффикс] *феъл*. Қуюқ ҳолатга ўта бошламоқ [запекаться]. *Қон тезда уюшиб қолади*.

ФАРҚ

фарқ I [арабча *فرق* — «тафовут, турличалик»] *от*. Бир-бирдан ўзгачалик, ҳар биридаги ўзига хослик [разница, отличие]. *Фарқламоқ, фарқли, фарқсиз, фарқ қилмоқ*. □ *Фарқига бормоқ. Булар орасида фарқ йўқ*. □ *Кенг хоналарнинг зиндондан, гуллаб ётган боғнинг тақир ердан фарқи йўқ*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

фарқ II [арабча *فرق* — «ажратиб, айириш»] *от*. Сочларни пешанадан орқа томонгача тўғри иккига ажратиб тараш, шунда ҳосил бўладиган йўл [пробор]. *Фарқ очмоқ. Фарқини қийшиқ очиб қўймоқ*. □ [Сорахоннинг] *учли пешанасининг ўртасидан фарқ очилиб, жингалак сочи қошларига тегай-тегай деб қулоқлари орқасига ўтиб кетган*. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

ФЕОДАЛ

феодал I [латинча *feodalis* < *fehu* — «мулк» + *od* — «эгалик»] *от*. Мулкдор помешчик; ҳукмрон синфга мансуб шахс. *Маҳаллий феодаллар*.

феодал II [< русча *феодальный*] *сифат*. Феодализмга асосланувчи. *Феодал тузум*.

ФЕРМА

ферма I [французча *ferme*] *от*; *қишлоқ хўжалик термини*. Қолхоз ва совхозларда чорвачиликнинг бирор тармоғи билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган хўжалик. *Паррандачилик фермаси. Қўйчилик фермаси. Чўчқачилик фермаси. Қоракўлчилик фермаси. Йилқичилик фермаси*. □ *Ҳар қуни тонг қоронғисида қорининг хотини Тўпанисо билан сиғир соққани фермага борар эди*. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ферма II [латинча *firmus* — «муस्ताҳкам, чидамли»] *от*; *қурилиш техникаси термини*. Бир-бирига бирлаштирилган тўсинлардан иборат инженерлик иншооти. *Кўпркнинг темир-бетон фермаси*.

ФЕЪЛ

феъл I [арабча *فعل* — «ҳаракат»] *от*. Ҳулқ-атвор, характер [нрав]. *Феъли ёмон одам. Феъли бузуқ киши. Феъли тор. Феъли кенг. Феъли тез. Феъли айниди*. □ *Феъли кенг бобо кечга яқин қилинган ишларни кўздан кечирди ва .. чеварасининг туғилишига атаб боққан қўйини бўғизлатиш учун қассоб қидириб кетди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

феъл II [< феъл I] *от*; *грамматика термини*. Ҳаракат-ҳолат маъносини англатувчи сўзлар туркуми [глагол]. *Феълнинг ўтимли-ўтимсизлиги гап қурилишига бевосита таъсир қилади*. М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили.


ФОКУС

фокус I [латинча *focus* — «марказ, бирор нарсанинг тўпланган жойи»] *от*; *физика термини*. Нурларнинг кесишган нуқтаси (бир нуқтага тўпланиш ўрни); нурларни акс эттирувчи предмет билан шундай нуқтагача бўлган масофа. *Линзанинг фокуси. Кўзгунинг фокуси. Фокусига тўғриламоқ*. □

Ҳар бир планета эллипс бўйлаб ҳаракат қилади ва бу эллипснинг фокуслари дан бирида Қўёш туради. «Астрономия» дарслигидан.

фокус II [< немисча Fokusfokus] от. Қўзбўямачилик ўйини; эпчиллик ва моҳирликка асосланган ҳийла-найранг. **Фокусчи.** □ **Фокус кўрсатмоқ.** □ **Биринчи курсликларнинг номини кўтариш учун битта фокус кўрсатамиз концертда.** Фарҳод Мусажонов, Лофчи.

ХАЙР

хайр I [арабча  — «яхши, яхшилик»] от. Бева-бечорага, тиланчига бериладиган садақа, эҳсон [подояние, милостыня]. **Хайрли** (иш), **хайр-садақа**, **хайр-эҳсон.** □ **Шаҳарда очлар ва хайр сўровчилар кўпайган эди.** Парда Турсун, Уқитувчи.

хайр II [< хайр I] ундов сўз. Кетаётганда, видолашганда айтилади [прощай(те)]. **Хайрлашмоқ**, **хайр-маъзур**, **хайр-хўш.** □ **Хайр**, **Гофиржон**, **бир умрга хайр!** Ҳамза Ҳакимзода. Бой ила хизматчи.

ХРОМ

хром I [юнонча chroma — «ранг, бўёқ»] от. Оч кул ранг (кумуш ранг) қаттиқ химик элемент (минерал); қаттиқ қотишмалар тайёрлашда, бошқа металлларни зирҳлашда ишлатилади. **Таркибида хром бор пўлат турлари.** **Хром тузлари.** **Хром кислотаси.** **Хром билан қопламоқ.**

хром II [юнонча chroma — «ранг, бўёқ»] от. Хром тузлари билан ишлов берилган юмшоқ юпка тери (бундай чармнинг ўнгида тўрсимон жилоси бўлиб, асосан оёқ кийимлари тикишда ишлатилади). **Хром этик.** □ **Тўрахоновнинг эғнида ўзига ёпишиб турган бежиримгина кул ранг кител ва ихчам тикилган коверкот шими бўлиб, оёғига яқираб турган хром этик кийиб олган эди.** Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ХҲҲҲ

хўрда I [тожикча хўрдан — «емоқ, ичмоқ» феълидан] от. Гуручли суюқ овқат, мастава [рисовый суп]. **Евғон хўрда.** **Хўрда ичмоқ.** □ **Овқат сўровди**, **қиймалаб**, **қатиқлаб хўрда қилиб бердим.** Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

хўрда II: [тожикча — «кичик»]. **Хўрда бўлмақ** — ишқаланиб, нормал ҳолатдан кичиклашмоқ, ейилмоқ. **Араванинг ўқи ҳали хўрда бўлмабди.**

ХҲШ

хўш I [< тожикча хуш] таъкид, хулосалаш, фикрлашга киришишни ифодаловчи сўз [так, ну]. «**Ўтиринг! — деди. — Агар мени одам ўрнида кўрсангиз, тушунтиринг: ўзи нима гап?**» — «**Тинчлик. — Аҳмаджон хотинининг раъйига қараб ўтирди ва беҳол қулимсиради: — Хўш, нимани тушунтирай?**» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

хўш II ундов. Хўкиз, сигирни тўғри йўлга тушириш учун ишлатиладиган хитоб. **Хўш, хўш, ҳаром йлгу!**

ЧАЙИР

чайир I сифат. 1. Толалари маҳкам бириккан, майишган, синиши (ёрилиши) қийин [суковатый]. **Чайир ўтин.**

2. Қотма, аммо меҳнатга чидамли [жилистый, выносливый]. **Чайир одам.** □ **У офтобда куйган пешанасининг чайир терисини жийриб, ариқдаги лойқа сувга йиқилди.** Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

чайир II [< чайир I] от. Кўп илдизли дала ўти [пальчатая трава]. **Оқ чайир.** □ **Қаровсиз қолиб, ҳамма ёқни чайир босиб кетди.**

ЧАККА

чакка I от. Бош суягининг қулоқ устидан пешанагача бўлган қисми [висок]. **Чакка суяги.** **Телпақни чаккага бостириб киймоқ.** **Чакка сизга гул тақмоқ.** □ «**Ўй бесаранжом бўлса, оқибати шу... — Аҳмаджон кўнглидан ўтказди. — На емишда лаззат, на ётишда роҳат...**» **Чаккаларида яна қаттиқ оғриқ турди.** Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

чакка II [тожикча чакидан — «томчиламоқ» феълидан] от. Шипдан сизиб томадиган сув [течь]. **Чакка ўтган ўйларнинг ичиди кўлмак ҳосил бўлган эди.** Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

чакка III [тожикча чакидан — «томчиламоқ» феълидан] от; сўзлаш. Қаттиқни халтага солиб, сувини сиздириб тайёрланган маҳсулот, сузма. **Чакканг бўлса, олиб кел.**

ЧАЛҒИ

чалғи I [чал—«стаг қисмига уриб йиқит»+ғи—от ясовчи аффикс] от. Узун дастали катта ўроқ [қоса]. Қўлида чалғи ҳам бир оҳанеда ширт-ширт этиб тортилар эди. Ўлмас Умарбеков, Севгим, севгилим.

чалғи II [чал—«адаш»+ғи—«такрорийлик» маъносини ифодаловчи аффикс] феъл. Асосий иш, мавзудан бир неча марта бир оз четга чиқмоқ, йўл-йўлакай бошқа иш, мавзуга алахсимоқ [отвлекаться, сбиваться]. Унинг икки кўзи, эс-ҳуши молларда, хаёли салгина чалғиса, моллар бировнинг бедазорига кириб кетиб, зиён етказди, балога қолади. Парда Турсун, Уқитувчи.

ЧАМАН

чаман I [тожикча] от. Гулзор [цветник]. Булбул чаманни, одам ватанни севар. Мақол. Қўлда юлдузлар чамани ёнади. □ Тўйга ҳозирланган келинчак сингари ясаниб, ўз жамолини кўз-кўз қилиб қўйишга интилган хилма-хил гуллар чамандек очилиб, қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

чаман II [қозоқча—«касал»] сифат. Сусткаш, зўрға-зўрға ҳаракат қиладиган [ленивий, вялый]. Чаман от.

ЧАНГ

чанг I [асли унлиси қаттиқ] от. Тўзон, гард, ғубор; тупроқнинг жуда майда кукуни [пыль]. Чангимоқ, чанг-чунг, чанг-тўзон. □ Чанг кўтарилди. Подадан олдин чанг чиқармоқ. □ У анчагина йўлни пиёда босган бўлса керак, ўбдан терлаб-пишиган, шимини, туфлисини чанг босган эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

чанг II [тожикча; асли унлиси юмшоқ] от. Қуш оёғининг тирноқли уч қисми [коготь]. Чангал, чангак. □ Чанг солмоқ. □ Айтинг-чи, севгингиз учун курашдингизми? Чанг солган балолардан мени қутқариш учун ўзингизни ўтга, сувга отдингизми? Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

чанг III [тожикча] от. 1. Тўрт бурчак ясси қути шаклидаги, сим торлар тортилган, қўш чўп билан чалинадиган музыка асбоби [цымбал]. Чангчи. □ Чангда европача куй чалмоқ. □ Чойхонада дугор, чанг, .. шахмат, девор соати пайдо бўлди. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

2. Лабга қўйиб, пўлат тилини бармоқ билан тебратиб чалинадиган музыка асбоби [варган]. Қизалоқлигинида сен ҳам чанг чалгандирсан.

ЧАНГАЛ

чангал I [тожикча] от. Қуш оёғининг тирноқли бармоқлари [когти]. Чангал солмоқ. Чангалига тушмоқ. Бургутнинг чангалдан қутулиш қийин. □ У хотинининг елкасига чангаллини солди-ю, шартта ўзига бурди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

чангал II [<чангал I] от. Тиканли бута [колючий кустарник]. Чангалзор. □ Чангални кесиб, ўтин тайёрлаймиз. □ Турли хил шакл ва қиёфада сўнпайган азамат тошлар, шағаллар, чангаллардан бўлак бойлиги бўлмаган жилга ҳар қачонгидек жимжит эди. Парда Турсун, Уқитувчи.

ЧАРС

чарс I сифат. Бетга чопар, кўрс [резкий, несдержанный]. Чарс одам. □ Сўрама! Қиз жуда чарс экан. Назир Сафаров, Шарқ тонги.

чарс II: тақлидий сўз. Бирор нарса ёрилганда чиқадиган товушнинг билдиради. Чарсилламоқ, чарс-чурс, чарс этмоқ. □ Деразининг ойнаси чарс этиб кетди.

ЧАҚ

чақ I феъл. 1. Қаттиқ мева қобиғини зарб билан ёрмоқ, парчаламоқ [колоть, расколоть]. Енғоқ чақмоқ. Данақ чақмоқ. Писта чақмоқ. □ Абдушукур бодом-писта чақиб, ачиқ чой ичиб, яйраб ўтирарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2. Қаттиқ жисмини зарб билан уриб, майда қисмларга парчаламоқ [дробить]. Тош чақмоқ. □ Шунинг учун ҳам сен шахсан менинг сўзларимнинг мағзини чақиб кўр. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

3. Ишқалаб ёндирмоқ [чиркаты]. Чақин. □ Гугурт чақмоқ. □ Камол ака гугурт чақиб, папирос тутатди. Одил Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

чақ II [<чақ I] феъл. 1. Найза санчиб, тишлаб, озор бермоқ [жалить]. Ари чақди. Илон чақди. Чаён чақди. Қана чақди. Чивин чақди. □ Илон қаттиқ чаққан, жон томиридан тишлаган эди. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

2. Бирор кишини хуфия равишда ёмонлаб гапирмоқ, ёмонламоқ [ябедничать]. *Чақимчи, чақиқ, чақмачақар.* □ *Отасига чақмоқ.* □ *Агар отинойи эшитса, уларни ҳам, томошага борган Холмуродни ҳам қарғайди. Балки эшонга чақиб, етимнинг жазосини бердиради.* Парда Турсун, Уқитувчи.

ЧАҚА

чақа I от. Мисдан тайёрланадиган майда пул (бир, икки, уч, беш тийинлик пуллар) [медная монета]. *Икки тийинлик чақа. Сариқ чақам йўқ.* □ *Биров чақага зор, биров пулнинг ҳидига ётолмайди.* Ойбек, Қутлуг қон.

чақа II: от. Гўдак, жуда ёш бола [младенец]. *Чақалоқ.* □ *Бола-чақа* (фарзанд, она аъзолари). *У ерда хотин-халажлар, бола-чақалар чувиллашиб пахта теришаётган эди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

чақа III: [*чақ I 2+a* — от ясовчи аффикс] от. 1. Ишқаланиш, урилиш натижасида ҳосил бўладиган кичик яра [натёртая рана, болячка]. *Чақа бўлмоқ, чақа қилмоқ, яра-чақа.* □ *Булар орасида яра-чақаси камроғи — Барот полвон.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

2. Қаттиқ жисмга урилиб, қайрилган ҳолат [зазубрина]. *Чақа бўлмоқ, чақа қилмоқ.* □ *Тешанинг юзи чақа бўлибди.*

ЧАҚИР

чақир I [*чақ I 2+ир* — сифат ясовчи аффикс] сифат. Учли, қиррали, кескир [острый, режущий]. *Чақир тош. Чақир тиканак. Чақир кўз.* □ [Шербек] *сапчиб эгарга ўтирди. Тўриқнинг пўлатдай туёқлари остидан чақир тошлар сачради.* Суннатилла Анорбоев, Оқсой.

чақир II феъл. Бирор ерга борнишга, келишга, бирор фаолиятда қатнашишга таклиф қилмоқ [звать, приглашать]. *Чақирим.* □ *Меҳмонга чақирмоқ. Ҳашарга чақирмоқ. Мусобақага чақирмоқ. Врач чақирмоқ. Уста чақирмоқ.* □ *Саломатой ойиси билан акасини чақиргани чиқиб кетди.* Ҳамид Фулом, Машъал.

ЧАҚМОҚ

чақмоқ I [*чақ I 3+моқ* — от ясовчи аффикс] от. Атмосферада электр зарядларининг чақнаши, чақин [молния]. *Чақмоқ чақди.* □ .. *унинг хаёлидан: «Биз бу ерда янги кишилармиз,*

балки жойлашиб олишимизга Азиз ёрдам берар!» деган фикр чақмоқдай ўтди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

чақмоқ II [*чақ I 2+моқ* — от ясовчи аффикс] от. Чақиш (парчалаш мақсадида уриш) натижасида ҳосил бўладиган бўлак [кусочек]. *Икки чақмоқ қанд. Бир чақмоқ ҳолва.*

ЧЕК

чек I от. Чегара, чегара чизиги [граница, рубеж, предел]. *Чекка, чекламоқ, чекли, чексиз.* □ *Шўхликларига чек қўймоқ.* □ *Болаларнинг шодлигига чек йўқ. Улар ўзларини қаерга қўйишни билмай югуришади.* Парда Турсун, Уқитувчи.

чек II [*чек I*] от; эскирган. Чегаралари аниқ белгиланган ер участкаси [земельный надел]. *Шаҳардан чиқиб, катта-кичик қишлоқларни, майда-йирик чекларни кесиб ўтган чанг-тупроқ йўлда.. Ҳожи хола ёшигина жувон билан .. боради.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

чек III [тожикча] от. Қуръа, бир ишни бажариш мажбуриятини юкловчи шартли белги [жребий]. *Чек ташламоқ. Чек менга чиқди.* □ *Ҳатто ёши саксонни қоралаган кексалар ҳам йўлларни чақирим-чақирим бўлишиб олиб, ўз чекларига тушган масофанинг у бошидан бу бошига тинимсиз юрганлари-юрган.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

чек IV [англизча cheque — «тўсиқ, ёрлиқ»] от. 1. Молия термини. Маълум суммани банкдан, кассадан олиш ёки бошқа ерга ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. *Сиз қўл қўйган чек билан банк пул бермади.*

2. Ҳаридор томонидан кассага тўланган пул миқдорини кўрсатувчи талон, квитанция. *Ҳамма пул пахтакорларда экан деб қўйдим. Нимани кўрса, нархини сўрамай чек ёздиради.* Иброҳим Раҳим, Ҳилола.

чек V: феъл. 1. Тортмоқ [тянуть]. *Азоб чекмоқ. Изтироб чекмоқ. Ғам чекмоқ.* □ *Давидовнинг шахсий ҳаёти, муҳаббати, севгилиси билан жудолиги, чеккан изтироблари ... булар ҳаммаси нималари биландир Азизга яқин, унинг дард-аламларига ҳамоҳанг.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Туширмоқ [ставить, выводить]. *Чекич (чакич).* □ *Имзо чекмоқ. Гул чекмоқ. Нақш чекмоқ.* □ *Низомиддинов аризанинг имзо чекадиган жойини кўрсатди.* Саид Аҳмад, Ҳукм.

чек VI [*чек V I*] феъл. Истеъмол қилмоқ [курить, употреблять]. *Папирос чекмоқ. Наша чекмоқ. Носвой чекмоқ.* □

Қоронғиликда папирос чеккан соқчининг олдинга бориб, орқага қайтиши бизга кўриниб турарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЧЕТАН

четан I [асли чит — «бир-бирига боғламоқ, бирлаштирмақ, тўқимоқ» + ан; ҳозирги ўзбекча *чатмоқ* феъли шу ўзакдан] от. Новдалардан тўқиб тайёрланган тўсиқ [плетённая ограда]. *Четан арава. Четан девор.* □ Қовуним пишиб, чириб кетди. Жилла бўлмаса битта четанда олиб тушай-да, сотиб, болаларга кийимлик олай деб хаёл қилган эдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

четан II [< четан I] от. Қизғиш рангли мевалари шода-шода жойлашадиган дарахт [рябина тьяншаньская].

ЧЕЧАК

чечак I от. Майда қизил гул [цветок]. *Чечак отмоқ.* □ Булбуллар бу ернинг гулшанига — бинафшалар, лолалар, турли-туман чечаклар билан безанган боғ-роғлар, далалар, яйловлар жамолига мадҳия ўқирди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

чечак II [< чечак I] от. Баданга гул тошиб, ҳарорат кўтарилиши билан ўтадиган оғир юқумли касаллик [оспа]. *Чечак билан касалланмоқ. Чечакка қарши эмламоқ.*

ЧИН

чин I [тожикча < санскрит cina] от; эскирган. Хитой. Чинни, Чинмочин. □ Чин хоқони. □ Нигорим лаб очиб, сендин агар аслим савол этса, Дегил чин шоҳидир бу севги саҳросинда овора. Хуршид.

чин II [асли хитойча] сифат. Ҳақиқатга мос, тўғри, рост [подлинный, действительный, верный]. *Чин мағнода. Чин гапим шу. Чин кўнгилдан. Чин дўст.* □ Бироқ қиз Тўрахоновни ҳурмат қиларди, унга чин кўнгилдан ишонарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

чин III [< чин II] от. Ҳақиқат [правда, истина]. Чинакам. □ Ҳазилми, чинми? Чиндан шундайми? Ҳазил чинга айланиб кетди. □ У чиндан ҳам Совет ҳокимияти тарафдори эди: босмачилар уни таламоқчи эдилар, уни қизил аскарлар сақлаб қолдилар. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЧИҚ

чиқ I феъл. Устига кўтарилмоқ [взбираться, подниматься]. *Чиқкиқ.* □ Дарахтга чиқмоқ. Томга чиқмоқ. Минбарга чиқмоқ. Трамвайга чиқмоқ. □ Бирдан лаванг Махсум болани сувдан ташқарига, муз устига иргитиб юборади-да, ўзи дир-дир қалтираб ҳовуздан чиқади ва дарров чопонига ўрналиб олади. Ойбек, Болалик.

чиқ II: тақлидий сўз. Томчининг урилишидан чиқадиган ва шунга ўхшаш товушни билдиради. *Онам: «Томчининг ҳар чиқ этгани бир кунлик умрининг чиққани», — дердилар. Парда Турсун, Уқитувчи.*

ЧОП

чоп I феъл. Югурмоқ [бежать, скакать]. *Чопқир, чопагон, чопар* (эскирган), *отчопар* (эскирган). □ *Уйдан чопиб чиқмоқ. Олдига чопиб келмоқ.* □ *Новдарнинг челақларига тўлган сув баландликдаги ариқчага қуйилади-да, бобосини соғиниб келган набирачадай боғ ичига чопади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

чоп II феъл. 1. Зарб билан уриб кесмоқ [рубить]. *Чопқи.* □ *Қилич билан чопмоқ. Теша билан (пойтеша билан, болта билан) чопмоқ.* □ «Қочма, чопиб ташлайман!» Қудрат қочини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

2. Ер сатҳини кесиб ағдармоқ [окучивать]. *Чопиқ.* □ *Ерни кетмон билан чопмоқ. Қартошка чопмоқ.* □ *Тонг ёришгандан кун қорайгунча тиним йўқ: сигир соғаман, молхона тозалайман, нон ёпаман, ош пишираман, кир юваман, уй супураман, ҳатто ўтин ёраман, ер чопаман...* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ЧОР

чор I, чори от. Чиқинди, яроқсиз қолдиқ [охвостье, отбросы]. *Бу даладан ўрилган доннинг анча қисми чорга чиқиб кетди.*

чор-II [< русча царь] от. Рус подшоши. Чоризм. □ *Чор самодержавиеси.* □ *Чор тахтини йиққан ишчилар, Деҳқон қўлин сиққан ишчилар.* Енғин Мирзо.

чор III [< тожикча чаҳор] сон. Тўрт [четыре]. *Чорак (чорияк), чорва (чорто), чоргоҳ, чордевор, чорраҳа, чоршанба, чорқирра.* □ *Чор атроф.* □ *Кекса қайрағоч чайлани ва унинг чор*

атрофини ўз бағрига олиб, бўрон, селдан, қуёш қизигидан каттакон соябондай сақлаб турарди. Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЧОҒ

чоғ I [**чоқ**] *от.* Вақт, пайт, он [время, пора, момент]. *Шу чоғда, Шу чоғ қача.* Болалик чоғимда. □ Тонг чоғи у биринчи марта кўзларини очиб, шифтега, деразага сокин тикилди, беҳол тамшаниб, сув сўради. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

чоғ II *от.* Чама, тахмин [предположение, приблизительный расчет]. *Чоғла(моқ) I, чоғи, чоғли (йигирма чоғли).* □ Ҳосил менинг чоғимдан бир оз кўп бўлди.

чоғ III *сифат.* Ҳажми кичик [малого размера]. *Чоғлик (чоғлик қилмоқ).* □ Бу хона наригисидан чоғроқ экан. *Этик оёғимга бир оз чоғроқ келди.* □ *Жуссаси чоғ бўлса ҳам, чайирини, юрагида ишқ ўти кўпроғини танлаб олдик.* Йўлдош Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

чоғ IV *предикатив сўз.* Яхши, кўтаринки ҳолатда [положительный, преподнятый]. *Чоғла(моқ) II.* □ *Кайфи чоғ. Димоғи чоғ. Вақти чоғ. Димоғини чоғ қилмоқ.* □ *Уй ишларини ҳам бошдан охиригача ота-онаси бошқарарди-ю, Тўрахонов бу ташвишдан озод бўлганига вақти чоғ эди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЧОҒЛА

чоғла I [**чоғ II+ла**] *февл.* Чамаламоқ, тахминан белгиламоқ [прикинуть]. *Чоғлаб кўрсам, тўй қилишга ҳали кўп нарсамиз етишмас экан.* □ «Ачинсанг, ёнимга кир, қизчаларга ёрдамлашайлик»,— деди Уктам кетмонини қўлида чоғлаб кўриб. Ойбек, Олтин водийдан шабадалар.

чоғла II [**чоғ IV+ла**] *февл.* Яхшиламоқ, кўтармоқ [приподнять, улучшить]. *Кайфини чоғламоқ. Самиий суҳбатдан кейин кайфият бир оз чоғланди.* □ *Айноқ белини маҳкам боғлади, кампирни сийлади, димоғини чоғлади.* «Равшан».

ЧУВ

чув I: *от.* Арава ўқининг гилдиракни тутиб турувчи қулоғи [чека]. *Чуви чиқди* (эркин боғланишда—«понаси чиқди»; турғун боғланишда—«сири очилди, яширин томони ошкор бўлди»). □ *Аҳмаджон ака, жуда қалтис иш-да.. Бир чуви-*

н гиз чиқса борми—бу ёгингиз—райком, бу ёгингиз—прокурор-а! Абдулла Қаҳҳор, Қалтис ҳазил.

чув II: *от.* Қимор ўйинида (тўрт ошиқ ташлашда) ютқизиқли ҳолат. *Чув тушмоқ* («ютқизмоқ»). *Очиқ кўксига уриб, Ошиқ отади. Чув тушиб нечалар, Кайф тарқатади.* Ғайратий.

чув III, чу, чуқ ундов. Отни ҳаракатланишга чақирувчи хитоб. *Отлиқлар гаплашмас, фақат ҳар замон отга шилт қамчи босиб, «чув» деб қўйишарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

чув IV: тақлидий сўз. Шовқин-сурон товушларини билдиради. *Чувилламоқ, қий-чув.* □ *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

ЧУҚУР

чуқур I *сифат.* Сатҳдан анча паст, чўнқир [глубокий]. *Чуқурлик, чуқурламоқ.* □ *Чуқур ўра (арик, дарё, ҳовуз, жарлик).* □ *Ҳовлининг ўртароқ ерига чуқур ўчоқ ковлаб, катта дошқозон осилибди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

чуқур II [**чуқур I**] *от.* Уйилган, қазилган ёки табиий чуқурлик [яма]. *Чуқурча.* □ *Учоқ четидаги маҳсус чуқурга қумгон қўйди.* Парда Турсун, Уқитувчи.

ЧУПЧАК

чўпчак I *от.* Эртақ [сказка]. *Чўпчагим—чўпчак, олтин беланчак, олти қизнинг онаси ҳалигача келинчак.* □ *Айтмагунимча қўйиб юбормаслигини биламан-да, ёд олганим ибратли бир чўпчакни айтиб бераман.* Ойбек, Болалик.

чўпчак II [**чўб+чак**—кичрайтиш маъносини ифодаловчи аффикс] *от.* Қуруқ шох-шабба [хворост]. *Чўпчак тердим бир қучоқ, Кулча ёнди бир ўчоқ.* □ *Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юрийди.* Абдулла Қодирий, Обид кетмон.

ЧУТ

чўт I [**русча счёты**] *от.* Арифметик тўрт амални бажаришда ишлатиладиган қурол. *Чўт қоқмоқ. Чўтга солмоқ. Чўтда айирув амалини бажармоқ.* □ «*Хоҳласангиз, мана чўт.* Бой тоқчадан чўтни олиб, Муҳаммад Расулга сурди. «*Бизга барибир, чўтсиз ҳисоблай берамиз.*» Ойбек, Қутлуғ қон.

чўт II *от;* сўзлаш. *Теша. Менга чўтни узатиб юборинг.*

ШАЙТОН

шайтон I [арабча **شیطن**] от; *диний*. Одамларни дин йўлидан оздирувчи афсонавий махлуқ, иблис [сатана, дьявол]. *Шайтон-ламоқ, шайтонкаси, шайтонкавуш.* □ *Ибодат қилмасмик умуманг гуноҳ эмас, лекин ибодат қилмаган киши шайтоннинг гапига кириб қилмагани учун гуноҳ ҳисобланади.* Абдулла Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

шайтон II [*< шайтон I*] от. Сатҳнинг текис эканини аниқлашда ишлатиладиган асбоб [ватерпас]. *Горизонт текислигини шайтон ёрдами билан билиш мумкин.* «Астрономия» дарслигидан.

шайтон III [*< шайтон I*] сифат. Устомон, шўхчан ва қув [шаловливо-лукавий]. *Шайтонлик.* □ *Отабек Кумушнинг сўз ўйинига ажаблалар ва «Ҳой шайтон» дегандек унга қарар эди.* Абдулла Қодирий, Утган кунлар.

ШАКАРАК

шакарак I [тожикча] от. Қовун навларидан бирининг номи. *Кейинги йилларда деҳқонлар яна шакарак эка бошладилар.*

шакарак II [тожикча] от; *сўзлаш*. Усимликка тушадиган паразит ҳашарот, шира [тля]. *Шафтолига шакарак тушибди.*

ШАМА

шама I от. Ишлатилган чой қуйқаси [вываренный чай]. *Самоварчилик ўлгудек майда иш. Сув олиб кел, ўтин ёр, оғиз-бурнинг кулга тўлиб пуфлаб, чўп тиқиб тур, пиёла арт, шамани тўк..* Шариф Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

шама II [*< арабча شمع*—«ҳазил қилмоқ»] от. Имо-ишора, луқма [намёк]. *Шама қилмоқ* (намекать). «*Мен ҳам бўйимда бўлганимда...*» «*Таажжуб...*—ўйланди Дилдор.—*Менинг бўйимда бўлганини бу қайқдан билади? Нега бунга шама қилпти?*» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ШАР

шар I [русча] от. Донра, курра, думалоқ жисм. *Ер шар*. *Ҳаво шар*. *Шарнинг сирти*. *Шар шаклидаги.* □ *Можақалдироқ шундай қаттиқ гулдурадики, гўё қўрғошиндан ясалган катта-катта шарлар тошларга урилиб, тоғлардан*

пастига юмалаётгандай эшитилди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

шар II: *тақлидий сўз*. Шиддат билан ёмғир (жала) ёққанда, газмолни йиртганда, ўроқ ўрганда чиқадиган товушни билдиради. *Шарилламоқ. Шар-шар ёғмоқ.* □ *Ўроқ ўткир эди. Уралиб-чаплашиб ўсган қалин майсани «шар-шар» йиқиб борар экан, ўзи ҳам завқланди.* Ойбек, Қутлуг қон.

ШАРТ

шарт I [арабча **شرط**] от. Бажарилиши, қабул қилиниши лозим деб белгиланган талаб [условие]. *Шартлашмоқ, шартли, шартнома, шарт-шароит.* □ *.. ростгўйликни, ҳамдардликни ва ҳамкорликни келгусида биргаликда кечириладиган ҳаётнинг асосий шарт* қилиб қўйган ва турмушларини шу асосда бошлаган эдилар. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

шарт II [*< шарт I*] *предикатив сўз*. Зарур, лозим [обязательно, необходимо]. *Врач белгилаган тартибга итоат қилишингиз, парҳез сақлашингиз шарт.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

шарт III: *тасвирий сўз*. Кескин ҳаракатни билдиради. *Шартаки* (одам), *шартта* (қесиб қўймоқ), *шарт-шурт* (урмоқ, гапирмоқ). □ *Симни шарт этиб узиб ташламоқ.* □ *Лекин Аҳмаджон ҳамон шийпонда михланиб ўтирар, кўз олдида Дилдор жонлар, унинг шарт-шурт сўзлари, азбаройи қувноқлигидан ўқтин-ўқтин қийқириб кулиши қулоқларига эшитилгандай бўларди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ШАШКА

шашка I [русча] от. Оқ, қора катакларга оқ, қора думалоқ ясси доналар тикиб ўйналадиган ўйин. *Шашка тахтаси. Шашка донаси. Шашка ўйнамоқ. Шашка ўйини қойдалари.* 100 катакли шашка.

шашка II [русча] от. Думалоқ ясси шаклда тайёрланадиган портловчи модда. *Портловчи шашка. Ендирувчи шашка. Тундундан тўсиқ ҳосил қилувчи шашка* (дымовая шашка).

ШИМ

шим I от. Гавданинг белдан паст қисмига кийиладиган уст кийим [брюки]. *Муштарини шимининг чўнтагига суқиб кезинар экан, қовоғини солиб сўради: «Подачининг оти нима?»* Парда Турсун, Ўқитувчи.

шим II *фезл*. Суюқ ҳолатдаги нарсани ўзига сингдирмоқ [впитывать]. *Кечқурунда бориб ҳаво бирдан совиб, ёмғир ёғди. Ав-*

валига майдалаб ёғди-ю, ерга ўтирган чангдек сингиб кета берди. Қанчаики ёғса, ҳаммасини қақраган ер шимиб оларди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ШИП

шип I от. Хонанинг тепа томони [потолок]. Лампочка шипдан ярим метр пастда ёниб турарди. □ [Клуб] деворлари сомонли лой билан сувалган бўлиб, шипи бир неча устунга осилиб тургандай туйиларди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

шип II: тақлидий сўз. Енгил қадам ташлаганда чиқадиган товушни билдиради. Қўққисдан «шип» этган бир шарпа уни тўхтатди. Ғайратий, Довдираш.

ШИРА

шира I [тожикча] от. Мевага ширинлик хусусияти берувчи моддалар (сахаристость). Шираси кўп узум. Уриклар шира боғлабди. □ У бир неча лаҳзада косани тушириб, юққа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудай бўлиб турган шафтолига қўл урди. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

шира II [<шира I] от. Усимликка тушадиган паразит, ҳашарот, шакарак [тля]. Бодринг палагини шира босибди. Шафтолига шира тушибди. □ Шира кўп қасофат нарса: гўзанинг ёш баргларига ёпишдими, уни бужмайтириб қўяди, қанча-қанча ҳосили нобуд бўлади. Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШИШ

шиш I феъл. Қабариб чиқмоқ, гумбаз шаклида кўтарилмоқ [пухнуту, отека́ть]. Шиша. □ Юзи шишибди. Кечга бориб оёқларим салқиб, шишади. □ ... қаерга боришини, бегона жойларда нималар бўлишини ўйлай-ўйлай боши шиган, қисматининг аччиқлигига йиғлай-йиғлай кўзлари қуриган Нафиса .. бир бегона аёл ўз онасидай меҳрибонлик қилаётганидан ўзини йўқотиб қўя ёзди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

шиш II [<шиш I] от. Организм тўқималарининг жароҳатланиб қабариб чиққан ери [опухоль, отёк, шишка]. Улка шиши. Ёмон шиш. Оёғининг шиши анча қайтди. □ Агар бу шиш газак шиши бўлса, пахтадоғ фойда қилади, лекин рак шиши бўлса, авж олдиради. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ШОЛ

шол I [<тожикча шал] от. Фалаж [паралич]. Шол бўлмоқ. □ Оёғим шол, ўрнимдан қўзғалолмайман. □ Кампирим ишга ярамайди. Шол бўлиб қолган. Отаси ҳам шол бўлиб ўлган. Саид Аҳмад, Ҳукм.

шол II [тожикча шол] от; эскирган. Дағал тўқилган юнг газлама [домотканная шерстяная ткань]. Шол рўмол. □ У қора кўйлаги устидан қалин қора жемпер кийган, бошига қора шол рўмол ўраган; лўппигина оқ юзи, чиройли қуралай кўзлари маъюс. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ШОН

шон I [тожикча] от. Этик кўнжи қолини [колодка (для голенищи сапога)]. Шончўп. □ [Унсин] шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсиларни силлиқ ёғоч билан кучи борича шқалаб, сўнг қора гул суркаб, уларга пардоз беради. Ойбек, Қутлуғ қон.

шон II: [<арабча شان — шавъ] от. Иззат-обрў, мавқе [достоинство, честь, репутация]. Шонли, шон-шараф, шон-шухрат, шон-шавкат. □ Сенга дўст бўлиб ортди Қадримиз, қимматимиз, Инсоний ҳуқуқимиз, Шон ила шухратимиз. Ғайратий.

ШОХ

шоҳ I [тожикча] от. Мугуз [рог]. Шоҳдор. □ Шоҳи борми?! Ҳўкизнинг шоҳига урсанг, туёғи зирқирайди. Мақол. □ «Ҳа, мени биринчи марта кўриб турибсизми?— Азиз Аҳмаджонга кўз қирини ташлаб жуда сокин гапирди.— Бошимда шоҳ, елкамда қанот пайдо бўлибдими?» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

шоҳ II [<тожикча шоҳа] от. Дарахт танасидан ёнга ўсиб чиққан ўсимта [ветвь]. Сершоҳ, шохламоқ, шохобча, шох-шабба. □ Шоҳ отмоқ. □ Толдан бир даста истақ қирқиб келган Аҳмаджон Раҳим бобо қолдириб кетган шохларни тараб боғлашга киришди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ШТАТ

штат I [немисча staat — «давлат»] от. Федератив республика составига кирувчи, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига озми-кўпми эга бўлган ўлка, территория. Америка Қўшма Штатлари. Ҳиндистон республикасининг Мадрас штати.

штат II [немисча stätte — «жой, макон, бирор нарса тўпланган жой»] *от.* Бирор муассаса, ташкилот ходимларининг лавозими ва мошин белгилаб тасдиқланган состави. *Штатни тўлдирмоқ. Штатни қисқартирмоқ. Янги штатлар жорий қилмоқ. Штатни тасдиқламоқ. Штат бирликлари.* □ «Табелчилик штати керакми?» — сўради раис бригадирдан. А. Мадумаров, Бригадирликда гап кўп.

ШҶР

шўр I [тожикча *шўридан* феълнинг ҳозирги замон асоси] *от.* Ташвиш, нотинчлик [горе, несчастье]. *Пешанамнинг шўри. Шўрини қурғур.* □ *Худо бандасини яратганда пешанасига «Чоракор бўласан» деб ёзмасин.. Э-ҳа, камбағалнинг шўрини асти сўриманг.* Мирзакалон Исмоилӣ, Фарғона тонг отгунча.

шўр II [тожикча] *сифат.* Тузли, тузи кўп [солёный, засолёный]. *Шўрхок (ер), шўр бўлиб қолмоқ, шўр қилиб қўймоқ.* □ *Шўр балиқ. Қайла шўр.* □ *Ҳали ош вақтида ошнинг тузини паёт қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан деб баҳона қилмаин-да, катта жанжал чиқараман.* Ҳамза Ҳакимзода, Тўхматчилар жазоси.

шўр III [*шўр* II] *от.* Туз [соль]. *Ернинг шўрини ювмоқ.* □ *Йўлнинг ўнгида олти минг, сўлида олти минг гектар қумоқ олтин ер пишиб ётибди: на шўри бор, на ботқоғи...* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ШҶРА

шўра I [тожикча] *от.* Барги оқни товланадиган ўт, олабўта [лебеда]. *Шўразор.* □ *Ариқнинг нариги ёнида какра, супурги, шўра, сассиқкана, яна алақандай ёввойи ўтлар говлаб ётарди.* Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

шўра II [тожикча] *от.* Узум мевасининг гулга келиб қолган ҳолати (оқни товланади) [э. гязь]. *Биринчи хомтоқни ток новдаларида шўра пайдо бўлишига қараб апрель ойининг охирида .. ўтказиш маъқул.* М. Собиров, Хомтоқ.

ЭКВИВАЛЕНТ

эквивалент I [латинча *aequivalens, aequivalentis*] *от.* Уз қиймати билан бошқа бир нарсани тўлиқ қопловчи, унинг ўрнини боса олувчи, қиймати жиҳатидан тенг келувчи нарса. *Бирор сўзга эквивалент топиш. Бирикма таркибидаги бирор моддани эквиваленти билан алмаштириш.* □ *Қўшим-*

ча қиймат товар муомаласидан пайдо бўла олмайди, чунки товар муомаласида эквивалентларгина айирбошла-нади. В. И. Ленин, «Карл Маркс».

эквивалент II [*русча эквивалентный*] *сифат.* Қиймати тенг, тўлиқ ўринбосар. *Эквивалент тенгнамалар. Эквивалент оғирлик. Эквивалент сўзлар.*

ЭЛЛИК

эллик I *сон.* Бешинчи ўнликнинг номи [пятьдесят]. *Шу жиккаккина чол бундан эллик беш йил аввал Қибрай жамоа шўроси-нинг раиси бўлиб ишлаган ... Ҳамид Фулом, Бинафша атри.*

эллик II [*ал* — «қўл, бармоқ» + *лик*; *санок* сон билан ифодаланган сифатловчи олиб ишлатилади] *сифат.* Бармоқнинг кенглигига тенг. *Икки эллик хат.* □ *Кўндан қутилган қор тўрт эллик ёғиб, томларни оқартирган эди.* Ойбек, Навоӣ.

ЭЛТ

элт I *феъл.* Бирор жойга кўтариб ёки бирга олиб бормоқ [относить, отвозить, доставлять]. *Сиз кетаверинг, юкингишни ўзим элтиб бераман.*

элт II *феъл.* Идишга сиғмоқ [вместать]. *Бу машинанинг баки 60 литр бензин элтади.*

ЭЛЧИЛИК

элчилик I [*эл* + *чилик*] *от.* Халқчилик, кўпчиликка қараб иш тутиш. *Бир томони — элчилик, маҳалла-кўйнинг раъйига қарамаса бўлмайди.*

элчилик II [*элчи* + *лик*] *от.* Элчи бўлиб хизмат қилиш [должность посла]. *Элчилик — гоёт масъулиятли лавозим.*

ЭМ

эм I *от.* Даво [целительное средство]. *Элмаоқ, эмчи (эскирган), эми-дими (эми-дими иш қилмоқ).* □ *Сен келтирган дори бу касалга эм бўлмайди.* □ *Доктор сақлаб қолди ўлим чан галидин, Эми билан соғайдим отдай.* О. Юнус.

эм II *феъл.* Она сутини сўриб ютмоқ [сосать]. *Эмикдош, эмчак.* □ *Чақалоқнинг эмишга ҳам мадори йўқ эди. Бу аёлнинг эмадиган боласи бор. Яхши бузоқ икки онани эмади.* Мақол. □ *Унинг яланғоч тани даланинг ёқимли шабадасидан нафас олиб, қуёш нуруни эма бошлади.* Парда Турсун, Уқитувчи.

ЭРИШ

эриш I сифат. Ножўя, тўғри келмайдиган, ярашмайдиган [неподходящий, неподобающий]. *Бу ишларинг эриш, ука.* □ *Аҳмаджоннинг турмуши, унинг Дилдорги муносабати, айниқса кейинги кунлардаги юриш-туриши унга ўта эриш туйилди.* Ҳамид Гулом, Бинафша атри.

эриш II феъл. Муваффақ бўлмоқ, қўлга киритмоқ, қозонмоқ, етишмоқ [достигать, добиваться]. *Ғалабага эришмоқ. Мақсадга эришмоқ. Муваффақиятга эришмоқ. Депутатликка номзод бўлиш шарафига эришмоқ.* □ *Келажакда у ўғлининг катта мартабага эришмоғини умид қиларди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЭРТА

эрта I от. Тонгдан кейинги пайт, эрталаб [утро]. *Эрталик* (утренник). □ *Эрта билан. Эртадан бери.* Бировнинг ғами эрта кириб, кеч чиқади. □ *Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Қутлуғ қон.

эрта II [*< эрта I*] *от.* Келаси кун, эртадан бошланадиган кун [завтрашний день]. *Эртага* (завтра), *эртаги, эртан, эрта-индин, бугун-эрта.* □ *.. иш бўлмаса, ётинлар, эрта вақтлроқ туриб, ёвонга гўнг ташийсизлар.* Садриддин Айний, Қуллар.

эрта III [*< эрта I*] *равиш.* Белгиланган вақтдан анча олдин, барвақт [рано]. *Эрталаб, эртаман, эрта-кеч.* □ *Эрта бошламоқ. Эрта экмоқ. Эрта пишмоқ. Эрта қайтмоқ. Эрта қаримоқ. Эрта кетиб, кеч келмоқ. Эрта баҳорда.* □ *Ҳали ётмоққа вақт эрта эди.* Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар. «*.. мактабимизнинг участкасида ҳам помидор пишиди, — деди Баҳор, Хайрини қувватлаб. — Пўлиг эрта эктирган эди, мана, эрта пишиди.*» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЭС

эс I от. Хотира [память]. *Эсдалик, эсламоқ, эс-эс* (эс-эс билмоқ). □ *Эсга олмоқ. Эсга келмоқ. Эсига тушмоқ. Эсида турмоқ. Эсда тутмоқ. Эсида бор* (йўқ). □ *Унинг хаёли парижонлигини сўзлаётган бир ҳикоясини унутиб қўйиб, бошқасига ўтиб кетишидан ёки бунисини ҳам эсдан чиқариб, довдираб қолишидан пийқаб олиш мумкин.* Ҳамид Гулом, Бинафша атри.

эс II феъл. Кичик тезлик билан бир нуқтадан бошқа бир нуқтага йўналмоқ, оқим ҳосил қилмоқ (ҳаво қатлами ҳақида) [веять, дуть]. *Кўм-кўк ўтзорлар ичидан ёқимли шабада эсди-да, қиз билан йиғитнинг юзларини сийпалади.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЭТ

эт I от; эскирган. Гўшт [мясо]. *Қўй эти. Мол эти. Эт — этга, шўрва — бетга.* Мақол. □ *Сиз мана шу пулга гузардан бир чорак эт келтириб, шўрва қилиб берсангиз!* Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.

эт II: ёрдамчи феъл (от қўшма феъл ясалишида қатнашади). Қил, айла. *Давом этмоқ. Қасб этмоқ. Ялт этмоқ.* □ *Жимжима мавжларнинг бир текис шивирлаши, чархпалак новларининг бир меъёрда енгилгина шовиллаб айланиб туриши инсон юрагига тинчлик баҳи этади.* Ҳамид Гулом, Бинафша атри.

ЭФИР

эфир I [юнонча aither — қадимги юнон мифологиясида ҳавонинг энг юқори шаффоф қатлами (олов, сув, ер, ҳаводан ташқари, коинотни қоплаб турувчи бешинчи элемент — ўта назик материя)] *от.* Фазо, само. *Эфирда* — «*Время*» *информацион программаси.*

эфир II [юнонча aither] *от; химия термини.* Спирт ёки фенол таркибидаги сувни ажратиб олгач ҳосил бўладиган рангсиз, учувчан ўткир ҳидли суюқлик (медицина ва парфюмерияда фойдаланилади). *Эфир мойлари. Олтингурут эфири. Этил эфирдан эритувчи сифатида фойдаланилади.*

ЭШ

эш I от; сўзлаш. Ҳамроҳ, ўртоқ [спутник, товарищ]. *Эшмат* (*Эшмуҳаммад*). *Қани, менга ким эш бўлади?* □ *Кўп ўтмай янги шаҳардаги бошланғич мактабга муаллим бўлиб кирди, билимли рус, қозоқ йиғитлардан дўст-эш орттирди.* Асқад Мухтор, Чинор.

эш II феъл. Бураб пишитмоқ [вить, скручивать]. *Ип эшмоқ. Яхши эшилмаган арқон.* □ *Мен ҳам тек турмасдим: мактаб маҳалигача онам ёнидан жилмай, пахтаги чигириқдан чиқарар, калава ўрар, пахта савар, ҳатто пилта ҳам эшиб берардим.* Еқубжон Шукуров, Қасос.

эш III феъл. Қайиқни ҳаракатга келтириш мақсадида эшкак ишлатмоқ [грести]. Эшкак. □ *Лаби чўччайган кичкинагина санитар қиз эшкак эшарди.* Асқад Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

Ю

- ю I тенг боғловчи (унлидан кейин қўшилади). *Келди-ю, кетди. У кўп ўқийди-ю, аммо ўқиганларининг мағзини чақмайди.* □ *Ўзи икки букилиб қолибди-ю, бизни ҳали ҳам ёш боладек кўради.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- ю II юклама. Таъкид, сўроқ маъносини ифодалайди. *Ўзи нима гап бўлди-ю? Сени қара-ю!* □ *Буни қамаган мингбоши-ю, бу ҳезалак махсум мендан домангир.* Назир Сафаров, Уйғониш.

ЮБОР

- юбор I феъл. Бир жойдан бошқа бир жойга йўналтирмоқ [посы- лать, отправлять]. *Одам юбормоқ. Хат (табрикнома, телеграмма) юбормоқ. Қасалхонага юбормоқ.* □ *Сабабини сўрасак, кеннойимиз бундан беш кун аввал сепларини йиғиб, кетиб қолган эканлар, шидан бўшатилни сўраб почтадан ариза юборибдилар.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- юбор II [*< юбор I*] кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лек- сик маънога «ҳаракатнинг тўла ва узил-кесил бажарилиши» грамматик маъносини қўшади. *Унутиб юбормоқ. Ҳайдаб юбормоқ. Кўчириб юбормоқ.* □ *Опа жажжигина руҳ электр самоварни қўйиб юборди-да, ёзув столи тортмаси- дан печенье терилган ликоб олди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ЮЗ

- юз I от. Бошнинг бурун, оғиз жойлашган олд томони, афт [лицо]. *Юзсиз.* □ *Раҳим бобо .. Аҳмаджоннинг иссиқдан бурққан қо- рамағиз кўркам юзига, тўсдай тим қора қалин сочига .. зимдан тикилиб сўради ..* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- юз II сон. Унта ўнликка тенг миқдор [сто]. *Юзталиқ.* □ *Икки юз киши. Юз сўм пул.* □ *.. чигитларни қўш қатор экиш нати- жасида кўчатларни ҳар гектарга ҳозирги юз минг ўрнига икки юз мингга етказиш ва балки ундан ҳам ошириш ке- рак.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

юз III [*< суз*] феъл; сўзлаш. Сувда ҳаракатланмоқ [плавать]. *Бо- рчанинг ўртасидаги мрамрдан ишланган ҳовузда олтин ба- лиқлар юзиб юради.* Абдулла Қаҳқор, Сароб.

ЮПҚА

- юпқа I сифат. Ён кўлами нисбатан кичик [тонкослойный]. *Юпқа газлама. Юпқа қоғоз. Юпқа тери. Юпқа ойна. Юпқа тахта.* □ *Кун совиб, қиров тушди, кеча тунда ариқдаги сув юпқасина муз билан қопланди.* Ҳамид Фулом, Би- нафша атри.
- юпқа II [*< юпқа I*] от. Хамирни юпқа ёйиб, қиздирилган қозонда ҳар икки томонини ағдариб пишириб, сўнг ичига қиймали пиёздоғ солиб, тўрт бурчак шаклида тахлаб тайёрланадиган овқат. *Ўқишда толиқиб қолмасин деб, доим сомсами, уч- тўртта юпқами пишириб қўяман.* Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан.

ЮТ

- ют I от. Ер музлаб, ем-хашак йўқлигидан уй ҳайвонларининг қи- рилиб кетиши, шунинг натижасида юз берадиган очарчилик. *Ютамоқ, ютоқмоқ, ҳут-ют.* □ *Яхшига — қут, ёмонга — ют.* Мақол. □ *Увоқ моллар кўтарам бўлиб, ют бошланди. Аса- бий текширишлар кетди.* Суннатилла Анорбоев, Оқсой.
- ют II феъл. Бўғин мускуллари кўмагида бирор нарсани оғиз бўш- лигидан ошқозон томонга ўтказмоқ [глотать]. *Ютум.* □ *Бир қултум сув ютмоқ. Ўрикнинг данагини ютиб юбор- моқ. Қон ютмоқ. Дўстинг учун захар ют.* Мақол. *Ют- ганим — ўзимники, чайнаганим — гумон.* Мақол. □ *Аммо ҳаво қуруқ бўлганидан нафас олиш енгил, чунончи, оловни ютасиз-у, бироқ у ичингизни кўйдирмайди, қиздиради, чанқатади.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.
- ют III [*< ут*] феъл. Мусобақа, ўйин кабиларда ижобий натижага эга бўлмоқ, ғолиб чиқмоқ [выигрывать]. *Ютуқ.* □ *Заёмдан (лотереядан) ютмоқ. Шахматда (бирор спорт тури мусо- бақасида) ютиб чиқмоқ.* □ *Табрик қиламан, бригаданг- из бу чопиқда ҳам ютиб чиқди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

ЮҚ

- юқ I феъл. 1. Оз миқдорда ёпишиб, ифлос қилмоқ [прилипать, пачкать]. *Эҳтиёт бўлинг, эшик мойланган, юқади.* Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг, балоси

ю қар. Мақол. □ У йўлни ҳам жуда танлаб юрарди, шунча йўл юриб, почасининг жиягига гард юққан эмас. Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

2. Бошқага ўтмоқ, бирор жонлидан касалланмоқ [передаться, заражаться]. Сен йўлаб гапираяпсанми? Сен ўз касалингни енгунча, бошқаларга юқтирасан!.. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

юқ II [*< юқ I I*] от. Идишга, бирор жойга ёпишиб қолган қолдиқ. Қатиқ юқи. Ун юқи халта. Еғ юқи. □ Ойим келганларида, ҳовлидаги қон юқларини кўриб, қўрқиб кетдилар. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. Халқ жонини фидо қилиб ишласа-ю, унга косага юқ бўлмайдиган овқат берса. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЯЛАНГ

яланг I сифат. Қопланмаган, ўралмаган, кийимсиз [голый]. Яланғоч. □ Яланг бош. Бош яланг. Яланг оёқ. Оёқ яланг. □ Ҳар қачонгидай энига енгилгина яланг қават кулранг яқтак кийган, белбоғини салла қилиб ўраган кекса темирчи .. Пўлатга қараб кулиб гапирди .. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин. Иккинчи томони — яланг қамишзор. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

яланг II равиш. Нуқул, узлуксиз [беспрерывно, постоянно]. У яланг кулади. Яланг кеч қолади. Яланг сархилини териб ёйди.

яланг III: жуфт сўзнинг иккинчи қисми бўлиб келади. Йигит-яланг (парни), ёш-яланг (молодёжь). Кейинги кунларда маҳалла йигит-яланглари ўртасида янги гап тарқалди. Ҳамид Ғулом, Машғал.

ЯРА

яра I [асли ёр—«ажрат»+а—от ясовчи аффикс] от. Чиқиқ, жароҳат [болячка, рана]. Ярадор, яра-чақа. □ Хавфли яра. Емон яра. Ошқозон яраси. Ярасига туз сепмоқ. Қўлига яра чиқибди. □ Бироқ, дўстларим, хавотир олманглар. Бизнинг врачларимиз бундан ҳам оғир яраларни муваффақият билан даволамоқда. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

яра II феъл. Қерак бўлиб қолмоқ, асқотмоқ, бакор келмоқ [годиться, пригодиться]. Ярамас, яроғ. □ Майли, олиб қўя берай-чи, бир кунимга яраб қолар. Боғлоқлиқ ит овга ярамай-

ди. Мақол. □ Пўлатга айтмагин, қизим, хўпми? Унинг байрамини қайғуга айлантириш ярамайди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЯРАШ

яраш I феъл. Уриш-жанжални тўхтатиб, яхши муносабатни тикламоқ [мириться]. Унақа олифта бўлса, келмасин эди! Ярашгани келганми, уй кўргани келганми? Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

яраш II феъл. Монанд келмоқ, тўғри, ўринли бўлиб тушмоқ [подходить, быть к лицу]. Қимирламанг, отахон! Сиз келганда биз турсак, ярашадим, биз келганда сиз турсангиз, хунук кўринади. Абдулла Қаҳҳор, Хотинлар.

ЯШАР

яшар I [(ёш I + а — феъл ясовчи аффикс) + р — сифатдош ясовчиси] сифат. .. ёшга етган, .. ёшли (саноқ сон, ўрта, неча каби сўз билан ишлатилади). [..летний]. Тўқсон яшар чол. Олти яшар бола. Икки яшар тана. Саккиз яшар от. □ Жўнаганимда икки ўғлим бор эди, каттаси тўрт яшар, кичиги бир ярим яшар эди. Парда Турсун, Ўқитувчи.

яшар II [ёш II + ар — феъл ясовчи аффикс] феъл. Еш бўлиб кўринмоқ; кўркамлашмоқ [молодеть]. Сув шимиб яшараётган ғўзалар яйрайди. Иброҳим Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎЗ

ўз I [асли унлиси юмшоқ ва чўзиқ] олмош. Ишлатилишига қараб русча сам (сама, само), свой (своя, свое) олмошларига тўғри келади. Ўзга, ўзича, ўзлашмоқ, ўзлик, ўзаро, ўзбилармон, ўзбошимча. □ Ўзим биламан. Ўзини билмасликка олмоқ. Ўз оёғи билан келмоқ. Ўз ихтиёри билан бермоқ. Ўз уйим, ўлан тўшагим. Мақол. Ўзи — хон, кўланкаси — майдон. Мақол. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ. Мақол. □ .. чошгоҳга борганда қуёшдан олов ёмғири ёғилади. Одамлар ўзларини панага — сояга оладилар. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ўз II [асли унлиси қаттиқ ва қисқа] феъл. Олдинга ўтиб олмоқ, аввалгига нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлмоқ. Ўзағон, ўзғир, ўзоғ (ўзоғ йил). □ Пойгада ўзмоқ. Пахта теришида бошқа областлардан ўзиб кетмоқ. □ Аҳмаджон

шағал, тош, цемент ортеан самосвалларни .. бирин-кетин ён-лаб ўзиб ўта берди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

УИ

ўй I [асли унлиси қаттиқ] от. Фикр, хаёл [дума, размышление]. Ўйламоқ, ўйчан, ўйчи. □ Уйга ботмоқ. Ҳар хил ўйга бормоқ.. Ўйлаб, ўйининг тағига етолмаслик. □ Чол бир оз ўйга толгандан кейин, йўқотган гапининг учини топиб олди шекилли, кўзлари тийраклашди, қошлари чимирилди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўй II [асли унлиси қаттиқ] феъл. Чуқурча ҳосил қилмоқ, чўқиламоқ [делать углубление, выдалбливать]. Ўйдим, ўйма, ўймоқ (чуқурча). □ Еғочни ўймоқ. Деворни ўймоқ. □ Тирноқла ер ўйиб, сувлар оқизган Ғариблар аҳволи қоларди тангага. Ғайратий.

ўй III [асли унлиси юмшоқ] феъл. Бураб олмоқ, қаттиқ чимдимоқ [больно (основательно) ушинуть]. Роҳила [қизининг] биқинини ўйиб олди. Абдулла Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

УЛАН

ўлан I [асли ўл—«сернам, намли»] от. Сернам ўт, майса [сочная трава]. Ут-ўлан. □ Уз уйим, ўлан тўшагим. Мақол. □ Кўмкўк ўланлар ва уларнинг орасидан илон изи бўлиб қуёшининг нурида кумуш тасмадай ярқираб турган ариқ ва ариқчалар кўриниб туради. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

ўлан II [қозоқча] от. Қўшиқ [песня (казахская)]. Уланчи. □ Улан овози. Улан айтмоқ. □ Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ўлан кўндир, ёр-ёр. Қўшиқдан. □ Тенгдошлар қўшиғи — дўстлик ўлани Қуёш йўлларида кетсин жаранглаб. Султон Акбарий.

УНГ

ўнг I [асли унлиси юмшоқ] от. Уйғоқ ҳолат, тушнинг акси [явь]. Азиз Нафисани кўрди-ю, ҳушини йўқотиб қўйишига оз қолди. «Епирай, тушимми, ўнгимми!»—деб юборди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўнг II [асли унлиси юмшоқ] от. Олд, кўриниб турган ер [перед]; сирт, юз [лицевая сторона, верх]. Кўз ўнгига келмоқ. Кўз ўнги қоронғилашди. Читнинг ўнги. Кўйлакнинг ўнги ни ағдармоқ. Орқа-ўнги ни кўрмоқ.

ўнг III [асли унлиси қаттиқ] сифат. Қулай [удобный]. Унглаймоқ, ўнғай, ўнғармоқ. □ Бу йўл менга ўнги эмас. □ Эҳ, нега бунчалик чаптасига кетяпти-я ишлари? Сира ўнги дан келмайди-я. У энди елкасини ростлаганда, тақдир шартта гарданига уради. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ўнг IV [асли унлиси қаттиқ] сифат. Гавданинг юрак йўқ томонидаги, чапнинг акси [правый]. Унги қўл. Унги кўз. Унги да. □ Йўлканинг ўнги томони — мевазор, чап томони — тоқзор: икки ишкомгина узум. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўнг V [асли унлиси қаттиқ] феъл. Рангини йўқотмоқ [линять]. Ювсам, ўнгиб кетди. Бу материал ҳеч ўнги майди. □ У сочлари ўсиб кетган, бошига жияклари сўтилиб, гуллари ўнги ан кичкина дўппи қўндирган, новчагина, суякдор бир бола эди. Парда Турсун, Ўқитувчи.

УПКА

ўпка I от. Нафас олиш органи [легкие]. Упка касаллиги. Упкасини босмоқ. Йўталавериб ўпкаси тушди. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яши. Мақол. □ Ана, кўрдингми, яна йўталаясан! Чўмилган бўлсанг керак-да. Бундай қилаверсанг, ўпканг шамоллаб қолади-ку. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ўпка II [<ўпка I] от. Таъна, гина, ёзғириқ [упрёк, укор]. Упкаламоқ, ўпкачи, ўпка қилмоқ. □ Мендан нима ўпканг бор?! □ Раъно ҳануз ўпка сақлаб, Анварнинг саволларига жавоб бермас, унинг қизиқлик сўзларига ҳам тескари қараб кулар, кулгисини унга кўрсатмас эди. Абдулла Қодирий, Меҳробдан чаён.

УР

ўр I [асли унлиси қаттиқ] феъл. Дон ўсимлиги ёки ўт-ўланнинг ер сатҳи қисмини ўроқ билан кесиб олмоқ [косить, жать]. Уроқ, ўрим I. □ Бугдойни қисқа муддатда ўриб олмоқ. Нима эксанг, шуни ўрасан. Мақол. Арпангизни хом ўрди мми?! □ Кейин колхознинг тоғ бағирларидаги лалмикор ерларида ер ҳайдади, ғалла ўрди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўр II [асли унлиси юмшоқ] феъл. Бир неча қисми бир-бирига эшиб, бир бутун ҳолатга келтирмоқ [плести, заплетать]. Урим II. □ Сочини иккита қилиб ўрмоқ. Арқон ўрмоқ.

□ Нурга чўмилгандай тиниқ оқ юзи, .. майда ўри л'ган узун тилм қора сочларининг жажжи зангори бахмалдан тикилган туморчасини силкитиб тебраниши... Азиз ҳамон эсласа, юраги қалқиб, нафаси томоғига тиқилади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

УРА

ўра I от. Сабзавот сақлаш учун ёки бошқа мақсадда махсус қазилган, оғзи тор, ости кенгроқ чуқурлик [яма]. Сабзи ўра. Кир ўра. □ Уста Олим ҳам қайнисини туришга ишорат қилди ва ўрадан сабзи олиб, тўғрашга буюрди. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.

ўра II феъл. Атрофини беркитмоқ, қуршамоқ, чулғамоқ [окружить, обвёртывать]. Урам. □ Чақалоқни чойшабга ўрамоқ. Ҳовлини тахта девор билан ўрамоқ. Ярани бинт билан ўрамоқ. □ Қаргаларимиз нари борса беш-олти гектар. Улар ҳам туглар билан ўра л'ган. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

УРИМ

ўрим I [ўр I+им] от. Беда, дон ўсимликларининг йиғим-терими [жатва, покос]. Буғдой ўрими. Шоли ўрими. Беда ўрими. Урим-йиғим даври. □ Пастдаги бўлимларнинг экинчи ўримга келмай мол қўйиб юборишди. Пиримқул Қодиров, Қора кўзлар.

ўрим II [ўр II+им] от. Соч, тола кабиларнинг ўрилган ҳолати [плетение]. Урими йўғон соч. Икки ўрим соч. □ Европача тикилган ҳаво ранг кўйлаги нозик қадди-қоматини сириб турган, икки ўрим йўғон сочи бошига турмакланган, сокин мовий кўзлари маъюс ва сал озинқираган ҳозирги ранглар Нафиса аввалги тоғ қизига .. ўхшамас эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

УРТА

ўрта I [асли унлиси қаттиқ] от. Икки нуқтага нисбатан деярли бир хил узоқликда жойлашган оралик (ўрин, пайт...) [середина]. Урталиқ, ўртанча. □ Ҳовлининг ўртаси. Уртага отмоқ. Уртага солмоқ. Икки ўртада. Яқин ўртада. Қиш ўртасида. □ Қишлоқ мевазорлар, ўтзорлар, буғдойзорлар ўртасида қад кўтарган эди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ўрта II [<ўрта I] сифат. Бошланғич билан охириги меъёр оралигидаги [средний]. Уртача. □ Урта ёидаги. Урта асрлар. Урта бармоқ. Урта баҳо. Урта маълумот. □ Урта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ва шу мактабда муаллимликка қолдирилган Нафиса — Нигор опа ишлаган ферма мудирининг қизи. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўрта III [ўрт — «олов» + а; асли унлиси юмшоқ] феъл; оз ишлатилади. Куйдирмоқ, қиздирмоқ (аччиқ, шўр ёки ширали таом ҳақида). Аччиқ шўрва ичимни ўртаб юборди. □ Нигор опа орзулари пучга чиққанига қанча куйса, ўғлининг аҳволини кўриб, ундан ҳам кўпроқ ўртанар эди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

УСМА

ўсма I [ўс — «катта бўл» + ма — от ясовчи аффикс] от. Қошга ранг бериш, ўсинини яхшилаш мақсадида фойдаланиладиган ўсимлик, шундан сиқиб чиқариладиган суюқлик. Усма сиқмоқ. Усма қўймоқ. □ Маликанинг чиройли юзлари қорачадан келган, қалин-қалин қошлари ўсма қўйгандай қоп-қора, сочлари эса узун ва қуюқ, ҳамшиша ялтираб туради. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ўсма II [ўс — «кўтариш» + ма — от ясовчи аффикс] от. Шинш, ёмон шинш, саратон касали [опухоль, рак]. Қасалнинг организида ўсма пайдо бўлибди. □ Тажрибалардан маълум бўлдики, кобранинг заҳари ҳатто рак ўсмасини ҳам ўсишдан тўхтата олар экан. З. Қаримов, Илон заҳри — шифобахш дори.

УТ

ўт I [асли унлиси чўзиқ ва қаттиқ] от. Олов [огонь] Учоққа ўт ёқмоқ. Ут тушди. Ут олмоқ. Ут ўчирмоқ. Хатга тушдинг — ўтга тушдинг. Мақол. □ Сабзининг тўғрамасини олдим, ўчоққа ўт ёқсак бўлаверади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўт II [асли унлиси қисқа ва қаттиқ] от. Гнёҳ, кўкат, майса, ўлан [трава]. Еввойи ўт. Бегона ўт. Ут ўрмоқ. Бу йил ўт кўп бўлади. □ Қадимги Тупроққўрғон деворлари ёнидан, қалин ўт босган сўқмоқдан қишлоққа бирга қайтдилар. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ўт III [<ўд; асли унлиси чўзиқ ва юмшоқ] от. Сафро [желчь]. Ут пуфаги. Ут халтаси. Ути баданига ёйилиб кетибди.

Ўт IV [асли унлиси қисқа ва юмшоқ] *феъл*. Бошқа бир нуқтага ҳаракатланиб етмоқ [проходить, переходить]. *Олдинга ўтмоқ. Қўприкдан ўтмоқ. Дарёдан сузиб ўтмоқ.* □ *Гоҳо кўчадан ўтаётган йўловчиларнинг дарахт кўланкаларидагина юришни кузатсангиз, эгри-қийшиқ ҳаракатидан кайфи бўлса керак деб ўйлашингиз ҳам мумкин.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

УТА

Ўта I [*ўт IV+a* — равишдош ясовчиси] *равиш*. Кучли даражада, ҳаддан ташқари [чрезмерно, слишком]. *Ўта қиздирилган жисм. Ўта қисқа тўлқин.* □ *Аммо Дилдор тамоман бошқа олам. Бобосига меҳрибон, ота-онасининг ҳурматини жойига қўядиган, укаларининг тарбиясига бош-қош, ўта меҳнаткаш, эрта-ю кеч тиниб-тинчимайдиган қиз.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

Ўта II [*ўт II+a* — феъл ясовчи аффикс] *феъл*. Ўтини юлмоқ, бегона ўтлардан холи қилмоқ [полоть]. *Ўтоқ.* □ *Сабзи ўтамоқ. Шоли ўтамоқ.* □ *.. чорбоққа чиқди-да, кўм-кўк барра пиёз ариғида ўт ўтаб ўтирган онаси Нигор опага оқиқ чеҳра билан: «Ойи, отланинг, сизни меҳмонга олиб бораман!»— деди.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

Ўта III [*<ўда;* асли биринчи унлиси чўзиқ ва юмшоқ] *феъл*. Ба-жармоқ [исполнять, выполнять]. *Директорлик вазифасини ўтамоқ. Ўз оталик бурчини тўлиқ ўтамоқ.* □ *Кейин колхознинг тоғ бағирларидаги лалмикор ерларида ер ҳайдади, ғалла ўрди. Сўнгга армия хизматини ўтади.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

УТИН

Ўтин I [*ўт I+ин* — от ясовчи аффикс] *от*. Қирқиб, ёриб, ёқиш учун мосланган ёғоч [дрова]. *Ўтинхона, ўтин-чўп.* □ *Ўтин ёрмоқ. Қуруқ ўтин. Тандирга ўтин қаламоқ.* □ *Қуруқ ўтин бир зумда ловиллаб ёниб кетди.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

Ўтин II [асли *ўт IV* — «кечир, афв эт»+ин — даража ясовчиси] *феъл*. Афв этишни, кечиршни илтимос қилмоқ (настоятельно просить помиловать, простить). *Ўтинч.* □ *У пичоқни ташлаб, бир қўлини кўксига қўйиб ўтинди.* Ойбек, Қутлур қон.

УЧ

Ўч I [асли унлиси чўзиқ] *от*. Аламини олиш учун қилинадиган хатти-ҳаракат, қасос, интиқом [месть]. *Ўч олмоқ. Нима, менда ўчинг борми?! □ Бизнинг батальонимиз шавкатли комиссар учун фашистлардан қаттиқ ўч олишга қасамёд қилди!* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

Ўч II [*<ўч I*] *сифат*. Қўлга киритиш учун астойдил интилувчи, то эришмагунча қўймайдиган [падкий, жаждущий]. *Шириликка ўч бола. Пулга ўч киши. Молга ўч хотин. Ичкиликка ўч йигит. Билимга ўч студент. Янгиликка ўч ёшлар.* □ *Кичкиналигидан чиройли безакларга ўч қиз бу совғаларни битта-битта оладиган, кейинроқ эса, йигит кечалари пахса девор ёнидаги гипосларнинг ёнига секин ҳуштак чалиб келганда, юраги ўйнайдиган бўлиб қолди.* Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Ўч III [асли унлиси қисқа] *феъл*. Ёнишдан тўхтамоқ [гаснуть]. *Олов ўчди. Газ озайса, АГВ ўз-ўзидан ўчиб қолади.* □ *Бирданига кўприк устидаги соқчининг папириси бир нуқтада тўхтаб қолди-да, сўнгга ўчди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

УҚ

Ўқ I *от*. 1. Камонга қўйиб отиладиган найза [стрела]. *Ўқдон, ўқлоғи, ўқёй, ўқариқ.* □ *Камоннинг ўқи. Айтилган сўз — отилган ўқ. Мақол.* □ *У Ҳошимжонга камон, қамишдан бир талай ўқ ясаб берди.* Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

2. Иссиқ қуроллардан отиладиган турли хил снаряд [пуля, снаряд]. *Ўқламоқ, ўқчи.* □ *Милтиқ ўқи. Пулемёт ўқи. Замбарак ўқи. Ўқ товуши.* □ *Баҳор қонгалаш музларни парчалаб, эритиб, катта оқимга бошлаб кетади. Замбарак ўқи танасини чўрт узиб кетган дарахтдан янги куртак чиқаради..* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

Ўқ II [*<ўқ I*] *от*. 1. Икки учига ғилдирак ўрнатиладиган текис қаттиқ предмет (ёғоч, металл) [ось]. *Араванинг ўқи. Машинанинг олдинги ўқи.* □ *Ефим Данилович араванинг ўқи га оёқ қўйиб, чаққонлик билан чиқиб олди.* Асқад Мухтор, Опа-сингиллар.

2. Айланувчи жисм қутбларини бирлаштирувчи тик чизиқ, шу чизиқда жойлашган қисм [ось]. *Ер ўз ўқи атрофида айланади.*

ҚАВС

қавс I [арабча *قوس* — «эгилган»] *от.* Икки (очилувчи ва ёпилувчи) қисмдан иборат камонсимон белги [скобки]. *Кичик қавс* (круглые скобки). *Урта қавс* (квадратные скобки). *Катта қавс* (фигурные скобки).. *Қавс очмоқ.* *Қавс ёпмоқ.* *Қавсларга олмоқ.* *Қавслардан ташқарига чиқармоқ:* □ *Киритма гап одатда қавсга олинади.* М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили.

қавс II < қавс I > *от.* 1. Жойланиши ўқейга ўхшаш бўлгани асосида номланган юлдузлар туркуми. *Қавс* (юлдузлар туркуми) *СССР территориясида баҳор фаслининг охири ва ёз фаслининг бошланишида яхши кўринади.*

2. Эскирган. Қуёш йилининг 22 ноябрдан 21 декабрь оралиғига тўғри келадиган тўққизинчи ойи номи. *Бизда мезон, ақраб ва қавс ойлари қуруқ бўлиши керак, бўлмаса кузги ҳосилни, айниқса ғўза-пахтани йиғиштириб ололмай-миз.* Садриддин Айний, Қуллар.

ҚАДОҚ

қадоқ I [асли *қада* — «бос» + *қ* — от ясовчи аффикс; тарози палласига қўйиладиган ўлчов тоши] *от; эскирган.* 409,5 граммга тенг оғирлик ўлчови [фунт]. *Қадоқла(моқ) I.* □ *Бир қадоқ.* *Ярим қадоқ.* *Чорак қадоқ.* □ *Афанди ишонмай, мушугини тортиб кўрса, тўрт қадоқ чиқибди.* «Латифалар»дан.

қадоқ II [*қада* — «тиқ» + *қ* — от ясовчи аффикс] *от.* Чинни ёки шиса бўлақларини улашда ишлатиладиган металл скобалар, чега. *Қадоқла(моқ) II,* *қадоқчи* (уста). □ *Иккита қадоқ билан бутун бўладиган ликоча.* *Бу лаганга бешта қадоқ кетади.*

қадоқ III [*қада* — «тира» + *қ* — от ясовчи аффикс] *от.* Қўл-оёқда суркалавериб, қотиб қолган тери парчаси [мозоль]. *Қадоқли (қўллар).* □ *Вали ака .. қўлининг қадоқлари озор беришидан кўрқаётгандек, хотинининг пешанасини авайлаб силади.* Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

ҚАДОҚЛА

қадоқла I [*қадоқ I+ла*] *февл.* Маълум оғирлик ўлчови асосида тортиб тақсимламоқ [развешивать, расфасовывать]. *Кеча икки қоп унни қадоқлаб қўйдик.*

қадоқла II [*қадоқ II+ла*] *февл.* Чега билан бирлаштирмоқ, ямамоқ, чегаламоқ [закрепить скобами]. *Кеча иккита синиқ лаган ташлаб кетган эдим, қадоқлаб қўйгандирсиз.*

ҚАЗИ

қази I *от.* Отнинг тўш ва пешноп гўшти; шулардан йўғон ичакка тиқиб тайёрланган маҳсулот. *Қази-қарта.* □ *Диванга суриб қўйилган пастгина столга ноз-неъматлар уйиб ташланган: ликопларда қази-қарта, шўр бодринг-у карам, яхна гўшт.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қази II *февл.* Ерни ўйиб, чуқур ҳосил қилмоқ; кавлаб олмоқ [рыть; выкопать]. *Қудуқ (ариқ, канал) қази моқ.* □ *Пўлат канал ичидаги иш жараёнини диққат-эътибор билан кузатаркан... ҳозироқ қўлга белкурак олиб, ер қазиғиси келарди.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚАЙИН

қайин I *от.* Эрга хотиннинг, хотинга эрнинг қариндоши (қариндошлик билдирувчи сўздан олдин келади). *Қайната (қайин ота), қайнана (қайин она), қайнаға (қайин оға), қайин сингил, қайин эгачи.* □ *Улар менинг қайин иниларим, камбағал, уятчан кишилар.* *Узлар келишдан уялиб, аризаларини мандан юбордилар.* Садриддин Айний, Қуллар.

қайин II *от.* Теракка ўхшаб тик ўсадиган пўсти оқ шимол дарахти [берёза]. *Қайинзор.* □ *Дарахтлар ичида оқ қайиндан чиройлиги бўлмаса керак деб ўйлайман.* Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚАЙИШ

қайиш I [асли *қай+иш*; қиёс қилинг: *қай+ир, қай+ил*] *февл.* Эгилмоқ; ён босмоқ; кўмаклашмоқ [гнуть; содействовать]. *Қайишқоқ.* □ *Отнинг ингичка бели сал қайишиб, унинг устидаги чавандоз аста чайқалди.* Ҳамид Фулом, Машғал.

қайиш II [< *қайиш I*; асли — «эгиладиган нарса»] *от.* Тасма; камар (одатда тилим-тилим қилиб қирқилган чармдан ясалади) [ремень]. *Ҳозирги кунда қайиш боғлаш модадан чиқди.* □ *Пўлат қайиш билан чамбарчас боғланган кўрпа-ёстиғи, чамадонини кўтариб, темирчилик устахонасига бораркан, Ҳа-*

лил отадек ҳамма танийдиган кишини орқа қилиб бу ерга келаетганидан ўзида йўқ фахрларди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚАЛАЙ

қалай I [*қалайи*] от. Кумуш рангга юмшоқ, турли шаклга осонгина киритиладиган металл [олово]. *Қалайга бой руда. Қалай ҳозир кўп ишлатилмайди.* □ «...Хўш, эндиги режаларингиз қалай?»—«Қалай деманг, бобо, олтин денг!» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қалай II [*қандай*] олмош; сўзлаш [как]. *Аҳволингиз қалай? Қалайсиз? Қалай, хурсандмисиз? Ҳар қалай, борганингиз яхши бўлди.* □ «...Хўш, эндиги режаларингиз қалай?» Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚАЛБ

қалб I [арабча *قلب*] от. Юрак, дил [сердце, душа]. *Чин қалбдан. Қалб ҳарорати. Қалби пок. Пок қалбли (киши).* □ *Балки унинг иродаси шу қадар кучлидирки, қалбининг қирғоқларига уриб ётган тўлқинларни сиртега чиқармас...* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қалб II [арабча *قلب*—«ўзгариш, аксига айланиш»] сифат. Эгри, нопок. *Қалбаки.* □ *Қалб одам. Қўли қалб бола. Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам, қуюлмас.* Мақол.

ҚАЛИН

қалин I от; эски. Қиз чиқарувчига куёв томон берадиган нарса ва пул. *Қизларни эса «Дўппи билан урганда йиқилмаса бас» деган бемаза гапга амал қилиб, бўй етмай туриб қалин бараварига сотардилар.* Парда Турсун, Уқитувчи.

қалин II сифат. Ен кўлами нормадан ортиқ, юпқанинг акси [толстый]. *Қалин китоб. Қалин дафтар. Пўчоғи қалин тарвуз. Қалин кўрпа. Қалин материал.* □ *Дилдорнинг қалингина кўк муқовали китобини икки қўллаб бағрига босиб турганини кўрган Азиз .. қиздан уч-тўрт қадам бериди тўхтаб: «Яхшимисиз?»—деб сўрашди.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚАНИ

қани I *сўроқ олмоши.* Қаерда [где]. *Уканг қани? Нега вақтсиз келдингиз? Отабек қани?* Абдулла Қодирӣ, Утган кунлар.

қани II [*қани I*] нутқ бошланганини таъкидловчи, ундаш, даъват маъносини ифодаловчи сўз [ну, ну-ка]. *Қани, бирон одам бўлса, айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда, Нурматжонга ўхшаган йигитдан яна биронта топилармикан?* Абдулла Қаҳҳор, Қизлар.

ҚАРИ

қари I от; эски (узунлик ўлчови сифатида ишлатилган). *Кўкракнинг ўртасидан қўлнинг учигача бўлган оралиқ, қулочнинг яри. Қарич.* □ *Иштони йўқнинг тушига бир қарич бўз киради.* Мақол.

қари II *февл.* Умрининг кўп қисмини яшаб қўймоқ, ёши қайтмоқ, кўп яшамоқ, кексаймоқ [стареть, становиться пожилым]. *Қартаймоқ.* □ *У киши анча қариб қолди. Қариганда ҳам хушчақчақлигини йўқотмаган. Шафтоли тез қарийди.* □ «Бобо,—деди ниҳоят Азиз соқол учини ямлаб ўтирган чолга тавозеланиб,—менинг сафарим қариди, ишим битди, эртага қишлоққа жўнайман». Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қари III [*қари II*] сифат. Умрининг кўп қисмини яшаб қўйган, ёши қайтган, кўп яшаган, кекса [старый, пожилой]. *Қария, қари-қартанг.* □ *Қари киши. Қари хотин. Қари от. Қари тол.* □ *Назира опанинг Қозондан етиб келган қари отаси ва ўқитувчи дўстлари бутун ҳаётини Мирзачўлни ўзлаштиришга бағишлаган ажойиб инсон билан видолашдилар.* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚАРТА

қарта I от. Отнинг йўғон ичаги, шундан тайёрланган овқат [толстая кишка]. *Қази-қарта.* □ *Бу гал сўйилган тойнинг қартасини менга беринг.* □ *Диванга суриб қўйилган пастгина столга ноз-неъматлар уюб ташланган: лycopларда қазикарта, шўр бодринг-у карам, яхна сўжит...* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қарта II от. Экин экиладиган айрим (одатда бир ариқдан сув ичадиган) ер участкаси, пайкал, тахта [полоса, участок орошае-

мой земли]. Енма-ён икки қартанинг парвариши ҳар хил бўлган. □ Қарталаримиз нари борса беш-олти гектар. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қарта III [< русча *карта* < латинча *charta* — «қоғоз»] от. Расм ёки хол туширилган картон қоғозчалар, шулар билан ўйналадиган ўйин. Қартабоз. □ Қартани сузиш сиздан. Қарта ўйинига уста.

ҚИЕМ

қиём I от. Қуюқ шарбат [густой сироп]. Шакар қиёми. Қиём қайнатмоқ.

қиём II [арабча *قيام* — «тик туриш»] от. Тик, тепа, баланд. Қиёмга келганда. Қиём пайтида. Кетмонни бир қиёмда чопмоқ. □ Қиём вақти. Оғилда сигир маърайди. Ойбек, Болалик.

ҚИЗИЛЧА

қизилча I [қизил+ча — кичрайтиш ифодаловчи аффикс] от. Баданда қизилсимон тошма чиқадиған юқумли касаллик (болаликда ўтадиған касалликлардан бири) [краснуха]. Баданига қизилча тошибди.

қизилча II [қизил+ча — ўхшатиш ифодаловчи аффикс] от; сўзлаш. Қизил лавлагги [свёкла красная, буряк]. Бу йил қизилча ҳам эсмоқчиман.

ҚИЗИҚ

қизиқ I [қизи+қ — от ясовчи аффикс] от. Қизиган ҳолат [раскалённое состояние]. Қуннинг қизиғида йўлга чиқмоқ. Темирни қизиғида босмоқ. □ Шахсан мен ҳавасни севги деб тушундим-у, қизиқ устида уйландим. Мана энди у ҳам азобда, мен ҳам азобда. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

қизиқ II [қизи+қ — сифат ясовчи аффикс] сифат. Қизиқарли, ўзига жалб қилувчи [интересный, занимательный]. Қизиқ ҳикоя. Қизиқ воқеа. Қизиқ савол. □ «Нега менга ҳавасингиз келади?»— деди Баҳор унга жавоб бериб.— Узингизнинг ишингиз шундай муҳим, шундай қизиқки... Ҳамиша одамлар билан биргасиз». Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

қизик III [асли қизи+қ — феъл формасини ясовчи аффикс] феъл. Билишга ҳаракат қилмоқ, ишқивоз бўлмоқ [интересоваться, увлекаться]. Адабиётга қизиқмоқ. Химияга қизиқмоқ. Лекцияларни қизиқиб тинглемоқ. □ «Қаердан топдингиз бу хазинани?»— Аҳмаджон қизиқиб Азиздан сўради. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚИЙ

қий I от. Қўйнинг узоқ тепкиланиб, қатланиб ётган гўнги. Булар кўришиб, ҳол сўрашаётганда узун кузовига, прицепдаги иккита тележкасига қўй қийини баланд босган юк машина тўғридан вазмин юриб келиб, совхоз йўлига бурилди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қий II феъл. Бирор томонга ётиқ ҳолда узунасига кесмоқ [разрезать]. Қия, қийиқ, қийма, қийқим, қийгоч (кўзлар). □ Қайчи билан қоғозни қиймоқ. Сим қўлимни қийиб юборди.

қий III: феъл; одатда бўлишсиз формада келади. Қўзи қиймади (кўнгли бўлмади). □ Сизни кўзим қиймайди, сиздан узоқлангим келмайди, Гулнор! Ойбек, Қутлуғ қон.

қий IV: тақлидий сўз. Қий-чув (тартибсиз бақиринқ-чақиринқлар) [шум-гам, гвалт]. Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни қар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚИЙИҚ

қийиқ I [қий II+иқ — сифат ясовчи аффикс] сифат. Ётиқ, қия кесилган [косо разрезанный]. Дерази ойналирига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган. Ойбек, Қуёш қораймас.

қийиқ II [< қийиқ I] от. Учбурчак ҳолатида буклаб, белга боғландинган, четига гул тикилган тўрт бурчак мато, белбоғ. Қийиқча. □ Хадича хола бундан яқин олти ой бурун келганида бир қийиқ беҳи олиб келди. Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор.

ҚИЛ

қил I от. Соч, ёл; дум толаси [волосок]. Қилча, қилтомоқ (касалик номи), қил илон. □ Ҳамирдан қил сугуреандай. Оралридан қил ҳам ўтмайди. Юрагига қил ҳам сиғмайди. Арғамчиға қил қувват. Мақол. □ Очилнинг от қилидий қайсар қўнғиртоб сочлари дўппи четидан қайрилиб чиқиб турар .. эди. Пиримқул Қодиров, Уч илдиэ.

- қил II** *феъл.* Амалга оширмоқ, бажармоқ, рўёбга келтирмоқ [делать, совершать]. *Яхши иш қилдим. Қўлингдан келганини қил. Жиноятни ким қилган бўлса, ўша жавобгарликка тортилади.* □ Қани энди Қарши даштида минг гектаргина шунақа узумзор қилинса! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- қил III:** *ёрдамчи феъл;* от қўшма феъл ясалшида қатнашади. *Сарф қилмоқ, таъсир қилмоқ, талаб қилмоқ, тухмат қилмоқ.* □ Ҳе, аттанг, умр ўтди... Чўллар довругини эшитиб, армон қилман.. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ҚИР

- қир I** *от.* Баланд текис ер [холмистая степь]. *Қир чумоли. Қирга бугдой эсмоқ. Подани қирга ҳайдаб кетмоқ. Қимирлаган қир ошар.* Мақол. □ Лолазор чўлларда, кўм-кўк қирларда ўтлаб юрган гала-гала қўй-қўзиларнинг маърашлари, чўпонларнинг овозлари Бахмал қишлоғидан яққол эшитилиб турарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.
- қир II** *от.* Бирор жисмда икки томоннинг туташган ўрни, учли жой, энҳ, қирра [край, грань]. *Столнинг қирини рандаламоқ. Эшикнинг қирига урилмоқ. Кўз қирини ташламоқ.* □ «Ҳа, мени биринчи марта кўриб турибсизми?»— Азиз Аҳмаджонга кўз қирини ташлаб, жуда сокин гапирди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- қир III** *феъл.* 1. Уткир нарса билан бирор юзани кўп марта сидирмоқ [скоблить]. *Сигирингизнинг қаншасига темирлатки чиқибди, намакоб суркадим, нос суркадим, бўлмади, пичоқ билан қириб, керосин суркаш керакмиш. Абдулла Қаҳҳор, Янги ер.*
2. Елпасига, кўплаб ўлдирмоқ [истреблять, уничтожать]. *Зарарли ҳашаротларни қирмоқ. Душман аскарларини қирмоқ.* □ Даданг билан ёнма-ён фашистларни қириб, бирга-бирга жасорат кўрсатасизлар. Ишончим комил! Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚИРОВ

- қиров I** *от.* Совуқ сатҳда пайдо бўладиган қор шаклли майда муз кристаллари (ёгиннинг бир тури) [иней]. *Бугун кечаси қиров тушибди. Совуқдан мўйлаби қиров боғлабди. Ток новдасига қиров тегса, уриб кетади.* □ Қисқа, лекин шиддатли ўтган бу қиш фақат тоғ-тошларга, дов-дарахтларга эмас, одамларнинг соч-соқолларига ҳам ўчмас қиров индирди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

- қиров II** [*< қиров I*] *от.* Молларнинг тилини қоплайдиган оқиш рангли касаллик [налёт (на языке животных)]. *Сигир овқат емай қўйди, тилини қиров қоплабди.*
- қиров III** [*< қиров I*] *от.* Чархланган пичоқ, ўроқ кабилар тифида ҳосил бўладиган, қайраб тушириб юбориладиган кукунлар. *Қирови тўкилмаган пичоқ.* □ Дўқондан чиқарилган бу жуфт-жуфт қора узангилар.. катта эговлар билан эговлашиб, қирови тўкилади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИРОН

- қирон I** [асли *қир III 2+он*] *от.* Елпасиға ҳалок қилиш [истребление, бойня]. *Евага қирон келсин.* □ Максим ота босмачиларга пулемёт билан қирон солди. Саид Аҳмад, Ҳукм.
- қирон II** [арабча **قران** — «бирлашиш, дуч келиш»] *от.* Буржда икки планетанинг бир-бири билан яқинлашуви. Мунажжимлар шу ҳолатни бахт келтирувчи белги ҳисоблаган. *Қирон унво-ни биринчи бўлиб амир Темурга берилган: амир Темур соҳибқирон (эмир Тимур счастливый). Қайси қирон қайси қирон билан урушди? Ойбек, Қутлуғ қон.*

ҚИРҚ

- қирқ I** *сон.* Тўртинчи ўнлик [сорок]. *Қирқбўғин, қирққокил, қирқоёқ, қирққулоқ.* □ *Қирқ йил. Қирқ ёшли (яшар). Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди.* Мақол. □ *Хуллас, қирққа кўтарилган ҳарорат табиатега ўз таъсирини ўтказганидай, ҳаракатни ҳам ўз изига солган.* Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.
- қирқ II** [*< қирқ кунлик*] *от.* Киши вафотидан кейин ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи кунни ўтказиладиган маросим [поминки «сорок дней»]. *Йўлдош мотамсаро. Онасининг жанозаси, йиғирмаси, қирқи, хатм қуръон деб анча чиқимдор бўлган ўхшайди.* Суннатилла Анорбоев, Меҳр.
- қирқ III** *феъл.* Кесиб калта қилмоқ [отрезать]. *Қирқиқ, қирқма.* □ *Беда қирқмоқ. Сочи калта қирқилган (қиз).* □ *Ҳов мулла Аҳмаджон! Толдан истак қирқиб келинг, токни боғлаймиз! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

ҚИСИР

- қисир I** *сифат.* Қочмай қолган, бўғоз бўлмай қолган [яловая, нетельная]. *Қисир сигир. Қисир қўй. Қисир сигир кўп*

маърайди. Мақол. □ Астағфирулло денг, тўрам! Куни кеча ўзлари қисир гунажинни бўғоз деб сотдилар. Х. Тўхтабоев, Фельстондан сўнг.

қисир II: тақлийдий сўз. Дарахт, ёғоч синганда чиқадиган товушни билдиради. Қисир этмоқ, қисир-қисир қилмоқ. □ Уғит таниётган араваларнинг қисир-қисирли эшитилди. Ҳаким Назир, Чўл ҳавоси.

ҚОВОҚ

қовоқ I [**қоб** — «беркитадиган нарса» + **оқ** — кичрайтиш маъносини ифодаловчи аффикс] **от.** Терининг кўз устини қопловчи қисми, қош ости қисми [веко]. **Қовоғи салқиб қолибди. Қовоғидан қор ёғади. Қовоқ-димоғ қилмоқ. Қош-қовоғига қараб иш тутмоқ.** □ «Пўлат, нима бўлди?— деди ўқитувчи ётиги билан, унга далда бериб.— Ахир сен дарсни яхши ўзлаштиргансан-ку?»— «Йўқ.— деди Пўлат қовоғини солиб.— ўзлаштирганим йўқ». Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

қовоқ II от. Палак отиб ўсадиган, шапалоқ баргли, ҳосилининг этни қалин, ранги сариқ ёки сарғиш, уруғи япалоқ ва катта, пўстлоғи ва шакли турлича бўладиган, сувда пишириб ёки ёғда қовуриб ейиладиган полиз ўсимлиги [тыква]. **Ош қовоқ. Ойим қовоқ. Картошка қовоқ. Нос қовоқ. Томоша қовоқ. Қовоқ бош (калла).** □ **Ошнам, бош деб қовоқни кўтариб юрибсан шекилли-а? Сен ўйлаб гапираясанми? Сен ўз касалингни енггунча, бошқаларга юқтирасан!.** Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚОВУҚ

қовуқ I [асли **қоб** — «халта» + **уқ** — кичрайтиш маъносини ифодаловчи аффикс] **от.** Сийдик пуфағи [мочевой пузырь]. **Қовуғини шамоллатиб қўймоқ. Қовуғи ушламайдиған бўлиб қолмоқ.**

қовуқ II [асли **қов** — «қуйдирилган қуруқ пахта» + **уқ** — кичрайтиш маъносини ифодаловчи аффикс] **от; эски.** Чақмоқ учқунидан ўт оладиган пилки, пилта [трут]. **Киши Отабекни ўтқизгач, тоқадан сопол лаган билан қовуқни олиб, чақмоқ суртди. Шам ёқилди.** Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОЗОН

қозон I от. Овқат пишириладиган қуйма чўян идиш [котёл]. **Қозон-товоқ.** □ **Машраб бу карталарга қараши билан зсига негадир илк кўклам, Азиз домла бошлиқ кекса ўқитувчилар хўкиз қўшиб, ер ҳайдаганлари, ойиси қозон осиб, атала пиширганлари .. тушди.** Одил Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

қозон II феъл. Қўлга киритмоқ, сазовор бўлмоқ [завоевать, добиваться]. **Ғалаба (муваффақият, обрў, ишонч) қозонмоқ.** □ **Зор қишлоққа келиб қолган Низомиддинов қишлоқликларнинг ҳурматини қозонган эди.** Саид Аҳмад, Ҳукм.

ҚОЛ

қол I феъл. 1. Бирор ерда, ҳолатда бўлишни давом эттирмоқ [оставаться]. **Уйда қолмоқ. Ун кунга қолмай.** □ **Тўғри, хўжалик янги, иш кўп — бирини қилса, иккинчиси қолиб кетди; бирига улгурса, бошқасига улгурмайди.** Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Йўқолиб кетмай, сақланиб келмоқ [достаться, перейти к кому-либо]. **Бу стол бувамдан қолган.** □ **Довруқда ҳам турулмабди, онасидан қолган уйни буздириб, ёғочини сотмоқчи бўлган экан, ҳеч ким олмабди.** Абдулла Қаҳҳор, Хотинлар.

3. Нормал фаолиятини йўқотмоқ [лишиться]. **Кўздан қолмоқ. Оёқдан қолмоқ. Қулоқдан қолмоқ. Тилдан қолмоқ. Уқшидан қолмоқ.** □ **Бир якшанба куни Аҳмаджон ошхонага дежур бўлиб, уйқудан қолди.** Абдулла Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4. Ютқизмоқ (ўйинда) [проиграть]. **Ким қолса, хўроз бўлиб қичқиради, келишдикми?**

5. Кечиктирилмоқ, кейинга сурилмоқ [перенести (на другое время)]. **Тўй қолди. Мажлис қолди.** □ **Қарабсизки, кун ўтибди, қош қорайибди, демак, тушдан кейинга мўлжалланган бошқа бир иш кечқурунга, ҳатто кечасига қолибди.** Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

қол II [**қол I** кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога: 1. «маълум муддат давом этиш» грамматик маъносини қўшади. **Уйланиб қолмоқ. Соғиниб қолмоқ. Яқинлашиб қолмоқ. Ушлаб қолмоқ. Тикилди-қолди.** □ **Унинг хаёли паршонлигини сўзлаётган бир ҳикоясини унутиб қўйиб, .. дсвдираб қолишидан пайқаб олиш мумкин.** Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. «хайрихоқлик, рухсат» грамматик маъносини қўшади. Ола қол. Бера қолинг. Уқий қолсин. Бора қолса эди. □ «Бунга Машраб айбдор,—деди Акмал.—«Бу ёғини айтмай қўя қолайлик»,—деган эди». Одил Ёқубов, Эр бошига иш туша.

ҚОН

қон I от. Организм томирларида юрак фаолияти билан ҳаракатланиб, ҳужайраларнинг озикланишини ва модда алмашинувини таъминловчи қизил рангли суюқлик [кровь]. Қонамоқ, қондош, қонли, қонсиз, қонгалаш, қонхўр, қон-қариндош. □ Қон айланиши. Қон босими. Қон кетиш. Қон томирлари. Қон олмоқ. Қон қуймоқ. Чертса, қони чиқади. Қоранинг қони чиққунча, сариқнинг жони чиқади. Мақол. □ Пўлат китобни қўйиб, лозорга тикилди-да, жиддий тусда жавоб берди: «Байроқ!.. Бу қонга ўхшайди...» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

қон II феъл. Тўймоқ, қоникмоқ [насытиться, удовлетворить потребность вдоволь]. Қаттиқ тортишувлардан сўнг лоток-ариқлардан икки кунгача сув келиб турди: эл ҳам, ер ҳам чанқоғини бир оз қондирди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚОП

қоп I от. Майда, сочилувчан нарсаларни сақлаш, ташиш учун матодан тикиб тайёрланган, халтадан катта, қанордан кичик буюм [мешок]. Қопла(моқ) II, қопча, қопчиқ. □ Қанор қоп. Шакар қоп. Қоғоз қоп. Унни қопда сақлаган яши. Гап десанг, қоп-қоп, иш десанг, Самарқанддан топ. Мақол. □ ..боғларда, ишқомларда иш тугади, ҳамма қопини орқалаб, саватини бошига қўйиб ёки эшагига миниб, уй-уйига жўнади. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қоп II феъл. Тишламоқ (итга нисбатан) [кусать]. Қопағон, қопонгич. □ Уни ит қопибди. □ «Э, юраверинг, қопмайди!»—деди орқада келаётган Тожибой. Парда Турсун, Уқитувчи.

ҚОПЛА

қопла I [**қопиб**+ла] феъл. 1. Бирор сатҳ, юзани тўлиқ эгалламоқ, ёпмоқ [покрывать]. Далани ўт қоплади. Осмонни булут қоплади. □ Раҳим бобо—саксон ёшига кирган, кул-

ранг соқоли кўксини қоплаган, кичик жуссали, .. хаёли паршонроқ бир чол. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

2. Астар-аврага пахта жойлаб тикмоқ [стегать]. Кўрпа қопламоқ. Тўшак қопламоқ. Кўрпача қопламоқ. □ Нигор опа астарига қизғиш тулки териси қопланган кўк мовут пўстинга термилиб, кўзига ёш олди. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қопла II [қоп I+ла] феъл. Қоп(лар)га солмоқ, жойламоқ [насыпать, набивать в мешки]. Бугдойни (гурунчи, сомонни) қопламоқ. □ .. энди охири ишлар қилинаётган: қишга осиладиган узум узилиб, олма терилиб, ёнғоқ қоқиб, қопланаётган кунлар.. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚОР

қор I от. Сув зарраларининг совуқ таъсирида бирикши билан юзага келадиган оқ пар шаклидаги ёғин [снег]. Қорхат. □: Ҳозир тоғда қорлар айни эриётган, анҳор лиммо-лим тўлиб оқаётган фасл. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

қор II феъл. Суюқ, майда нарсаларни бир-бирига аралаштирмоқ [смешивать, месить]. Хамир қормоқ. Лой қормоқ. Терт қормоқ. □ Азиз нариги уйга қулоқ солади: онаси Нигор опанинг нималар биландир машғул бўлиб ғимирлаб юрганини сезиб туради. Ҳа, айтгандай, хамир қораяпти. Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

ҚОРАКУЯ

қоракуя I от. Олов ёққанда қозон тагида, тутун йўлларида пайдо бўладиган қурум [сажа]. Жуманни суд ҳам қиламиз, юзига қоракуя ҳам суркармиз, .. лекин қурилишга бундан нима фойда? Асқад Мухтор, Туғилиш.

қоракуя II [**қоракуя I**] от. Усимликка (асосан дуккакдиларга) тушадиган зарарли замбуруғ (ҳосилни қора кукунга айлантириб юборади) [головня]. Қўқон жўхориға қоракуя кўп тушади.

ҚОТ

қот I феъл. 1. Қаттиқ ҳолатга келмоқ [затвердеть]. Қаттиқ (<қотиг), қотма. □ Нон қотиб қолибди. Ҳали гўдакнинг суяги қотмаган бўлади. Эритилган ёғ қотмабди. □

Холмурод сопол косадаги мошхўрдага қотган нон бурдаларини синдириб сола бошлади. Парда Турсун, Уқитувчи.

2. Ҳаракатланмай турмоқ [застыть без движения]. Шу гапларни эшитиб, тахтакачдай қотиб қолдим. Тили қотди. Тошдай қотмоқ. □ Ҳозир ҳаво дим, тераклар қотиб қолгандай турарди, япроқлар қилт этмайди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

3. Кучли таъсирида бўлмоқ [застывать]. Совуққа қотмоқ. □ Айниқса куз, қишининг қор, ёмғиргарчиликларидан лойга ботиб, совуққа қотиб, кўп азобларни чеккан. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

қот II феъл. Қўшмоқ, аралаштирмоқ [смешивать, прибавлять]. Қатиқ (< қотиқ). □ Маставага қатиқ қотмоқ. Сўз қотмоқ. □ Баҳор шу кунни ҳам, эртаси кунни ҳам Пўлат билан гаплашмади. Охири Пўлат ўзи келиб, унга гап қотди: «Нега қовоғингни соласан? Наҳотки мен ноҳақ бўлсам?» Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚОҚ

қоқ I сифат. 1. Суви қочган, қуриган [сушёный]. Қоқи, қоқламоқ, қоқ-қуруқ. □ Қоқ нон. Қоқ гўшт. □ «Мени кечиринг, ойи-жон!»—Нафиса онасининг қоқ суяк елкаларини силаб ёлворди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Тақир, ҳеч нарса ўсмайдиган [голый]. Қоқ ер. Қоқ бош. □ Қоқ қирдан ер очиб, ҳар бир гектар ердан ўн беш-йигирма центнердан пахта бераман. Туйғун, Бу боғлар меники.

қоқ II равиш. Худди, тўппа-тўғри, айни [как раз, ровно]. Ҳовлининг қоқ ўртасида. Қоқ пешинда. Юраги қоқ ёрила ёзди. □ Эшик тағиданоқ бошланган қизғини гиштин йўлка ҳовлини қоқ иккига бўлиб, юқорига — икки уй ўртасидаги каттагина баланд айвонга олиб борар эди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

қоқ III феъл. Бир қаттиқ жисмга иккинчи қаттиқ жисми урмоқ [бить, колотить, стучать]. Эшикни қоқмоқ. Ноғора қоқмоқ. □ Улар турли-туман ширинликлар .. билан савдо қилувчиларнинг миясини қоқиб, қўлига беришарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚОҚЛА

қоқла I [қоқ I I+ла] феъл. Қуритмоқ, сувини қочирмоқ [сушить, вялить]. Гўшт қоқламоқ. Балиқ қоқламоқ. □ Бизни шўлонга қамаб, балиқдай қоқлагани учун худонинг ўзи қаҳрига олибди. Асқад Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

қоқла II [қоқ I 2+ла] феъл. Бор пулини, нарсасини сарф қилиб, бўм-бўш ҳолатга келтирмоқ [опустошить]. Чўнтакни қоқламоқ. □ Унинг маъракаларини ўтказиш учун уйимизни қоқладик, қарзга ботдик. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚУВ

қув I: [< қу] от; эскирган. Оққуш [лебедь]. Парқу ёстиқ (подушка из лебяжьего пуха). Қув қув билан учади, ғоз ғоз билан кўчади. Мақол.

қув II сифат. Муғомбир, айёр [хитрый, лукавый]. Қувлик. □ Қув одам. Қув йнгит. □ «.Директорим: «Агар Нафиса мендан рухсатсиз кетиб қолса, сени ишдан бўшатаман!»—деганлар».—«Қув экансиз!»—Нафиса Зулайхонинг елкасига қоқиб қўйди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

қув III: [асли «оқ», «оқиш» маъносини англаган] равиш. Бутунлай [совершенно]. Раҳимнинг ранги қув ўчиб, ғиқ этмай қолди. Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар.

қув IV феъл. 1. Ҳайдамоқ [гнать, прогнать]. Қувламоқ, қувғин. □ Душманни истеҳкомлардан қувиб чиқармоқ. Келган элчини қувиб юбормоқ. □ Бечора болаларни иссиқ инларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ? Еқма! Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

2. Қочган кишини кетма-кет таъқиб этиб бормоқ [гнаться, преследовать]. Ёв кетидан қувмоқ. Отлиқларни қувиб етмоқ. □ Улар фашист газандаларни окоплардан улоқтириб ташладилар, юракларига ўқ қадаб, тумтарақай қувдилар. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҚУЁНЧИҚ

қуёнчиқ I от. Сон суягининг ён томонидан болдирга тортилган пай.
қуёнчиқ II от. Тутқаноқ [эпилепсия, падучая (болезнь)]. Алпомиш айтди: «Нима қилди, дўстим?»—«Болалик кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди, шу вақт тутиб қолди»,—деди Қоражон. «Алпомиш».

ҚУЛОҚ

қулоқ I от. 1. Эшитиш органи [ухо]. *Қулоқчин, қулоқсиз, қулоқ-чўзма. □ Чап қулоқ. Унг қулоқ. Қулоқ олди безлари. Қулоқ пардаси. □ Балки унинг иродаси шу қадар кучлидирки, .. ич-ичида бўжириб ётган довулларнинг нидосини фақат ўзигина эшитишга, бошқа қулоқлардан яширишга қодир? Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

2. Тутқич [ушко]. *Қозоннинг қулоғи. □ .. танбур қулоғини озгина бураш таранг торни қандай узиб юборса, Аҳмаджонга ҳам ортиқча бир сўз (гарчанд у адолатни ифодаласа ҳам) малол келади. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.*

3. Катта ариқдан кичик ариққа очилган йўл. *Бу ер анча паст, қулоқни юқорироқдан очинг. □ Тилим шўх ялада, доим хаёлимда баланд ҳосил, Фикр текис суғормоқ бўлса, зеҳним сув қулоғида. Собир Абдулла.*

қулоқ II [*< русча кулак — «мушт»*] от. Киши кучидан фойдаланиб бойлик орттирувчи катта ер эгаси; муштумзўр. *Қулоқ қилмоқ. □ Қулоқлар аллақачон тугатилган. □ Эсимда бор, ўттизинчи йилларда ишимиз анча оғир эди. Колхозлар тобора мустаҳкамланиб, қулоқларни тобора сиқиб борардик. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

ҚУМРИ

қумри I [тожикча] от. Қаптарлар оиласига кирадиган қушлардан бири, гурракнинг бир тури [горлинка песчаная]. *Қумри — жуда чиройли қуш.*

қумри II [тожикча] от. Барги узун, ранги оқ ёки сариқ гул्ला ўт [подмаренник]. *Бу ўтлоқларда қумри кўп ўсади.*

ҚУР

қур I: от. Пайт, вақт [время]. *Қурдош, тенгқур, кечқурун. □ Баҳор Пўлатга қараганда анча нозик, хипчадан келган, тенгқурлари ичида ажралиб турарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

қур II от. Товуққа ўхшаш катта қора (ёки ола) патли қуш, қорақур [тетерев]. *Қур овига чиқмоқ.*

қур III феъл. Ясамоқ [строить]. *Уй қурмоқ. Ҳаммом қурмоқ. Кўприк қурмоқ. Йўл қурмоқ. □ Уртоқ Қосимов уни қур, бунни қур деб талаб қилишга уста. Шароф Рашидов,*

Қудратли тўлқин .. турли-туман қушлар шохдан шохга учиб ўтдим, япроқлар шивирлашиб, ўзаро суҳбат қурдим — ҳаммаси-ҳаммаси яққол эшитилиб, юракларга ором бағишлайди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

қур IV ундов сўз. Қўйларни ҳайдашда ишлатилади. *Чўпонлар «қур-ҳайт»лаб қўйни ҳайдаган. «Алпомиш».*

қур V тақлидий сўз. Бақа чиқарадиган товушни билдиради. *Қурилламоқ, қурбақа. □ Ироқ-ироқлардан бақаларнинг қурилиши, чўпон итларининг улиши эшитилади. Саида Зунунова, Янги директор.*

ҚУРТ

қурт I от. Танасини йиғиб-узайтириш йўли билан ҳаракат қиладиган ҳашарот [червь]. *Қуртламоқ, қурт-қумурсқа. □ Ипак қурти. Қурт уруғи. Қурт боқмоқ. Олмага қурт тушибди. □ .. қандайдир қурт-қумурсқалар ва турли-туман қушлар шохдан шохга учиб ўтдим, япроқлар шивирлашиб, ўзаро суҳбат қурдим — ҳаммаси-ҳаммаси яққол эшитилиб, юракларга ором бағишлайди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

қурт II [*< қурут < қури + т*] от. Думалоқ шакл бериб, туз (баъзан қалампир ҳам) қўшиб қуритилган сузма. *Болохонанинг шиғтида, қуриб, буришиб қолган терилар орасида, уч-тўрт тўрва қурт, ипга маржондек терилган қалампир, шафтоли қоқи, бир-икки боғ садарайхон, тулкидай майин ойим супурги, эгар-жабдуқ ва яна алланарсалар кўринарди. Одил Еқубов, Эр бошига иш тушса.*

ҚУЗИ

қўзи I от. Қўзининг бир ёшга етмаган боласи [ягнёнок, барашек]. *Қўзичоқ, қўзиламоқ, қўзиқорин, қўзиқулоқ. □ Чироғим, сендан олдинги зоотехник ҳам худди шундай деб, қўзиларни совлиқлардан ажраттирмаган эди. Суннатилла Анорбоев, Оқсой.*

қўзи II феъл. Яна қайтадан кучли равишда юзага келмоқ [появиться повторно в более сильной форме]. *Дарди қўзи ди. Ғайрати қўзи ди. □ Мажлисда бўлганлар Михайловни «Яхши одам экан» деб гапиришганларини эшитганида Тожибойнинг ғазаби қўзи ди. Парда Турсун, Ўқитувчи.*

құй I от. Гүшт, ёғ, жун олиш учун боқиладиган, ковшанувчи, айри туёқли уй ҳайвони [овца]. *Қўйчи, қўйбош* (қовун номи), *қўйхона, қўйпечак, қўйтикан*. □ *Майин жунли қўй*. *Ҳисор қўйи*. *Думли қўй*. *Қўй ёғи*. *Қўй гўшти*. *Қўй жуки*. *Қўй йили*. *Қўй кўз*. □ *Семизликни қўй кўтаради*. *Мақол*. *Қўй бир терининг ичиди неча озиб, неча семиради*. *Мақол*. *Қўй оғзидан чўп олмаган*. □ *.. узун кузовига, прицепдаги иккита тележкасига қўй қийини баланд босган юк машина тўғридан вазмин юриб келиб, совхоз йўлига бурилди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

қўй II феъл. 1. Бирор сатҳни ишғол қилдирмоқ, ўринлаштирмоқ [ставить, класть]. *Бошини онасининг елкасига қўймоқ*. *Китобни столга қўймоқ*. *Челакни ерга қўймоқ*. *Тишни тишга қўймоқ*. □ *Авалло, буларни уйига қўяр экан, чол ижара ҳақи олмаслигини писанда қилди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Бирор ҳолатда қолдирмоқ [оставлять]. *Йўқ десам ҳам, қўймади*. □ *Қизимни оч-яланғоч қўймади*. Ойбек, Қутлуғ қон.

3. Ташламоқ, давом эттирмаслик [бросить, прекратить]. *Бу гапларни қўй*. *Гинахонликни қўйинг*. *Бу масалани қўйиб, бошқасига ўтиб кетди*. □ *Гапнинг бу томонини қўйяверинг*. Ойбек, Қутлуғ қон.

қўй III [*қўй II*] кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога: 1. «маълум муддат давом этиш» грамматик маъносини қўшади. *Боғлаб қўймоқ*, *ўраб қўймоқ*, *шошириб қўймоқ*. □ *Бўлиб ўтган бир воқеа уни гангитиб қўйди*, *турмуш ҳақидаги баъзи тушунчаларини чилпарчин қилиб ташлади*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. «истамаганда юз бериш» грамматик маъносини қўшади. *Сездириб қўймоқ*, *сездирди-қўйди*. □ *Унинг хаёли паришонлигини сўзлаётган бир ҳикоясини унутиб қўйиб, бошқасига ўтиб кетишидан .. пайқаб олиш мумкин*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

3. «осонликча юз бериш» грамматик маъносини қўшади. *Сўрайди-қўйди*, *айтади-қўйди*, *ишонади-қўйди*. □ *Хайри улардан бир неча қадам орқада оҳиста одим ташларди*. *У бир кечадаёқ сўлиди-қўйди*. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.

4. «бир мартабалик» грамматик маъносини қўшади. Қа-

раб қўйди, *ўқрайиб қўйди*. □ *Аҳмаджон андижонликларга хос тавозе билан ўтирган ерида бир тебраниб қўйди* — *да, кулимсираб жавоб берди*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ҚҰЛТИҚ

қўлтиқ I от. Қўл танага туташган жойда ҳосил бўладиган бурчак [подмышка]. *Китобни қўлтиғига қистириб олмоқ*. *Болани қўлтиғидан кўтариб, ариқдан ўтказиб қўймоқ*. □ *Бир кун у қўлтиғига қоп қистириб эшикдан чиқиб эдики, қаршисидан Норжон келиб қолди*. Парда Турсун, Ҳўқитувчи.

қўлтиқ II [*қўлтиқ I*] от; география термини. Сувнинг (дарё, кўл, денгизнинг) қуруқликка туртиб кирган қисми [залив]. *Болтиқ денгизининг Фин қўлтиғи*.

ҚҰНОҚ

қўноқ I от. Тариқ, италян тариғи [просо, итальянское просо]. *Ҳозир ҳеч ким қўноқ экмайди*.

қўноқ II [*қўн+уқ*] от; эскирган. Меҳмон; тунда тўхтаб, дам олиб кетадиган йўловчи [гость (с ночёвкой)]. *Опа, сиз паловга уннанг*. *Тоза, сен Эъвозхонни болалари билан олиб кел, қўноқ бўлиб кетсин*. Ҳамид Ғулом, Машъал.

ҚҰР

қўр I от. Устини кул босиб турган майда чўғ [жар]. *Жўхорини қўрда пиширмоқ*. *Учоқнинг қўрини олдига тортиб қўймоқ*. □ *Човғумлардаги чой ичиб бўлинган, гулханнинг қўри сўна бошлаган*. Ҳабиб Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

қўр II [*қўр I*] от. Ота-бободан ўтиб келаётган бойлик, мол-мулк запаси. *Қўр-қут*. □ *Домланинг айтишича, қўр битган, бисотида ортиқча пул қолмаган*. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

қўр III: [*қўр I*] от; эскирган. Кишиларнинг жамланган ҳолати. *Қўрбоши*. □ *Қўр тўкмоқ* (разбить лагерь). *Отам сен билан урушаман деб, яна қўр тўкиб ётибди, ботирлигингни кўрсат!* «Муродхон».

ҚҰТОН

қўтон I от. Қўй қамаш учун атрофи тўсилган майдон [загон (для овец)]. «*Оворагарчиликни айтмайсизми,— деди пақир ушлаб турган новча киши,— қишда қишлоққа, ёзда яйловга мол ҳайдаймиз. Шу ерга қўтон қурилса бўлмайдими?*» Иброҳим Раҳим, Ихлос.

қўтон II от. Лайлаксимон қуш [цапля]. Оқ қўтон (белая цапля). Қўк қўтон (серая цапля).

ҚУТОС

қўтос I от. Тоғ (ёввойи) қорамоли [як]. Қорамолнинг тоғ шароитига мосланган энг кучлиси ва маҳсулдори саналган қўтосни армани қишлоқларида кўп учратдик. Ҳаким Назир, Мафтуннингман, Озарбайжон.

қўтос II от. От ёлига тақиладиган безак. Қўтос тақди бўйни узун бедовга, Қирқ қуббали юган урди бошига. «Хушкелди».

ҚУШ

қўш I феъл. Бир нарсага иккинчи бир нарсани бирлаштирмақ [присоединять]. Қўшар, қўшимча, қўшилма, қўшин, қўшиқ, қўшма, қўшоқ. □ Яна бир оз қўшмоқ. Чойга сут қўшиб ичмоқ. Ҳосилга ҳосил қўшмоқ. Отни аравага қўшмоқ. □ Йўллари бузишимиз, тутларни қўпоришимиз, қарталарни бир-бирига қўшишимиз, янгича экишимиз, тамоман бошқача агротехника қўллашимиз, яна бир дунё ўзгаришлар қилишимиз керак. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

қўш II [*қўш I*] сифат. Биргаликда, ёнма-ён жойлашувчи иккита [парный]. Қўша, қўш-қўш, қўшмозор, қўшнаё, қўшоғиз, қўштирноқ, қўшитиғ, қўшқулоқ, қўшқокимиятчилик. □ Қўш отли, қўш орденли, қўш қўллаб. □ .. чигитларни қўш қатор экиш натижасида кўчатни ҳар гектарда ҳозирги юз минг ўрнига икки юз мингга етказиш ва балки ундан ҳам ошириш керак. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

қўш III [*қўш II*] от; эскирган. Икки иш ҳайвони (одатда ҳўкиз) ва омондан иборат ер ҳайдаш комплекси. Қўшчи (эскирган). □ Қўш вақти. Қўш ҳайдамоқ. □ У бошда Олахўжанинг сигирларини боқади. Кейин, омон қулогини ушлайдиган бўлагач, қўшга чиқади. Парда Турсун, Ўқитувчи.

ҒОЗ

ғоз I от. Урдақдан катта, бўйни узун сув қуши [гусь]. Ғоз-ғоз қилмоқ. □ Ғоз турмоқ. Ғоз юриш қилмоқ. Мақтанма, ғоз, ҳунаринг оз. Мақол. □ Соҳилида чайқалар қамиш... Учиб ўтар баъзан ўрдақ, ғоз. Енғия Мирзо.

ғоз II от. Иссиқлик ажратиш, куч-қувват бериш даражаси [калория]. Ғози йўқ овқат. Бу ўтиннинг ғози йўқ. □ Деҳқон

етиштирган ноз-неъматларнинг ғози бўлсагина, пазанданинг оши тотли бўлади. М. Қаримжонов, Патинжон.

ҲАВО

ҳаво I [арабча *هواء* — «атмосфера»] от. I. Ер атмосферасини ҳосил этувчи азот, кислород каби газлар қотишмаси [воздух]. Тоза ҳаво. Дим ҳаво. Ҳаво қатлами. □ Кун ботишда анҳор бўйида салқин нам ҳаво ютиб ўтиришининг гашти-сафосига нима етсин! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Ер қуррасини ўраб турувчи фазо [небо]. Ҳаво ранг. Ҳавода учмоқ. Ҳавога кўтарилмоқ. Ҳаво булут. Ҳаво очиқ. □ Кечаги тиниқ ёрқин ҳаво ҳам йўқ. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ҳаво II [арабча *هواء* — «инжиқлик, тихирлик»] от. Кибр, ғурур, катталиқ [надменность, кичливость]. Ҳавойи, кибр-ҳаво. □ Ёшлиқ ҳавоси. Ҳавоси баланд (йигит). □ Ҳабибий, қош кериб, мағрур боқма элга, камтар бўл, Назардан қолма, бадаҳлоқ ила кибр-у ҳаводан кеч. Ҳабибий.

ҲАД

ҳад I [арабча *حد* — ҳадд — «чек, чегара»] от. I. Йўл қўйилган меъёр, чегара чизиги [мера, граница]. Беҳад ҳадсиз. □ Ҳаддан ташқари. □ Соат иккиларга яқин кун ҳаддан зиёда исиди. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

2. Ҳақ-ҳуқуқ, имконият даражаси [право, возможность]. Ҳаддидан ошмоқ. Ҳадди сигади. □ Отдан тушсангиз ҳам, эгардан тушмаганга ўхшайсиз, чамамда. Ҳа деб ҳаддингиздан ошаверманг, шаҳарнинг дарвозаси, дарвозанинг қулф-калити бор! Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ҳад II [асли арабча *حد* — «марза, бўлтак» сўзидан, шунга кўра ҳад ёзилиши керак эди] от; математика термини. Аъзо [член]. Ҳадларнинг кўпайтмаси. Нисбатларнинг ҳадлари. Бир ҳадли. Кўп ҳадли.

ҲАДИС

ҳадис I [арабча *حديث* — «янги»] от. Бирор ишни усталик билан, эпчил бажариш малакаси [навык, сноровка]. Сен бу ишнинг ҳадисини олиб қолибсан. □ «Қозоғистонлик полвоннинг

ҳадииси анча зўр экан»,— деди Тўлават мўйлов. Суннатилла Анорбоев, Оқсой.

ҳадис II [арабча **حديث** — «баён, суҳбат»] *от; диний*. Пайғамбар ҳаётидан ҳикоя. У .. қанча оятлар, ҳадислар ўқиди. Абдулла Қаҳҳор, Сароб.

ҲАЛ

ҳал I [арабча **حل** — «эритма»] *от*. Олтин ёки қумуш қуқундан ясалган бўёқ [краска для золочения или серебрения]. *Зарҳал*. □ *Ҳал бермоқ*. *Ҳал юритмоқ*. □ *Деҳлида масжид ва мезаналар керагидан ортиқча ҳалларини, кошинларини, нақшларини қаердадир кўргандайман*. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

ҳал II [арабча **حل** — «ечим»] *предикатив сўз* (одатда кесим бўлиб келади). Ажримга, ечимга эга [решён]. *Ҳал қилмоқ*. □ *Бу масала ҳал*. *Бу — ҳал бўлган масала*. □ *Лаган устида одамзоднинг катта-кичиги бўлмайди — бу пайтда фақат иш-таҳагина ҳал қилувчи овозга эга*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ҲУЗУР

ҳузур I [асли арабча **حضور** — «роҳат, ҳаловат»] *от*. Бирор нарсадан қониқиб роҳатланиш, яйраш [блаженство, удовольствие, наслаждение]. *Ҳузурланмоқ*, *ҳузур қилмоқ*. □ *Жоннинг ҳузур*. *Ҳузур кўрмоқ*. *Ҳузур топмоқ*. *Ҳузур бағиш-ламоқ*. *Ўз ҳузурини ўйламоқ*. □ *Езда тоғ-тоғ ўтин тайёрлаймиз, ҳузурини хўжайинлар кўради*. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҳузур II [арабча **حضور** — «ҳозир бўлиш, олдида бўлиш»] *от; кўтаринки*. Қабул, олд [присутствие]. *Ҳузурига чақирмоқ*. *Ҳузурига кирмоқ*. *Ҳузурда бўлмоқ*. □ *Балки Дилдор «Султон Жўра» номли совхозга, Азизнинг ҳузурига ҳам шу кечиктириб бўлмайдиган, муҳим ва зарур ишлари билан боргандир*. Ҳамид Ғулом, Бинафша атри.

ҲУР

ҳур I [арабча **حر** — «озод»] *сифат*. Ўз ҳуқуқи ўзида, мустақил, озод [свободный, вольный]. *Ҳур мамлакат*. *Ҳур инсон*. *Буюк Совет мамлакатининг ҳур граждани*. *Ҳур яшамоқ*. □

Яшна, эй ҳаётбахш музаффар байроқ! Яшна, ҳур, қудратли улғ иттифоқ! Туроб Тўла.

ҳур II [арабча **حور** — «қора кўзли»] *сифат*. Гўзал, фаришта [ангель]. *Ҳур қиз*. *Ҳур-у ғулмон*. □ *Ҳазинангизни бойитаман, ҳарамингизни ҳурлар билан тўлдираман, майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирман*. Уйғун ва Иззат Султон, Навоий.

ҳур III *фетъл*. Вовулламоқ, акилламоқ [ляять]. *У ер-бу ерда хўролар чақиргани, якка-дуқка итлар ҳургани эшитиларди*. Мирзакалон Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

ИЛОВАЛАР

I. Омофонлар

АДИП

адиб [арабча **أديب** — «тарбия кўрган, таълим олган»] *от.* Шоир, ёзувчи, адабиётшунос [поэт, писатель, литературовед]. *Адиба.*
адип *от.* Милк, зиҳ, ҳошия [оторочка, обшивка, кайма]. *Адипламоқ.*

БОП

боб [арабча **باب**] *от.* Қисм, бўлим [глава, раздел]. *Бобма-боб.* □
Иккинчи б о б.
боп [< тожикча *боб*] *сифат.* Муносиб, тўғри келадиган [подходящий, пригодный]. *Бопламоқ, бопта* (сўзлаш.), *оммабоп, уруғ-боп.* □ *Сиз б о п иш.*

ВЕРТИКАЛ

вертикаль [латинча *verticalis* — «тепа қисмдаги»] *от;* *геометрия термини.* Тик тўғри чизиқ; тик чизиқ. *АВ вертикали* (*вертикаль чизиғи*).
вертикал II [< русча *вертикальный*] *сифат;* *геометрия термини.* Тик йўналишга эга. *Вертикал ҳаракат. Вертикал ҳолат.*

ГОРИЗОНТАЛ

горизонталь [юнонча *horizontos* — «бир-биридан ажратувчи, чегараловчи»] *от.* Горизонтга параллел тўғри чизиқ.
горизонтал [< русча *горизонтальный*] *сифат.* Горизонт чизиғига параллел йўналган. *Горизонтал чизиқ. Горизонтал сатҳ.*

ДАРС

дарз: [тожикча — «чок, чок чизиғи»] *от.* Ериқ ўрнини кўрсатувчи чизиқ. *Дарз кетмоқ.*
дарс [арабча **دريس** — «ўқимоқ, ўрганмоқ»] *от.* Ўқув машғулоты [урок]. *Физика дарси. Дарс тайёрламоқ. Дарс бермоқ.*

ЕТ

ёд [тожикча] *от.* Эс, хотира [память]. *Едаки, ёдгор, ёдламоқ.* □
Е д и м да бор. Е д олмоқ. Е д и га тушмоқ. Е д и да н чиқмоқ.
ёт *сифат.* Бегона, таниш бўлмаган; қариндош бўлмаган [чужой, незнакомый]. *Ётсирамоқ.* □ *Ёт киши. Ёт унсур. Ёт нарса. Ётти ёт-бегона.*

ЗОНТ

зонд [французча *sonde* — «пайпаслагич»] *от.* 1. Диагноз қўйиш, даволаш мақсадида баданга тиқиб қўйиладиган таёқча ёки трубкасимон медицина асбоби. *Ошқозон зонди. Хирургия зонди.*
2. Ер қатламларини текширишда ишлатиладиган металл стержен. *Қудуқни зонд билан қазимоқ.*
3. Атмосферанинг юқори қатламларини ўрганишда ишлатиладиган ўзи ёзиш прибори бор ҳаво шарн. *Об-ҳаво зонди ҳар куни учирилади.*
зонт [< русча *зонтик* < голландча *zonnedeck* — «қуёшдан тўсиқ»] *от.*
1. Қуёш иссиғидан, ёгиндан ҳимояланиш буюми. *Қора зонти. Ёзги зонти. Йиғма зонти. Япон зонти.*
2. Атрофи очиқ, фақат тепаси ёпиқ жой [навес]. *Зинапоянинг устига каттагина зонти қурилган.*

КАМПАНИЯ

кампания [французча *campagne* — «юриш, поход»] *от.* Муҳим ижтимоий-сиёсий, хўжалик вазифаларини бажаришга қаратилган иш, сафарбарлик. *Сайлов кампанияси. Пахта кампанияси.*
компания [французча *compagnie* — «жамоа, уюшма»] *от.* 1. Кишиларнинг бирор мақсад асосида бирлашган гўдаси. *Бу йигит бизнинг компанияга яқинда қўшилди.*
2. Ширкат (ташкilot). *Аукционерлик компанияси.*

КОНТРОЛ

контроль [французча *contrôle*] *от.* Текшириш мақсади билан кузатиш, тежаб-тергаб туриш. *Звено фаолиятини контроль остига олмоқ. Иш сифатини қаттиқ контроль қилмоқ. Кундалик контроль ўрнатмоқ. Давлат контроли. Халқ контроли.*

контрол [< русча *контрольный*] *сифат.* Контролни амалга оширувчи, контроль учун хизмат қилувчи. *Контрол органлар. Контрол комиссия. Контрол иш. Контрол талон. Контрол тарози.*

МАГИСТРАЛ

магистраль [латинча *magistralis*—«асосий, бош»] *от.* Алоқа йўлларининг асосий тармоғи. *Шаҳар магистралли. Сув магистралли. Темир йўл магистралли.*

магистрал [< русча *магистральный*] *сифат.* Энг муҳим, энг катта. *Магистрал канал. Магистрал кўча. Магистрал кабель.*

МАРТ

мард [тожикча] *сифат.* Жасур, ботир [мужественный, смелый, храбрый]. *Мардлик, мардларча, мардчасига.* □ *Мард йигит. Мард бўлсанг, майдонга чиқ.*

март [латинча *martius*] *от.* Календарь йилининг учинчи ойи номи. *8-Март байрами.*

НУФУС

нуфуз [арабча *نفوذ*] *от; эскирган.* Обрў-эътибор [влияние, авторитет, престиж]. *Нуфуз қозонмоқ.*

нуфус [арабча *نفوس*] *от; эски.* Аҳоли [население, жители]. *Шаҳарнинг (вилоятнинг) нуфуси.*

ПАРАЛЛЕЛ

параллель [يونонча *parallelēlos*—«ёндош, ёнида борувчи»] *от.* 1. *Геометрия термини.* Бир-бири билан кесишмайдиган чизиқлардан ҳар бири. *Параллель чизмоқ (ўтказмоқ).*

2. *География термини.* Экватордан бир хил узоқликдаги нуқталарни фикран бирлаштириб ўтказиладиган чизиқ. *Ме-*

ридианлар ва параллеллар. Ленинград ва Магадан каби шаҳарлар 60-параллелда жойлашган.

параллел [< русча *параллельный*] *сифат.* Параллель ҳолатда жойлашган. *Параллел чизиқлар. Параллел кўча. Параллел функция.*

СПИРАЛ

спираль [< латинча *spiralis* < *spira*—«қайрилиш, бурилиш»] *от.* 1. Бирор нуқта (ўқ) атрофидаги айланма чизиқ. *Спиралсимон.* □ *Спираль бўйича ҳаракат қилмоқ.*

2. Электр токи ўтганда қиздириш хусусиятига эга ўрама сим. *Электроплитка спиралли. Электр ўтигининг спиралли.*

спирал [< русча *спиральный*] *сифат.* Спираль шаклли, айланма. *Спирал чизиқ. Спирал туманлик.*

СУТ

суд [русча] *от.* Граждан ишлари ва жинной ишларни ажрим қилиб берувчи давлат органи. *Судланмоқ, судсиз, суд қилмоқ.* □ *Олий суд. Халқ суди. Суднинг сайёр сессияси.*

сут *от.* Она боласига эмиздагиган оқ рангли тўйимли суюқлик [молоко]. *Сутли, сутсиз, сутсимон, сутчи, сутхўр.* □ *Сигир суги. Эчки суги. Сут фермаси. Хом сут. Она сугидан ҳалол. Она суги оғзидан кетмаган. Сут билан кирган жон билан чиқар. Мақол.*

СУТХҲҮР

судхўр [тожикча *суд*—«фойда»+*хўр*—«емоқ» феълнинг асоси] *от; эски.* Катта процент фойда тўлаш шарт билан пул қарз берувчи киши [ростовщик]. *Судхўрнинг ўлими* (Садриддин Айний асарининг номи).

сутхўр [ўзбекча *сут*+*хўр*; ўзбек тилида унли асли юмшоқ] *сифат.* Сутни яхши кўрувчи, сутни кўп истеъмол қилувчи. *Сутхўр мушукча. Бу болакай сутхўр чиқиб қолди.*

ТУП

туб [< *туп*] *от.* Ост, таг, асос [низ, дно, основание]. *Тубдан, тубли, тубсиз, тубан.* □ *Қудуқнинг туби. Денгиз тублари.*

туп [асли *туп*—«асос»→*туп*—«экилган кўчат»] *от.* Ўсимлик донаси (нумератив сўз) [куст]. *20 туп олма. 2 туп ток. Ўза тупи.*

ТУШ

туш I, туш II, туш III, туш IV, туш V (луғатга қаранг).

тушь [немисча Tusche] от. Расм солишда, чизмакашликда ишлатиладиган қора ёки бошқа рангли сувли (суюқ) бўёқ. *Баъзи хужжатларга тушь билан қўл қўйиш шарт.*

ҚАЙТ

қайд: [арабча قيد — «боғлаш, бириктириш»] от. Рўйхатдан ўтказиш, ёзиб қўйиш [фиксация, регистрация]. *Қайд этмоқ* (зафиксировать, зарегистрировать).

қайт: [асли қайтмоқ феълидан]. *Қайт қилмоқ* (рвать). *У ортиқча ичиб қўйса, албатта қайт қилади.*

II. Омографлар

БАР

бар I [тожикча] от. Этак, пастки қисм [пола]. *Бари кенг чопон. Тоғ барида.*

бар II [русча < англизча var] от. Тик турган ҳолатда енгил овқатланишга мўлжалланган хона. *Бар соат 10 да очилади. Пиво бари.*

ЖАЗ

жаз I, жаз II (луғатга қаранг).

жаз III [< русча джаз < англизча jazz] от. Пуфлаб ва зарб билан чалинадиган музика асбобларидан тузилган оркестр. *Фойеда жаз замонавий бир куйни ижро этмоқда.*

ЖИН

жин I, жин II (луғатга қаранг).

жин III [русча < англизча gin < engine — «машина»] сифат; *пахта машинасозлиги термини*. Пахта момигини чигитдан ажратиб берувчи. *Цехимиздаги иккита жин машинани бу йил ишга туширдик.*

ЖОМ.

жом I [тожикча — «коса, қадах»] от. Тоғора [таз]. *Мис жомингизни бериб туринг, мураббо пишириб олай.*

жом II [русча — шарбат, сок сиқиб чиқариб берадиган пресс] от. Қанд заводларида лавлагининг шарбати олингандан кейин қолган турпи (қисман молларга ем сифатида ишлатилади).

КОН

кон I [тожикча] от. Ер ости бойликлари қазиб олиннадиган жой ва иншоотлар [рудник, принск]. *Мис кони. Олтин кони. Кўмир кони.*

кон II [русча] от. Ютуққача давом этадиган (бир қур) ўйин (лото, қарта кабиларда). *Бу конни ким ютди?*

ЛАК

лак I [сўзлашувда — лок; итальянча lassa] от. Турли смолаларнинг спирт ёки скипидарда эритилишидан ҳосил бўладиган ва ялтиратиш учун ҳамда бузилишдан сақлаш учун ёғоч буюмлар сиртига суртиладиган суюқлик. *Лакламоқ* (локламоқ). □ *Янги ясалган шкафга бир неча марта лак берилади.*

лак II [тожикча — «юз минг»] сом; эскирган; ҳозир такрорлаб ишлатилади. Санаб бўлмайдиган даражада жуда кўп. *Сен лаклак қўшинга саркарда бўладиган бўлимли йигитсан.* Ойбек, Навоий.

ЛАНГ

ланг I от. Қорин касаллиги [диспепсия]. *Отарга ланг тегибди.*

ланг II [тожикча; жуда кенг унлили] сифат; эскирган. Оқсоқ, чўлоқ [хромой]. *Оёғи сезилар-сезилмас ланг эди.*

ланг III [унлиси чўзиқроқ, охириги ундоши «ғ»лашиб айтилади] равиш. Бутунлай, имкон борича кенг [настежь]. *Дарвоза ланг очик.*

МАЙ

май I [русча < латинча majus] от. Қалендарь йилининг бешинчи ойи номи. *Биринчи май байрами. Тўққизинчи май — ғалаба куни.*

май II [тожикча] от; эскирган. Бода, шароб, мусаллас [вино]. *Майхўр, майпараст, майхона.* □ *Симонов каттагина пиводаги майни охиригача симирди-да: «Грузин шаробларидан қолишмайди, — деди, — фақат ширини кўпроқ».* Ҳамид Фулом, Бинафша атри.

МАН

ман I [сўзлашув формаси, адабий нутқда — мен] I шахс бирлик кишилик олмоши. *Манман.* □ *М а н ҳам эдим санингдек, сан ҳам бўласан м а н и н г д е к.* Мақол.

ман II: [арабча *منع* — «тақиқлаш, тийиш; 1956 йилгача *ман'* шаклида апостроф билан ёзилар эди]. *Ман қилмоқ* (тақиқламоқ).

ОШИҚ

ошиқ I, ошиқ II, ошиқ III (луғатга қаранг).

ошиқ IV [биринчи унлиси чўзиқ; арабча *عاشق* — «ишққа мубтало бўлган киши»] *от. Ошиқона, ошиқ бўлмоқ, ошиқ-маъшук.* □ *Баҳор фаслида дарахтлар Бахмалнинг жамолига, маст бўлган ошиқ булбуллар ошёнига айланарди. Шароф Рашидов, Қудратли тўлқин.*

ОШИҚЛИК

ошиқлик I [*ошиқ I+лик* — сифат ясовчи аффикс] *сифат.* Ошиғи бор. *Қассобдан ошиқлик сон беришини сўранг.*

ошиқлик II [*ошиқ IV+лик* — от ясовчи аффикс] *от.* Ишққа мубталолик [влюблённость]. *Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан. Бошимга тушганда билдим. Парда Турсун, Уқитувчи.*

ПИР

пир I [тожикча; унлиси чўзиқ; *пийр* каби талаффуз қилинадн] *от.* Қария [старец]. *Пирри бадавлат бўлинг.*

пир II: [*<пир I>* сифат. Эски, сўник. *Ҳафсаласи пир бўлди* («хоҳиш-ишончини йўқотди»).

пир III [асли охириги ундоши чўзиқ] *тақлидий сўз.* Кичик қуш учганда қаноти чиқарадиган товушни билдиради. *Пирилламоқ, пир-пир.* □ *Чумчуқ пир этса, юраги шир этади.*

ПОЛ

пол I [*<тожикча бол>* *от.* Тўрт қирғоғи бир оз кўтарилган экин майдони (шоли, беда каби бостириб суғориладиган экинларда).

пол II [русча; сўзлашув нутқида унли ўзбекча талаффуз қилинади] *от.* Хонанинг оёқ ости томони. *Кенггина тўртбурчак хона икки томонига ўрнатилган баланд итальян ромлардан ёп-*

ёруғ; полга қип-қизил гилам тўшалган. Ҳамид Гулом, Бинафша атри.

РАНГ

ранг I [тожикча] *от.* Бўёқ, бўёқли тус [краска, окраска]. *Рангдор, рангли, рангпар, рангсиз, ранг-баранг, ранго-ранг.* □ *Ранг бермоқ. Тўқ қизил ранг. Новвот ранг соч. Рангидаранг қолмади.*

ранг II [русча < французча rang — «қатор»] *от; ҳарбий термин.* Даража. *1-ранг капитани. 2-ранг капитани. 1-ранг крейсер. 2-ранг крейсер.*

РОМ

ром I, ром II, ром III [луғатга қаранг].

ром IV [русча < инглизча rum] *от.* Шакар қамишдан тайёрланадиган кучли спиртли ичимлик. *Врач чойга бир оз ром қўшиб ичишни тавсия қилди. Ҳозир ром Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилади.*

ТАЛОН

талон I [русча < французча talon] *от.* Бирор нарса олиш ҳуқуқини берадиган контрол варақча. *Автомашиналарга бензин ягона талон билан берилади.*

талон II: [*тала+н* ясовчиси] *от.* *Талон-торож* (разбазаривание). *Талон-торож қилмоқ* (разбазаривать).

ТОК

ток I [тожикча] *от.* Узум ўсимлиги [виноградник]. *Токзор, хомток.* □ *Ток новдаси. Ток қайчи.*

ток II [русча] *от.* Электр зарядларининг ҳаракати, электр қуввати. *Узгарувчан ток. Юқори кучланишли ток. Токни уламоқ.*

ТОМ

том I, том II, том III (луғатга қаранг).

том IV [русча < юнонча tomos — «бўлим»] *от.* Катта ҳажмли асарнинг айрим-айрим қисмлари, жилд. *Изоҳли луғатнинг ҳар икки томи нашрдан чиқди.*

ТОН

тон I [русча < юнонча topos — «овознинг кучланиши»] *от.* Маълум тебраниш кучига эга музикал товуш, оҳанг. *Овознинг тембрини асосий тон билан обертонларнинг қўшилмаси белгилайди.*

тон II *фезл.* Бўйинга олмаслик [не признаваться]. *Кеча айтган гапидан бугун тониб турибди.*

ТОРТ

торт I [русча < итальянча torta] *от.* Ег, қанд, тухум, ундан тайёрланадиган кондитер маҳсулоти. *Ҳозир меҳмондорчиликка торт кўтариб бориш одат тусига кирди.*

торт II *фезл.* Куч билан ўзига томон силжитмоқ, яқинлаштирмақ [тянуть]. *Тортма.* □ Арқоннинг учини тортмоқ. *Отнинг жиловини тортмоқ. Енгидан тортмоқ.* □ Большевиклар яратган янги ҳаёт уни кўзга кўринмас қандайдир бир куч билан ўзига тортди. *Парда Турсун, Уқитувчи.*

УРА

ура I [русча; иккинчи унлиси чўзиқ] *ундов;* ҳарбий хитобни билдиради. *Ура садолари янгради.*

ура II: [ур — «зарб бер» + а равишдош ясовчиси] *равиш.* Зудлик билан, шопилнич [стремительно, без оглядки]. *Ура қочди.*

ХОР

хор I [русча < юнонча choros] *от.* Бир вақтда айни бир асарни ижро этувчи ашулачилар коллективи. *Хор тўғарагига қатнашмоқ. Хорда солист бўлиб ишламоқ. Пятницкий номидаги хор.*

хор II: [тожикча] *сифат.* Таҳқирланган, оёқ ости қилинган [униженный, оскорблённый]. *Хорлик, хор қилмоқ, хор бўлмоқ, хор айламоқ, хор-зор.* □ *Ҳунарли эр хор бўлмас. Мақол.*

ЭТИК

этик I *от.* Узун қўнжли оёқ кийими [сапог]. *Этикдўз.* □ *Хром этик. Этик чўтка. Икки оёғини бир этикка тиқмоқ.*

этик II [< русча *этический, этичный*] *сифат.* Этика қондаларига асосланган, этика талабига тўғри келадиган. *Ахлоқнинг этик нормалари. Этик талаблар.*

III. Ургу ўрнига кўра фарқланувчи лексемалар

АГРОТЕХНИК

агротехник [юнонча agros — «дала» + technikē — «санъат, усталик»] *от.* Агротехника бўйича мутахассис.

агротехник [< русча *агротехнический*] *сифат.* Агротехникага асосланган. *Агротехник усуллар. Агротехник тадбирлар. Ернинг агротехник шароитини яхшилаш. Ғўзани агротехник муддатларда суғориш ва культивация қилиш.*

АКАДЕМИК

академик [юнонча; Афина яқинидаги дарахтзорнинг номидан; бу дарахтзорда Платон ўз таълимотидан дарс берган] *от.* Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. *Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир аъзолари.*

академик [< русча *академический*] *сифат.* 1. Йирик, катта нуфузли, намунали. *Академик нашр. Академик театр.*

2. Уқув юртларида машғулотлар давом этадиган. *Академик йил* (1 сентябрдан 1 августгача бўлган вақт. Қиёсланг: *астрономик йил* — 1 январдан 1 январгача бўлган вақт). *Академик соат* (45 ёки 50 минут. Қиёсланг: *астрономик соат* — 60 минут).

АТЛАС

атлас [арабча *اطلس* — «силлиқ»] *от.* Товланувчи силлиқ ипак матонинг махсус усул билан тўқилган тури. *Хон атлас. Саккиз тепки атлас. Атлас кўйлак. Атлас кўрпа.*

атлас [юнон афсонавий паҳлавони Атлант номидан; шу тур тўпламнинг биринчи нашрида унинг расми туширилган] *от.* Маълум мақсад асосида тузилган карталар тўплами. *Географик атлас. Ботаника атласи. Диалектологик атлас.*

БАНДА

бандá [тожикча] *от.* Диндорлар этикодича худо яратган ва бутун ихтиёри худонинг амрида бўлган одам. *Худонинг бандаси. Боридá — чора-чора, йўғидá — бандá бечора.* Мақол.

бáнда [русча < итальянча] *от.* Қуролланган ўғрилар, бочқинчилар, бандитлар тўдаси, шайка. *Бу бáнда Америкада ишлаб чиқарилган қуроллар билан қуролланган.*

ГЕОФИЗИК

геофизик [юнонча *gē* — «ер» + *физика*] *от.* Геофизика (ер шарининг қуруқлик, сув ва ҳаво қатламларидаги процессларни ўрганувчи соҳа) бўйича мутахассис.

геофизик [< русча *геофизический*] *сифат.* Геофизикага асосланган. *Ер ости бойликларини қидиришининг геофизик методлари.*

ГЕОХИМИК

геохимик [юнонча *gē* — «ер» + *химия*] *от.* Геохимия (ер шарининг химик элементлари тарихини ва уларнинг ер юзида тарқалишини ўрганувчи соҳа) бўйича мутахассис.

геохимик [< русча *геохимический*] *сифат.* Геохимияга асосланган. *Руда конларининг геохимик классификацияси.*

ГИДРОТЕХНИК

гидротехник [юнонча *hydro* — «сув, нам» + *техника*] *от.* Гидротехника (сув ресурсларидан фойдаланиш ва сув иншоотлари қуриш вазифаларини ўрганувчи соҳа) бўйича мутахассис.

гидротехник [< русча *гидротехнический*] *сифат.* Гидротехникага асосланган. *Гидротехник иншоотлар. Гидротехник қулайликлар.*

ГРАФИК

график I, график II (луғатга қаранг).

график [< русча *графический*] *сифат.* Схема, диаграмма, чертёж ёрдамида ифодаланган. *Масаланинг график ечими. График тасвир.*

КЛАССИК

классик [латинча *classicus* — «биринчи даражали»] *от.* Асарларининг аҳамияти, қиймати билан барчага манзур бўлган атоқли фан, адабиёт, санъат арбоби. *Марксизм-ленинизм классиклари. Рус адабиётининг классиклари. Рус театр санъатининг классиги.*

классик [< русча *классический*] *сифат.* Мукамал, ўрнатилган тинчлик бўла оладиган. *Лениннинг классик таърифи. Классик бадиий асар. Классик санъат асари.*

КРЕДИТ

кредит [латинча *credit* — «ишонди»] *от;* *молия термини.* Қиримчиқим дафтариининг барча чиқимлар ва қарзлар ёзиладиган ўнг томони (дебетнинг акси). *Маълум суммани дебетдан кредитга ўтказиб қўймоқ. Кредит операцияси.*

кредит [латинча *credutum* — «қарз, ссуда»] *от;* *молия термини.* Қарзга бериладиган товар ёки пул. *Узоқ муддатли кредит. Кредитга бермоқ. Бирор ташкилот учун кредит очмоқ.*

ЛИРИК

лирик [юнонча *lyrikos* — «лира билан куйланувчи, таъсирчан»] *от.* Лирик асарлар ёзувчи шонр.

лирик [< русча *лирический*] *сифат.* 1. *Адабиётшунослик термини.* Лирика жанрига мансуб. *Лирик шоир. Лирик поэма.*

2. *Лиризм билан суғорилган, эмоционал таъсири кучли. Лирик кайфият. Лирик чекиниш.*

3. *Музикашунослик термини.* Майин тембри, ёқимли (овоз) *Лирик сопрано. Лирик тенор.*

МАТЕМАТИК

математик [юнонча *mathēmatikē* < *mathēma* — «билим, фан»] *от.* Математика бўйича мутахассис. *Давримизнинг етук математиклари.*

математик [< русча *математический*] *сифат.* Математикага оид, математикага асосланган. *Математик анализ. Математик формула.*

МЕТАФИЗИК

метафизик [юнонча *meta ta physika* — «физикадан кейин»] *от.* Метафизика тарафдори. *Людвиг Фейербах материалист, ammo метафизик эди. XVII, XVIII аср философларининг кўпи метафизик бўлган.*

метафизик [< русча *метафизический*] *сифат.* Метафизикага асосланган. *Метафизик метод. Метафизик материализм. Метафизик нуқтаи назар.*

МЕХАНИК

механик [юнонча *mēchanikē* — «қурол, иншоот»] *от.* 1. *Механика бўйича мутахассис. Механикларнинг назарий тадқиқотлари.*

2. Машиналарни назорат қилиб турувчи киши. *Заводимизга механиклар жуда зарур.*

механик [< русча *механический*] сифат. 1. Механикага оид. *Механик ҳаракат. Механик энергия.*

2. Юзаки, моҳиятини англаб етмаган ҳолда; беҳосдан йўл қўйилган. *Масалага механик ёндашув. Механик ҳато.*

МИСТИК

мистик [юнонча *mystika* — «сир»] от. Мистикага мойил киши; диний-мистик таълимот тарафдори. *XX аср бошидаги ёш мистиклар тўғараги.*

мистик [< русча *мистический*] сифат. Мистикага асосланган; мистика билан суғорилган. *Мистик эътиқод. Мистик назария. Мистик поэзия. Мистик берилиш (иштиёқ).*

МОДА

мода [тожикча] сифат. Макиён, урғочи (товуқ ва беданадан бошқа қушларга нисбатан ишлатилади) [самка]. *Мода ўрдак. Мода ғоз.*

мода [французча *mode*] от. 1. Маълум бир ижтимоий доирада маълум вақт давомида кийиниш, уй жиҳозлари танлаш диди. *Модага кирмоқ. Модадан чиқмоқ. Модага мувофиқ кийинмоқ. Баланд пошна яна модага қайтди.*

2. Ҳозирги дид талабига жавоб берадиган кийим-кечак намуналари. *Шу мавсумнинг моддалари. Моддалар ательеси.*

НАРКОТИК

наркотик (юнонча *наркōtikos* — «гангитувчи») от. 1. Медицинада беҳуш, оғриқ сезмайдиган ҳолга келтириш мақсадида ишлатиладиган моддалар, наркоз (масалан, морфий, кокаин, алкоголь ва бошқалар). *Операция ўтказишда наркотиклардан фойдаланиш. Наркотиклар касалларга махсус кўрсатма билан берилади.*

2. Наркотикларга ружу қилган киши, наркоман. *Наркотиклар организмида шу заҳарни қабул қилиш талаби вужудга келади.*

наркотик [< русча *наркотический*] сифат. 1. Таркибида наркоз бор, наркоздан иборат. *Наркотик ўсимликлар* (наша, кўкворни кабилар). *Наркотик моддалар.*

2. Наркоз билан боғлиқ. *Наркотик ҳолат.*

ОПТИК

оптик [юнонча *optike*] от. Оптика (физиканинг ёруғлик ҳодисаларини ўрганувчи бўлими) бўйича мутахассис. *Кафедрада мистик оптик фақат шу киши.*

оптик [< русча *оптический*] сифат. Оптикага оид, оптик хусусиятга эга. *Оптик асбоблар. Оптик иншоотлар. Оптик алданиш* (сароб).

ОРГАН

орган [юнонча *organon* — «қурол, асбоб»] от. 1. Организмнинг маълум бир вазифани бажарувчи қисми. *Сезги органлари. Эшитиш органи. Қон айланиш органилари. Таъм-маза билиш органи.*

2. Маълум бир вазифани бажарувчи ташкилот, муассаса. *СССР Олий Совети — СССР давлат ҳокимиятининг юқори органи.*

3. Партия, ташкилот, муассасанинг периодик нашри. *«Правда» газетаси — КПСС Марказий Комитетининг органи.*

орган [юнонча *organon* — «асбоб»] от. Босқон ёрдамида ҳавони турли-туман трубалардан (найлардан) ҳайдаб ўтказиш асосида чалинадиган клавишли музика асбоби. *Орган чалмоқ. Орган садолари.*

ОРГАНИК

органик [< латинча *organismus*] от. Органик химия бўйича мутахассис. *Сиз органик мисиз ёки физхимик мисиз?*

органик [< русча *органический*] сифат. Ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсига (организмга) хос, доир. *Органик моддалар. Органик қолдиқлар. Органик химия.*

ПРОЗАИК

прозаик [< латинча *prosa*] от. Проза (наср) билан ижод қиладиган ёзувчи, адиб. *Ўзбек совет адабиётининг йирик прозаиклари.*

прозаик [< русча *прозаический*] сифат. Проза билан ёзилган. *Прозаик асар.*

РОМАНТИК

романтик [< французча romantisme] от. Романтизм (адабиёт ва санъатда XIX аср бошларида пайдо бўлган оқим) тарафдори.

романтик [< русча романтический] сифат. Романтизм руҳида ёзилган. *Романтик поэзия. Романтик музыка.*

РОНДО

рондо I, рондо II (луғатга қаранг).

рондо [итальянча rondo — «думалоқ, айланма»] от; *музикашунослик термини.* Асосий темаси бир неча марта бирор қўшимча тема билан такрорланадиган куй, музыка тури.

СОЯ

соя [тожикча] от. Қуёш нури тушмайдиган салқин жой; кўланка. *Соя тушди. Сояга ўтиб ўтирмоқ. Соя-салқин жойлар.*

соя [русча < японча] от. Ловияга ўхшаш ўсимлик ва шунинг ҳосили. *Соя ловиядан кўра қаттиқроқ бўлади.*

ТАКТИК

тактик [< юннча taktike — «қўмондонлик санъати» < tasso — «тартибга келтирмоқ»] от. Тактика мутахассиси; тактиканинг устаси. *Суворов — йирик рус тактикларидан бири.*

тактик [< русча тактический] сифат. Тактикага асосланган. *Қўшинларнинг тактик тайёргарлиги. Тактик машқлар. Тактик муваффақият. Тактик раҳбарлик.*

ТЕХНИК

техник [< юннча technike — «моҳир, уста»] от. Техниканинг бирор соҳаси бўйича ўрта маълумотли мутахассис. *Инженерлар ва техниклар етиштириш. Тиш техниги. Алоқа ишлари техниги. Техник-электрик. Техник-бинокор. Техник-лейтенант. Техник-интендант.*

техник [< русча технический] сифат. Техникага оид. *Техник асбоб-ускуналар. Техник усуллар. Техник мойлар. Техник ижрочи. Техник контроль (техника контроли).*

ФИЗИК

физик [юннча physike < physis — «табиат»] от. Физика бўйича мутахассис; физика ўқитувчиси. *Университет физикларининг 1981 йил режалари.*

физик [< русча физический] сифат. Физикага оид, физикага асосланган. *Жисмларнинг физик хоссалари. Физик жараёнлар (процесслар). Физик география. Физик химия.*

ХИМИК

химик [< юннча < латинча chemia < арабча كيمياء] от. Химия бўйича мутахассис. *Университет химикларининг 1981 йил режалари.*

химик [< русча химический] сифат. Химияга оид, химияга асосланган. *Химик усул. Химик реакция. Химик модда. Химик анализ. Моддаларнинг химик хоссалари.*

ЧОРА

чора от; эскирган. Қатта ёғоч идиш [деревянная чаша]. *Косадан чора чиқармоқ. Борида — чора-чора, йўғида — банда бечора. Мақол.*

чора [тожикча; биринчи унлиси чўзиқ] от. 1. Тадбир [мера]. *Ошиғич чора кўрмоқ. Қатъий чора кўрмоқ.*

2. Илож [выход из положения, средство избавления]. *Чорасиз. Чорасини топмоқ. Чораси бор. Узга чораси йўқ.*

ЭМПИРИК

эмпирик [< юннча empeiria — «тажриба»] от. Эмпиризм (ҳиссий идрокни, тажрибани англаш-билишнинг бирдан-бир воситаси деб биладиган фалсафий йўналиш) тарафдори; тажрибагагина суяниб иш тутадиган киши.

эмпирик [< русча эмпирический] сифат. 1. Эмпиризмга асосланган. *Эмпирик философия.*

2. Тажрибага суянган. *Эмпирик йўл билан (эмпирик равишда).*

ЭНЕРГЕТИК

энергетик [< юннча energetikos — «фаолият кўрсатувчи» < юннча energeia — «фаолият»] от. Энергетика (теплотехника, электротехника каби соҳалар) бўйича мутахассис.

энергетик [< русча энергетический] сифат. Энергетика билан, энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ. *Энергетик реактор. Энергетик ресурслар (имкониятлар).*

ЯНГИ

янги *сифат*. Илгари бўлмаган, яқинда пайдо бўлган, ташкил топган [новый]. Янгиламоқ, янгилик, янгича. □ Янги кўча. Янги тўн. Янги ўқитувчи. Янги оила.

янги *равиш*. Ҳозиргина, яқиндагина [совсем недавно]. Уканг янги шу ерда турган эди.

ҲОЗИР

ҳозир [арабча حاضر — «шу вақт, шу замон, шу топ»] *равиш* [сейчас, теперь]. Ҳозирги, ҳозирча, ҳозиржавоб. □ Ҳозирнинг ўзида. Ҳозир аҳвол бутунлай бошқача. Ҳозир келаман.

ҳозир [арабча حاضر — «тайёр, ҳузурида бор, қатнашувчи»] *предикатив сўз* (кесим бўлиб келади) [готов]. Ҳозирламоқ, ҳозир бўлмоқ, ҳозир-у нозир. □ Ҳозирлик кўрмоқ. □ Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир. Мақол.

На узбекском языке

Рахматуллаев Шавкат

ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ ОМОНИМОВ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Пособие для студентов университетов
и педагогических институтов

Ташкент «Ўқитувчи» 1984

Редактор С. Аҳмедов
Бадний редактор П. А. Бродский
Техн. редактор Н. Комиссарова
Корректор Б. Ахматова

ИБ 3067

Теришга берилди 19.01.84. Босишга рухсат этилди 26.10.84. Формат 84×108/32. Тип. қоғози № 2. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 11,34. Шартли. кр-отг. 11,47. Нашр. л. 9,67. Тиражи 10000. Зак. №2667. Баҳоси 75 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—141—83.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент, Навоий кўчаси 30. 1984.

Главное предприятие Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Навои, 30.